

✓ 65
D-60 D, D

Ю. ДОДОБОВ, А. ХУДОЙБЕРДИЕВ

КОРХОНА

ИҚТИСОДИЁТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

А. АЗИЗОВ НОМИДАГИ ҚУВАСОЙ ТАДБИРКОРЛИК
ЎҚУВ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Ю.ДОДОБОВ. А.ХУДОЙБЕРДИЕВ

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Ўқув қўлланмаси

(Тўлдирилган ва қайта ишланган 2-нашри)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши раёсати (2002 йил 20 апрелдаги 26-сон баённома) олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси буйича таълим олаётган талабалари учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этган.



«ANDIJON NASHRIYOTI»
2002

Масъул муҳаррир: **А. ҒОҒУРОВ**, и.ф.д., профессор

Тақризчилар: **Т.ЖУМАҚУЛОВ**, и.ф.д., профессор
Х.ХУЖАҚУЛОВ, и.ф.н.

Додобоев Ю., Худойбердиев А.

Корхона иқтисодиёти (Уқув қўлланмаси). Тўлдирилган ва
кайта ишланган 2- наشري. -А., «ANDIJON NASHRIYOTI» ОАЖ.
2002 й.

Вазирликнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Қувасой тадбиркорлик
уқув илмий ишлаб чиқариш маркази илмий кенгаши олий уқув юртлари талаба-
лари учун уқув қўлланмаси сифатида тавсия этган мазкур рисола шунингдек,
мутахассислар, корхоналар раҳбарлари, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тадбир-
корлиги билан шуғулланувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Андижон вилоятининг
З.М. Бобур номили
кутубхонаси
65.9 (2) 29я 75
Д - 65

© Қувасой тадбиркорлик уқув илмий
ишлаб чиқариш маркази. 2002
© «ANDIJON NASHRIYOTI» ОАЖ. 2002

КИРИШ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришиши билан бир вақтнинг ўзида иқтисодиётда туб иқтисодий ислохотлар ҳам амалга оширила бошланди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида маъмурий-буйруқ-бозликка таянган бошқарув тизимидан бозор қонуниятларига таянган ва ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган бошқарув моделига ўтиш жараёни поёнига етмоқда. Эндиликда моддий неъматларни ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан тула мустақиллигини таъминламай туриб, иқтисодий ва ижтимоий самарага эришиб бўлмаслиги барчага аён.

Ҳозирги вақтда давлат корхоналарини мулкнинг бошқа шаклига ўтказиш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Зарур қонун ҳужжатлари қабул қилинди, ташкилий шарт-шароитлар яратилди. (И.Каримов. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, мафкура. Т.1. — Т; 1996 — 211-бет).

Авваллари «юқоридан» берилган топшириққа асосан чекланган бўлса ҳам ажратилган ресурсларга таянган ҳолда «барча куч ва имкониятларни, корхонанинг ички резервларини ишга солиб», режа кўрсаткичларини бажариш катта муваффақият саналар эди. Ишлаб чиқариш топшириғига мувофиқ тайёрланган маҳсулотнинг харидорлари ҳам корхонага бириктириб қўйилар эди. Харидор бўлгач, маҳсулот баҳоси белгилангач, унинг сотилиши, пулнинг келиб тушиши ҳам кафолатланар эди. Шундай экан, режали хўжалик корхонаси раҳбари ва мутахассисларидан ижодий фикрлаш, изланиш ҳам деярли талаб қилинмас эди. Натижада уларнинг ақл-заковатлари, билимлари «ички имкониятларни, резервларни» излаб топишга» қаратилар эди холос. Бу-

гунги кунда корхоналар ўз фаолиятларини ўзлари режалаштиради, айнан бозор талаб қилаётган маҳсулотларнигина ишлаб чиқаришни изга солади, харидорларни излаб топади, ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда шартномалар имзолайди ва уларнинг бажарилишини таъминлайди. Шундай шароитда энди кимнингдир берган кўрсатмаларини бажариш эмас, балки корхона фаолиятини бошқаришни урганишга тўғри келади.

Ўрганишни эса режали хўжалик юритишдан қолган боқимандалик кайфиятидан воз кечишдан, корхонанинг бугунги кунини чуқур таҳлил қилиб, юзага келган вазиятга ҳолисона баҳо бериб, унинг узоқ келажагини таъминлай оладиган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан бошлаш керак. Бу осон иш эмас, албатта. Лекин жуда зарур вазифа.

Корхонани бошқаришда корхонанинг бизнес оламидаги очиқ тизим эканлигини, унинг ҳам бевосита, ҳам билвосита ташқи омиллар таъсири остида бўлишини тушунган ҳолда иш тутиш даркор. Бозор қонуниятларини, унинг талабларини инобатга олган ҳолда иш юритилса, унинг талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариб, ишлар бажарилиб, хизматлар кўрсатилса, корхонанинг гуллаб-яшнаши, ўз мавқеига, ўз ўрнига эга бўлиши кафолатланади. Корхона муваффақияти илгаригидек «ички имкониятларни, резервларни қидириб топишда» эмас, балки ташқи муҳитга мослашишда: энг зарур ресурсларни энг қулай шартлар билан олишда, уларни тайёр маҳсулотларга айлантиришда ва энг ишончли харидорларга энг қулай шартларга асосан ўтказишда, корхона фаолиятини амалда юзага келган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник омилларга мос равишда ташкил эта билишдадир.

Илму фан тараққиёти биз учун энг устувор соҳалардан биридир. Ўзининг келажагини уйлайдиган жамият, давлат авваламбор ўз олимларини, илм-зиё аҳлини ҳурмат қилиши керак (И.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. Т., 1996 — 80-б.).

Фан-техника тараққиёти жадаллашиб бораётган, янги техника ва технологиялар тинимсиз жорий этилаётган, кишиларнинг, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари тез ўзгариб бораётган давримизда корхоналар фаолиятини тез ўзгарувчан муҳитга тез жавоб қайтара оладиган қилиб ташкил этиш зарур

булади. Бунинг учун корхонанинг ўзи қандай типда бўлишини туғри белгиламоқ, барча ресурсларни илмий-амалий жиҳатдан асослаб ишлатмоқ, корхона муваффақиятига ҳам, омадсизлигига ҳам сабабчи буладиган инсон ресурсларидан онгли равишда фойдаланмоқ, ишлаб чиқаришнинг, маҳсулотлар реализациясининг барча паллаларида ҳам тадбиркорлик нуқтаи назаридан иш кўрмоқ зарурати рад этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Бозор иқтисодиёти оламида ҳар бир корхона хавф-хатар остидагина эмас, балки чексиз-чегарасиз имкониятлар шароитида ҳам иш кўради. Хавф-хатарни вақтида пайқамоқ, унга чап бермоқ, дуч келганда унга қарши муносиб равишда курашиб, юзга келган имкониятлардан фойдаланиб қола билмоқ ҳозирги замон раҳбар ва мутахассисларининг энг долзарб вазифаларидандир.

Мазкур ўқув қўлланмасини тайёрлашда чет эл менежменти, ишлаб чиқариш тадбиркорлиги тажрибасидан ҳамда бир неча йиллар давомида турли хил корхоналар ва бирлашмаларда юқори раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган кишилар ва педагоглар тажрибаларидан фойдаланилди.

Муаллифлар асосий эътиборни корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий қоидалари, усулларига қаратдилар, бу ўз навбатида мутахассисларга ўзлари учун энг самарали усулни танлаб олиш имкониятини беради.

Қўлланма талабалар, мутахассислар, корхона раҳбарлари, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш тадбиркорлиги билан шугулланувчи кишилар учун мўлжалланган.

Муаллифлар «Корхона иқтисодиёти» ўқув қўлланмасини нашрга тайёрлашда ўзларининг маслаҳатлари билан ҳар томонлама ердам кўрсатган академик М. Шарифходжаев, иқтисод фанлари докторлари, профессорлар: С. С. Ғуломов, Ғ. Абдуллаев, Қ. А. Ҳасанжонов, А. Х. Ғофуров, Т. Жумақулов, З. Юлдашев, Ф. Каримов, Т. Мирзамаҳмудов; иқтисод фанлари номзодлари: Х. Хўжақулов, Д. Қурбонов, М. Раҳматов, А. Л. Ғофуровларга миннатдорчилик билдирадилар.

ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ

Барча турдаги маҳсулотлар, истеъмол моллари, турли-туман ишлар ва хизматлар мулкчилик шакли, ихтисослашуви, катта-кичиклиги, мавқеи, жойлашган жойи турлича бўлган корхоналар томонидан истеъмол бозорига етказиб берилади.

Корхоналар очиқ тизим бўлиб, ташқи муҳитдан хом ашё ва энергия ресурсларини, маблағларни ва ишчи кучларини, информацияларни ва янги техника, технологияларни олади ҳамда унга тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва курсатиладиган хизматлар шаклидаги меҳнат натижаларини чиқаради. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг корхоналарнинг бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиши учун уларнинг ҳуқуқий томонларига катта эътибор берилиб, бир қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1995 йил 21 декабрда қабул қилинган), Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (2000 йил 25 май) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Корхонада турли ёшдаги ва жинсдаги, миллатдаги ва ирқдаги, малакадаги ва савиядаги, дунёқарашдаги ва мақсаддаги инсонлар меҳнат қиладилар. Улар фақат «тер тукиб ишлаб, нон-насибаларини олиш учун эмас», балки инсон сифатидаги эзгу ниятларини, билим ва кўникмаларини севимли ишларига, корхоналарига сарфлаш, яратувчилик билан машғул бўлиш ва кўзланган натижаларига эришиб, ҳам руҳий, ҳам маънавий қаноатланиш учун, ўзлигини ифодалаш учун ҳам меҳнат қиладилар.

Ишлаб чиқарадиган молларимиз сифатли ва рақобатга бардошли бўлиши керак. Молларимизни, энг аввало, ташқи бозор-

да, айниқса кенг жаҳон бозорида қанчалик кўп сотиб олишга интилишса ва эҳтиёж билдиришса, оқибатда мамлакатимизга шунча кўп чет эл валютаси кириб келади ва шунинг баробарида миллий валютамизнинг ҳам кучи ошади (И. Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т., 1996 й. 220 - бет).

Хуш, барча корхоналар ҳам бозор иқтисодиёти деб аталмиш бешафқат оламда ҳеч қандай тўсиқларсиз кўзлаган мақсадига эришаверадимми? Қаерда бўлмасин, қандай бўлмасин корхонани очиш ва дуч келган маҳсулотни ишлаб чиқариш тадбиркорлик муваффақиятини таъминлайверадимми? Тадбиркорлик нима, тадбиркорнинг ўзи ким? Ижрочи раҳбар билан тадбиркор мулкдорнинг фарқи нимада? Корхона иқтисодиёти фани тадқиқ этадиган муаммолар доираси бир қарашда оддий кўринган ана шу саволларга жавоб излашдан, тадбиркорлик турлари ва шаклларига атрофлича таъриф беришдан бошланади.

Янги мулк эгалари, тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг савияси ва билимларини ошириш, улардан ҳақиқий бизнесменларни тарбиялаб етиштириш гоят муҳимдир. (И. Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби: Т. 5. Т., 1997 й. 92 - бет).

Тадбиркор раҳбар ва мутахассислар ўз ташкилотлари, корхоналарининг истиқболдаги келажаги учун курашадилар, шу кун, шу соатда қўлга киритилаётган вақтинчалик ютуқлардан, олинаётган даромад ва кўрилаётган фойдадан эсанкирамайдилар, ҳаволанмайдилар. ҳақиқий тадбиркор бугунги имкониятдан фойдаланган ҳолда бозор ҳақидаги, унда содир бўлаётган сезилар-сезилмас ўзгаришлар ҳақидаги, талаб билан таклиф нисбати тўғрисидаги, инсон онгига ва иродасига бўйсунмас қонуниятлар ҳақидаги билимларни ўзлаштиради, уларни таҳлил қилади, уларга таянган ҳолда бугун ва эртага, олис келажакда ишлаб чиқариладиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар учун замин ҳозирлайди. Тадбиркор раҳбар қўл остида ишлаётган мутахассислар ўз ишларини харидор талабига мослабгина қолмасдан, уни харидорнинг талаб ва истакларини шакллантиришни кўзлаб ташкил қиладилар. Улар бозор қонуниятларининг ортидан эргашиб эмас, бозорни ўзгартирувчилар сафининг олдида борадилар, ҳали ҳеч ким ишлаб чиқармаган товарларни, бажармаган ишларни, кўрсатмаган хизматларни биринчилардан бўлиб таклиф қиладилар ҳамда ха-

ридорларнинг, истеъмолчи ва мижозларнинг диди шаклланишига ҳам ижобий таъсир ўтказадилар.

«Корхона иқтисодиёти» ўқув қўлланмаси ўз ўқувчиларига таклиф этаётган мавзулар ичида корхоналарнинг ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш масалалари алоҳида ўрин тутди. Корхоналарнинг асосий функцияларидан бири ресурсларни маҳсулотга, бажариладиган ишларга ва курсатиладиган хизматларга айлантириш эканлиги барчага аён. Ресурсларни исроф қилмаслик, улардан ўринли фойдаланиш, айниқса инсон ресурсларидан, раҳбар ва мутахассисларнинг илмий-техник салоҳиятидан ўринли фойдаланиш корхоналар муваффақиятининг бош омилдир. Корхонанинг айнан қайси фаолият турлари билан қандай ресурслар воситасида шуғулланишини режалаштирадиган, корхона фаолиятини ташкил этадиган, барча имкониятлардан ўринли фойдаланишнинг таъсирчан воситаларини танлайдиган ҳам унинг раҳбар ва мутахассисларидир. Қўлингиздаги ушбу ўқув қўлланмасининг ўз олдига қўйган мақсади ҳам юзага келган вазиятни таҳлил қила оладиган, мавжуд имкониятларни ва реал хавф-хатарларни оқилона баҳолаб, ягона тўғри йўлни танлай оладиган, истиқболда эса корхонанинг фақат ўсиши, ривожланишини таъминлай оладиган ижодий фикрловчи етук мутахассисларни тайёрлашга ҳисса қўшишдир.

«Корхона иқтисодиёти» курси объектив иқтисодий қонунларни, уларнинг sanoat корхоналари фаолиятида намоён бўлиш шартларини тадқиқ этади. Иқтисодиёт фани корхоналар, ташкилотлар ва хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини урганар экан, табиийки, техникавий ва шунга ўхшаш бошқа ёндош фанлар бўйича изланишлар натижаларига таяниб иш қўради.

Иқтисодиёт деганда, кенг маънода, ишлаб чиқариш жараёнида фаолият курсатувчи, инсонлар иштирок этадиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуаси тушунилади. Тармоқлар (sanoat, транспорт, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва ҳ.к.)га оид иқтисодий фанлар халқ хўжалигининг турли соҳаларида умумий иқтисодиёт қонунларининг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этади.

Корхона иқтисодиёти фан сифатида корхоналарга объектив иқтисодий қонунларнинг таъсирини, уларнинг намоён бўлиш

шаклларини ўрганади. Корхона иқтисодиёти умумий иқтисодий қонунларга боғлиқ равишда уларни муайян ҳолатлар учун татбиқ этади, чунончи, корхоналарга хос хусусиятларини белгилайди, бу қонунларнинг хўжалик юритиш фаолиятида амалга ошишини йўлга солади.

Корхона иқтисодиёти фани ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда, ишлаб чиқариш муносабатларини ўрганишни ташкил этади. Шунга кура, унинг муҳим вазифаси корхоналарда машиналар, механизмлар, ускуналар, қурилмалар, ишлаб чиқариш технологияларининг қай даражада самарали ишлаётганлигини аниқлашдан иборатдир.


I БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ - ИҚТИСОДИЁТ АСОСИ

1.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

Ишлаб чиқариш корхонаси - бу ихтисослашган бирлик бўлиб, унинг асосини яхши уюшган меҳнат жамоаси ташкил этади ва бу жамоа ўзида мавжуд воситалар асосида харидорларга керакли бўлган турли хил маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш корхоналарига заводлар, фабрикалар, комбинатлар, шахталар, карьерлар, портлар, йўллар, базалар ва бошқа ишлаб чиқаришга мўлжалланган хўжалик бирлашмалари киради.


ИЧКИ МУҲИТ



1.1-расм. Ишлаб чиқариш корхонаси.

Корхонанинг ички муҳити - бу одамлар, ишлаб чиқариш воситалари, ахборот, пулдир. Ички муҳит аъзоларининг ўзаро ҳаракати туфайли тайёр маҳсулот яратилади (ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади) (1.1-расм).

Ташқи муҳит корхона фаолияти самарадорлигининг аниқловчиси бўлиб, унга маҳсулот истеъмолчилари, ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчилар, давлат органлари киради.



1.2-расм. Ишлаб чиқариш корхонасининг ташқи муҳити.

Фаолият кўрсатаётган корхонанинг муҳим вазифаларига қуйидагилар киради:

- корхона эгасининг даромад олиши;
- истеъмолчиларни корхона маҳсулоти билан таъминлаш;
- корхона атрофида яшовчи аҳолини иш жойи билан таъминлаш;
- атроф муҳит: сув, ер ва ҳавони муҳофаза қилиш;
- корхона фаолиятида узилишга (таъминотнинг узилиб қолиши, брак маҳсулот чиқариш, ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини камайтириб юбориш)га йўл қўймаслик.

Корхона вазифалари қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- эгасининг манфаатлари;

- капитал ҳажми;
- корxonанинг ички аҳволи;
- ташқи муҳит (1.3-расм).

Корхона ходими олдига қўйиладиган вазифалар, унинг мавқеидан қатъи назар, корхона эгаси (хусусий шахс, давлат органи ёки акциядорлар) томонидан белгиланади. Корхона эгаси уз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, корхона жамоаси олдига бирор вазифани қўйиши ва уни тушунтириб бериши лозим, акс ҳолда унинг ўрнига бошқа бир шахс ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бу ишни бажаради.



1.3-расм. Корxonанинг ташкил этилиши.

Корxonанинг муҳим вазифаси ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ҳажмлари)ни истеъмолчиларга сотиш орқали даромад олиш ҳисобланади. Олинган даромад асосида меҳнат жамоаси ва ишлаб чиқариш воситаси эгаларининг иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжлари қондирилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона тулиқ ҳужалик ҳисоби, ўз-ўзини молиялаштириш асосида ишлайди. У мустақил равишда давлат буюртмаларини қабул қилади, шунингдек, керакли ишлаб чиқариш ресурсларини етказиб берувчилар билан шартномалар тузади.

Ишлаб чиқариш корxonасининг асосий функциялари қаторига қўйидагилар киради:

- шахсий ва ишлаб чиқариш истеъмоли учун маҳсулот тайёрлаш;

- истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш ва сотиш;
- маҳсулот сотишдан кейинги хизмат;
- ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлаш;
- корхона ишчи - хизматчилари меҳнатини ташкил этиш ва бошқариш;
- ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар томонлама ўсиши ва ривожланишига эришиш;
- тадбиркорлик;
- бюджет ва бошқа молия органларига солиқларни, мажбурий ва ихтиёрий туловларни тулаш;
- амалдаги стандартларга, меъёрларга, давлат қонунларига амал қилиш.

Корхона функциялари қуйидагиларга боғлиқ ҳолда аниқланади:


- корхона кўлами;
- тармоқ мансублиги;
- ихтисослашув даражаси;
- ижтимоий инфраструктура;
- маҳаллий ҳукумат органлари билан ўзаро алоқаси.

Корхона молия органлари олдида солиқлар ва туловларни ўз вақтида тулаб бориш мажбуриятини олади, ўзининг даромади ҳисобидан тушган тушумдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун, хом ашё, материаллар, иш кучига ҳақ тулаш учун фойдаланади.

Корхона раҳбарияти ва ишчилари ўзлари тайёрлаган маҳсулотнинг сифатини ва арзонлигини назорат қилиб боришлари лозим. Бу икки сифат бозорни эгаллашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки сифати паст ва қиммат маҳсулот истеъмолчиларни юқори сифатли ва арзон маҳсулот излашга мажбур қилади. Истеъмолчиларни йўқотмаслик учун мутахассислар маҳсулот бозорини ўрганишлари, илмий-техник ривожланишни тезлаштириш чораларини кўришлари, маҳсулот сифатини яхшилашлари ва таннархни камайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш корхоналарининг меҳнат жамоаларида мамлакат иқтисодийётининг ривожланиши ва аҳолининг моддий ҳаёти билан боғлиқ кўп муаммолар ҳал бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, корхона тармоқ ва ҳудудий ишлаб чиқариш комплексларининг марказий бўғини ҳисобланади.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар моддий ишлаб чиқариш - саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва бошқаларнинг мос тармоқларини ташкил этади.



1.4-расм. Ишлаб чиқариш корхонаси - иқтисодиётнинг асосий бўғини.

Бундан ташқари корхоналар ва бирлашмалар шаҳар, посёлка, вилоят, минтақаларга қараб ҳудудий жиҳатдан ихтисослаштирилади. Меҳнатни ташкил этиш жараёни маҳаллий ҳукумат органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади (1.4-расм).

Шунингдек, корхоналар, уларнинг жамоалари бош элементлар бўлиб, улардан ҳудудий ва тармоқ комплекслари (вазирликлар, вилоятлар, шаҳарлар тизимлари ва бошқалар) ташкил топади. Шунинг учун давлатнинг барча ҳужжатларида корхоналар халқ хўжалик комплексларининг асосий бўғини, деб ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётини бошқариш тартиби ва тузилмаси шундай ташкил этилганки, уларда корхона барча бўлимларининг функциялари (фаолияти) ўз ифодасини топган.

Ҳамма даражадаги хўжалик бошқаруви - Вазирлар маҳкамасидан тортиб завод директориғача, цех бошлиғи, ҳатто мастерғача вазифаси бир хил: улар ҳар бир корхона ишчиси ўз иш жойида мунтазам равишда ўзига бириктирилган ишни бажариб, корхона жамоасига, истеъмолчига, умуман мамлакатга керакли маҳсулот етказиб бериш билан машғул бўлишига эришишлари лозим.

Давлат органига қарашли хусусий тижорат ёхуд бошқа корхоналар фаолияти моддий ресурслар мавжудлиги билан белги-

ланади. Шу маънода ҳар бир техник ечим ишлаб чиқариш корхонасига, завод мутахассиси эса иш жойига эга бўлади. Маъмурият, олимлар, инженерларнинг корхонадан ташқаридаги барча ишлари - уз жамоаси манфаати билан боғлиқ бўлган ахборот (илмий, техникавий, иқтисодий, ижтимоий)ларни йиғишдан иборатдир.

Бу нарса корхонадан ташқаридаги хўжалик бошқарув органлари учун илмий ва воситачилик ташкилотлари керак эмас, деган фикрни билдирмайди. Ҳолбуки, ушбу органларсиз корхоналар ҳар доим ҳам мустақил равишда ишлаб чиқаришнинг техник даражасига тўғри баҳо беравермайдилар, ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини аниқлай олмайдилар, корхона маҳсулотига бўлган талабни мувозанатга келтиролмайдилар; унинг хом-ашё, материалларга бўлган эҳтиёжи мувозанатини аниқлай олмайдилар. Бинобарин, ҳар қандай корхона айниқса, кичик корхоналар ташқаридан келадиган ёрдамсиз ишлаб чиқаришни ривожлантира олмайди ва маҳсулот сифатини яхшилаш олмайди.

Бу ерда давлат органларининг корхона ички ишларига аралашуви тўғрисида гап бораётгани йўқ.

1.2. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ ВА КОРХОНА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Иқтисодиёт соҳасида давлат қонунлари фақат корхона ишига таъсир кўрсатувчи ташқи аралашув чегараларини белгилайди, лекин ушбу ташқи аралашувни бартараф этмайди. Хусусан, кооператив, акциядорлик корхоналари ва бошқа корхоналар давлат назоратидан четлатилмайди. Ушбу назорат - корхона даромади ва унинг томонидан солиқлар тўланиши; ишлаб чиқаришнинг санитария ҳолати; маҳсулотнинг қандай мақсадга мўлжалланганлиги ва техник даражаси; ишлаб чиқаришнинг техник талаблар ва стандартларга амал қилиши; ёлланган ходимларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва корхона фаолиятининг бошқа томонлари устидан амалга оширилади.

Корхоналар фаолияти устидан бундай кучли назорат дунёнинг барча мамлакатларида олиб борилади. «Кўпчилик демократия остида «ҳамма нарса мумкин» деган тушунча ётади, деб

уйлайди. Лекин масала бундай куйилмайди, - дейди америкалик менежмент тадқиқотчиси Я.Хотин. - Ғарб, демократия деганда жуда қаттиқ қонунларни назарда тутаяди, уларни бузиш ҳам, улардан четлаб ўтиш ҳам мумкин эмас».

Қонунчиликда корхона ўз фаолиятининг ҳар бир тури учун тула жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бунинг маъноси қуйидагича:

- ◆ давлат манфаатлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларига амал қилиш;
- ◆ қонунларга бўйсунуш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш талабларига риоя қилиш;
- ◆ давлат томонидан ёки акциядорлар томонидан ишониб берилган мулкни кўпайтириш;
- ◆ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Корхона фаолияти бошқа корхоналарнинг бир маромда ишлашига ва ушбу ҳудуддаги аҳолининг яшашига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Бунда одатда давлат ёки юқори органлар ушбу корхона мажбурияти учун жавоб бермайди, аксинча корхона ҳам бу соҳада давлат ёки юқори орган мажбурияти учун жавобгарликни бўйнига олмайди.

Маъмурият ходим меҳнати учун иш шароити ташкил этиб бериши керак. Шунинг учун корхонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари меҳнат жамоасининг бевосита иштирокида ҳал қилинади.

Маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасида меҳнат келишуви тузилади ва унда қуйидагилар кўзда тутилади:

- ◆ корхона иш режими шартлари;
- ◆ смена давомийлиги ва иш сменалилиги - таътил давомийлиги ва унга ҳақ тўлаш ҳажмлари;
- ◆ ишчилар тоифаларига асосан ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалалар.

Лекин маҳаллий давлат ҳокимияти органлари корхонанинг ички хўжалик, маъмурий фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмас. Улар фақат назорат қилиш нуқтаи назаридан, корхонанинг хўжалик фаолиятида амалдаги қонунларга риоя этилишини талаб қилишлари мумкин.

1.3. КОРХОНА ТУРКУМЛАРИ

Корхоналарни туркумларга ажратишнинг асосий белгиларига қуйидагилар киради:

- тармоқ ва предмет бўйича ихтисослашуви;
- ишлаб чиқариш таркиби;
- ишлаб чиқариш потенциалининг қуввати (корхона кўлами).

Булардан, шу вақтгача ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тармоқ тури, унинг йуналиши, ишлаб чиқариш усуллари ва истеъмоли асосий ҳисобланиб келинган. Корхонани ташкил этишда унинг қайси маҳсулот турини ишлаб чиқариш учун мўлжалланганлиги аниқлаб олинади.

Шундан келиб чиққан ҳолда корхоналар: саноат корхоналари (машина, жиҳозлар, асбоблар, хом ашё қазиб олиш, материаллар ишлаб чиқариш, электр энергия ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари яратиш); қишлоқ хўжалик корхоналари (дон, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари, техник экинлар етиштириш), қурилиш индустрияси ва транспорт корхоналарига ажратилади.

Инсон эҳтиёжи нуқтаи назаридан истеъмол предметлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари, машинасозлик, кимё, ёғочни қайта ишлаш саноати, турар жой ва коммунал-қурилиш корхоналари энг зарур корхоналар ҳисобланади.

Халқ хўжалигининг йирик тармоқлари нисбатан кичикроқ, ихтисослаштирилган тармоқларга ажратилади, жумладан саноат икки йирик ихтисослашган тармоққа: ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи тармоққа, уз навбатида қайта ишловчи тармоқ енгил, озиқ-овқат, оғир саноат ва бошқаларга бўлинади.

Корхонанинг ихтисослашуви турли сабабларга кура тармоқнинг асосий ихтисослашуви ва мажбурий таркибига мос келиши шарт эмас. Мисол учун, машинасозликка алоқаси бўлмаган (металлургия, кўмир ва нефть қазиб чиқариш) купгина тармоқларнинг машина ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчи ҳамда уларни таъмирловчи йирик заводлари мавжуд.

Шу билан бир қаторда машинасозлик тармоқларининг ҳам металлургия ва кимё корхоналари, электростанция, транспорт

булинмалари мавжуддир. Шунинг учун халқ хўжалигида корхоналар қайси тармоққа мансублигига кўра 2 та белги бўйича ажратилади: маъмурий-ташкилий ва маҳсулот чиқарувчи.

Маъмурий-ташкилий белги қўйилганда, корхона асосий фаолият турининг у ёки бу бошқарувга ёки тадбиркорлик иттифоқига кириши ҳисобга олинади. Машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона, мисол учун, маъмурий боғлиқ бўлган тармоғига қараб (масалан, кўмир ишлаб чиқариш тармоғи) ҳисобга олинади. Чиқарилаётган маҳсулотининг қайси тармоққа мансублигининг иккинчи белгисига асосан корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми ва таркиби аниқланади. Бу ҳолда барча машинасозлик корхоналари маъмурий бўйсунушидан қатъи назар, машинасозлик, транспорт корхоналари - транспорт, қурилиш корхоналари - қурилиш тармоқларига киритилади ва ҳ.к.

Амалда корхонанинг қайси тармоққа мансублигини аниқ белгилаш борган сайин камроқ учрайди. Бунинг сабаби шуки, аксарият корхоналар тармоқлараро таркибий тузилмага эга. Шунинг учун корхоналар таркибига қараб, тор доирада ихтисослашган, кўп тармоқли ва аралаш корхоналарга бўлинади.

Тор доирада ихтисослашган корхоналар йирик ҳажмда чекланган ассортиментдаги маҳсулотларни тайёрловчи корхоналардир, масалан, чуян, пулат, электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, дон ишлаб чиқариш, гушт ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳ.к.

Кўп тармоқли корхоналар эса саноатда ва қишлоқ хўжалигида кенг ассортиментда ва турли хил мақсадда қўлланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Саноатда улар бир пайтда компьютер ишлаб чиқариш, денгиз кемалари, автомобиллар, болалар аравачалари, станоклар, асбоблар, юк ташиш; қишлоқ хўжалигида - дон етиштириш, мева, сабзавот, чорва, ем етиштириш ва ҳоказоларга ихтисослашади. Рақобат кучайган сари тор доирада ихтисослашган корхоналар, ўзларини тиклаб олиб, ўз фаолиятлари доирасидан чиқа бошлайди ва бозорни эгаллаш учун маҳсулот ва хизматлар турларини кескин равишда оширади. Кўпинча бундай корхоналар ўзларининг илгариги тармоқ йўналишларини йўқотадилар ва бунинг натижасида тармоқлараро корхоналарга айланадилар. Улар бир вақтнинг ўзида турли хил саноат маҳсулотлари,

қурилиш, транспорт ва тижорат операциялари билан шугулланишлари мумкин. Капиталнинг иқтисодиётнинг бир тармоғидан иккинчи тармоғига ўтиши бирон бир фирма доирасида амалга ошади.

Мисол учун, Фарғона механика заводи моллари (самолёт таъмирлаш корхонаси) кимё ва енгил саноат моллари, ускуна, болалар ўйинчоқлари ва аравачалари, ёриткичлар, аёллар сумкалари, қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бир вақтлар муайян бир тармоққа ихтисослашган корхоналар эндиликда қисқа давр мобайнида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларининг турли хилларини бирлаштирувчи фирмаларга айлантирилмоқда. Бу ҳолларда корхоналарни тармоқлар бўйича гуруҳлаш ўз маъносини йўқотади, фақат маҳсулотларгина гуруҳланади.

Аралаш корхоналар кўпинча кимё, тўқимачилик ва металлургия саноатида учрайди. Бунинг сабаби шундаки, хом-ашё ёки маҳсулотнинг бир тури параллел ёки кетма-кет ҳолатда корхонанинг ўзида иккинчи турга, сўнгра учинчи турга айлантирилади. Мисол учун, домна печида қўйилган чуяннинг бир қисми четга сотилса, қолган қисми ишлов бериш учун корхонанинг ўзида қолдирилади. Тўқимачилик саноатида эса, хом ашёдан ип, ипдан - газлама, газламадан бошқа маҳсулот тайёрланади.

Янада мураккаб аралаш ишлаб чиқаришда - хом ашёдан кенг миқёсда фойдаланилиб, кимёвий таркибига кўра хилма-хил бўлган маҳсулот чиқарилади. Жумладан, темир рудасидан чуянни эритиб олишда, кўплаб рангли ва нодир металллар чиқитга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида рангли ва нодир металллар цехлари қурилади. Бундан ташқари домна ва пўлат қўйиш ишлаб чиқаришида кўпинча қурилиш материаллари қайта ишланади. Шу хилда, у ёки бу хом ашё (ушбу ҳолда темир рудаси)дан корхонада қўлланилиши, технологик тайёрланиши ва таркиби жиҳатдан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ишлаб чиқариш потенциали (корхона кулами) қувватига қараб корхоналарни туркумлаш 3 гуруҳга бўлинади: кичик, ўрта ва йirik.

Корхонани кўрсатилган уч гуруҳдан бирига киритиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- ишчилар сони;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматининг ҳажми;
- асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати.

Иқтисодиётни бошқаришда марказлашган саноат системаси илгари йирик ишлаб чиқариш бирлашмаларига таянар ва уларни ривожлантириш чораларини кўрар эди. Мамлакат саноатида ўрта ва йирик корхоналарнинг ўртача сони Ғарбдаги ва Япониядагидан 8-12 марта кўп эди. Бу эса қуйидаги сабабларга кўра юз берарди:

- биринчидан, ягона марказдан туриб кўп миқдордаги майда корхоналарни бошқаришдан кўра, оз миқдордаги йирик корхоналарни бошқариш энгилроқ;

- иккинчидан, марказлашган давлат тизими кичик тадбиркорликни ривожлантиришдан манфаатдор бўлмай, халқ ҳужалигида рақобатсиз монополист бўлиб олган эди;

- учинчидан, мулкчилик шаклидан қатъи назар йирик ҳажмда ишлаб чиқариш, кичик ҳажмда ишлаб чиқаришдан самаралироқ эди;

- йирик корхоналар ишлаб чиқариши мослашув, ички ихтисослашув борасида қатор имтиёзларга эга. Жумладан, катта ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш учун анча юқори иқтисодий ва техник кўрсаткичларга эга бўлган жиҳозлардан фойдаланилади (кичик ҳажмдагига нисбатан).

Кичик тадбиркорлик, айниқса ишлаб чиқариш соҳасида, давлат ёрдамисиз ривожланиши қийин кечади.

Марказлашмаган бозор иқтисодиёти йирик бирлашмалар, корпорацияларнинг доимий таъсири остида бўлади. Улар билан рақобатда давлат органлари кичик ва ўрта тадбиркорлик тизимларига ёрдам беришлари зарур. Давлат ёрдамида монопол гигантларга қарши минглаб кичик ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлади ҳамда улар бозорда монополияга ва сифат устидан ҳукмронлик ўрнатилишига йўл қўймайдилар. Бунга мисол қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ бозоридаги аҳволни олиш мумкин. Унда 6 та йирик пиво корхонаси бозорда ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан узоқ вақт ҳукмронлик қилганди. Натижада, истеъмолчиларнинг таъкидлашича, бозорга паст сифатли маҳсулот чиқарила бошланди. Лекин, 80-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, юзлаб микропиво корхоналари вужудга келиши билан шароит ўзгарди. Кичик корхоналарнинг маҳсулот ҳажми, статистика маълум-

мотларига қараганда, истеъмол бозорига таклиф этилаётган шу турдаги жами маҳсулотнинг фақатгина 1 %ини ташкил этганда, йирик корхоналар ҳам бутун мамлакатда ушбу ичимликнинг сифати ва турини яхшилаш бошладилар.


Кичик корхоналар фақат монополь корхоналарнинг рақобатчиларигина эмас, балки уларнинг етказиб берувчилари ҳамдир. Ушбу ҳолатда шартнома ва техник ҳужжат асосида кичик фирмалар йирик корхоналар учун керакли маҳсулот яратиб берадилар. Бу эса икки томон учун ҳам фойдалидир: йирик фирма ўзидаги майда ишлаб чиқаришдан халос бўлади, кичик тадбиркор эса доимий буюртмага ва йирик фирма ҳомийлигига эга бўлади.

1.4. КОРХОНА ТАРКИБИ

Корхона таркиби - бу унинг ички бўлинмаларининг: цехлар, бўлимлар, лабораториялар ва бошқа ягона ҳужалик объектларининг таркиби ва уларнинг ўзаро алоқасидир.

Корхона таркиби қуйидаги асосий факторлар билан белгиланади:

- корхона кўлами;
- ишлаб чиқариш тармоғи;
- технологик даражаси ва корхона ихтисоси.



1.5-расм. Корхона таркиби.

Таркиб қандайдир доимий стандарт туркум эмас. У фан-техника тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар таъсирида доимо ўзгариб туради.

Шу билан бирга таркибдаги бўлинмалар турли-туманлигига қарамасдан, уларнинг асосий мақсади маҳсулот тайёрлаш ва сотишдир. Муайян шароитда ишлаш учун корхона ўзида асосий маҳсулот тайёрловчи цех, устахоналарга эга бўлиши керак. Бундан ташқари корхона, ўз қуламларидан, қайси тармоққа мансублиги ва ихтисослашув даражасидан ташқари маҳсулот тайёрлаш, уни сақлаш учун буюртмалар олади; буюртмачига етказишни таъминлайди; зарур хом-ашё, материаллар, асбоб-ускуналар, энергия ресурслари сотиб олади ва етказиб беради.

Ҳар бир ишчи ўз ишини ва корхона учун керакли ишни доимо амалга оширишини таъминлаш учун бошқарув органлари керакдир, улар ходимларнинг фаолиятини назорат қилади, кадрларни танлайди ва жой-жойига қўяди.

Корхонанинг таркибий бўлинмалари бошқарув тизими орқали ўзаро боғлиқ ва бу тизим бош орган ҳисобланади.

Корхона ички бўлинмалари таркибига унинг қуламлари ҳам таъсир қилади.

Турли хил мажбуриятларни бажаришда йирик ва ўртача корхоналарда махсус таркибий бўлинмалар - бўлимлар, цехлар ташкил этилади. Кичик корхоналарда мажбуриятлар ўзаро шартномага асосан ишчилар ўртасида тақсимланади.

Корхона таркибининг схемаси 1.5-расмда келтирилган бўлиб, у қайсидир корхонанинг реал таркибини эмас, балки унинг функцияларини кўрсатади. Йирик корхоналарда функциялар айрим бўлинмаларнинг аниқ мажбуриятларига бўлинади.

Асосий цехлар қуйидагиларга бўлинади:

- тайёрловчи;
- қайта ишловчи;
- йиғувчи (ишлов берувчи).

Бўлимлар ва лабораториялар ҳам аниқ вазифадан қатъи назар бевосита туркумланади. Масалан, техник бўлим гуруҳи бош конструкторнинг ўртача бўлимини бирлаштириши мумкин. Бош технолог, бош металлург, бош кимёгар, модельер ва бошқаларнинг бўлимлари ташкил қилиниши мумкин.

Иш фаолияти турларидан келиб чиққан ҳолда, йирик корхоналарда директор ўринбосарлари сони ўртача корхоналардагига қараганда кўпроқ бўлади.

Йирик корхоналардан фарқли ўлароқ кичик корхоналарнинг таркибий функциялари дифференцияланмайди, балки, аксинча, шу даражада бўладики, ҳатто ишни бош ҳисобчи ёки мас-терлар бажаради. Улар ҳам бир вақтнинг ўзида, бир қатор ишларни, масалан, корxonанинг моддий-техник таъминоти, маҳсулот олиб келиш, транспорт жиҳозларини таъмирлашни ташкил этиш ва бошқаларни амалга оширадилар.

КОРХОНА ТАРКИБИНИНГ ТАРМОҚ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қайси тармоққа мансублик деярли ҳар доим у ёки бу даражада корхона таркиби ва кўламига таъсир қилади. Ушбу икки омил кўп ҳолларда ўзаро боғлиқдир. Масалан, кичик корхона машина ва материаллар (автомобиль, трактор, кимёвий моддалар, нефть маҳсулотлари, темир йўл транспорти ва ҳоказо) тайёрлаш имкониятига эга эмас; улар фақат йирик корхоналарда яратилади. Бунда табиий монополия вужудга келади ҳамда технология ва бирлашма монополияси пайдо бўлади.

Айни пайтда йирик маиший хизмат корхоналарини (поябзал устахонаси, сартарошхона, дорихона ва ҳоказо) яратиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Корхона таркиби бевосита ишлаб чиқариш тармоқ технологиясидан келиб чиқади. Технологик жараён қанчалик мураккаб бўлса, корхона тузилмаси шунчалик хилма-хил ва катта, ўлчамлари ҳам катта бўлади.

Кундалик тажрибада технологик жараён мураккаблиги қуйидагича аниқланади:

- тайёр маҳсулот олиш учун меҳнат предметларига турлича таъсир қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотга технологик операцияларнинг таъсир қилиш даражаси;
- технологик операцияларнинг юқори аниқликда бажарилиши.

Мисол учун, дизель двигатели ва ўртача юк кўтарувчи автомобилни тайёрлаш учун жами 200 минг операция амалга оширилиши керак, уларнинг кўпчилиги, миллиметрнинг юздан бир

булаги аниқлигида бажарилиши лозим. Турли хилдаги ишларнинг аниқлигига кура, муҳим иқтисодий вазифалар бажарилади: сифат яхшиланади (маҳсулот чидамлилиги ва ишончлилиги ортади), деталлар ва қисмларнинг ўзаро алмашинувига эришилади, бу эса машина ва жиҳозларни таъмирлаш харажатларини камайтиради, ишлаб чиқариш ривожланади.

Машинасозлик корхоналари учун мураккаб, кўп қиррали технология зарур, шунинг учун, катта тузилма ҳам керак, транспорт ташкилотлари учун, аксинча, гараж ва унча катта бўлмаган таъмирлаш устахонаси ва диспетчер хонаси кифоя.

Тайёрлашда мураккаб технологияларни талаб қилмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган (ишлар, хизматлар бажарадиган) корхоналар асосан енгил, озиқ-овқат, автотransпорт ва маиший хизмат саноатида фаолият кўрсатади. Нон ёпиш, кийим тикиш, юк тушириш ва автомобилда пассажир гашиш корхоналари турли хилдаги жиҳозларни талаб қилмайди ва автомобиль тайёрлашдаги каби турли соҳада юқори малакали ишчиларга эҳтиёж сезмайди. Шунинг учун саноатнинг ушбу тармоқларида енгил ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш шахсий ва оилавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имконият яратади.

Корхона тузилмасининг тармоқ хусусиятларидан яна бири - бу ишлаб чиқариш бирликларининг ҳудудий жойлашувидир. Қайта ишлаш саноати тармоқларида ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехлар, одатда, бир майдонда жойлашади, чунки улар технологик жараёнда, қатъий транспорт тузилиши билан ўзаро боғлиқдир ва табиий-муҳит шароитларига алоқадор эмас.

Қазиб чиқариш саноати тармоқларида шахталар, карьерлар ва бўлинмалар қазилмалар жойлашган жойга боғлиқ. Шунинг учун бу корхоналар бўлинмалари бир неча жойга тарқалиб кетган бўлади.

Транспорт алоқасидан ташқари бу жойларда ишлаб чиқариш нуқталари ўртасида тўғридан - тўғри алоқалар ўрнатилмайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ихтисослашуви ва тузилиши корхонага тегишли ер ва табиий муҳит шароитларига асосан аниқланади.

Товар маҳсулотининг асосий қисмини ички ва жаҳон бозорларига йирик қишлоқ хўжалик корхоналари етказиб беришига

қарамасдан (дон, чорва ва мева, сабзавот йўналиши бўйича кўп тармоқли хўжаликлар), улар билан бир қаторда оилавий фирма-лар - транспорт машиналарини, механизмлар, қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирловчи устахоналар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчилар ва бошқа ёрдамчи хўжаликлар ҳам фаолият юритади.

Таркибий бўлинмаларнинг ажратилганлиги ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг катта жой эгаллаши қурилиш саноати корхоналари, темир йўл ва сув транспорти, шоссе-йўл хўжаликлари учун характерлидир. Корхонанинг алоҳида қурилиш участкалари мустақил равишда фаолият курсатади, улар орасидаги масофа эса, ўнлаб ва юзлаб километрга чўзилиши мумкин. Уларнинг ўзаро бирлашуви - бу фақат маъмурий-хўжалик бошқаруви ва техник хизматдир. Темир йўл, сув ва қувур йўллар транспортига станциялар, таъмирлаш базалари ва бошқалар киради. Ушбу тармоқ корхоналари, шунингдек, шоссе-йўл хўжалиги сингари-ҳудудий таркиб бўйича ташкил қилинади: йўллар, сув йўллари ва бошқалар. Ушбу корхоналар йўл магистралларини керакли воситалар ва жиҳозлар билан таъминлаш ишларини ҳам амалга оширишади.

1.5. КОРХОНАНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

Корхонанинг кўламлари, тури ва қайси тармоққа мансублиги, технологик ихтисослашуви цехлар, участка ва устахоналар ишлаб чиқариш кўламлари таркиби билан аниқланади. Корхонанинг бошқа бўлимлари: функционал бўлимлар, лабораториялар, бошқарув органларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари иш самарадорлигини ошириш учун тузилади.

Ишлаб чиқариш цехлари (фирмалар, участкалар, устахоналар) 2 гуруҳга бўлинади: асосий ишлаб чиқариш цехлари ва ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи цехлар. Асосий ишлаб чиқариш цехларида бевосита сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи цехларнинг вазифаси - асосий ишлаб чиқаришнинг бир маромда, узлуксиз ишлашини таъминлашдир. Ёрдамчи цехларга ва ишлаб чиқариш участкаларига қуйидагилар киради:

• асбобларни тайёрлаш, таъмирлаш, чархлаш, приборларни, хужалик инвентарларини мослаш;

- жиҳозлар, машиналар, механизмлар, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва ишга яроқлилигини назорат қилиш;
- электр ускуналарини созлаш, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш, назорат қилиш ва таъмирлаш;
- ҳам ашё ҳамда материалларни, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ичида ва ташқарисида юклаш, тушириш ва ташиш;
- шунингдек, корхона омборлари.

Асосий цехлар фаолиятининг якуний натижаси - ташқи истеъмолчига сотиладиган тайёр маҳсулот бўлса, ёрдамчи цехлар иши якуний натижаси корхонанинг ўзида истеъмол қилинади.

Асосий ишлаб чиқариш цехлари корхона тури, маҳсулотнинг аниқ бир тури, ишлаб чиқариш технологияси ва кўламларига кўра тузилади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ўз вақтида бозор талабларига мос қилиб қайта қуриш вазифалари қўйилади. Ушбу вазифалар рационал ихтисослашув ва цехлар жойлашуви, корхона ичида уларни кооперациялаш, ишлаб чиқариш жараёнларининг бошидан охиригача бир меъёрда пропорционалигини таъминлаш асосида амалга оширилади.

Цехлар ихтисослашувининг қўйидагича шартлари мавжуд: предмет, агрегат, технологик, ҳудудий.

Предмет бўйича ихтисослашув - бу айрим цехларда конкрет маҳсулотнинг тур ёки ўлчамлар бўйича тўпланиши. Мисол учун, қандолатчилик фабрикасида, карамел, печенье, торт ишлаб чиқарувчи алоҳида цехлар мавжуд. Бу цехлар учун ягона муҳандис-техник хизмат кўрсатиш, моддий-техник таъминот, маҳсулот етказиш, омбор бинолари умумий ҳисобланади ва бу ҳолат фабрика харажатларини камайтиради.

Агрегат ихтисослашув машинасозликда кенг тарқалган бўлиб, бу ҳар бир цехда металл-қисмларни йиғиб беришдан иборат. Масалан, автомобиль кабиналари алоҳида тайёрланади. Ушбу агрегатлар йиғиш цехига узатилади ва у ерда тайёр маҳсулот - автомобиль йиғилади.

Технологик ихтисослашув - бу цехлар ўртасида ишларнинг операцияларга қараб бўлинишидир. Бунда тайёр маҳсулот яратишда ҳар бир цехда турли хил технологиялардан фойдаланилади. Тўқимачилик комбинатида ҳам ашё аввал саралаш цехига тушади ва у ерда ипга айланади. Тўқув цехида ипдан газлама тўқилади. Газламани яқуний қайта ишлаш, бўяш ишлари амалга оширилади. Ушбу ихтисослашув саноатнинг барча тармоқларида ва қисман қишлоқ хўжалигида ҳам қўлланилади.

Ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ҳудудий ихтисослашуви транспорт, қурилиш саноати, шунингдек қишлоқ хўжалиги учун ҳам хос бўлиб, унда ҳар бир цех ва участка айнан бир ишни бажариб, бир турдаги маҳсулот яратиши мумкин (бир-биридан узоқ масофада).


Қурилиш ташкилотлари гоҳида турли хил туманда айнан бир турдаги турар жой бинолари қуриши мумкин. Бир марказдан туриб қурилиш объектларининг оператив бошқарувини таъминлаш ушбу ҳолда мумкин эмас.

Шунинг учун, бир типдаги ишни бажариш учун бир эмас, бир нечта қурилиш цехлари ва участкалари ташкил этилиб, марказ уларни керакли жиҳозлар, қурилиш материаллари, техник ҳужжатлар, шунингдек, буюртмалар портфели билан таъминлайди ва маҳсулот истеъмолчилари, ҳам ашё, материал етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобни амалга оширади.

1.6. ИШ ЖОЙИ

Иш жойи - бу ишчи жойлашган ва иш бажариладиган жойдир. Иш жойи техник ва иқтисодий меъёрлар асосида аниқланади ҳамда техника ва бошқа воситалар билан жиҳозланади, ишчининг аниқ, бир маҳсулот яратиши ёки ўз вазифасини бажариши учун шароит яратилади. Иш жойи ишлаб чиқариш ва хизмат майдонининг бир қисмини эгаллайди ҳамда у ерда меҳнат воситалари жойлаштирилади. (1.6-расм).

Ишлаб чиқариш процессининг ўзига хослиги ва бажарилаётган ишнинг характерига кўра, иш жойи оддий, кўп станокли, жамоа, доимий ёки кўчма бўлиши мумкин.



1.6-рссм. Иш жойи схемаси.

Оддий иш жойи - бу бир ишчи томонидан бир агрегатнинг бошқарилишидир. Бундай иш жойлари машинасозлик, туқимачилик саноатида кенг тарқалган. Жамоа иш жойлари кимё, нефткимё, металлургия ва қатор озиқ-овқат тармоқлари, шунингдек йирик транспорт воситалари - самолётлар, денгиз ва дарё кемалари, локомотив деполар корхоналари учун характерлидир.

Бунда бир агрегат бир эмас, бир нечта ишчилар томонидан бошқарилади. Масалан, йирик куйиш жиҳозида биратула 120 ишчи бир вақтда хизмат қилади.

Доимий иш жойлари кучмас бўлиб, муқим ишлаб чиқариш майдонида бўлади ва доимий иш воситалари: машиналар, механизмлар, асбоблар билан жиҳозланади. Меҳнат предметлари иш жойига бевосита етказиб берилади.

Кўчма иш жойлари ишлаб чиқаришнинг муқим майдонига эга эмас ва меҳнат предметлари иш жойига ўзи келади. Масалан, пармалаш машинаси пармалаш жойига ўзи келади. Айрим иш жойлари меҳнат предметлари билан бир қаторда кўчиб юриди: автомобиллар, поездлар ва бошқа транспорт воситалари.

Ишлаб чиқариш мутахассислари ва раҳбарларининг иш жойлари иш кабинетлари билангина чегараланиб қолмайди. Бе-

восита улар ўз мажбуриятларини фақат иш жойларида эмас, балки корхона ҳудудида юриб ҳам бажаришлари мумкин.

Ишчилар сони ва касблар таркиби корхонада ишчилар ўрнининг сони ва характери билан ўлчанади. Бунда иш жойлари технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми талабидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Иш жойларининг кўпайиб кетиши ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига ва даромаднинг камайишига олиб келади: унинг камайтириб юборилиши эса ишлаб чиқариш маромининг бузилишига, маҳсулот сифатининг ёмонлашувига, истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришнинг издан чиқишига сабаб бўлади ва корхонанинг бошқа иқтисодий кўрсаткичларига салбий таъсир этади.

Иш жойларини ҳисобга олиш ва меъёрлаш бажарилаётган ишнинг сермеҳнатлиги ва иш жойларидан фойдаланишнинг сменилигидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчилар иш жойлари штатлар жадвалига, хизмат кўрсатувчи ишчилар сони эса хизмат кўрсатиш меъёрига асосан аниқланади. Ортиқча ва кам самарали иш жойларини аниқлаш учун даврий равишда қайта ҳисобга олиш ва аттестациялар ўтказилади.

Эскирган иш жойларини алмаштириш ва янгилаш меҳнат шароитларини яхшилайти, ишлаб чиқаришнинг ўсишига, иш сифатининг ошишига олиб келади.

Иш жараёнини амалга ошириш шартлари нафақат иш натижаларига, балки инсон саломатлигига ҳам таъсир этади. Шунинг учун мутахассислар инсоннинг ишлаш имкониятларини ўрганадилар. Бу орқали юқори самарадорлик ва меҳнат сифати-га, ишчининг саломатлигига ва керакли қулайликларга эришилади.

Иш жойи бирламчи бўлинма ҳисобланиб, унинг сони ва таркибига асосан бутун корхона таркиби ташкил топади, унинг қўламлари аниқланади. Ҳазаро боғлиқ иш жойларига асосан бригадалар, иш гуруҳлари, секторлари тузилади. Бригадалардан участкалар тузилади, улардан цехлар ташкил топади. Бўлимлар, лабораториялар, участкалар ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари орқали уларнинг бирлашуви амалга ошади. Цехлар

ташкил этилиши билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар бирлиги, технология ва ҳудудларнинг яқинлиги вужудга келиб, жамоа иш жойлари (масалан, металлургия заводида кечки хизмат қилувчи бригада), ишнинг бажарилиш бирлиги (масалан, йўл қурилишида асфальт ётқизиш бригадаси ва бошқалар) ташкил қилинади.

1.7. ЯНГИ КОРХОНАНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА УНИ ҲУҚУҚИЙ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Янги корхонани ташкил этиш ва ишлаб турган корхонани кенгайтириш зарурати ҳамда имконияти қўйидаги омиллар орқали аниқланади:

- маҳсулотга бўлган қондирилмаган талабнинг мавжудлиги;
- маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун керакли ресурсларнинг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш тармоғида илм-фаннинг ривожланиши даражаси;

Янги корхонани ташкил этиш ҳақидаги қарорни капитал эгаси қабул қилади. Биринчи навбатда, капитал корхонани қуриш ва ташкил этиш, етарли даражада хом ашё, материаллар, ишчи кучи сотиб олиш учун керак бўлади. Ушбу мақсадларда қилинган харажатлар орқали бирламчи капитал қўйилма базасида корхона устав капитали вужудга келади. Устав капиталининг ўсиши корхона ихтиёрида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қолдирилган фойда ҳисобидан амалга оширилади. Бундан ташқари корхона акция чиқариш ва сотиш, кредит олиш ҳисобига қўшимча маблағ эгаси бўлиши мумкин ва бу маблағ келгусида фойда ҳисобидан қопланади. Қўшимча маблағ шунингдек, ортиқча мулкни сотиш орқали ҳам олиниши мумкин.

Қўшимча маблағни жалб этиш билан корхона ўзининг асосий ва айланма фондларини кўпайтиради, маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиради, унинг сифатини яхшилайти, даромадни оширади.

Янги корхонани ташкил этишда асосан қўйидаги мақсадлар назарда тутилади:

- истеъмолчилар талаб қилаётган маҳсулотни кўпайтириш ва уни сотиш орқали даромад олиш;

- аҳолининг ишга яроқли қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш ва бу билан ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш;
- ишлаб чиқаришга қўшимча мавжуд табиий ресурсларни жалб этиш;
- илм-фан ва техниканинг охириги натижалари асосида саноат маҳсулотининг янги турларини яратиш;
- алоҳида шахслар ёки уларнинг бир гуруҳи янги ташкил этган унча катта бўлмаган корхоналар ҳисобидан ўз шахсий манфаатларини қондириш.

Корхонани ташкил этиш керакли ҳужжатларда акс эттирилади. Ҳаммадан олдин асосий ҳужжат - Низом расмийлаштирилади. Унда корхонанинг юридик мақоми, вазифаси, уни ташкил этиш принципи ва асоси, таъсисчининг пул қўйилмаси, корхона фаолияти шакли ва муддати, унинг ҳуқуқлари ва юридик шахс сифатида мажбуриятлари кўрсатилади.

Низомда устав капитали миқдори ва унинг манбаи, корхона фаолияти тури, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ишчилар соғлиғининг муҳофазаси кафолати, корхона ва унинг бўлинмаларининг бошқарув формаси, ҳисоб ва ҳисобот системаси, янги корхона манзили ва номи кўрсатилади. Корхона низоми таъсисчилар томонидан тасдиқланади ва уларнинг аризасига биноан маҳаллий ҳукумат органлари томонидан рўйхатга олинади. Шундан сўнг корхона ўз муҳрига эга бўлиш ҳуқуқини олади ва банкда ўз ҳисоб рақамини очади. Муҳр ва ҳисоб рақамига эга бўлмаган муассаса юридик шахс ҳисобланмайди ва корхоналар тоифасига кирмайди.

Агар корхонани ташкил этишга маблағ бўлмаса, банкдан кредит олиш мумкин, лекин уни олиш учун кафолат, зақолат зарур бўлади, энг асосийси, кредит фоизи билан қайтарилиши керак.

Янги корхона ташкил этаётган тадбиркор, энг аввало, фойдали, самарали фикрга эга бўлиши керак. Келгуси босқичда қунидаги кредитлар ҳисоб-китоб қилинади: ишни бошлаш учун қандай ва қанча восита керак бўлади; иш бошланган йилда қанча даромад олиш мумкин? Омадга фақат одамларни яхши уюштириш орқали эришилади. Бунинг учун иш режасини тузиш, ижро назоратини ўрнатиш, ҳар бир ишчининг вазифасини

II БОБ

ТАДБИРКОРЛИК ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

2.1. ТАДБИРКОРЛИК ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тадбиркорлик - корхона, тижорат ва молия ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари фаолиятининг ажралмас қисмидир. Лекин охириги пайтгача иқтисодни бошқаришнинг бу энг керакли функцияси адабиётларда кенг ёритилмаган эди.

Тадбиркорларга ёрдам бериш учун АҚШ мутахассислари Роберт Хизрич ва Майк Питерс бошловчилар учун «Тадбиркорлик» умумий сарлавҳаси остида ўқув қўлланмасини чоп эттирдилар. Хўш, тадбиркорлик ўзи нима? Хизрич ва Питерс урта асрлардан то ҳозиргача бўлган даврда ушбу масалага муносабатни таҳлил этиб, шундай хулосага келишдики, «тадбиркорлик, бу - қийматга эга бўлган қандайдир янгилик яратишдир, тадбиркор эса - ушбу ишга эришиш учун кучини сарф қиладиган ва бутун таваккалчиликни ўз бўйнига олиб, эришилган нарса учун мукофотга пул оладиган инсондир». Ушбу таъриф тадбиркорлик ҳақида тўла тушунча беради, деб айтиб бўлмайди.

Сарфланган меҳнат ва маблағдан даромад олиш ҳар бир тадбиркорнинг мақсадидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида «Тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият» - деб таъриф берилган. Ушбу қонун фойда олишни назарда тутмайдиган юридик шахслар, фуқаролар ва бирлашмаларга нисбатан қўлланилмайди.

Ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорликнинг асосий мақсади маҳсулот(иш ва хизматлар)га бўлган талабни ўрганиш

ҳамда шакллантириш ва бу талабни маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) ва сотиш орқали қондиришдан иборат.

Тадбиркорнинг ушбу товарларни ишлаб чиқаришининг ёки ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида воситачи сифатида туришининг фарқи йўқ.

Асосийси тадбиркорлик фаолиятининг бошқа нотижорат тузилмалардан фарқининг белгиланиши бўлиб, бу - тадбиркорнинг даромади билан харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида олинадиган даромаддир. Тадбиркор корхона мулкининг эгаси бўлиши шарт эмас, шу боисдан тадбиркор даромади билан мулк эгаси даромади ўртасидаги фарқни билиш керак.

Акция дивиденди, депозит фоизи, ер учун ижара тўлови хусусий мулк даромадидир. Лекин, ушбу даромад фақатгина тадбиркор ўз даромадидан тўлаганлиги учун юзага келади. Ўз тасарруфига хусусий мулкни олгандан сўнг, тадбиркор бозорда фаолият бошлайди: маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, самарали тижорат алоқаларини ўрнатади, дастмояга бировнинг маблағини қўяди, бундан ўзи учун фойда олади.

Хусусий мулк эгаси бозорда пассив шахс ҳисобланади; тадбиркор эса, аксинча ишлаб чиқаришни ривожлантирувчи ва ташкил этувчи, бозор алоқаларини ўрганувчи бозорнинг актив иштирокчисидир. Бозорнинг ҳар бир субъекти, шу жумладан бизнесменлар ҳам, тўла тадбиркор дейилавермайди. Масалан, банкларга пул қўйиб фоиз олувчилар, йилдан-йилга бир хил товар ишлаб чиқарувчи (хизмат кўрсатувчи) фирма эгаси тўлиқ маънода тадбиркор дейилмайди. Бундай субъектлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайди, балки репродуктив функцияни амалга оширади холос, лекин бизнес билан шуғулланувчи кимсалар одатда тадбиркорлар деб юритилади. Аслида тадбиркор деб, иш юритувчи ва бозорда изланувчи кимсалар тушунилади.

Янгиликни излаш, корхона ходимлари фаолиятини ташкил этиш, янги бозорларни ўрганиш, янги товарлар ишлаб чиқаришга ўтиш ва хизмат кўрсатиш - ҳақиқий тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркор шахсан ўзи корхонанинг ҳамма муаммолари билан шуғулланиши зарур эмас, айрим вазифаларни ҳал этиш бошқа шахсларга бўлиб берилиши ҳам мумкин. Тадбиркор кор-

хона ишчиларининг фаоллиги ва ташаббускорлигининг раҳбари ва ташкилотчиси бўлиши керак.

Совет фани ўтмишда тадбиркорлик масалаларини умуман четлаб ўтар эди. Совет жамиятшунослари тадбиркорликка синфий кўриниш сифатида қарар эдилар, лекин шундай бўлса ҳам ҳаётда кўпчилик тадбиркорлик фаолиятига дуч келар эди.

Тадбиркорлик, бу - ҳўжалик ташаббускорлигидир, у турғунликни, розиликни, ўз-ўзини тинчлантиришни рад этади.

Тадбиркор бўлмаган ҳўжалик юритувчи - бу ёмон ишчи, хизматда белгиланган вақтни ўтказувчи шахсдир. Тадбиркор ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни, уни ривожлантириш йўллари қидиради, иш сифатини оширишга, корхона фойдасини кўпайтиришга, у корхона эгаси бўлиш - бўлмаслигидан қатъи назар, ҳаракат қилади.


Тадбиркорлик таваккалчилиги ҳар икки турдаги тадбиркорларга хосдир: мулкдор ўзининг капитали билан, ёлланган ходим эса мавқеи ва иш ҳақи билан таваккал қилади. Ҳар бир тадбиркорнинг вазифаси - меҳнат ва капитал сарфлаш орқали даромад олишдир. Унинг иши сифати капитал орқали олинган даромадга қараб белгиланади. Шунингдек, тадбиркорлик - бу даромад олиш ва уни кўпайтириш учун сарфланган ҳўжалик фаолиятидир.

Сўзсиз, тадбиркорликни менежментдан, тадбиркорни бошқарувчидан фарқлай олиш лозим. Тадбиркор таваккалчилик кўрқуви ва ўзининг жавобгарлиги асосида фаолият кўрсатади. Менежер тадбиркор томонидан жалб этилган ва унинг топшириқларини бажарадиган ёлланма ишчидир.

Албатта, ҳозирда тижорат фаолияти кенг шаклланган ва тарқалган пайтда менежмент ва тадбиркорликни ажратиш шартлидир. Тадбиркор доим ҳам хусусий мулк ёки капитал эгаси бўлиши шарт эмас, лекин у ёки бу даражада менежер ҳисобланади.

Ҳозир борган сайин тадбиркорлик шаклини олаётган бошқарувнинг тадбиркорлик кўринишидан кўпроқ фойдаланилмоқда. Тадбиркорликка кенг ўрин бермайдиган фирмалар ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ўзгарувчанлигини билмаганликлари сабабли бозордаги ўринларини йўқотиб қўймоқдалар.

Жамият талабини тез ўзлаштирувчи, янги технология жорий этувчи ва талабга жавоб берадиган товарлар ишлаб чиқарувчилар ҳар доим ютиб чиқадилар. Ҳозирда йирик бизнес дунёсида шу нарса маълум бўлмоқдаки, фақат ўзини тадбиркор, деб ҳис қилгандагина омадга эришиш мумкин.



1.7-расм. Тадбиркорлик мақсадлари.

Тадбиркорнинг энг муҳим мақсадлари - маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, даромад олиш, бизнесни ривожлантириш ҳисобланади. 1.7-расмда кўрсатилганидек барча мақсадлар ўзаро боғлиқдир.

Узоқ давр мобайнида капитализмнинг ривожланиб бориши шуни исботладики, даромад олиш ва жамият манфаатдорлигини ошириш бир-бирига мос эмас. Тарихда буни тасдиқловчи мисоллар кўп. Лекин замон, у билан бирга жамият ҳам ўзгаради, чунки фан ва техниканинг ютуқларига асосланган жамият ўзини ҳимоя қилиш учун замонавий ишлаб чиқаришга ва талабга жавоб бермайдиган бизнесни инкор этади. Шунингдек, тадбиркорнинг ўзи ҳам ўзгаради: олдиндан кўра билишлик, таваккалчилик, ҳаракатчанлик хислатларига эндиликда маълумотлилик, ижтимоий жавобгарлик хислатлари ҳам қўшилди.

Тадбиркор бевосита жамиятга хизмат қила бошлади. Лекин бизнесмен ўз олдига ҳар доим жамият учун фойдали мақсадларни қўяди, дейиш тўғри эмас, чунки бунга кўпинча ишлаб чиқариш шартлари, ижтимоий муҳит, қонунчилик ва бозордаги «ўйин қоидалари» мажбур қилади.

2.2. ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Шундай нотўғри муносабат мавжудки, гуё тадбиркорлик - майда фирмалар, алоҳида хусусий шахслар мажмуидир: бундай қараш утган давр иқтисодиётига хос.

Асосий истеъмол маҳсулотларининг оддийлиги, уларни тайёрлашнинг содда технологияси, ишлаб чиқаришнинг катта бўлмаган ўлчамлари - бу утган даврнинг тадбиркорлари учун хосдир. Иқтисодиётнинг янги босқичида ривожланиш тубдан ўзгарди.

Мулкчиликнинг янги шакллари - жамият ва давлат мулкчилиги пайдо бўлди. Охири пайтда деярли ишлаб чиқариш ва капитал сарфи ўзгармади. Шунинг учун тадбиркорликка бўлган талаб сақланиб қолди - фақатгина унинг шакли ўзгарди, таъсир доираси кенгайди ва бу асосан ишлаб чиқариш кучлари ҳисобига бўлди.

Замонавий деҳқонга омов ва от эмас, балки трактор, автомобиль ва уларнинг асбоб-ускуналари зарурдир. Уларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш технологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, кўп маблағ сарфланишини талаб этади.

Янги даромадли иш нафақат бир кишига, ҳатто йирик корхонага ҳам оғирлик қилиши мумкин. Шу боисдан тадбиркорлик жамоа ишига айланади. Албатта, кичик, шахсий тадбиркорликка ҳам жой қолади, лекин бу фаолият асосан тижорат, хизмат кўрсатиш ва қисман қишлоқ хўжалиги билан чегараланиб қолади. Саноат ва молия кўп сонли жамоа томонидан берилган йирик капитал қўлига ўтади.

Тадбиркорлик кичик бизнесни ривожлантириш орқали вужудга келган. Тадбиркор кичик бизнесда фаолдир ва қандайдир ютуқларга эришиш учун ҳаракат қилади. Ўзининг хусусий корхонасига жуда кўп куч-ғайрат сарфлаб, унга бутун вақтини жалб этиб, тадбиркор кичик бизнесда ишга содиқлик, берилувчанликни намоён этади, бу эса катта компаниялар менежерларида кўзга ташланмайди. Шунинг учун, катта капиталга эга бўлган ва йирик компанияларни ривожлантиришдан манфаатдор одам менежментга тадбиркорлик хусусиятларини беришга ҳаракат қилади.

Аввало, тадбиркорлик ҳунармандчилик ва тижорат соҳасида пайдо бўлган ва асрлар мобайнида янгича тус олган.

Кейинчалик XV асрларга келиб ҳунармандлар, савдогарлар ва уларга ўхшаганлардан иборат тадбиркорлар ҳамжамияти тuzилади. Айнан шу даврда «тадбиркорлик» деган сўз пайдо бўлди ва ишлаб чиқариш, савдони ривожлантириш орқали фойда олувчи шахсларга нисбатан ишлатила бошланди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, тадбиркор ва маблағ эгаси - капиталистни бир-биридан ажратиш зарурияти туғилади. Агар капиталист бошқарувнинг тадбиркорлик усулидан фойдаланса, улар орасидаги фарқни йўқотиш керак бўлади.

«Тадбиркорлик» деган эски тушунча охириги пайтда янги мазмунга эга бўлди. Ҳозирги дунёда тадбиркор - бу келажакни олдиндан кўрувчи, бозор талабини олдиндан ҳис қилувчи ва уни бошқаришда ўз билимларини қўлловчи, ишлаб чиқариш ресурслари орқали даромад олишга эришувчи инсондир.

2.3. ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ

Тадбиркор ўз ишини иқтисодийнинг хоҳлаган соҳасида, агар у даромад келтирса, амалга ошириши мумкин. Тадбиркор нуқтаи назаридан уларнинг энг кўзга ташланувчиси бу: ишлаб чиқариш, тижорат, молия, ақлий мажмуа.

Турли даврда турли соҳалар турлича даромад келтириши мумкин, асосийси эса ишлаб чиқаришдир. Айнан ишлаб чиқариш соҳасида инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий неъматлар яратилади. Фан, санъат, тижорат, молия фақатгина одамлар улар билан шугулланганлиги учун мавжуддир: шунинг учун иқтисодий, сиёсат, мудофаа ва мамлакат маданияти аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар миқдори билан аниқланади. Шунинг учун моддий ишлаб чиқариш соҳасига ҳар бир мамлакатда тарихда ҳам биринчи даражада аҳамият берилган.

Ишлаб чиқариш - фаолиятнинг энг доимий соҳасидир ҳамда тўхтовсиз ўзгаришлар ва такомиллашувни акс эттириб боради. Шунинг учун тадбиркорликка талаб жуда катта.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши илмий ва техникавий ишлаб чиқаришнинг охириги натижаларига суянади.

Ушбу ишланмаларнинг самарадорлиги кутилаётганидан анчагина фарқ қилиши мумкин - бу ерда тадбиркорлик билан доимий боғлиқ бўлган таваккалчилик юзага келади.

Ишлаб чиқариш соҳасига қуйидагилар киради: саноат, қишлоқ хужалиги, балиқчилик, ўрмончилик, жамоат ва ишлаб чиқариш транспорти, ишлаб чиқариш характеридаги хизматлар (масалан, таъмирлаш ишлари).

Ишлаб чиқаришга тижорат, яъни савдо ва воситачилик жараёнлари ҳам кириши мумкин.

2.4. ТАДБИРКОРЛИК ШАКЛЛАРИ

Савдо, бу - пул эвазига етказиб берувчидан истеъмолчига, шу жумладан ишлаб чиқариш ичида ҳам, товарнинг ўтказилишидир. Агар аралаш металлургия корхонасида рудадан чуян эригилса, корхонанинг бошқа цехида чуяндан пулат олинса, сунгра пулат прокат цехига ўтказилса, бу операцияларнинг барчаси, яъни буюмнинг цехдан-цехга ўтказилиши ишлаб чиқариш соҳасига киради.

Агар чуян эритиш, пулат қуйиш, прокат тайёрлаш ишларини бажарувчи ишлаб чиқаришлар алоҳида мустақил корхоналар бўлса, улар ўртасида маҳсулотнинг биридан иккинчисига ўтиши тижорат соҳасига тааллуқли бўлади.

Тадбиркор томонидан савдога, молияга ёки ақлий меҳнатга қуйилган капитал ишлаб чиқаришга қуйилган капитал даражасида даромад келтиради. Лекин бунда олинган даромад ҳақиқий қийматни акс эттирган тақдирдагина ва унинг эвазига зарур бўлган реал предметларни сотиб олиш мумкин бўлгандагина маънога эга бўлади.

Тадбиркорлик шакли - бу, бир томондан, корхона бўйича шерикларнинг ички муносабатлари аниқланганлиги бўлса, иккинчи томондан, корхонанинг бошқа корхоналар ва давлат органлари билан муносабатидир. Тадбиркорликнинг қуйидаги асосий шакллари мавжуд:

- якка тартибдаги;
- жамоа;
- кооператив.

Тадбиркорликнинг кўрсатилган шакллари, ўз навбатида қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- кичик ва ўрта;
- йирик қўламли.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг - ишлаб чиқариш секторидаги ўрни аҳамиятсиздир. Бундай тадбиркорлик асосан қўл меҳнатига асосланган бўлиб, кам унумли ишлаб чиқариш воситалари қўлланилади, илмий-техника жараёни етарли даражада татбиқ этилмайди.

Вакиллик ва тулиқ ширкат номидан, унинг исталган иштирокчиси томонидан фаолият олиб борилиши, ширкатнинг таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, ширкат номидан иш олиб бориш деб тушунилади.

Шахс фақат битта тулиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тулиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номларини, шунингдек «тулиқ ширкат» деган сўзларни, ёхуд бир ёки бир неча иштирокчиларнинг «ва компания» деган сўзлар қўшилган номини ўз ичига олади.

Исталган тадбиркорлик фаолияти корхонанинг муайян ташкилий шакли асосида ва чегарасида амалга оширилади. Шаклни танлаш қисман тадбиркорнинг касби ва қизиқишларига боғлиқ бўлади, лекин асосан объектив шартлар билан аниқланади:

- фаолият соҳаси;
- пул маблағлари мавжудлиги;
- у ёки бу шаклдаги корхонанинг афзаллиги;
- бозор ҳолати.

2.5. ЖАМОА ТАДБИРКОРЛИГИ

XX аср охирларига келиб, тадбиркорликнинг жамоа шакли кичик ва йирик бизнесда етакчи ўрин эгаллади.

Давлат қонунчилигининг турли-туманлигидан қатъи назар жаҳон тажрибаси қуйидаги жамоа шакллари мавжудлигини билдиради:

- хўжалик ширкати;
- хўжалик жамияти;
- акциядорлик уюшмаси;

- ассоциация ва иттифоқлар.

Жамоа тадбиркорлигининг юридик номланиши айрим мамлакатларда вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин, лекин уларнинг ташкилий шакллари ва иқтисодий тузилмалари асосан сақланиб қолади, ривожланади ва ун йиллар давомида деярли ўзгармайди.

2.6. ШИРКАТЛАР

Хужалик ширкатлари қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- тулиқ ширкат;
- коммандит ширкат.

Тулиқ ширкат

Тулиқ ширкатда ўкки ва ундан ортиқ тадбиркор (корхона)нинг бирлашиши тушунилади. Улар томонидан ташкил қилинган корхона шартномага асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни кузда тутуди ва ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк билан тулиқ (чекланмаган) жавобгарликни ўз зиммасига олади. Ваколатхона ва тулиқ ширкат номидан иш юритиш ширкат номидан иш юритиш деб тан олинади.

Тулиқ ширкат қатнашчиларидан бирининг таркибдан чиқиши уларнинг тугатилишига олиб келади.

Коммандит ширкат

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тулиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Коммандит ширкатда қатнашаётган тулиқ ширкатларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги қонун билан белгиланади.

Шахс фақат битта командит ширкатда тулиқ шерик бўлиши мумкин.

Тулиқ ширкат иштирокчиси командит ширкатда тулиқ шерик бўла олмайди.

Командит ширкатдаги тулиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тулиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Командит ширкатнинг фирма номи барча тулиқ шерикларнинг номларини, шунингдек «командит ширкат» деган сўзларни ёки камида битта тулиқ ширкатнинг «ва компания» деган сўзлар қўшилган номини, «командит ширкат» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар командит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тулиқ шерикка айланади.

2.7. МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек «Масъулияти чекланган» деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий мавқеи, унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади.

2.8. АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ

Акциядорлар жамияти (АЖ) - корхона шаклларида бири бўлиб, унинг капитали акция чиқариш ва тарқатиш ҳисобига ташкил этилади, устав фонди муайян акциялар сонига бўлинади.

Масъулияти чекланган жамият билан акциядорлар жамиятининг фарқи шундаки, биринчи ҳолда одамлар биргаликда ҳамкорлик қилиш учун бирлашсалар, иккинчи ҳолда, биргаликда фойдаланиш учун даставвал капитал бирлаштирилади.

Акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

АЖ ўз маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш йўли билан фойда куришни кузлаган ва капиталларини бирлаштирган юридик ва жисмоний (шу жумладан хорижий) шахслар томонидан шартномавий келишув асосида ташкил этилади.

Акциядорлар жамияти:

- юридик шахсдир;
- кредиторлар олдида мулкий жавобгардир;
- қисмларга (акцияларга) бўлинган нақд акция капиталига эгалик қилади.

Акциядорлик жамияти курунишидаги корхона қуйидаги афзалликларга эга:

- акциялар чиқариш йўли билан қўшимча инвестицияларни жалб эта олиш имкониятига эга;
- умумий иқтисодий манфаатдорликда акциядорлар жавобгарлигининг акциялар қиймати доирасида чекланганлиги;
- тадбиркорлик таваккалчилигининг камлиги;
- капитал маблағнинг бир тармоқдан бошқа тармоққа ўтишининг энгиллиги.

Агар уставда кузда тутилмаган бўлса, акциядорлик жамияти одатда муддатсиз фаолият юритади.

Қўшимча акция эгаларининг пайдо бўлиш ҳоллари уставда белгилаб қўйилади.

Бошқарув АЖ ишини бошқаради, у ижроия органларини (директор, унинг ўринбосари, бош ҳисобчи ва бошқалар) сайлайди.

АЖнинг устав капитали акциядорларнинг ҳиссаларидан ташкил топган муайян суммани билдиради. Устав капиталининг иш бошлаши учун зарур бўлган пул ва бошқа маблағлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Жамият кредиторлари олдида нафақат устав капитали миқдорида, балки жами мулкнинг қиймати миқдорида жавобгардир.

Жамият иштирокчисининг ҳиссаси сўмда, чет эл валютасида, шунингдек бинолар, қурилмалар, жиҳозлар ва бошқа моддий қийматликлар, қимматли қоғозлар, ихтиролар, патентлар, сув, ер ва бошқа моддий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишида бўлиши мумкин. Мулкнинг қиймати иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан аниқланади.

Бизнинг республикамызда хусусийлаштириш бир неча босқичда амалга оширилмоқда, дастлаб кичик савдо, маиший хизмат соҳасидаги корхоналар хусусийлаштирилиб, кейинчалик ўрта ва йирик корхоналарга ўтилади. Энг муҳим томони шундаки, хусусийлаштириш аукционда сотиш орқали ёки йирик корхоналарда ҳар бир ишловчининг улушини аниқлаш туфайли амалга оширилади. Хусусийлаштирилган прогрессив шаклдаги ёпиқ ва очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари вужудга келди.

Умуман олганда, хусусийлаштириш, аввало, давлат мулкнинг олдин жамоага ва кейинчалик шахсга ўтишидир.

Республикамызда хусусийлаштириш адолатли ҳал қилинди, чунки бу жараёнда уч нарса аниқ - равшан тарзда белгилаб қўйилади, жумладан:

1. Ҳар бир жамоа ёки корхона аъзосининг мулкка эгалик ҳуқуқи бор ёки йўқлиги аниқланади;
2. Ҳар бир шахснинг мулкка эгалик ҳуқуқига таъсир этувчи омиллар (мезонлар) топилади ва эгалик ҳуқуқининг миқдори аниқланади;
3. Ҳар бир жамоа аъзосига меҳнатга ва иш мавқеига нисбатан мулкка эгалик ҳужжати (акция) берилади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, корхона ёки жамоа мулки тақсимланаётганда икки қисмга ажратилади:

1. Шахсларга бўлиб бериладиган воситалар (асосий ва оборот фондлар);
2. Шахсларга бўлиб берилмайдиган мулк (ҳужаликнинг қарзи, ер ва сув ресурслари, ижтимоий соҳадаги бино ва иншоотлар, жумладан мактаб, шифохона, асфальт йўллари ва ҳоказо).

Масалан, ҳукуматнинг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сиёсатида асосан, Қувасой гишт заводида ҳам бир қанча тадбирлар бажарилди. Чунончи, 1992 йили жамоа қарорига мувофиқ завод ижара корхонасига айлан-тирилди. Шартнома шартларига мувофиқ бошқарма завод ба-

лансидаги барча ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бериш билан биргаликда уларнинг таъминоти билан ҳам шуғулланиб, ишлаб чиқарилган ғиштларни ҳам ўзлари келишилган баҳоларда олиши керак. Лекин, кўзда тутилган барча масалалар ҳам ўз вақтида сифатли бажарилмади. Заводни ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлашда, олинган маҳсулот учун ҳақ тўлашда доимо узилишлар бўлиб турди. Бу ҳол завод фаолиятининг ривожланишини таъминлашга доимо ҳам ижобий таъсир кўрсатавермади. Бундай ҳол жамоада мулк ислоҳотини янада чуқурлаштиришни тақозо этди. Шуни эътиборга олган ҳолда жамоа аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ 1994 йилда «Керамика» номли ижара корхонаси «Буюк Турон» номли хусусий корхонага айлантирилди. Корхонани хусусийлаштириш жараёнида энг асосий эътибор қуйидагиларга қаратилди:

- ишлаб чиқариш воситаларининг ҳолатини эътиборга олиб, зарур бўлганларини корхона ихтиёрида қолдириш, яъни сотиб олиш;

- барча талабларни тўлиқ эътиборга олган ҳолда зарур бўлган ишчи ва хизматчи, бошқарувчиларни уларнинг қобилиятини ҳисобга олиб танлашга, ҳар бири билан батафсил шартнома тузишга;

- ишлаб чиқариш жараёнларини техника ва технологиялар асосида тўғри ташкил этишга, бошқаришга, корхонада маркетинг ишларини мақсадга мувофиқ амалга оширишга;

- ишчи-хизматчиларнинг меҳнатларини тўғри ташкил этишга, уларни иқтисодий рағбатлантиришга ҳамда ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга;

- ишлаб чиқаришда амалга ошириладиган ўзгарувчан ҳамда доимий харажатларни имконият доирасида камайтириб, кўпроқ даромад олиш ва бошқаришга.

Мулк ҳақиқий эгасини топгандан кейин ҳар ким бор моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишдан манфаатдор бўлади.

Авваломбор, мулк эгаси эртанги кунни ўйлаб иш юритади, корхонанинг келажагини ўйлайди. Раҳбар ходимларнинг масъулияти ошади ва ишлаб чиқаришга янгилик (янги техника, янги ғоя) жорий этишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқарувчиларнинг ўртасида рақобат вужудга келади ва мослашув (кооперация) содир бўлади. Натижада маҳсулот сифати ошади, таннархи пасаяди.

Хусусий корхона ўз фаолиятини 5,8 миллион сўм активи билан бошлади. Барча ишлаб чиқариш жараёнлари технологик жиҳатдан узвий боғланган ҳолда бажарилишини таъминлаш учун аввал корхонада ишлаган 325 ишчи - хизматчидан 207 нафари танлаб олиниб, улар контракт асосида ишлай бошладилар.

Корхона ўз мустақил фаолиятининг биринчи йилида, яъни 1994 йилда барча активлардан йил давомида тулиқ ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилиб, 2223 минг сўмлик товар маҳсулотини ишлаб чиқаришга эришди. Бунинг учун эса 1896 минг сўм харажат қилди. Товар маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш натижасида корхона шу йили 327 минг сўм соф фойда олиб, ўз рентабеллик даражасини 17,2 фоизга етказган. Корхона рентабеллигининг бу ҳолати мулк эгаси ва ишловчиларнинг талабини тулиқ қондира олмади. Яъни ишлаб чиқаришни ҳар томонлама ривожлантириш учун имконият бермади. Чунки олинган соф фойда суммаси корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун етмайди. Шунинг учун келажакда корхона раҳбарияти фойдани кўпайтириш мақсадида нисбатан арзонроқ бўлган мавжуд хом ашёлардан фойдаланишга, маҳсулотларни сотишда реклама, маркетинг ишларини ривожлантиришга ҳамда ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш даражасини оширишга эътибор бериши кераклигини белгилаб олди. Улар корхонанинг 1995 - 97 йиллар учун тузилган бизнес-режаларида ўз ифодасини тулиқ топган. Корхона узоқ муддатга ўз ишлаб чиқаришининг ривожланишини таъминлаш мақсадида доимий капитални мустаҳкамлаш учун экскаваторлар, бульдозерлар, машиналар, ғишт қоплаш ускуналари сотиб ола бошлади. Шунинг оқибатида ҳужаликнинг жами активи 14,1 млн. сўмга етказилди. Бу хусусийлаштириш жараёнининг биринчи йилдагига нисбатан 2,4 баробардан кўпроққа орگانлигидан далолат беради. Корхонада машина - техника билан таъминланиш даражасининг ўсиши натижасида ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражаси 1996 йилда 1994 йилга нисбатан 17-19 фоиз ошган. Шунинг натижа-

сида корхонадаги ишчи-хизматчилар сони 1997 йил бошига келиб 27 кишига қисқартирилиб, 180 кишини ташкил этди.

Корхона моддий-техника базасининг мустақамланиши, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш, иш жараёнларини механизациялаштириш, ишчи-хизматчиларнинг яхши рағбатлантирилиши натижасида 1996 йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотининг қиймати 1994 йилдагига нисбатан 17,5 мартаба ортиб, 39,0 миллион сўмни ташкил этди.

Товар маҳсулоти қийматининг ошишида маҳсулот миқдори ва баҳосининг ошганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Завод 1994 йилда ҳаммаси бўлиб 10,8 миллион дона сифатли пишиқ ғишт ишлаб чиқарган. Демак, хусусий корхонада ғишт ишлаб чиқариш суръати 1996 йилда ойма-ой 1994 йилга нисбатан юқори бўлиши таъминланган.

Сабаби ғишт ишлаб чиқариш қиш ва баҳор ойларида об-ҳаво ҳолатига, бевосита хом-ашё сифатига боғлиқдир.

Корхонада моддий-техника базасининг мустақамланиши, ишлаб чиқариш жараёнларининг тўғри ташкил этилиши, уларнинг механизациялаштирилиши меҳнат унумдорлигининг ошишини таъминлади. Агар дастлабки йилда 71,5 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўлса, учинчи йилнинг якунига кура бу курсаткич 92 минг донани ташкил этиб, 28,7 фоизга ошган, лекин шу йиллар ичида ишлаб чиқарилаётган 1 дона пишиқ ғиштнинг таннархи 1,28 сўмдан ошган. Бу албатта, шу соҳа учун зарур бўлган барча турдаги ишлаб чиқариш воситалари баҳоларининг ошиши ҳамда иш ҳақларининг ўсиши билан боғлиқдир.

Шунга қарамай, хусусий корхонанинг ялли фойдаси 1994-96 йиллар мобайнида 19,6 миллион сўмни ташкил этган. Бундан давлат ҳам манфаатдор бўлган. Чунки корхона ўз фойдасидан 2665 минг сўмни давлат бюджетига солиқ сифатида тулаган. Ялли фойданинг ошиши ишчи-хизматчиларнинг моддий аҳволини яхшилашга ижобий таъсир курсатган.

Буни қуйидаги рақамлар яққол исботлайди. Агар 1994 йили ишчининг ўртача ойлик иш ҳақи 289 сўмни ташкил этган бўлса, 1995 йили 1331 сўмни, 1996 йили эса 3551 сўмни ташкил этган.

Иш ҳақи 1997 йили ҳам 50 фоиз оширилиши кўзда тутилган. Демак, шу йиллар ичида ўртача иш ҳақи миқдори 12,3 мартага

ошган. Бу ҳол ишчи ва хизматчиларнинг корхона фаолиятида фаол қатнашишини таъминламоқда.

Хусусий корхона ишлаб чиқариши йил сайин ривожланиб бормоқда. Бу хусусийлаштириш натижасидир. Лекин эришилган ютуқлар чегара эмас. Корхона келажаги ўз фаолиятини ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш натижасида фойда массасининг кўпайтирилишига боғлиқ. Бунинг учун ҳукуматнинг хусусийлаштириш борасидаги тадбирларини тўлиқ ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Бу эса Президентимиз И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда мулкдорлар синфи таркиб топаётганлиги тўғрисидаги фикрининг ҳаётий эканлигидан далолат бермоқда.

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш И.А.Каримов томонидан таъкидланганидек, мулкдорлар гуруҳини шакллантиришга имкон беради, чунки мулк эгалари кўп бўлса, мамлакатнинг иқтисодий қудрати шунча ошади, бозор халқ истеъмоли товарлари билан тўлади, халқ бой яшайди.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш борасида «Буюк Турон» хусусий корхонаси чет эл инвестициясини жалб қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, техникавий таъминотни яхшилаш билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг бундай шаклига ўтиб ишлаётган корхоналар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳозирча, инвесторларни очиқ турдаги акционерлик жамиятини бошқаришдаги менежерларнинг суиистеъмолидан сақловчи ҳуқуқий асослар тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу ерда, акционер корхоналарнинг тадбиркорлик турларидан фарқли ўлароқ камчиликларини айтиб ўтсак, мантиқан тўғри булар эди. Масалан, жамият нуқтаи назаридан бизнеснинг акционерлик турида алоҳида виждонсиз шахсларнинг корхонанинг кооператив тури номидан узининг шубҳали ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириб, жиноятларини беркитиш имконияти бор. Ҳеч бўлмаса ҳақиқий қийматга эга бўлмаган қимматбаҳо қоғозларни муомалага қўшимча чиқариш имкониятини айтиб ўтишимиз мумкин. Икки бор солиқ солиш амалиёти ҳам тадбиркорликнинг акционерлик тури кенг ривожланишига тўсқинлик қилади: акция эгаларига дивиденд сифатида туланадиган даро-

маднинг бир қисмига дастлаб корхона фойдасининг бир қисми сифатида, иккинчи бор эса акция эгасининг шахсий даромади сифатида солиқ солинади. Бизнинг давлатимизда қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида имтиёзлар яратилиб, дивидендлардан ҳозирчалик солиқ олинмайди.

Тадбиркор, меҳнат жамоаси олдин қайси мулкчилик турига мансуб бўлмасин, у ёки бу даврда уларнинг олдида аниқ корхонага акционерлик турини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги муаммо кўндаланг бўлиши мумкин. Тадбиркорликнинг акционер тури камчиликлари ва афзалликларини билиш ҳар бир корхонага танлаш имкониятини яратади: катта пул маблағларини тезда жалб қилиш имконияти, чегараланган жавобгарлик, йирик ишлаб чиқаришга мансуб бўлган юқори даражадаги ихтисослашув, мустақил юридик шахс ҳисобланган ва нисбатан мустақил бўлган акционер корхонанинг доимийлиги. Агар қўшимча молиявий маблағ жалб қилмай туриб, келажақда корхонани ривожлантиришнинг иложи бўлмаса, унда ҳар бир корхона, ҳар бир тадбиркор тадбиркорликнинг акционер тури афзалликлари ва камчиликларини чамалаб, бозор иқтисодиёти ша- роитида бу масалани мустақил ҳал қилиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав капиталини акциядорлар бадалларидан ташкил топган аниқ бир пуллар суммаси ташкил этади. Устав капитали ҳажми жамият таъсисчилари томонидан белгиланадиган пул ва бошқа воситаларнинг иш бошлаш учун зарур бўлган миқдоридан келиб чиқади. Жамият кредиторлар олдида фақатгина устав капитали ҳажмида эмас, балки бутун мулк қийматида ҳам жавобгар бўлади.

Устав капитали жамиятни таъсис этиш вақтида акцияларнинг келишилган сонидан, бир хилдаги номинал қийматидан иборат бўлиши керак. Одатда, устав капиталининг энг пастки чегараси белгиланади.

Мулк қиймати иштирокчиларнинг умумий йиғилишида аниқланади. Жамият иштирокчисининг қўшган ҳиссаси пул бирлиги (валюта), бинолар, иншоотлар, жиҳозлар ва бошқа моддий бойликлар, қимматбаҳо қоғозлар, патентлар, ердан фойдаланиш ҳуқуқи кўринишида ва бошқалар бўлиши мумкин.

Жамиятда шунингдек, резерв фонди ташкил этилади ва у устав капиталининг камида 15 %ини ташкил этиши лозим. Резерв фондини шакллантириш таъсис ҳужжатларида кўрсатилган миқдорга етгунга қадар йиллик ажратмалар қилиш йўли билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятининг мулки устав капиталига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши мумкин. Қонуний меъёрлар одатда мулк қийматининг устав капитали суммасидан кўп бўлишини талаб қилади (акс ҳолда ҳиссадорлар ўртасида фойда тақсимланиши чегараланиб қолади).

Агар акциядорлик жамияти белгиланган йилда молиявий зарар кўрган бўлса, келгуси йилда уни фойда ҳисобидан қоплаши лозим.

Акциядорлик жамияти устав капитали акцияга очиқ равишда ёзилиш ва таъсисчилар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши ҳисобига ташкил этилади.

Биринчи ҳолда очиқ турдаги ва иккинчи ҳолда ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкил этилади. Очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акциялари бир шахсдан иккинчи шахсга бошқа акционерлар рухсатисиз ўтиши мумкин.

Ёпиқ турдаги акционерлар жамиятининг акциялари унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланади. Айни пайтда ушбу усул кенг қўлланилмоқда. Ёпиқ турдаги акциядорлар жамияти акцияларининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши бошқа акциядорларнинг рухсати билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятини ташкил этишда кўпгина мамлакатлар қонунчилигида акциядорлик капиталининг ҳамма қисмини эмас, балки унинг бир қисмини, лекин 50 % дан кам бўлмаган қисмини тулаш талаб қилинади. Капитал маблағларнинг қолган қисми маълум бир муддатда, масалан 1 йилда туланиши мумкин. Устав капиталининг ўзгариши камайиш ва пасайиш тарафига бўлиши мумкин. Устав капиталининг ўсиши одатда янги акциялар чиқариш ёки уларнинг номинал қийматини кўтариш ҳисобига юз беради.

Устав капиталининг камайиши акция номинал қийматининг пасайиши ёки акциядорлардан акцияларни бекор қилиш мақсадида сотиб олиш ҳисобига юз беради.

АКЦИЯЛАР

Акция - қимматбаҳо қоғоз бўлиб, эгаси томонидан аниқ бир суммани акциядорлик жамиятига киритиш ва ушбу жамият фойдасидан ҳар йили даромад (дивиденд) олишни англатади. Акция турли хил бўлиши мумкин, лекин энг асосийлари: номи кўрсатилган (махсус), оддий ва имтиёзли акциялар.

- **Номи кўрсатилган (махсус) акция** ёзувлар китобига киритилиб, акциядорга бириктирилади.

- **Оддий акция** акциядорлик жамияти фаолиятига боғлиқ ҳолда даромад олишни билдиради ҳамда бошқарувда қатнашиш ва акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини беради.

- **Имтиёзли акцияларнинг** - оддий акциялардан фарқи шундаки, акциядорлик жамияти фаолияти натижасидан қатъи назар, уларга белгиланган даромад суммаси бўйича ва акциядорлик жамияти тугатилганда биринчи ўринда дивиденд туланади.

Имтиёзли акцияларнинг энг катта камчилиги - акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини бермаслигидир.

Одатда акциялар қуйидаги реквизитларга эга бўлади:

- акциядорлик жамиятининг номи ва қимматбаҳо қоғоз номи;
- акция тури, рақами ва чиқарилган вақти;
- номинал қиймати, эгасининг исми, чиқарилган акциялар сони;
- дивиденд тулаш муддати ва бошқа ахборотлар.

Сертификат акциянинг ҳамма керакли реквизитларига эга бўлади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИ БОШҚАРИШ

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органи 2 ёки 3 бўлимли тузилмага эга бўлиши мумкин. 2 бўлинмадан иборат тузилма ўзида бошқарув ҳайъати (правление) ва акциядорлар умумий йиғилишини; 3 бўлимли тузилма қўшимча кузатув кенгашини мужассамлантиради.

Йирик мол етказиб берувчилар одатда ўртача стандарт ва талабни мўлжалга олишади, бунинг оқибатида ҳар бир истеъмолчининг талабини қондириш мумкин бўлмайди, ёки қисман қондирилади. Бу эса кичик тадбиркорларга жуда «қўл келади». «Бушаб қолган» бозорни товар билан тўлдириб, кичик тадбиркорларнинг ўзлари йирик тадбиркорга айланиб кетганликлари ҳақида мисоллар бор.

Аксарият кичик тадбиркорлар йириклар қаторига қўшила олмайди, улар янада йирикроқ корхонага қисман иштирокчи бўлиб қўшилиб оладилар, ёки йирик капитал олдида «синадилар». Ушбу жараёнлар ҳатто Германия, АҚШ, Англия ва бошқа мамлакатлар учун ҳам характерлидир.

Англияда 1991 йилда Уилямс Саранинг кичик бизнес бўйича асари чоп этилган. Бу асарда келтирилган айрим фикрлар кичик бизнесни амалга оширишда бўлажак тадбиркорлар, менежерлар учун катта аҳамиятга эга. Бу китобдаги айрим йўл йуриқларни куриб чиқамиз.

Китобда таъкидланишича, бизнесни юритишда иккита аниқ хусусият бор. Биринчиси, бизнесни бошлашда киши ўзини мажбурламаслиги керак. Шахсий бизнесни юритадиган ва бошлайдиган асосий шахс - бу ҳар кимнинг ўзи ҳисобланади. Бу эса кишига жуда катта масъулият юклайди. Чунки, ўз устида қаттиқ ишлашгина бизнес қилишга ёрдам беради.

Агар бирор кимса ўз пулини кўпайтирмақчи бўлса, унга банк бошқарувчилари, кредиторлар маслаҳат берадилар. Лекин, вақти келиб бизнесни бошловчи бу йўл билан бойиб кетган тақдирда ҳам у ўз вақтини ва пулини тежаш йўлларини режалаштириб олган бўлиши керак. Чунки, бу жараёнда бизнесни бошловчилар табақалашган муаммоларга дуч келишлари мумкин.

Иккинчиси, бизнесни ривожлантиришга, фойда куришга ишонч ҳосил қилиб, уни бошлаш ҳақида қағъий қарорга келингандан сўнг бирон бизнес турини танлаш ва қайси бозорда савдо қилишни билиш лозим.

Энди бизнесни бошлаш ғояси хусусида тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, бизнесни бошлашда ҳар хил йўллардан борилади. Баъзи бир кишилар ўзлари бир неча йиллардан бери ўйлаб юрган бизнеслари ҳақида гапирадилар, бироқ ҳеч қачон қағъий

қарорга кела олмайдилар. Кишиларда маҳсулот ишлаб чиқаришни ва сотишни қандай йўлга қўйиш кераклиги ҳақида фикрлар етарли бўлмайди. Бу ерда яна бир муҳим жиҳат шуки, бизнеснинг муваффақиятли бўлиши учун бизнес гоёси тез амалга ошадиган, романтик ва оригинал бўлиши керак.

Маҳсулотни сотишга ҳаракат қилиш, ўз бизнесини бошқасидан юқори қўйиш, асосийси, бир фикрда бўлиш керак.

Бизнесни бошловчида бир неча гоё бўлиши ва улар бири бири билан боғлиқ бўлиши керак. Бунда танлаш учун икки йўл бор:

1. Орттирилган тажрибадан ишлаб чиқаришда фойдаланиш;
2. Бозорни ўрганиш, яъни тажриба, билим ва маҳсулот бўла туриб, бозорни билмаслик ёки бозорни била туриб, тажриба, билим ва маҳсулот бўлмаса, у ҳолда бизнесни бошловчининг гоёлари амалга ошмай қолиши табиийдир.

Мантиқан бизнес фикри кўплаб кишилар учун ўз савиясини билиш каби ҳал қилувчи ўрин тутади. Бизнесни бошловчиларнинг савияси таълим олиши, ўз устида ишлаши натижаларига боғлиқ.

Бошловчи тадбиркор ўз маҳсулотига ва тажрибасига эга бўлганидан сўнг, албатта, уларни қайси ва қандай бозорга олиб чиқиши - бу унинг шахсий иши. Бизнесни бошловчи фаолиятининг асосини бозор ташкил қилиши керак. Бу бозор қуйидагича бўлиши мумкин:

- ривожланган ва катта;
- бизнесмен фойдалана оладиган;
- баҳоларни кўтармасдан истеъмолчиларга маҳсулотни танлашда ёрдам берадиган;
- икки ёки учтадан ортиқ катта таъминотчи ҳукмронлик қилмайдиган, лекин улар ўрнида бир неча кичик-кичик рақобатчилар бўладиган бозор.

Бундай бозорда муваффақиятга эришишнинг имкониятлари катта. Асосийси - рақобатдан, яъни рақиблардан қўрқмаслик керак. Рақобатсиз ҳеч қаерда ҳеч нарса ривожланмайди.

Агар бизнесда саноатга тааллуқли билим ёки техник тажриба бўлмаса, бозорга кириш қийин бўлади. Шунинг учун ўз ишини ривожлантирмоқчи бўлган киши тажрибали бизнесменлардан ўрганиши керак.

Агар бизнесни бошловчилар бир фикрга кела олмай юрган булсалар, бундан ҳеч умидсизланмасликлари тавсия қилинади. Бундай ҳолатда шундай иш тутишга тўғри келади: ҳамкасбларни, дўстларни ёки қариндошларни, оила аъзоларини муҳокамага чақириб, ўз фикрларини уртага ташлаш, сўнгра эса қоғоз ва қалам олиб, улардан маслаҳат сўраш лозим. Бу ҳолатни 15 минутдан 1,5 соатгача давом эттириш мумкин. Ундан кўп сарфланса, бир фикр қайтарилаверади ёки фикрлар хилма-хил бўлиб, яна бир тўхташга келиш қийинлашади.

Қатъий бир қарорга келингандан сўнг, кейинги қилинадиган ишлар режаси тузиб чиқилади. Фикрлар натижаси улароқ, режанинг қисқача баёни қуйидагича бўлиши мумкин:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш турини изоҳлаш;
- унинг сотилиши ҳақида кўрсатма;
- бозор тўғрисида кўрсатма;
- нарх-навони аниқлаш;
- маҳсулотлар дўконлар орқали сотиладими ёки воситачилар орқалими? Буни аниқлаш;
- биринчи галда имкони борича савдонинг қатъий миқдорини аниқлаш;
- маҳсулотни тайёрлаш;
- маҳсулотга яраша нарх қўйиш.

Дарҳақиқат, бозорни урганмасдан, нархни билмасдан туриб, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилса, айрим маҳсулотлар бозор рақобатига бардош бермасдан нархи кескин тушиб кетиши мумкин ёки бутунлай касод бўлиб, корхона банкротликка учраб қолиши ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳам бўлажак тадбиркорлар маркетинг, менежмент, молия менежменти ҳамда корхона иқтисодиётини тўлиқ билишлари шарт.

КИЧИК КОРХОНАЛАР СИРАСИГА ҚАНДАЙ КОРХОНАЛАР КИРАДИ?

Корхоналарни кичик, ўрта, йирик корхоналарга бўлишнинг ягона халқаро стандарти мавжуд эмас. Бу аниқ бир шароитдан, ривожланиш даражасидан ва ҳар бир мамлакат иқтисодиёти тuzилмасидан келиб чиқади.

Корхоналарни асосий ишчилари сони ва қайси тармоққа мансублигидан келиб чиқиб юқоридаги каби турларга бўлиш мумкин.

1996 йилдан буён саноатда, қурилишда ва транспортда 100 кишилиқ корхоналар, қишлоқ хўжалигида 60 кишигача, чакана савдо ва маиший хизмат соҳасида 30 кишилиқ, бошқа тармоқларда 50 кишигача одам ишласа, кичик корхона ҳисобланади.

Ушбу ўзгаришлар ва жаҳон тажрибаси корхонанинг кўламлари бўйича бўлишнинг шартли эканлигини кўрсатади.

Японияда корхоналарни кичик, ўрта ва йирик корхоналарга ажратишда уларнинг кўламлари ва тармоқ ихтисослашувидан ташқари яна 2 кўрсаткичдан фойдаланилади, булар - капитал ҳажми ва ишчилар сони. Бу ерда корхоналар асосан майда ва ўрта корхоналарга бўлинади. Ўрта корхоналарга саноат, транспорт, қурилиш, алоқада капитали 100 млн. иенагача (660 минг долл.) ва ишчилар сони 300 кишигача; улгуржи савдода 30 млн. иенагача (200 минг долл.) ва ишчилар сони 100 кишигача; чакана савдода ва хизмат соҳасида 10 млн. иенагача (66 минг долл.) ва ишчилар сони 50 кишигача бўлган корхоналар киради. Ишлаб чиқариш соҳасида кичик корхоналарга 50 кишигача ҳамда савдо ва хизмат кўрсатишда 5 кишигача ишчиси бўлган корхоналар киради.

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИШИ

Деярли барча саноати ривожланган мамлакатларда кичик корхоналарга алоҳида имтиёзлар ва давлат ёрдами берилади, чунки катта бўлмаган корхоналарда ишлаб чиқариш ялпи ҳаражати ва капитал айланмаси йирик корхоналарга нисбатан кўпдир. Уларнинг кредит олиши, рекламани йўлга қўйиши, бозорни ўрганиши, тижорат ва илмий-техника ахборотларини олиши қийинроқ кечади, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун нисбатан кўп маблағ сарфланади. Давлат ёрдамисиз кичик корхоналар ривожлана олмайди ва монополиялар билан рақобатлаша олмайди.

Францияда мисол учун, ўрта ва кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ташаббуси билан капитални таваккалчиликдан сақлаш ва суғурта қилиш Франция жамияти (СОФАРИС) тузилган. У ўз зиммасига банклар томонидан кичик ва ўрта корхоналарга берилган кредитлар учун кафолат бериш вазифасини олган. Агар корхонанинг фаолияти молиявий томондан шубҳалироқ туюлса, жамият банкка капиталнинг 50-60 % и учун кафолат беради; агар СОФАРИС кафолати остида корхона банкдан кредит олиб, инқирозга юз тутса ёки уни тўлай олмаса, жамият ушбу сумманинг ярмини ёки 60 %ини ўз жамғармаси ҳисобидан тўлаб беради. СОФАРИСнинг жамғармалари акциядорлик ёки давлат капитали (1 млрд. франкдан ортиқ) асосида ташкил этилади.

Солиқ тўлашдаги ва кредитлар беришдаги имтиёزلардан ташқари кичик тадбиркорликка ахборот олиш соҳасида ҳам шароитлар яратиб берилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи, таъмирлаш - қурилиш ишлари олиб борувчи корхоналар дастлабки икки йил ичида солиқлардан озод қилинади. Қолганлари қоидага кўра, биринчи йили 25 %, иккинчи йили эса 50 % фойда солиғи тўлайдилар.

АҚШда кичик бизнес давлатдан ҳамда акциядорлик тижорат ташкилотларидан ёрдам олади. Кичик бизнес бўйича давлат маъмурияти мамлакат ичида 68 та маҳаллий бўлимга эга бўлиб, улар корхоналарга кредитлар олишда кафолат бериш ва ишчилар малакасини оширишда ҳамкорлик қилиш билан ёрдамлашади.

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

XX аср охирига келиб, кичик корхоналарнинг шаклланиши икки хил йўл билан юз берди: йирик ва ўрта корхоналардан бўлинмалар, кичик цехлар, филиаллар, алоҳида участкалар ажралиб чиқди ва улар юридик шахс мақомини олиб, тўла мустақилликка эришдилар; жисмоний ёки юридик шахс бўлмиш тадбиркорларнинг ташаббуси билан масъулияти чекланган ёки акциядорлик жамиятлари ташкил топа бошлади.

ТАДБИРКОРЛИК КИЧИК ШАКЛЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Йирик давлат корхонасидан бўлинмани ажратиб чиқариш учун ушбу тузилма бирлиги (цех, участка, филиал) меҳнат жамоасининг қарори бўлиши керак.

Ушбу қарор мазкур тузилма бўлинмасининг умумий йиғилишида расмийлаштирилади. Келгусида мулк эгасининг, ўз таркибидан бўлинмани кичик корхона сифатида ажратиб чиқариши учун розилиги бўлиши керак. Ушбу розилик қоидага кўра раҳбар томонидан расмийлаштирилади.

Мулк эгаси кичик корхонанинг таъсисчиси сифатида чиқади. Таъсис шартномаси имзоланади, унда кичик корхона таъсисчининг талабларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади, таъсисчи эса, кичик корхонага кўмаклашиш учун аниқ кафолатлар беради.

Шундан сўнг корхона низоми ишлаб чиқилади, унда фаолият тури ва соҳаси аниқ кўрсатилади: шунингдек унда низом капитали, таъсисчилар, уларнинг улуши (устав капиталида), почта манзили, телефон (факс), корхона раҳбари ва ҳисобчисининг фамилияси кўрсатилади. Сўнгра маҳаллий давлат органларига корхонани рўйхатга олиш учун ариза ва таъсис ҳужжатлари тақдим этилади.

Маҳаллий органлар янги корхоналарнинг санитария ва экологик хавфсизлиги ҳақида, ишлаб чиқаришда банд бўлган одамлар сони ва тузилмаси тўғрисида қўшимча маълумотлар ва бошқа тегишли ҳужжатларни сўраши мумкин. Рўйхатдан ўтгандан сўнг корхона банкда ҳисоб рақами очади, ички ишлар бўлинмаларидан муҳр тайёрлаш учун махсус рухсатнома олади ва тўлиқ юридик шахс бўлади.

Янги корхона ташкил этишда унинг шакли, таъсисчилари, фаолият тури ҳақида саволлар туғилади. Хусусий корхона ёки масъулияти чекланган ва чекланмаган акциядорлик ширкатлари очилиши мумкин. Биринчи ҳолда таъсисчи бўлиб хусусий шахс - 1 киши ҳисобланади ва у ўз имкониятларидан келиб чиқиб, устав тайёрлайди. Қолган ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Албатта, иқтисодийёт кичик корхоналарга таяна олмайди. Замонавий ишлаб чиқаришнинг катта қўламлари йирик ҳажмли тадбиркорликка асосланган.

2.10. ЙИРИК ҲАЖМЛИ ТАДБИРКОРЛИК

Йирик фирмалар тадбиркорлик ютуғига эришиш учун катта асосларга эга, чунки уларда кичик фирмаларга нисбатан катта имкониятлар бор.

Аввало, улар янги, қимматбаҳо ва юқори унумли ишлаб чиқарувчи техникалардан фойдаланишлари мумкин ва бу билан улар маҳсулот таннархини камайтириб, унинг сифатини оширадилар ва пировардида юқори даромад келтирадиган бозорларни эгаллайдилар. Кичик бизнес узининг паст рентабеллилиги, кичик ишлаб чиқариш ҳажми билан замонавий қимматбаҳо техникаларни сотиб олишга қодир эмас.

Бундан ташқари йирик корхоналарда ва ташкилотларда капитал тўпланиши билан кенг миқёсда маркетинг изланишлари олиб бориш учун имкониятлар мавжуд бўлиб, у таваккалчилик тадбирларини қўллаш заруратини камайтиради. Ички ихтисослашув ва кооперация бу корхоналарга ишчилар малакасининг умумий даражасини оширишга, жиҳозлар зуриқишини камайтириш, омбор ва транспорт операцияларида йўқотишларни камайтириш, рекламани ривожлантиришга ва бошқаларга имкон беради.

Статистик маълумотларга кўра, АҚШнинг 500 та йирик корпорацияси, Ғарбий Европада ҳам шунча миқдордаги корпорациялар уз қўлларида миллий капиталнинг 1/4 қисмини ва ушбу ҳудудда яшовчи дунё аҳолисининг 25 % ини банд қилиб турибди.

Ҳозирги босқичда юз бераётган ўзгаришлар натижасида тадбиркорлик йирик фирмалар, банклар, холдинглар раҳбарлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Бунда тадбиркорлик илмий асосда ташкил этилиб, бу йўналишда кенг қўламда иш юритилмоқда.

Молия ва меҳнат ресурсларини иложи борича тўплаш корпорацияларга капитални иқтисодийётнинг бир тармоғидан иккинчи тармоғига олиш имконини беради ва бу уларга иқтисодий

давринг энг мураккаб, қийин ҳолларида ҳам «жон сақлаш» учун шароит яратади.

Корпорация чиқараётган товарга талаб пасайиши билан, у талаб кучли бўлган товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга зўр беради. Диверсификация илмий-техник жараён билан бир қаторда замонавий йирик капитал тадбиркорлигининг бош йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Собиқ Иттифоқнинг йирик корхоналарида ишлаб чиқариш диверсификацияси Ғарб мамлакатларига нисбатан бошқача асосланар эди. Моддий-техник таъминотнинг доимий етишмаслиги ва таъминотдаги узилишлар натижасида совет корхоналари ўзларини ўзлари таъминлашга ўтардилар ва бу билан улар салкам ҳақиқий хўжаликка айланиб қолардилар. УралМАШ, ЗИЛ, ВАЗ, ММК ва бошқа бирлашмалар ҳар хил майда маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан ҳам боғланиб қолган эдилар, ҳолбуки бу уларнинг ихтисосига кирмас эди.

Шундай бўлса-да, ушбу йирик корхоналар кенг миқёсда буюмлар ишлаб чиқариш билан бирга, кўпинча кичик ва ўрта фабрика ҳамда заводларга нисбатан яхши шароитда эдилар.

2.11. ТАДБИРКОРЛИК АССОЦИАЦИЯЛАРИ ВА ИТТИФОҚЛАРИ

Фаолиятни мувофиқлаштириш, умумий тижорат манфаатларига эришиш, капитал самарадорлигини ошириш мақсадида корхоналар шартнома асосида ассоциация (корпорация), консорциум, синдикат ва бошқа иттифоқлар ташкил этишлари мумкин.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, юқорида санаб ўтилган шакллар ишлаб чиқариш, тижорат ва молия фаолиятида муҳим ўрин тутади.

Одатда технологик жараёнларнинг ухшашлиги, хўжалик ривожланишининг ўзаро боғлиқлиги, алоқадор ишлаб чиқариш техник-иқтисодий даражасининг кескин ўсиши, хом-ашё ва ресурслардан комплекс фойдаланиш зарурияти, диверсификация - юқоридаги иттифоқларнинг тузилишига сабаб бўлади.

Турли хил тармоқлар туташган жойда мураккаб иқтисодий муаммолар юзага келади. Тармоқларни самарали ривожланти-

риш учун ресурсларни жамлаш, турли корхоналарни бирлашти-
риш ҳамда уларни бошқариш шаклини ташкил этишдан асосий
мақсад қуйидагилар ҳисобланади:

- иштирокчиларни бирлаштириш орқали иш самарадорли-
гини ошириш, қурилиш ва бошқа ташкилотларни ягона ҳўжалик
комплексига жамлаш;
- маиший бозорни забт этиш ва қўлдан чиқармаслик;
- хом ашё, материаллар, буюмлар ва бошқа ресурсларни
етказиб берувчиларни барқарорлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг техник ривожланишини жадаллаш-
тириш.

Ҳўжалик иттифоқларини ташкил этишнинг бош принциплари
қуйидагилардир:

- бирлашманинг ихтиёрийлиги;
- шерикларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- ташкилий шаклларни танлашнинг эркинлиги;
- иштирокчиларнинг мустақиллиги;
- бирлашмага киришда фақат ўзига юклатилган мажбури-
ятлар учун жавоб бериш.

Юридик мақомига кўра юқорида кўрсатилган ҳўжалик таш-
килотлари 2 гуруҳга бўлиниши мумкин: ҳуқуқий ва ҳўжалик асо-
сида доимий фаолият кўрсатувчи ёки ихтиёрий равишда
қўшилиш ва чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек ассо-
циация доирасидаги эркин тадбиркорлик.

Молия-саноат ассоциациялари, холдинглар, синдикатлар ва
консорциумлар энг кенг тарқалган ҳўжалик тузилмалари
ҳисобланади. Ҳар бир ташкилий тузилма ўзига хослиги билан,
ички мулкчилик ва юридик ҳуқуқлари билан ажралиб туради.

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯЛАР

Бундай бирлашмалар бир акциядорлик жамияти бошқа ак-
циядорлик фирмаси устидан молиявий назоратни амалга оши-
риш учун унинг акциялари пакетига эга бўлганда тузилади.

Икки хил холдинг мавжуд:

1. Соф холдинг, яъни бошқа фирманинг акционерлик капи-
талида иштирок этиш орқали даромад олиш;

2. Аралаш, яъни холдинг компания ўзи мустақил равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса ҳамда ўзига тобе бўлган фирмалар ва бўлимларни ташкил этса.

Соф холдинг компанияларни одатда йирик банклар бошқаради, аралаш холдинг бошида эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган исталган йирик бирлашма туриши мумкин.

Табиийки, бундай ажратиш шартли. Ўзгарувчан замонавий концернлар ўзларининг қуйи фирмалари ва филиалларига нисбатан холдинг бўлиши мумкин ва аynи вақтда ўзларидан устун турган холдингларга шуъба фирмаси бўлишлари мумкин.

Жуда йирик холдинглар юзлаб акциядорлик бирлашмалари, концернлар ва банкларнинг молиявий фаолиятини назорат қилишлари мумкин. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, йирик холдинг компаниянинг ўз капиталлари ва активлари шуъба фирмалари активлари ва капиталлари суммасидан бир неча марта кам бўлади. Айрим компаниялар давлат капиталининг катта улуши эвазига ташкил этилади ва улар давлат учун муҳим бўлган иқтисодиётнинг айрим тармоқлари устидан назоратни таъминлайди.

Бундан ташқари, банк капитали ва ишлаб чиқариш потенциалини бирлаштириш учун молия-саноат гуруҳлари тузилади. Бунда молия-саноат гуруҳига кирувчи банкнинг даромадини кредитдан олинган фоиз эмас, балки корхонанинг самарали ишлашидан тушган дивидендлар ташкил қилади.

Холдинглар, молия-саноат гуруҳлари, бошқа тармоқлараро бирлашмалар давлат капитали билан ташкил этилиб, мустақил орган мавқеини олишлари мумкин ва ўз фаолиятларида қонунга асосан иш кўришлари ёки ҳукуматга бўйсунушлари керак.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида холдинг компаниялар, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш механизми ушбу кўринишдаги ҳужалик тузилмаларини Ғарбда ташкил этиш тажрибасидан тубдан фарқ қиларди.

Ғарбда миллий ва трансмиллий корпорацияни ташкил қилиш алоҳида тадбиркорлар ташаббуси билан бошланади. Улар ўз капиталларини ҳамда қарзга олинган капиталларини жамлаб, бойликларини тобора кўпайтириб, ишлаб чиқариш, савдо, молиявий секторларни эгаллаб оладилар ва рақобатчиларнинг корхоналарини, савдо уйларини, банк капи-

тали улушларини сотиб олиш орқали корпорацияга айланадилар.

Бунга мисол қилиб Италиянинг «Феруцци» концернини олиш мумкин. Унинг асосчиси дастлаб кичик оилавий фермага эга бўлиб, ишни қишлоқ хўжалиги майда хом-ашёларини сотишдан бошлаган. Сўнгра қурилиш материаллари (урушдан кейин уларга талаб жуда катта эди) ишлаб чиқаришга киришди. 15 йилдан сўнг «Феруцци» халқаро бозорга чиқди ва товар омборлари қурди; Америкадан Европага юк ташиш учун денгиз кемалари сотиб олди, АҚШ, Бразилия, Аргентинада йирик ер участкаларига эга бўлди. Концерн томонидан янги заводлар қурилди, амалдаги химиявий ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар активлари сотиб олинди. Концерннинг асосий фаолият тури бўлиб қолаётган савдо билан бир қаторда «Феруцци» суғурта, илмий-изланиш ва лойиҳа-конструкторлик ишларини йўлга қўйди.

XX асрнинг 80-йиллари охирига келиб, «Феруцци» жаҳон миқёсидаги йиллик обороти 23 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ва Ғарбий Европанинг йирик компаниялари ичида 14-ўринда турувчи гигантга айланди. Унинг корхоналари жаҳоннинг турли мамлакатларида жойлашган.

Худди шунга ўхшаш ривожланиш йўлини Жанубий Кореянинг энг йирик компанияларидан бири - «ДЭУ» компанияси босиб ўтди. Унинг президенти ва асосчиси 1967 йилда 4000 АҚШ долларига тенг капитал билан иш бошлаган эди. 1992 йилга келиб эса, компаниянинг йиллик товар сотиш ҳажми 19 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва «ДЭУ» трансмиллий компаниясига айлантирилди.

«ДЭУ» компанияси Кореяда ҳамда бошқа мамлакатларда денгиз кемалари ва автомобиллар, оғир дастгоҳлар ва роботлар, алоқа воситалари ва маиший приборлар, газламалар ва куплаб бошқа товарлар ишлаб чиқаради.

Сўзсиз тадбиркорнинг шахсий манфаатлари муҳим рол ўйнайди, лекин объектив жараёнлар субъектив жараёнларга нисбатан кучлироқдир. Йирик капиталнинг роли ва аҳамияти айрим шахсларнинг хоҳиши билан эмас, балки у фаолият курсатган шароит билан боғлиқдир.

Яккахонлар ютуги умумий қоида ҳисобланмайди. Юзлаб кичик тадбиркорлар инқирозга учрайди ва фақат айримлари очган корхоналаргина иқтисодиёт асосини ташкил этувчи йирик корхоналарга айланади. Капиталистик дунёда трансмиллий компаниялар улушига XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб ишлаб чиқариш саноатининг 1/3 қисми, ташқи савдонинг 50 фоиздан ортиқ қисми ва янги техникалар (янги технология ва техника) учун берилган патентларнинг 80 фоизи тўғри келган. Шу туфайли холдинг компаниялар, концернлар, синдикатлар, ассоциациялар кўринишидаги корпоратив муносабатлар вужудга келди.

2.12. ЙИРИК ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАНГАН (УЗГАРУВЧАН) БИРЛАШМАЛАРНИ БОШҚАРИШ ШАКЛЛАРИ

Ассоциация, холдинг компания, молия-саноат гуруҳларини бошқаришнинг стандарт системаси мавжуд эмас. Устав капиталидаги улушидан қатъи назар холдинг компанияларни бошқариш корхона принципига ўхшаш бўлади, яъни бошқарув марказга қатъий бўйсунуш орқали амалга оширилади. Кўпроқ ассоциатив бошқариш шаклидан фойдаланилади, лекин бу холдинг системасидан эркин равишда чиқиб кетиш ҳуқуқисиз амалга оширилади. Баъзан аралаш шакл қўлланилади.

Ғарб давлатларида бу система жуда қаттиқдир. Жумладан, холдингнинг иштирок этиш улуши устав капиталининг 50 фоизидан ортиқ бўлса, холдинг компания ушбу корхонанинг тўлиқ ҳужайини бўлади ва уни марказдан туриб бошқаради.

Тадбиркорлик ҳамжамиятларининг таъсисчилари мамлакат ёки чет эл тажрибасидан беҳабар ҳолда, ўзлари ҳамжамият номини белгилайдилар, аммо кўпинча унинг мавқеи ва шаклланиш вазифасини аниқлаб олиш қийин бўлади. Шунинг учун холдинг, молия-саноат гуруҳи ва концернни бир-биридан ажратиб олишнинг имкони йўқ.

Шунга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик иттифоқлари ва жамиятларини ташкил этишда қуйидагиларга амал қилиш керак: аниқ қоидаларга риоя этиш ва уларни бошқариш учун мамлакат ёки чет эл тажрибасидан ха-

бардор бўлган мутахассислар, менежерлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшуносларни жалб этиш лозим.

АССОЦИАЦИЯ (КОРПОРАЦИЯ)

Ассоциация - бу мустақил ишлаб чиқариш корхоналарининг, илмий, лойиҳа - қурилиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ихтиёрий равишда бирлашишидир.

Ассоциация иштирокчилари мустақил юридик шахс бўладилар ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича қонун ва шериклари олдида тўлиқ жавоб берадилар. Улар ассоциация фаолияти натижалари учун фақатгина мулкнинг жамоа фойдаланишига берилган қисми билан жавоб берадилар, корхонада қолган бошқа мулк қисми билан жавоб бермайдилар. Ассоциация унга аъзо бўлган корхоналарнинг фаолияти учун (агар низомда кўрсатилмаган бўлса) жавоб бермайди. Ассоциацияга аъзо бўлган корхона ва ташкилотлар ўз фаолиятини доимо назорат қилиб борадилар. Одатда ассоциацияга кирадиган корхоналар мустақил равишда ўз иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаларини тузадилар. Баъзан корхоналар йиллик ва узоқ муддатга мужалланган режаларни бошқа корхоналар билан келишилган ҳолда тузадилар. Ассоциациядаги шериклар билан белгиланган тартибда келишувдан сўнг, умумий режа тузилади ва унинг бажарилиши ассоциация бошқаруви томонидан назорат остига олинади.

Ассоциацияга аъзо бўлган корхона ва ташкилотлар ўзаро ҳамкорлик учун шартнома тузадилар. Ассоциация аъзоси, ассоциациянинг бошқа аъзоларининг розилигисиз бошқа шартномавий мажбуриятларга киришиши мумкин. Бошқарувнинг жамоа органи ҳужалик кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибига директорлар ва баъзан бошқа мутахассислар киради. Кенгаш бир йилда икки мартабагача йиғилади.

Кенгаш қарори овозлар кўпчилиги (50 % +1) билан қабул қилинади. Ассоциация ҳужалик кенгаши бошқарув ҳайъатини, ассоциация раисини сайлайди.

Ассоциациянинг ижрочи дирекцияси ва кенгаши алоҳида ёки ассоциациянинг бошқа аъзолари манфаатларига мос келмайдиган қарорларни қабул қилмайдилар.

Хўжалик кенгаши вазифаларига одатда қуйидагилар киради:

- ассоциация аъзоларига фойдали ва самарадор бўлган йўналишларни излаш;
- ассоциация ичида узаро алоқаларни тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;
- корхона фаолияти режаси ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни келишиш;
- ассоциацияга кирувчи бирликларнинг техник ривожланиш дастурини ва инвестиция сиёсатини тасдиқлаш;
- корхоналар уртасида ички ва ташқи хўжалик алоқаларини ташкил этиш.

Кенгаш йиғилишлари оралигидаги вақтда хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириб туриш ва назорат қилиш вазифаси бошқарув ва ижроия дирекция зиммасига юклатилади.

Ассоциация аъзоларининг асосий мақсади - жамоа тадбиркорлиги асосида иш самарадорлигини оширишдир.

Бунинг учун ассоциация иштирокчилари келишувига биноан бошқарувнинг қуйидаги функциялари тулиқ ёки қисман марказлашган бўлиши мумкин:

- моддий-техника таъминоти;
- ташқи иқтисодий алоқалар;
- маркетинг;
- капитал қурилиш;
- конструкторлик ва технологик ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни ташкил этиш;
- иқтисодий режа ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоботи.

Бошқарув аппаратида керакли бўлинмалар тузилади ва улар қисман корхоналар томонидан субсидияланади, лекин кўпинча корхоналар билан шартнома шароитида хўжалик ҳисоби асосида иш юритилади.

Бошқарув аппаратининг асосий даромад манбаи субсидиялар бўлиб, улар тузилган шартномаларнинг бажарилиши натижасида олинади. Ассоциация иштирокчиларига ўз вақтида мажбурий хизматлар кўрсатилмаганлиги учун марказ моддий жавобгар бўлади ва бу узаро битимда олдиндан белгилаб қўйилади.

Иштирокчилар келишувига биноан уюшма доирасида марказлашган капитал қўйилмалар, инвестиция фондлари, техник ва ижтимоий ривожланиш фондлари, таваккалчилик, аниқ марказлашган фондлар, алоҳида мақсадли дастурлар жамғармалари, яъни уюшма томонидан қабул қилинган ижтимоий инфраструктура, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқа дастурлар жамғармалари тузилиши мумкин.

Бундан ташқари уюшма аъзоси бўлган ва молиявий қийин аҳволда қолган корхона ҳамда ташкилотларга ёрдам бериш учун марказлашган суғурта фонди ташкил этилади. У ихтиёрий улуш ҳисобига ташкил этилади ва ассоциация бошқаруви томонидан тасдиқланган сметага қатъий амал қилган ҳолда ишлатилади.

2.13. МАҲАЛЛИЙ УЮШМА ТАДБИРКОРЛИГИ

Ҳудудий муаммоларни ҳал этиш учун ҳудудий тармоқлараро бирлашмалар (ҲТБ) ташкил этилади. Уларга бўйсунадиган маҳаллий корхона ва ташкилотларнинг маҳсулотлари ҳудудий иқтисодийнинг талабларини қондириш учун бевосита ишлатилади.

ҲТБ мустақил равишда кенгайиши, бошқа шериклар билан, шу жумладан хорижий фирмалар иштирокида қўшма корхоналар тузиши мумкин. ҲТБга ўз таркибида янги корхона ва ташкилотлар тузиш, белгиланган тартибда кооперативлар ташкил этиш ҳуқуқи берилади.

ҲТБни шакллантириш орқали қуйидаги вазифалар бажарилади:

- ҳудуднинг комплекс ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши;
- маҳаллий моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари, иккиламчи хом-ашёдан фойдаланиш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар турини кўпайтириш;
 - ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
 - асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш ихтисослашуви, концентрациялашуви ва кооперациялашувининг ҳудудий шакллари-ни ривожлантириш;

- хужалик юритишнинг методлари ва шаклларини такомиллаштириш;

- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш: фойдани купайтириш, шу мақсадда ҳудудий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омиллардан кенг фойдаланиш.

ҲТБлар ихтисослаштирилган бўлиши мумкин, лекин одатда улар бир вақтнинг ўзида саноат, савдо, қурилиш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи куп тармоқли бирлашмалардир.

ҲТБ иштирокчилари хужалик мустақиллиги ва юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қолади. ҲТБ раҳбарияти уларга нисбатан мувофиқлаштирувчи орган функцияларини ташкил этади, бу эса пассив назорат ёки бажариш шарт бўлмаган тавсияларни бериш дегани эмас. Етарли даражада молиявий ресурсларга, ахборот ва хужалик алоқаларига эга бўлган ҳолда, ҲТБ раҳбарияти шундай шароитлар яратиши мумкинки, иштирокчилар фақат бирлашма таркибида бўлган ҳолда ва унинг қоидаларига амал қила туриб, самарали ишлашлари мумкин бўлади.

КОНСОРЦИУМЛАР, СИНДИКАТЛАР, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ - САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ

Холдинг ва ассоциация кўринишидаги муддатсиз ташкилий бирлашмалар қаторида корхона ва ташкилотларнинг вақтинчалик бирлашмалари ташкил этилади. Бундай бирлашмалар муайян вақт мобайнида конкрет вазифаларни бажариш учун бирлашадилар ва улар консорциумлар деб юритилади. Консорциумларга мулкчилик шаклидан ва тасарруфидан қатъи назар ҳар қандай корхона бирлашиши мумкин. Консорциум иштирокчилари хужалик мустақиллигини сақлаб қолдилар ва бир вақтнинг ўзида бошқа уюшмаларга, қўшма корхоналарга ва консорциумларга аъзо бўлишлари мумкин. Қўйилган вазифалар бажарилгандан сўнг консорциум ўз фаолиятини тўхтатади.

Консорциумга шунингдек, илмий-техник, инвестицион, экологик ва бошқа дастурларни жорий этиш мақсадида вақтинча ташкил этилган тармоқлараро инвестицион ва илмий-техник комплексларни ҳам киритиш мумкин.

Жамоа тадбиркорлигининг ассоциатив шаклларида яна бири синдикатлардир. Тадбиркорликнинг мазкур шакли асосан маҳсулот сотиш билан боғлиқ бўлиб, кўпроқ қазиб чиқариш, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида тарқалган. Мисол учун нефть қазиб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи таниқли халқаро ОПЭК синдикатига жаҳон нефть экспортининг 2/3 ҳиссаси туғри келади.

Одатда, синдикат ягона хизмат (маҳкама)ни ташкил қилиб, унинг аъзолари ҳамкорликда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган маҳсулотларни аввал келишилган нархларда ва квоталар бўйича топширишлари лозим.

Синдикат маъмурияти аксарият ҳолларда, синдикат қатнашчилари маҳсулотларини сотиш орқали тушган пулга улар учун хом-ашё, материал ва бошқа маҳсулотларни сотиб олади.

Саноат тармоқлари - корхона ва гашкилотлар гуруҳи бўлиб, улар ёндош ҳудудларда жойлашиб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфраструктура, табиий ва бошқа ресурслардан бир-галикда фойдаланиш учун тармоқлараро ва маҳаллий ҳудудий аҳамиятдаги умумий ишлаб чиқаришни ташкил этадилар ва бунда ўз мустақилликларини сақлаб қоладилар.

Саноат тармоқларида микроҳудудий интеграция, кооперация, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, ноёб жиҳозлардан тўлиқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш майдонларидан ва қувватларидан, иккиламчи хом ашёдан ишлаб чиқариш мақсадларида тўлиқ фойдаланиш, тармоқлараро ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш хўжалигини шакллантириш учун шароитлар яратилади.

Шу тариқа тадбиркорлик яқка шахсларнинг фаолиятидан йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассисларига тегишли машғулотга айланиб, кўп ҳолларда давлат ва давлатлараро муносабатларда ҳам акс этади. Бундай ҳол яна шу билан изоҳланадики, алоҳида олинган ҳар бир корхонага қараганда, катта кўламли тадбиркорлик уюшмалари (концернлар, холдинглар, ассоциациялар ва бошқалар) иқтисодиётнинг кўп тармоқларида ишончли ва мослашувчан тарзда иш юритадилар, улар хўжалик юритишда бир қатор қўшимча имконият ва қулайликларга ҳам эга бўладилар. Жумладан:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг турли шаклларида фойдаланиш мумкин: ижара, пудрат, кооператив;
- ҳам ашё базасидан кўп каналли фойдаланишга эришиш, шунингдек илғор техника ва технологияни кенг миқёсда жорий этиш;
- «изланиш - ишлаб чиқариш - истеъмол» циклини тўлиқ тармоқлараро, жумладан, кооператив циклга ўтказиш;
- жамоа, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- ҳудудий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани шакллантириш.

Лекин ишлаб чиқаришни шакллантиришнинг фақат позитив томонларинигина кўрсатиш нотўғри булар эди. Уларни ташкил этишда кўпгина муаммолар ҳам келиб чиқади. Бундан ташқари, йирик ишлаб чиқариш комплексларини ташкил этишда монополизм муаммоси ўткирлашади. Ўта йирик ишлаб чиқариш комплексларини яратиш (ўз корхоналарида бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган комплекслар назарда тутилмоқда) бозорда монополия вужудга келишига шароит яратиб беради, инфляциянинг ўсишига, илмий-техник ривожланишни сусайтиришга олиб келади. Мазкур муаммолар ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи параллел корхоналар яратиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали ҳал этилади. Лекин, параллел структуралар ва буюртмаларни конкурс (танлов) асосида жойлаштириш кўп вақт талаб этади. Шунинг учун давлат органлари монополизмни чеклашнинг биринчи навбатдаги ва мумкин бўлган услуги - давлат томонидан бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлари туркумини ишлаб чиқиш ҳамда уни уюшмалар ва концернлар доирасида амалга ошириш, деб ҳисоблайдилар.

III БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТОВАР АЙИРБОШЛАШ

3.1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТОВАР АЙИРБОШЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

Корхонанинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти асосан икки муҳим босқични ўз ичига олади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш;
- маҳсулотни сотиш ва ишлаб чиқариш учун зарур компонентларни сотиб олиш (айирбошлаш).

Биринчи босқич бевосита корхона миқёсида, иккинчи босқич эса, корхонадан ташқарида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёни айирбошлаш (сотиб олиш ва сотиш)дан бошланади, шу асосда олиб борилади ва у билан тугайди: сотиб олинган хом ашё ва материаллар ёлланма ишчилар, сотиб олинган энергия, ёқилғи ва меҳнат қуроллари ёрдамида бозорда сотиш учун янги товарга айлантирилади, - «товар - пул - товар - пул» айланмаси чексиздир.


Замонавий ишлаб чиқаришнинг асл моҳияти узлуксиз айирбошлашдир. У фақат истеъмол учун амал қилади, истеъмол қилинадиган ресурсларни олиш учун эса маблағ бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш корхонаси бозорда ўз маҳсулотларини сотиш орқали бу маблағга эга бўлади (3.1-расм).



3.1-расм. Ишлаб чиқариш ва товар айирбошлаш.

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш товар айирбошлашнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, айти пайтда бозорнинг бошқарувчиси ҳамдир. Шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган бозор унинг қонунларига бўйсунди ва унинг томонидан бошқарилади, ишлаб чиқариш вужудга келтирадиган товарларсиз эса бозор йўқолиб кетади.


Ишлаб чиқариш нима? Бу - инсон учун истеъмолга яроқсиз бўлган ва у етиша олмаган нарсаларни инсон учун фойдали ва керакли маҳсулотларга айлантириш усулидир. (3.2-расм)



3.2-расм. Табиат ресурсларининг товарга айланиши.

Табиат хом ашё ресурсларини фойдали товарга айлантириш ишлаб чиқариш жараёнида табиат кучлари ва қонунларини яхши билиш ва улардан самарали фойдаланишга асосланган. Ишлаб чиқариш атроф муҳитда мавжуд ва унга бўйсунмаётган табиий ресурсларга бевосита боғлиқдир. Инсон бу қонунларни билиши, уларни эгаллаши, фойдаланиши мумкин, лекин уларни ўзгартира олмайди.


Инсон ишлаб чиқаришни ташкил этар экан, ҳаёт тарзи ва талабларидан келиб чиқадиган ўз мақсадларини кўзда тутди. Бунда ишлаб чиқариш бевосита инсонга ва унинг ҳаётини бошқарадиган, яъни жамиятнинг ривожланиш қонунларига, аниқроғи инсонлар истеъмолига асосланган қонунларга бўйсунди. Шунингдек, моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги қонунлар 2 синфга бўлинади: табиат қонунлари ва жамиятнинг ривожланиш қонунлари. Улар ўзаро бир-бирини тўлдирди, шу асосда ишлаб чиқариш ривожланади ва айти вақтда иқтисодиёт соҳасида одамлар ўз муносабатларини ва алоқаларини шакллантирадидилар (3.3-расм).



3.3-расм. Табиатда қонунларнинг ўзаро муносабатлари

Ишлаб чиқариш, бу - жамият ривожланишининг калитидир, ҳар қандай миллий давлат тузилмасининг асосидир (3.4 - расм).

Шунинг учун ишлаб чиқариш омилларини ислоҳ қилиш масаласига ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади.



3.4-расм. Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва ресурсларни тақсимлашнинг макроиқтисодий схемаси.

Иқтисодий ислоҳотлар улар қандай номланишидан қатъи назар, ишлаб чиқариш соҳасидаги ислоҳотлардир. Агар ишлаб чиқаришга бевосита таъсир қилинмаса, амалга ошириладиган ўзгаришларнинг натижаси сезиларли даражада бўлмайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг фавқулодда муҳимлигини ҳисобга

олиб, уларни амалга оширишга киришар экан, мутахассислар юксак даражадаги амалий ва назарий билимларни пухта эгаллашлари керак.

Бир корхона фаолияти сифатида намоён бўлувчи, мураккаб ишлаб чиқариш комплексини тўлдирувчи ва қувватловчи товар ишлаб чиқариш ва товар айирбошлаш ҳар ҳолда турли техник ва иқтисодий тоифалар бўлиб, уларни аралаштириб юбориш мумкин эмас.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни режали ташкил этиш - аниқ ва стратегик мақсадга эришиш воситасидир; айирбошлаш - ушбу мақсад сари йўлдир. Буларни амалга оширишда технологик жараёнлар муҳим рол уйнайди. Чунки ихчамлаштирилган технология кўп самара келтиради, унинг учун сарфланаётган харажатлар ҳисоби ва назорати яхши йўлга қўйилган бўлса, самарага эришиш мумкин.

Бозор муносабатлари корхоналардан тобора кўпроқ иқтисодий самарадорликка эришишни талаб қилади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнига сарфланаётган моддий қийматлар, иш ҳақи ва меҳнат воситаларини тежамкорлик билан сарфлаш эса корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Тежамкорлик сарфланаётган харажатларнинг ҳисоби ва назоратининг қандай ташкил қилинганлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳозир корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига сарфланаётган харажатлари ҳисоби ва назоратини таҳлил қилиш унинг шу кун талаби даражасида эмаслигини кўрсатмоқда. Бунинг асосий сабаби эса ушбу жараённинг иқтисодий натижаси туғрисида у тугалланмасдан маълумот бериш имкониятининг йўқлигидир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, йил охирида аниқланган маҳсулот таннархи, шунингдек молиявий натижа ҳужаликка ҳеч нарса бермайди, чунки ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш жараёни тугаган бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг иқтисодий натижаларига таъсир қилиш имконияти йўқ. Натижада аниқланган ҳар қандай иқтисодий имкониятлар қоғозда қолиб кетади. Ҳолбуки, йил давомида йўл қўйилган хатоларни йил охирилганда туғрилаш мумкин бўлмайди.

Қишлоқ ҳужалиги корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятининг харажатлари ҳисоби ва назоратини таҳлил қилиш уларнинг

асосий ишлаб чиқариш жараёни жуда ҳам мураккаб эканлигини курсатмоқда. Чунки таъминот ва сотиш жараёнида уларнинг иқтисодий натижаларини дарҳол аниқлаш имкониятлари мавжуд. Ишлаб чиқариш жараёни қишлоқ хўжалигининг баъзи тармоқларида бир йилгача, баъзиларида ундан ҳам кўп муддатни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлиги юқори даражада бўлишини таъминлаш учун унга сарфланаётган харажатлар ҳисоби ва назоратининг барча босқичлари билан узвий боғланган бўлиши зарур.

Ҳисоб ва назоратнинг шундай усуллари ишлаб чиқилиши зарурки, улар бир-бирини такрорламаслиги ва аксинча тўлдириб бориш жараёни давомида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижаси қандай бўлиши тўғрисида тўғри маълумотлар бериши керак. Ушбу маълумотлар асосида йул қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш учун ишлаб чиқариш жараёни тугамасдан туриб тегишли чора ва тадбирлар белгиланиши зарур.

√Ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли тугалланишини таъминлаш ва ҳар бир ишлаб чиқарувчи юқори иқтисодий самарадорликка эришиши учун ҳар бир экинни ва чорва молларини белгиланган технология асосида парваришлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. (Парваришлаш технологиясининг бузилиши эса ҳосилдорлик ва маҳсулдорликнинг пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда энг асосий эътибор қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини парваришлаш технологиясига қаратилади. Технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланадиган харажатларнинг ҳисоби ва назоратига алоҳида эътибор берилади. Агар бирорта технологик жараён бажарилмай қолса, ёки белгиланган тартибда амалга оширилмаса, унинг сабаблари чуқур таҳлил қилинади ва зарурият туғилса, тегишли чора ва тадбирлар белгиланади.

Ўзимизда ҳам саноатда асосий эътибор технологик жараёнларнинг бажарилишига қаратилади ва уларни тегишли ҳужжатларда қайд этиш орқали узлуксиз равишда назорат қилинади. Чунки белгиланган технологиядаги бирорта жараённинг бажарилмаслиги ёки сифатсиз бажарилиши ушбу маҳсулотнинг нобуд бўлишига ёки сифатсиз тайёрланишига олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида юқори сифатли ва арзон

маҳсулот ҳар қандай корхонанинг тақдирини белгилайдиган энг асосий омил эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас.

Албатта, қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларини парваришlash технологиясининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни об-ҳаво шароитларига қараб у ёки бу технологик жараён бажарилмаслиги, кам ёки ортиқча миқдорда бажарилиши мумкин. Масалан, ёз кутилганидан иссиқ келса, суғориш бир неча мартага ошиши, салқинроқ келса, аксинча камайиши мумкин. Натижада суғориш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам ўзгаради, яъни камаяди ёки кўпаяди. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни оширишнинг бош омили - экинлар ва чорва молларини парваришlash технологиясининг бажарилиши ва уларга сарфланадиган харажатлар ҳисоби ва назоратини туғри ташкил қилишдир. ✓

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида технологик жараённинг бажарилиши ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар ҳисоби ва назоратини ташкил қилиш учун унинг услубий асосларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Чунки амалда технологик жараёнларнинг бажарилиши ҳамда уларга сарфланадиган харажатлар ҳисоби ва назорати умуман мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам гап амалда мавжуд бўлмаган ҳисоб ва назоратни ташкил қилиш устида кетмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун, энг аввало, хўжаликдаги барча экин ва чорва молларини парваришlash ҳамда маҳсулотни йиғиб олишда бажариладиган технологик жараёндаги ишлар ва уларнинг харажатларини ҳисоблаб чиқиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда технологик жараёнлар даврларга бўлиниши зарур. Масалан, узумчиликда барча ишлаб чиқариш жараёни қуйидаги тўртта даврга бўлинади: баҳорги дала ишлари; вегетация; ҳосилни йиғиб олиш ва кузги - қишки ишлар. Деҳқончиликнинг қолган тармоқларида эса у бирмунча бошқачароқ бўлиб, бажариладиган иш турлари ва уларга сарфланадиган харажатлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир даврда парваришlash технологиясини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишлар ва уларга сарфланадиган харажатлар турлари бўйича иш ҳақи, моддий қийматликлар, иш ва хизматлар қиймати ва бошқалар кетма-кет ёзилиши зарур. Парваришlash ва ҳосилни йиғиб олиш жараёнида бажариладиган иш турлари

ҳатто битта экин турининг ҳўжаликдаги турли майдонларда жойлашувига қараб ҳам фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун бунга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Чунки, технологик жараённинг бажарилиши ва уларга сарфланадиган сарфхаражатлар ҳисоби ва назоратини ташкил қилишдан асосий мақсад, юқорида таъкидланганидек, нафақат маблағларни тежаш, балки қишлоқ ҳўжалиги экинлари ва чорва молларини белгиланган технология асосида парваришлашни назорат қилиш ҳамдир.

Ҳозирда амалда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг иш ҳақи фондини аниқлаш учун тузиладиган технологик карталардан фойдаланиш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам технологик жараёнларнинг бажарилиши ҳамда унга сарфланадиган харажатлар ҳисоби ва назоратини махсус китобда юритиш зарур. Унда ҳар бир даврда бажариладиган ишларнинг ҳажмларини, уларни бажариш усуллари (механизация ёрдамида ёки қўлда) ва воситаларини, сарфланадиган харажатлар ва уларнинг турларини, режа бўйича ҳақиқатда ва режадан четлашувларни узлуксиз равишда ҳисобга олиб бориш лозим.

Технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар китоби маълумотлари асосида ҳар бир технологик жараённинг қандай ҳажмда ва муддатда бажарилганлиги, сифати ва иқтисодий натижасини аниқлаш имконияти бўлиши зарур. Бу, биринчидан, технологик жараёндаги қайси иш турлари бажарилмаганлигини, қай бири қандай ҳажмда ва қайси муддатларда бажарилганлигини билиш имконини берса, иккинчидан, қайси омиллар ҳисобига маблағ ва материалларнинг тежалганлиги ва ортиқча сарфланганлигини билиш, учинчидан, харажатларнинг нормадан четлашувининг сабабларини ва уларни тежаш учун нималарга эътибор бериш зарурлигини аниқлаб олишга ҳам шароит яратади.

Технология жараёнларининг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар китобидаги ҳисоб ва назоратнинг иқтисодий самараси юқори бўлади. Шунинг учун ушбу тадбир жуда муҳим бўлиб, у корхона мутахассисларининг малакасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар ҳисоби ушбу жараёнларнинг бевосита иштирокчилари томонидан амалга оширилиши зарур. Чунки бу назоратнинг янада самаралироқ бўлишини таъминлайди, сабаби йул қўйилган хато-камчиликлар тезроқ англаб етилади ва уларни тугатиш учун тегишли чора ва тадбирларни ишлаб чиқиш жадаллашади.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги пайтда ким бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай ходим бажарилган ҳар бир ишнинг иқтисодий натижаси қандай бўлишини имкони борича билиши зарур. Шунинг учун ҳам ушбу жараёндаги ишларни юритишни деҳқонларнинг ўзига юклаш лозим.

Албатта, уларга ҳужаликдаги ва деҳқонлар уюшмасидаги етук иқтисодчи мутахассислар яқиндан ёрдам беришлари керак.

Қишлоқ ҳужалиги экинлари ва чорва молларини парвариш-лаш ҳамда ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ булган технологик жараёнлар ҳисоби ва назоратининг кейинги босқичи ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими бўйича тузиладиган ишлаб чиқариш ҳисоботларидир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш бўлинмалари харажатларининг ҳисоби ва назорати бевосита технологик жараёнлар ҳисоби ва назоратининг давоми бўлиб, ундаги курсаткичлар ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатлар тўғрисида бошқарув учун талаб қилинадиган маълумотларни бериши зарур. Ҳозирда амалда қўлланилаётган ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолиятини акс эттирувчи ишлаб чиқариш ҳисоботлари талаб даражасида эмас. Ушбу ҳисоботларда ишлаб чиқариш бўлинмасининг ой мобайнида экин ва чорва моллари парвариши бўйича бажарган иш турлари, сарфланган иш ҳақи ва унга нисбатан қилинган турли ажратмалар акс эттирилади. Механизация ёрдамида бажарилган иш турларида эса иш ҳақи ва у билан боғлиқ булган ажратмалардан ташқари ёнилғи ва мойлаш материалларининг сарфи ҳам курсатилади. Сарфланган моддий қийматликлар эса моддий қийматликлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

Умуман, ишлаб чиқариш бўлинмаларининг харажатлари ҳисоби ва назорати усулларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш бўйича талаб қилинадиган маълумотларни бериш имкониятлари чекланганли-

гини ва бир-бирини такрорловчи маълумотларнинг кўплигини кўришимиз мумкин.

Шунинг учун ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ҳисоботларини ишлаб чиқишда биринчи галда юқоридаги камчиликларни тугатишга эътибор бериш зарур. Шунингдек, ҳисобот технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар китоби маълумотлари асосида тузилгани учун ҳам ундаги маълумотлар бошқача тартибда ишланиши ва бошқарув учун зарур бўлган маълумотларни тўлдириши керак. Ушбу ҳисоботда харажатлар ишлаб чиқариш бўлинмасидаги экин турларининг ишлаб чиқариш даврлари бўйича акс эттирилиши зарур. Ҳисоботда ишлаб чиқариш давридаги харажатлар бўйича, ҳақиқатда, четлашувлар (ортиқча сарфланиш, тежалгани) ва бажарилиши зарур бўлган иш ҳажми ва жами харажатларнинг қиймати ва иқтисодий натижаси чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳисоботида ишлаб чиқариш жараёнларининг айна қайси даврида технологик жараёнлар бузилганлиги ва оқибатда у қанча зарар олиб келганлигини билиш имконияти мавжуд бўлса, иккинчидан, уларни тугатиш учун ушбу давр да ёки кейинги даврда қандай чора ва тадбирлар қўлланиши зарурлигини кўрсатиб беради. Шунингдек, ушбу даврда фойдаланилмаган ресурслар аниқланади ва улардан фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилади. Энг асосийси, ишлаб чиқариш бўлинмаси фаолиятининг иқтисодий натижасини ҳар бир даврда аниқлаб бориш имкониятининг вужудга келишидир.

«Технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар» китобидаги маълумотлар ишлаб чиқариш даврлари бўйича ҳисобланади. Ишлаб чиқариш даврлари эса бир ойда тугамаслиги ва бир неча ойларни ўз ичига олиши ҳам мумкин. Ишлаб чиқариш ҳисоботлари эса ҳар ойда тузилади. Шунинг учун ҳам бевосита технологик жараёнларнинг бажарилиши ва уларга сарфланган харажатлар ҳисоби ҳақида берилмайдиган маълумотларни ишлаб чиқариш ҳисоботларидан олиш мумкин.

Мулкчилик шаклидан ва бошқарув услубидан қатъи назар корхонада тайёрланган маҳсулот бу корхона ва унинг ходимларига керакли бўлган товарларга айирбошланиши кўзда тутилган товардир.

3.2. ТОВАР

Товар – бу бозорда сотиб олинадиган ва сотиладиган нарсадир. Бунда пул товар қийматининг ўлчами бўлиб хизмат қилади ва айна пайтда ўзи ҳам товарга айланади. Фонд биржаларида, кредит муомалаларида пул - оддий товардир ва унинг қиймати оддий усул билан, яъни талаб ва таклиф асосида аниқланади. Олди-сотди жараёнида товарнинг таркиби эмас, балки унга эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгаради.

Товарлар 2 гуруҳга бўлинади: моддий буюмлар; хизматлар.

Моддий буюмларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, машиналар, материаллар ва бошқалар киради; хизматларга - транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, маданият, маиший хизмат, реклама, савдо киради.

Товар ишлаб чиқариш деб - ўз эҳтиёжи учун эмас, балки алмаштириш ёки пулга соғиш ва бунинг эвазига бошқа шахсдан (корхонадан) ўзига зарур бўлган товарларни сотиб олиш мақсадида товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишга айтилади. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиш учун мўлжалланган маҳсулот - товар маҳсулот дейилади.

Шахсий истеъмол учун мўлжалланган маҳсулотлар ёки иш турлари: томорқада сабзавот етиштириш, шахсий кийим-кечакларни таъмирлаш ва ювиш, овқат тайёрлаш кабиларни дунё амалиётида яширин иқтисодиётга киритиш қабул қилинган. Бундай маҳсулотларни умуммиллий ҳисобга олиш одат бўлмаган, шу сабабли улар гуёки сояда (яширин) қолган. Яширин иқтисодиётга криминал (ноқонуний) товар айирбошлаш ҳам киради. Шу билан бир қаторда корхона ичидаги хизмат кўрсатиш тизими (таъмирлаш, алоқа, қоровуллик ва ҳ.к.) яширин иқтисодиётга кирмайди, чунки бундай ишларга қилинган сарф-харажатлар маҳсулот таннархига киритилиб, корхона ва давлат ҳисоботида акс эттирилади.

Алоҳида товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш - замонавий иқтисодиёт ривожланишининг асосий методидир ва у жамият меҳнатининг тақсимланиши, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва такомиллаштириш принциплари асосида қурилади. Шундай қилиб, товар ишлаб чиқариш ўз ичига қуйидаги иқтисодий категорияларни олади:

- товар ишлаб чиқариш;
- товар ишлаб чиқарувчиларни ихтисослаштириш;
- ишлаб чиқаришни кооперациялаш;
- товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида товарларни айирбошлаш (олди-сотди).

ЯКУНИЙ ИСТЕЪМОЛ

Корхона фаолият юритар экан, асосан бозор, унинг талабини, ҳамма ўзгариш имкониятларини ҳисобга олади. Корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан, бир томондан, бозор орқали боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника, хом-ашё таъминоти орқали боғлиқ. Шу боисдан «бозор» тушунчасига аниқлик киритилиши мақсадга мувофиқдир.

3.3. БОЗОР - ТОВАР АЙИРБОШЛАШ СОҲАСИДИР

Товар айирбошлаш усули, жойи ва воситалари «бозор» тушунчасига тааллуқлидир. Ҳозирги босқичда бозор мазмуни ва шакллари турли-тумандир. Катта ҳажмдаги савдо-сотиқ ишлари, ҳозирда воситачилар ва ишончли вакиллар орқали, сиртқи алоқа воситалари ёрдамида, товарнинг бевосита иштирокисиз амалга оширилмоқда. Улгуржи савдода ҳали йўқ товарнинг намуналари ва паспортида келтирилган кўрсаткичларига асосланиб, олди-сотди амалга оширилади ва шундан кейингина товар ишлаб чиқарилади. Товарнинг паспортида қуйидагилар кўрсатилади:

- товар баҳоси ва характеристикаси;
- истеъмолчиларга товарни етказиб бериш усуллари;
- сотувчи томонидан савдодан кейинги мажбуриятлар.

Корхона нуқтаи назаридан бозор қуйидаги кўринишда бўлади:

- савдо бозори;
- харид қилиш бозори;
- молия бозори;
- бозор ишларининг воситачилари.

Бозорларнинг мазкур туркумларга ажратилиши, корхона-нинг бозор муносабатларини белгилайди. Шунингдек, бозорларнинг узи асосан фаолиятга қараб эмас, балки тармоқ ва маҳсулот турига асосан бўлинади.

3.4. БОЗОР ТАРКИБИ

Аввалдан бозорлар улгуржи ва чакана, ички ва ташқи бозорларга бўлиниб келган. Уз навбатида ушбу бозорлар предмет ва тармоқ жиҳатдан қуйидагиларга гуруҳланади: хом ашё бозори, озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, кучмас мулк бозори ва бошқалар.

Бозорларнинг кейинги дифференциялашуви алоҳида маҳсулотлар, мисол учун, дон бозори, нефть бозори, автомобиль, урмон ва бошқа бозорлар бўйича юритилади (3.1 - жадвал).

Капитал қуйилманинг истиқболдаги энг самарали имкониятларини урганган ҳолда, корхоналар албатта, барча тегишли бозорлардаги аҳвол билан танишиб чиқишлари шарт. Энг аввало, бозор ҳажми, яъни истеъмолчиларнинг натура (дона, тонна ва ҳ.к.) ва қиймат қуринишидаги тулов қобилятининг ҳажми муҳим ўрин тутади. Келгусида талаб ва таклиф муомаласи, харидор ва сотувчи ўрни, талаб, таклиф ва маҳсулот баҳосини баланслаш аниқланади.

Бозордаги истеъмолчи ва етказиб берувчининг ўзаро нисбати ҳамда бозор таркиби катта аҳамиятга эга (3.2 - жадвал).

3.1-жадвал. Бозорнинг муомала майдони ва таркиби

Бозор фаолияти таркиби	Сотиш бозори	Сотиб олиш бозори	Молия бозори	Меҳнат бозори	Бозор ишлари воситачилари
Бозорнинг предмет-тармоқ таркиби					
Ички бозор Ташқи бозор	Бозор субъектлари уртасидаги бозор муносабатлари майдони: товар - пул - товар - пул - ...				
Улгуржи бозор Чакана бозор					
Хом ашё бозори: газ, нефть руда, тахта					
Озиқ-овқат бозори: дон, гүшт, балик, сабзавот, ичимлик...					
Тайёр маҳсулот: машина, прибор, металл, бино, кийим, пойабзал, дори ва бошқалар					

3.2-жадвал Товар етказиб берувчилар ва истеъмолчилар уртасидаги бозор муносабатлари

Истеъмолчи Етказиб берувчи	Кичиги куп	Уртакчаси куп эмас	Битта катта
Кичиги куп	Тулиқ купчилик (полипол)	Чекланган купчилик (олигапсон)	Истеъмолчи монополияси (монопсон)
Уртакчаси куп эмас	Қисман чекланиш (олигопол)	Узаро чекланиш	Истеъмолчининг чекланган монополияси
Битта катта	Етказиб берувчи монополияси	Етказиб берувчининг чекланган монополияси	Узаро монополия

Шуни ҳисобга олиш керакки, полисон, монопсон, олигопол (3.2-жадвал) кўринишидаги бозор шароитлари кам учрайди ва рақобат натижасида йўқолиб кетади. Куплаб корхоналар бо-

зорда рақобатга чидай олмайди ва уни ташлаб кетади. Уларнинг ўрнини ҳаракатчан рақобатчилар эгаллашади ва улар ўрта ҳамда катта фирмаларга айланиб кетадилар.

Узоқ вақт мобайнида монополияни ушлаб туриш қийин-бу етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тааллуқлидир. Монополия асосан техника ривожига ва ишлаб чиқариш яхши ташкил этилиши ҳисобига сақланиб туради. Ушбу имкониятнинг йўқолиши натижасида бозорда монополия тугатилади ва рақобат даври бошланади, унда эса, бозорни яхши ўрганган ҳамда фан ва техника ютуқларидан самарали фойдалана олганларгина ютиб чиқади. Кўпинча бозорда кам сонли етказиб берувчилар бўлиб, истеъмолчилар кўп бўлади.

Бу кўпроқ автомобиль, маиший техника, металлургия ва нефть саноати бозорлари, ҳаво ва темир йўл транспортига тааллуқлидир.

3.2-жадвалда курсатилган бозорлар гуруҳидан ҳеч бири тоза кўринишда бўлмайди - улар доимий ҳаракатда бўлади. Шароит муайян вақт мобайнида (бир неча ой ёки ҳафта мобайнида) жуда тез ўзгариши мумкин.

БОЗОР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ (ТАВСИФИ)

Барқарорлик - бозорнинг муҳим характеристикасидир, яъни талаб ва таклифлар ўртасидаги мутаносиблик, ҳар бир иштирокчи учун баравар фойдали савдо шартлари, унинг ахборот ва турли товарлар учун очиклигидир. Тўғри, бундай мукамал бозор фақат назарий жиҳатдан ва бундай барқарорлик фақат айрим товарларга нисбатан бўлиши мумкин.

Бозор муомаласини тартибга солувчи асосий қоида, бу - мувозанатни сақлашга интилишдир.

Бозорнинг кейинги муҳим характеристикаси, бу - унинг динамикасидир. У ўсиш, қисқариш кўринишида бўлади (3.5-расм). Курсатилган тенденция иқтисодийнинг айрим бўлимлари ёки маҳсулот турларини, шунингдек бозорни бутунлай қамраб олади.

Бозорнинг ўсиб бориши корхона учун ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўсишини таъминлайди, бу эса ўз вақтида маҳсулот бирлигига бўлган харажатларнинг камайишига, корхо-

на курсаткичларининг яхшиланишига олиб келади. Бозор айланмасининг қисқариши оқибатида корхонанинг иқтисодий аҳволи ёмонлашади: ишлаб чиқариш ҳажми қисқаради, маҳсулот нархи ошади ва даромад камаяди.

Сотув ҳажмининг кутарилиши ва усиши		Сотув ҳажмининг камайиши	
1. Усиш		4. Камайиш	
Сотув	+ +	Сотув	+
Харажат	- -	Харажат	-
Фойда	+ 0	Фойда	↓
2. Зенит		3. Туйиниш	
Сотув	+ + +	Сотув	+
Харажат	- -	Харажат	-
Фойда	+ +	Фойда	0

3.5-расм. Бозор конъюктурасининг тўрт майдони.

Бозорнинг нормал шароити - савдо ҳажмининг усишидир. Бозорнинг маҳсулотларнинг айрим турлари билан тулдирилиши етказиб берувчиларнинг оқими ҳисобига амалга ошади.

Ишлаб чиқаришнинг ўзгариши ва қайта қурилиши ҳисобига бир қанча етказиб берувчилар ўз маблағларини ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига сарфлайдилар, бошқалари эса рақобатга дош беролмай инқирозга учрайдилар. Капитал асосан талаб юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган бирлашмалар ва ишлаб чиқариш корхоналарига сарфланади. Ушбу бозорнинг гуганмас тебраниши натижасида талаб ва таклифнинг мувозанати шартли равишда амалга оширилади. Шартли деб, у шунинг учун айтиладики, талаб ва таклифнинг тўлиқ мувозанатига эришиш мумкин эмас.

Мамлакат иқтисодиётининг энг гуллаб яшнаган даврида ҳам иқтисодий самарадорлик ўртача курсаткичлар асосида аниқланади. Омаднинг тўлиқ амалга ошиши мумкин эмас.

3.5. БОЗОР - ИҚТИСОДИЁТ ФУНКЦИЯСИДИР

Замонавий иқтисодиёт бозордан ташқарида амал қила олмайди. Бозорнинг мавжуд эмаслиги фақат натурал хўжалик шароитида мумкиндир.

Мисол учун давлат томонидан, марказлашган ҳолда, корхонанинг тартибга солиб турилиши уни таъминот бозори ва моддий техника таъминоти харажатларидан озод қилади дейиш тўғри бўлмайди. Мантиқан олганда, корхонанинг бошқарув ходимлари вазифаларини давлат томонидан марказлашган ҳолда бажариш мумкин эмас. Шароитнинг тинимсиз равишда ўзгариб туриши қўшимча қарорлар қабул қилишни тақозо этади ва бу марказдан бошқарувга йўл қўймайди. Ҳатто корхона раҳбарлари ҳам айрим ҳолларда ички структура бўлинмаларини тўлиқ регламентлаштира олмайди. Бошқарув функциясининг асосий қисмини улар ўринбосарларига ва бўлим бошлиқларига ҳамда улар ҳам ўз навбатида усталар ва бригадирларга топширадилар. Бошқача ҳолда ҳеч бир мураккаб хўжалик (фақат хўжалик эмас) структураси амал қила олмайди. Хўжалик бошқарувини марказлашган система ҳолатида марказий орган, хоҳ у вазирлик бўлсин, хоҳ акционерлик ёки холдинг компания бўлсин, фақат ўзига тегишли корхонанинг базавий кўрсаткичларини ва уни бажарилишини назорат қилади холос. Корхоналарда тақсимлаш ишларининг асосий қисмини корхона раҳбарлари бажарадилар. Бозорни излаш, ҳамкорлар уртасида шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш - бу корхона раҳбарларининг асосий вазифасидир. Марказий орган (у қандай деб аталмасин) ҳар бир иш юзасидан назорат ўрната олмайди.

3.6. БОЗОРНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Собиқ Иттифоқ мамлакатларининг бозор муносабатларига ўтиши бозор механизми маъносини тушунишга зарурият туғдирди, чунки бунга қадар бозор ва бозор муносабатлари тўғрисида нотўғри тушунчалар юритилар эди.

Бозор – товар алмашувининг зарурий шартидир ва ҳар қандай замонавий жамиятнинг йўналишини белгилайди. У ишлаб

чиқариш қонунларига, жамиятнинг ривожланиш қонунларига ҳамда табиат қонунларига бўйсунади.

Товар айланиш соҳаси сифатида бозор икки асосий қайтарилиб турувчи ҳаракатга асосланади: товарни сотиш ва сотиб олиш. Бозор муносабатларининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ўтган асрларга бориб тақалади. «Одамлар товар ёки хизматлар сотиш ёки сотиб олиш учун туғридан-туғри ёки воситачилар орқали бир-бирлари билан учрашсалар, бозор пайдо бўлади», дейди инглиз профессори Алан Хоскинг.

Одамлар талабларининг тобора ўсиб бориши жуда қадим замонлардан буён меҳнат маҳсулотларини ўзаро алмаштириш заруриятини туғдирган. Бундан келиб чиқадики, айрим маҳсулотлар сонини ишлаб чиқариш ва бошқасига айирбошлаш ўзи учун барча маҳсулотларни ишлаб чиқаришга нисбатан анча фойдалироқдир. Шундай қилиб, меҳнатни жамоат тақсимланиши, уни ихтисослаштириш, айирбошлаш ўлчамлари пайдо бўлади ва ривожлана боради. Натижада бозор пайдо бўлди ҳамда унинг узил-кесил шаклланиши пул ва пул муомаласини келтириб чиқарди.

Шу тариқа, бозорнинг шаклланиши мафкура ва сиёсат билан эмас, балки асосий бозор компонентлари: товар ва пул, сотувчи ва харидорнинг доимий мавжудлиги орқали аниқланади. Маҳсулот шахсий истеъмол учун эмас, балки товар сифатида ишлаб чиқариладиган жамиятда бозор ва бозор муносабатлари мавжуддир (3.6-расм).



3.6-расм. Бозор компонентлари.

Корхона (ташкилот)ларнинг хўжалик ҳисоби шароитидан бозор шароитига ўтиши хом ашё, материал, асбоб-ускуна, жиҳоз, ёнилғи ва энергия етказиб берувчилар билан уларни истеъмол қилувчилар ўртасидаги хўжалик алоқаларини ўзгартирмайди. Бозор корхоналар ўртасидаги олдиндан мавжуд алоқаларни сусайтирмаслиги лозим, балки, аксинча, уларни мустақамлаши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Бозор – бу айирбошлаш: пул ёрдамида товарни сотиб олиш ва сотиш;

2. Бозорнинг асосий элементлари – товар ва пул.

3. Товар – бу сотиш учун (ўз эҳтиёжи учун эмас) мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлардир.

4. Пул – бу ҳам товар бўлиб, барча жисмоний товар ва хизматларнинг эквивалентидир.

5. Бозордаги асосий шахслар – сотувчи (етказиб берувчи) ва харидор (истеъмолчи)дир.

Товар сотиб олиш учун конкрет товар ва пулнинг бирлашуви натижасида олди-сотди рўй беради. Лекин, бутун дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган товар номенклатурасининг 200 млн. номдан иборат эканлиги ҳисобга олинса, харидорлар сони миллиардлаб (яна уларнинг истаклари ҳам аниқ эмас!) киши бўлса, пулни товарга айирбошлаш жараёни жуда мураккаб эканлиги намоён бўлади. Товар етказиб берувчи ҳам, унинг истеъмолчиси ҳам кўп ҳолда бир-бирларини билмайдилар. Бозор муносабатларининг ушбу контрагентлари одатда, бир-бирларидан турлича жойларда яшайдилар ва меҳнат қиладилар. Уларни боғлаб турувчи, марказлашмаган механизм, одатда, кўп босқичли ва ўта мураккабдир. Ушбу механизмнинг ҳаракатлантирувчи кучи – инсонлар объектив эҳтиёжларидан келиб чиқувчи талабдир ва у истеъмолчи ва мол етказиб берувчиларнинг фаолиятини бир хил даражада тутиб туради.

Янги пулларга бўлган эҳтиёж маҳсулот етказиб берувчини харидорларни излаб топишга мажбур қилади. Бу пул эвазига у янги товарларни сотиб олар экан, ўзи ҳам истеъмолчига айланади. Узлуксиз талаб ва уни қондириш механизми – ишлаб чиқаришни ривожлантириш двигателидир.

Лекин бозор механизми фақатгина рақобат шароитидагина тўғри ишлайди, бу эса виждонан ишламайдиган етказиб берувчиларни инқирозга учратади ва уларнинг ҳар биридан охириги имкониятигача ишлашни: маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг нархини камайтиришни талаб этади. Америка менежери П. Нор-тоннинг фикрича, «капитализмда товарни ишлаб чиқаришга қараганда сотиш жуда қийиндир».

3.7. БОЗОР ВА МОНОПОЛИЯЛАР

Ҳар бир мамлакатда етказиб берувчи ва харидор уртасидаги алоқалар ўзига хос ва ўзига мосдир. Етказиб берувчи монопол бўлиб олиб, кучли тақчиллик шароитида харидор томон шошилмайди.

Харидорнинг ўзи етказиб берувчи олдига келади ва унга ўзининг маҳсулоти учун хоҳлаган нархни қўйишига имконият яратиб беради. Монопол ишлаб чиқариш шароитида, одатда, етказиб берувчига нисбатан харидор кўпроқ инқирозга учрайди.

Шунинг учун монополист - бозорнинг ашаддий душмани бўлиб туюлади: чунки у маҳсулот сифати ва унинг нархи устида бош қотириб ўтирмайди. Монополист учун бозордаги савдо маҳсулот сотиш жараёни билан алмашади.

Эркин бозор муносабатлари амал қилувчи мамлакатларда монополист бу қаттиқ рақобат курашида ютиб чиққан ғолибдир, пировардида у монополист бўлиб олиб рақобатни тухтатади ва турғунликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шунинг учун индустриал ривожланган мамлакатларда давлат органлари монополистларга нисбатан солиқ солишни купайтирадилар. Уларга бериладиган банк кредити ставкалари кўтарилади, субсидиялар берилмайди.

Бир вақтнинг ўзида кичик корхоналарни ташкил этиш рағбатлантирилади. Бу эса фақатгина монополистга қаршилик кўрсатиш йўли сифатида бўлади ва мамлакат иқтисодиётини кўтаришнинг асосий усули сифатида амалга оширилмайди. Монополия пайдо бўлишининг ўзи ҳеч қандай зарар келтирмайди, чунки бозор муносабатларида бу нарса оддий ҳолдир ва ҳатто айрим ҳолларда у товар бозорида тенгликни тутиб турувчи куч сифатида фойдали ҳамдир. Шу нарса муҳимки, монополист

ўзининг энгилмаслигини сезмаслиги керак ва у бозорда узоқ давр мобайнида монополист сифатида туриб қолмаслиги зарур. Монополистни йўқотиш пайида эмас, балки унинг рақобатчиларини қўллаш пайида бўлиш лозим. Бу эса бозор муносабатларини тартибга солишнинг энг муҳим методларидан бири ҳисобланади.

«Монополизм бутунлай йўқотиб ташланмас экан, бизни ҳеч қандай маҳсулотлар ривожланган бозорга олиб чиқмайди, иқтисодиётни демонополизация қилиш учун самарали ҳуқуқий ва давлат механизми зарур» деган кенг тарқалган фикрлар нотўғридир.

Бундай фикрлаш, биринчидан, иқтисодиёт ривожланишини фақатгина юзаки ўрганиш, иккинчидан, давлат қонунчилигига ҳаддан зиёд ишониш натижасида худди табиий иқтисодий қонунлар билан ҳисоблашмай ишлаб чиқариш ҳужалигини бошқариш мумкин, деган нотўғри хулосалар натижасида келиб чиққан.

Моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир иш жойида пайдо бўлувчи табиат ва жамият ривожланиши табиий қонунларининг симбиози ишлаб чиқаришнинг нормал талабларига зид келувчи ҳар қандай волюнтаристик ҳуқуқий қонунларга ўрин қолдирмайди. Бундай қонунлар амалга киритилмайди - акс ҳолда ишлаб чиқариш йўқола боради ва тўхтаб қолади. Монополизм - бу ишлаб чиқарувчининг рақобатчи йўқлигига бўлган оддий реакциясидир. Такрорлаймизки, унга қарши курашишда рақобатчи пайдо бўлишига ёрдам берувчи иқтисодий чоралар кўрилиши керак. Сохта маъмурий тўсиқлар билан бу мақсадга эришиб бўлмайди.

3.8. ДАВЛАТ ВА БОЗОР

Жаҳон бозори савдо тажрибаси амалда ҳар бир мамлакатда замонавий бозор муносабатлари давлат қонунчилиги орқали бошқарилишидан далолат беради. Бу муносабатлар сиёсий конъюнктуранинг ўзгарувчанлиги билан аниқланса-да, ҳақиқатда улар жаҳон бозори, жаҳон ҳужалиги, капиталнинг тармоқлараро ва миллатлараро оқими, нархлар уйини, валюта конвертацияси асосида мавжуд бўлади. Агар ҳар қандай капиталистик мамла-

кат иқтисодиёти фақат мамлакат чегараси миқёсидагина иш олиб борса, бозор дарҳол бу мамлакатда ўзининг ишлаб чиқаришнинг бошқарувчиси ролини йўқотади.

Осиё мамлакатлари ва урушдан кейинги Германия ҳамда Франция тажрибаси кўрсатадики, иқтисодий инқироздан чиқишда давлат органлари асосий роль ўйнади, лекин бунда, буйруқбозлик эмас, балки иқтисодий усуллардан фойдаланилди. Давлат иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, бу йўналишларга ресурсларни концентрациялайди, субсидиялар ажратади, корхоналарга имтиёзлар беради. Айниқса, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ташқи иқтисодий фаолиятининг ташкил этилишида давлат асосий бошқарувчи бўлади.

Барбод бўлган собиқ Иттифоқ мисолида куриш мумкинки, иқтисодиётдаги мафкуравий ва сиёсий устуворлик йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Бу устуворликлар сиёсатчиларнинг ҳокимиятини вақтинча кучайтиради, иқтисодиётни издан чиқаради ва айна пайтда ҳам мафкуранинг, ҳам сиёсатнинг обрўини тўқади. Иқтисодиёт сиёсатчиларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган давлат органларининг кураш майдонига айланиб қолмаслиги лозим, иқтисодиётни бошқариш механизми фақат давлат қонунчилигига бўйсунуши лозим.

Мамлакат иқтисодиёти - бу юз миллионлаб ташкил этувчиларнинг, яъни одамлар, машиналар, жиҳозлар, хом-ашёлар, материаллар, асбоблар ва бошқаларнинг ўзаро фаолиятидир. Ушбу йирик иқтисодий тузилманинг ишлаши, унинг динамик турғунлиги хўжалик механизми томонидан таъминланади, лекин бу ички хўжалик бўлинмаларининг тулиқ ҳаракатланиш эркинлиги асосидагина амалга ошади.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқаришнинг поғоналар бўйича тақсимланиши, тенг даражада ижро этишнинг эркин ҳаракати давлат системаси ва корхонанинг ўзига ҳам тааллуқлидир.

Ҳар бир энг кичик звено ҳам умумий қоидаларга асосланиб, мустақил ҳолда ҳаракат қилиши ва ҳар қандай муаммоларни ўзи ҳал қилиши лозим.

Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг оқилона тақсимланиши натижа-сида юқори самарадорликка ва бошқарув механизмининг ўзаро ҳаракатчанлигига эришилади.

Хўжалик бошқаруви механизми ўз вақтида энг кичкина тўхталишга ҳам таъсир кўрсатиши керак. Ушбу механизмнинг доимо ҳаракатда бўлиб туриши ҳар бир алоҳида бўлинмада пайдо бўлган энг кичик хатоликларни ҳам ўз вақтида йўқотиш имконини беради.

Хўжалик қонунчилигининг асосий вазифаси - инсонлар манфаатини ҳимоя қилиш, мамлакат иқтисодиётини йирик тўхталишлар ва бузилишлардан сақлаб қолишдир. Шу билан бирга, қонунлар ёрдамида ва марказлашган ҳолда мамлакат иқтисодиётида ҳар соатда амал қилаётган жараёнларни йўлга қўйишдир.

Корхоналар учун уларни бошқариш сифати ўта муҳимдир.

Барча даражалардаги бошқарув аппаратининг ёмон ишлаши - кадрларнинг ишдаги билимсизлиги, ўз ишларига бефарқлик билан қараши натижасидир. Ушбу камчиликлар ходимлар вазифаларини аниқ чегаралаш, ҳар бир ишчининг унга топширилган вазифанинг сифатли бажарилиши ва самарадорлиги учун жавобгарлиги даражасини белгилаш билан бартараф этилиши лозим.

Давлат органлари корхонанинг оператив фаолиятига, агар у қонун доирасида иш юритаётган бўлса, аралашилари мумкин эмас. Лекин улар корхона фаолиятининг тўғрилигини назорат қилувчи орган сифатида чиқишлари, янги таклифлар киритишлари, корхона раҳбариятидан қонунларга амал қилинишини ва уларнинг бажарилишини талаб этишга ҳақлидир.

3.9. БОЗОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҒАРБЧА МЕТОДЛАРИ

XX аср охирларида собиқ Иттифоқ республикалари иқтисодиёти тартибсиз ҳолатга тушиб қолди, чунки барҳам топган марказлашган бошқарув тизими ўрнига нормал фаолият кўрсатувчи бошқарув механизми тузилмади.

Бозорнинг давлат томонидан либерал бошқарилишига мисол қилиб, бошқарув тизими мустаҳкам бўлган давлатларни, аynиқса бозор индустриясининг ривожланиш даври юз йилларни ташкил этувчи Германия ва Англия (мисол учун Франция сингари) 5 йиллик давлат режалаштириш қондасини қўлламайди, балки асосан иқтисодий дастакларга таянади.

Бу борада, хусусий ташаббус билан давлат бошқаруви уртасида алоқа ўрнатувчи, даромадсиз ташкилот бўлган - савдо-саноат палаталари тизими муҳим ўринда туради.

ГЕРМАНИЯ

Германияда савдо-саноат палатасининг марказий аппарати бўлиб, унинг 83 та ҳудудий бўлинмаси мавжуд, шундан 14 таси собиқ ГДР ҳудудида ташкил этилган.

ССПнинг марказий аппарати амалда ҳудудий бўлинмалар ишига аралашмайди, лекин у ишлаб чиққан қондалар барча учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳудудий савдо-саноат палаталари (ССП)нинг ташкил этилиши қонун томонидан кўзда тутилган бўлиб, у майда корхоналардан ташқари ҳар бир корхонанинг бу палатада иштироки мажбуригини талаб этади.

ССП кенг миқёсдаги вазифаларни бажаради.

ССП нинг тузилмаси қонун асосида белгиланади, унинг олий органи - ССП аъзоларининг умумий йиғилишидир. ССПнинг марказий бошқарувига саноат ва йирик савдо корхоналарининг вакиллари, чакана савдо қилувчилар, шунингдек, ҳудудлардаги ССП аъзолари кирадилар.

Немис савдо палатасининг умумий йиғилиши - бу «иқтисодиёт палатаси» бўлиб, у муҳокамадан сўнг мантиқий қарор қабул қилади. Турли масалаларни ҳал қилувчи ҳар хил комиссиялар тузилади.

Умумий йиғилишда ҳар йили ССП аъзолари - корхоналар тулаши мажбур бўлган туловларни белгиловчи бюджет тасдиқланади. Давлат аниқ бир тадбирларни ўтказиш учун дотациялар таклиф этади, масалан, СПП буюртмаси бўйича амалга ошириладиган қурилишлар, ўқитишни ташкил этиш ва бошқалар.

Савдо реестрига киритилган йирик корхоналар янада йирик бадал тулайдилар. Улар ССП бюджетига фақатгина доимий туловларни эмас, балки даромад катталигидан келиб чиққан ҳолда қўшимча туловлар тулайдилар.

Палата структураси унинг вазифаларига мос келадиган бир қанча бўлимлардан иборат: ҳуқуқ ва савдо, ривожланиш ва режалаштириш ҳамда бошқалар. Халқ таълими бўлими энг йирик бўлим ҳисобланади, бу бўлим - профессионал ўқитиш ва таълим

бериш тадбирларини бажаради, бунда корхонанинг асосий вазифаларидан бири мутахассисларга бўш ишчи уринлари таклиф этишдир.

ССПнинг вазифаларидан бири - янгидан иш бошлаётган шахсларга ва ташкилотларга ёрдам беришдан иборат. Бунда ССП давлатдан керакли ҳажмда камроқ фоизларда кредит олиб беради. Бундай ёрдам саноат, ташқи алоқа ва туризм, капитал қурилиш ва муҳим янги иш уринларини ташкил этиш билан айрим ташкилотларга ҳам берилади.

ССПга бир қатор ҳуқуқий ва мажбурий функциялар ҳам юклатилган. Ҳуқуқий функциялардан бири шуки - маъмурият ва судлар барча иқтисодий масалаларни ҳал этишда ССПни эксперт сифатида жалб этадилар.

АНГЛИЯ

Буюк Британияда ГФРдаги сингари ССПлар зиммасига у ёки бу функцияни юкловчи ҳамда улар фаолият кўрсатадиган ҳудудни белгилаб берувчи қонун мавжуд эмас. Бу мамлакатда ССП Германиядаги сингари молиялаштирилмайди. ССПга аъзолик ихтиёрийдир. Корхоналар, уларга кўрсатилаётган хизмат эвазига қилинган сарф-харажатлар ўзини оқлаши ёки оқламаслигига қараб, ССПга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик ҳақида мустақил ҳолда қарор қабул қиладилар. Германия ва Англия ССПлари ўртасидаги фарққа қарамасдан уларнинг ўхшаш томонлари кўпдир.

Англияда ССП фаолиятини йирик саноат шахри Бирмингем мисолида кўриб чиқамиз. Бу ерда ССПлар йирик ва таниқли компанияларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ташкил этилган эди.

ССПнинг асосий йўналишларидан бири - маҳаллий ҳокимият органларига иқтисодий ривожлантириш учун ёрдам бериш, янги иш жойлари яратиш, аҳолининг бандлик даражасини оширишдир.

Бирмингемнинг оғир саноатини автоматлаштириш натижасида иш жойлари қисқартирилди, ССП шаҳар маъмурияти билан биргаликда саноатнинг бошқа секторларида янги корхоналар очишга ҳаракат қилди.

Шаҳар мэрияси ССП билан биргаликда иш бошлаётган тадбиркорларга ёрдам беради, шаҳар кенгаши бошловчиларга катта бўлмаган устахоналар очишда кўмаклашади. ССП эса, ушбу бизнесни бошқариш юзасидан маслаҳат хизматлари кўрсатади.

ССПда ҳужжатларни қайта ишловчи ва тушаётган саволларга жавоб берувчи катта бўлим бор.

Ахборот бўлимида инженер-техник фирмаларнинг рўйхатлари мавжуд бўлиб, улар билан шартномалар тузиш мумкин, бундан ташқари Англиянинг саноат корхоналари ҳақида справочниклар мавжуд. Гоҳида янада аниқроқ ахборот олиш учун алоҳида хизматлар кўрсатилади.

Ахборот бўлими давлат стандартлари институти билан ҳамкорлик қилиб, уларнинг нашрларини сотади ва стандартлар ҳақида ахборотлар беради; марказий ҳокимият ҳужжатлари билан ишлайди; керакли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам беради (экспорт соҳасида), экспорт ва импорт масалаларида кўмаклашади; турли туловлар, талабномалар, лицензия ва бошқалар юзасидан маслаҳатлар беради, шаҳар кенгашига маълумот хизматлари кўрсатади, ўқитиш кенгаши ҳамда саноат ва савдо кенгашига хизмат кўрсатади. У турли хил ташкилотларнинг халқаро маълумотлар базаларига кириш имкониятига эга, бу мижозга муҳтож фирмалар учун жуда муҳимдир. Бўлим маълум бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳақида ахборот беради - бунинг учун ҳақ олади, аммо ушбу хизмат тижорат журналларида реклама беришдан анча арзонга тушади.

Бўлим бутун дунё бизнесига хос одатларни таҳлил қилади, унинг натижалари ҳақида ССП аъзоларини хабардор этади, давлат қонунларини бажаришда ёрдам беради. Мисол учун 1990 йилда бўлим ходимлари атроф-муҳитни ҳимоялаш тўғрисида қонунга риоя этилишини таҳлил қилишди. Фирмаларнинг ушбу ҳужжатга амал қилишлари юзасидан қатор семинарлар ўтказилди, бизнес билан шуғулланувчи раҳбарлар учун қўлланма ишлаб чиқилди. Худди шу тарзда бошқа қонун ва қарорларни бажаришда ёрдам берилди.

Сиёсат бўлими мавжуд ахборотлар асосида қонун ҳужжатларининг корхона фаолиятига таъсирини аниқлайди, давлат органлари олдида корхоналарнинг кундалик муаммоларини

ҳал этиш масаласини қўяди, бу билан корхоналар учун янада мақбулроқ қонун ҳужжатларини яратишга ҳаракат қилади.

Аъзоларнинг хоҳишларини ақс этирувчи ССПнинг ички сиёсат булимининг асосий вазифаси - ССП аъзолари бўлмиш фирмалар шугулланаётган бизнес соҳаси бўйича жаҳон миқёсида тупланган тажрибани, бошқа мамлакатларда бу борада амалда бўлган қонунларни (умумевропа ва миллий, маҳаллий қонунчилик ақларини) урганишдир.

Таркибига йирик компаниялар (банклар, етакчи саноат ва аудиторлик фирмалари, нефть магнатлари ва бошқалар) кирувчи Бирмингем ССПсининг асосий вазифаси, шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда, янги хусусий корхоналарни ташкил этишдир. ССП маслаҳатчилари, шаҳар кенгаши ёрдами билан ташкил топётган майда устaxonаларга, экспертизалар утказиш, бизнес-режалар тузишда ёрдам берадилар. Бу соҳада хусусий сектор, маҳаллий ҳокимият ва ҳукуматнинг вазифалари мос келади. Бошловчи бизнесчи, асосан ҳукуматнинг молиявий ресурсларидан фойдаланади; бу мақсадда сарфланаётган ресурсларнинг 25 фоизи ССПлар ҳиссасига туғри келади.

80-йиллар урталарида Европа мамлакатларининг мутахассислари бизнесни ривожлантиришга курсатилган ёрдамни нафақат айрим мамлакатларда, балки бутун Европа миқёсида марказлаштириш зарурлиги ҳақидаги хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашича, кичик ва ўрта фирмалар керакли ахборотга эга эмас ва бу билан бозорнинг ўзгаришини назорат қила олмайди. Европа ахборот марказлари олдида майда ва ўрта фирмаларга ёрдам бериш вазифаси туради.

Европа ахборот маркази (ЕАМ) ва унинг бўлинмалари тармоғи ташкил этилди. 1995 йилда Буюк Британиянинг 21 гуруҳи ва Европанинг бошқа мамлакатларидаги 210 гуруҳ электрон алоқа билан бирлаштирилди. ЕАМ Европа Иттифоқи томонидан 25 % молиялаштирилади, унинг фондининг 75 % ини эса бошқа ҳомийлар берган маблағлар ҳамда мустақил равишда пуллик хизматлар курсатишдан тушган даромад ташкил этади.

Қуриниб турибдики, ССПга ўхшаш ташкилотларни бошқа мамлакатларда ҳам ташкил этиш мумкин.

БОШҚА ДАВЛАТЛАР

Бошқа мамлакатларда, жумладан Япония ва АҚШда давлат органлари энг йирик корпорациялар билан ҳамкорликда фаолият юритадилар.

Бунда улар қуйидагиларни аниқладилар:

- зарурий инвестициялар ҳажми, уларнинг структураси;
- энг керакли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ва пропорцияси, техник даражаси;
- иш ҳақи даражаси ва корхона фаолиятининг бошқа турлари.

Курсатилган умуммиллий вазифалар иқтисодий курсаткичлар (яъни солиқлар, кредитлар, субсидиялар ва бошқалар) асосида ҳал қилинади.

Япония иқтисодий сиёсатининг стратегик курси - хўжалик бошқарувини йўлга солувчи посткапиталистик системани қуришдир. Ушбу тизимнинг устувор бўлинмаси давлат органи ва корпорацияларнинг раҳбарлари бўлиб қолади.

Германия ва Англиядан ташқари Европадаги бошқа айрим мамлакатларда, Африка ва Осиё давлатларида аксарият ҳолларда ҳукуматнинг хусусий фирмалар ишларига аралашуви кузатилади: Франция, Жанубий Корея, Тайван, Индонезия, Гана, Нигерия ва бир қатор бошқа мамлакатларда давлат раҳбарлиги остида 5 йиллик режалар ишлаб чиқилиб, бу ҳам давлат, ҳам хусусий фирмалар ишида сезиларли чеклашлар бўлишига олиб келади.


3.10. ХАЛҚАРО БОЗОР

Иқтисодий тараққий этмаган давлатларда самарали бозор савдоси ва иқтисодиётни бошқаришнинг бозор тизимини йўлга қўйиш мушкулдир. Буни шундай изоҳлаш мумкин, ҳатто АҚШ сингари йирик мамлакатда ҳам кўп миллионли ассортиментдаги маҳсулотларга бўлган талаб уни ишлаб чиқаришнинг ички имкониятидан юқоридир, чунки ишлаб чиқаришни ташкил этиш жуда қимматга тушади. Жумладан, янги сериядаги электрон машиналарни татбиқ этиш учун Америка IBM концерни ўз вақтида 5 млрд. доллар сарф қилди.

Бундай йирик харажатлар доимий такрорланадиган бўлса, миллий ресурсга сезиларли зарар етказиши мумкин. Шунинг учун, халқаро корпорациялар ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатишининг муҳим шарти бўлиб қолади.

Халқаро савдони ривожлантириш айна пайтда мамлакат иқтисодиётига тааллуқли иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш (маҳсулот сифатини кўтариш, бозорни товарлар билан тулдириш, халқнинг турмуш даражасини кўтариш)нинг ягона имкониятидир. Айрим олинган мамлакат ўз эҳтиёжини қондириш учун дунёдаги 200 минг номдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятига эга эмас.

Бозор, шу жумладан халқаро бозор беҳисоб товар харидорлари ва сотувчиларини ўз ичига олади. Бозорга ўзининг бир неча турдаги маҳсулотларини олиб чиқар экан, мамлакат тушган пулга минглаб турдаги товарларни, уларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган мамлакатдан сотиб олади. (3.7- расм).



3.7-расм. Товарлар ҳаракати: экспорт ва импорт.

Собиқ Иттифоқ саноатида зарур шароитлар йўқ бўлса-да, ташқи иқтисодий алоқаларнинг заифлиги айрим маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мажбур этар эди. Мисол учун, юқори сифатли жамловчи қисмларнинг йўқлиги совет электрон техникасининг дунё стандартларидан сезиларли орқада қолишига сабаб бўлган. Бошқа мамлакатлар учун бундай қисмлар АҚШ, Япония, ГДР, қисман Тайван ва Жанубий Кореядан етказиб берилган. Собиқ Иттифоқ бу буюмларни юқори сифатга эришмаган ҳолда мустақил равишда ўзи ишлаб чиқаришга мажбур эди.

Машинасозлик учун энг сифатли кесувчи асбобни Австрия ва Швеция фирмалари ишлаб чиқаради, лекин етарли чет эл валютасига эга бўлмаган мамлакатлар уни сотиб ололмайдилар, экспортга унча ярамайдиган асбобларни ўзларида ишлаб чиқарадилар. Керакли буюмларни чет эл маблағлари (заёмлари)га сотиб олиш - бу келажаги ўйлаб кўрилмаган ишдир. Ҳар доим қандай усулда ва қайси манбалар ҳисобига олинган маблағ қайтарилишини ёдда тутиш лозим.

Кредитлар йилига 15 % гача ва ундан юқори устама билан қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда, уларни қайтаришнинг етарли даражадаги манбаи бўлмаса, уни олмаган маъқулдир. Чет эл капиталини мамлакат иқтисодиётига инвестиция сифатида қўллаган фойдалидир. Ушбу ҳолда, миллий бойлик ҳажми кўпайиши билан бир қаторда мамлакатга замонавий чет эл техникаси ва хўжалик тажрибаси татбиқ этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан мамлакат чет эл капиталига тўлиб кетади, дейиш нотўғри бўлади. Ҳамма мамлакатлар ҳам, шу жумладан индустриал ривожланган мамлакатлар ҳам чет эл капиталини жалб этишга мойилдирлар. Мисол учун, АҚШда, 70 - йиллар охирида ва 80-йиллар бошларида шу мақсадда банк ставкалари кескин кўтарилди (йилига 11 %), бу эса ўз вақтида мамлакатнинг айрим молиявий масалаларини ҳал этиш имкониятини берди. Лекин бундай сиёсат пировардида ўз мамлакатларидан миллий валютанинг АҚШга ўтиб кетаётганлиги боисидан, европалик ҳамкорларнинг норозиликларини келтириб чиқарди.

Шу нарса маълумки, мамлакатнинг ўз корхоналари экспортга ва рақобатга бардош берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқармас экан, бу корхоналарга чет эллик йирик сармоядорларни жалб этиш мушкулдир. Бир томонлама кирим - бу бозор муомаласи эмас, балки фақатгина экспорт ҳисобига тўланадиган кредитдир.

Эркин бозор муносабатларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун харидоргир товар ҳамда конвертация қилинган пул бўлиши керак. Бошқа халқлар билан яхши иқтисодий алоқалар ўрнатмай туриб, жаҳон бозорида қаттиқ таянчга эга бўлмай туриб, ҳеч бир мамлакат яхши ҳаёт кечира олмайди ва ривожланолмайди.

3.11. БОЗОР ИСЛОҲОТИ

Марказлашган ҳужалик воситачилиги (масалан, собиқ Иттифоқ давридаги Госснаб ва бошқалар)нинг барбод бўлиши собиқ Иттифоқ республикаларига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, давлат қўлида сиёсий ва иқтисодий раҳбарлик марказлашув даражасининг юқорилиги ҳам зарарли ва хавфлидир (худди шу нарса мамлакат ва унинг иқтисодиёти инқирозга учрашига сабаб бўлади!).

Бозорни товар алмаштириш усули ва тажриба алмаштириш жойи деб тан олмасдан туриб, меҳнатни халқаро ва ички тақсимланишига фаол равишда эришиб бўлмайди.

Бу жараённинг икки эҳтимолий йўли бор: йўл қўйиладиган ва мажбур қилинадиган. Биринчи усулда, бозор муносабатлари доирасига товар ва сотиб олиш учун пулга эга бўлган корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахслар ихтиёрий равишда кирадилар. Ҳукумат ҳужжатлари фақатгина бозор битимлари тартибини бошқариб туради.

Иккинчи усулда, мавжуд ишлаб чиқаришни бошқариш ва ресурсларни тақсимлашнинг марказлашган каналлари беркитилади. Маҳсулот етказиб берувчилар ва уни сотиб олувчилар бу ҳолда бир-бирлари билан тўғридан-тўғри савдо битимларини тузишга мажбурдирлар.

Марказлашган бозордан либерал бозорга ўтишнинг мажбурийлиги жаҳон тажрибасида ҳали учрамаган ҳолдир ва «мажбурий йўлнинг ҳаққонийлиги қай даражада?» деган савол туғилади. Қандай қилиб қарорлар ва тепадан мажбурлашлар орқали ўн миллионлаб одамларни улар қилмаган ишларни қилишга мажбур этиш мумкин?

Бундай фармонлар одамларда турли хил реакцияларни келтириб чиқаради: айримлар қўшнида нима бўлишини кутади, бошқалар эса бу фармонларни ўз билганича бажарадилар.

Шу нуқтаи назардан қараганда буйруқбозлик вариантларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Эркин бозор ривожланишининг табиий йўлларини излаш керак бўлади.

Мамлакат ичида шундай бозорни ташкил этиш керакки, у биринчидан, меҳнат тақсимотида жаҳон ҳамжамиятидан ортада қолмаслиги ва иккинчидан, инерцияси бўйича, ҳозирча марказ-

лашган режимда фаолият кўрсатиб келаётган улкан механизм ишига путур етказмаслиги керак. Бундай мураккаб шароитда, авваламбор, ички ва ташқи савдони ривожлантиришдаги тўсиқлар олиб ташланиши ва алоқаларни ривожлантириш, кадрларни тайёрлаш орқали ҳамма учун фойдали бўлган бозор муносабатларининг йўлга қўйилишига асос яратилиши кўзда тутилади.

Етказиб берувчи ва истеъмолчининг товарлар ва уларга бўлган талаб ҳақида хабардорлиги - бу бозорнинг яхши фаолият кўрсатиши учун муҳим шартдир - акс ҳолда, ишлаб чиқариш инқирозга учрайди.

Ҳар бир корхонанинг маҳсулот истеъмолчиси билан ва ишлаб чиқариш ресурсларини етказиб берувчилар билан ишончли алоқа ўрнатиши жуда муҳимдир. Ҳар доим товар массасининг корхонага фойдали тарзда ҳаракатланиши туғрисида янгилашиб турадиган маълумотлар банкни яратиш зарур.

Эскирган иқтисодий ва ижтимоий ўзаро алоқаларни қайта қуриш фақатгина босқичма - босқич амалга оширилиши мумкин. Қайта ташкил этишнинг мажбурий методлари иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши ойдек равшан.

Ўзбекистон Республикаси мустақам ҳуқуқий негизда институционал ўзгаришларга таяниб, бозор муносабатларига босқичма - босқич, барқарор ва собитқадамлик билан борар экан, олдинда турган ижтимоий - иқтисодий дастурларни амалга оширмай туриб, бозор тизимини тўла шакллантириб бўлмайди. Энг аввало, мулкни хусусийлаштириш, миллий пул қадрини кўтариш, пул - кредит тизимини шакллантириш ва мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш каби муҳим тадбирларни қўллаш ва амалга ошириш биринчи галдаги вазифалардандир.

Президент И. А. Каримов мустақил Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиши зарурлигига, бу ўтишнинг мамлакат иқтисодий тараққиётида тутган ўрнига катта эътибор бериб, «Бозорга ўтиш муқаррардир. Бу давр амри, объектив реалликдир. Айни пайтда бозор мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситасидир», - деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг бир неча ўн йиллар давомида ташқи дунёдан ажралиб қолиши ҳолларига барҳам берилганлиги, ташқи иқтисодий алоқалар шакллантирилиб, кенг куламлидаги ишлар амалга оширилаётганлиги фикримиз далилидир.

Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришда ўзига хос тузилмани зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўллари мустақил равишда белгилашни тақозо этади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш, чет эл инвесторлари учун қулай шарт - шароитлар яратиш, хорижий мамлакатлар тадбиркорлари билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имкониятини берадиган Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий принциплари туғрисида ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча тадбирлар туғрисида қарорлар ва ҳужжатлар қабул қилинди.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш асосан мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий тармоқларини - айниқса нефть, газ, олтин қазиб олиш ҳамда машинасозлик, енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган. Жумладан Асака шаҳридаги автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кукдумалоқ ва Мингбулоқ конларини, Андижон, Қўқон, Янгийўлдаги спирт ишлаб чиқариш корхоналарини, Хоразмдаги қанд лавлаги, Қўнғиротдаги сода заводларини, Олмалиқ ва Навоий кон - металлургия комбинатларининг ишга туширилиши катта воқеа бўлганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Айниқса, «Қобул - Тўйтепа - Текстайлз» (Корея), «Асака текстил», «Катекс», «Этикес», «Самжинтек», (Туркия), «Супертекстил» (АҚШ), «Ойдин - Мониза», «Ўз - Хитой», «Зарафшон - Ньюмонт» (АҚШ) олтин қазиб олиш қўшма корхоналаридаги кенг куламлидаги ишлар, Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводлари фаолияти чет эл инвесторлари дастури асосида амалга ошириляпти. 15 та йирик корхона бирлаштирган «Ўзбексельмаш - Холдинг» қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

(Иқтисод ва ҳисобот, 1998 й. 8-сон. С.Зайнутдинов. Н.Ваҳобов).

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мазмуни - бозор механизмини шакллантириш йўли билан ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан ўзгартириш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришни сифат нуқтаи назаридан янги поғонага кўтаришдан иборат.

Бундан кўзланган пировард мақсад «...ијтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат». (И. А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон. 1995).

Бу мақсадга эришиш учун республикамизнинг ијтимоий, сиёсий, иқтисодий ва демографик соҳалардаги ўзига хос томонларини инobatга олган ислоҳотлар стратегияси танланди ва бозорга хос янгиланишнинг ҳуқуқий негизи яратилди. Буни республика ёғ-мой саноати мисолида кўриб чиқамиз.

Миллий иқтисодиётимизнинг ҳар бир тармоғида, шу жумладан ёғ - мой саноатида бозор механизмини шакллантириш йўналишлари:

- биринчидан, иқтисодий ислоҳотларнинг умумий стратегиясига асосланади;
- иккинчидан, ёғ - мой саноатининг ўзига хос тарафлари, албатта, инobatга олиниши зарур. Улар қуйидагилардан иборат;
- ёғ - мой саноатида биринчи галда аҳолига зарур маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- тармоқнинг ривожланиши пахтачилик тармоғи ва пахта тозалаш заводларининг тараққиётига боғлиқлиги;
- тармоқ маҳсулотларини экспорт қилиш имкониятларининг мавжудлиги ва унинг техникавий қуролланиш даражасининг нисбатан юқорилиги.

Бозор иқтисодиётини бевосита шакллантириш жараёни - иқтисодий мустақил товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорликни таркиб топтириш жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Zero, бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч - эркин тадбиркорликнинг мавжуд бўлиши бўлса, унинг асосини мулк эгалари ташкил этади.

Ёғ-мой саноатида бозор муносабатларини шакллантириш жараёни давлат тасарруфида бўлган ёғ - мой корхоналарини хусусийлаштиришдан бошланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, тармоқда давлат мулкани хусусийлаштириш босқичма - босқич амалга оширилди. Хусусан, ушбу жараён дастлаб тажриба тариқасида Урганч ЁМК, Бухоро ЁМК ва бошқа корхоналар мулки меҳнат жамоаларига берилди бошланди.

Тармоқда ижара муносабатларини ривожлантириш, биринчидан - ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантиришда вақтинчалик омил бўлган бўлса, иккинчидан - у хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга замин бўлиб хизмат қилади. Чунки ижарада мулк маълум муддатга берилади, ундан кейинги даврда меҳнат жамоасининг уни сотиб олиш учун молиявий имкониятлари чекланган эди. Ундан ташқари, корхона замонавий техника ва технология билан қайта жиҳозлаш катта миқдорда инвестициялар (сармоялар) талаб этарди. Шунингдек, ёғ - мой саноатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг жамоа ҳўжаликлари, пахта тозалаш заводлари, савдо корхоналари, молиявий институтлар билан иқтисодий муносабатларидаги камчиликларни бартараф этмай туриб, сезиларли ютуқларга эришиб бўлмаслигини эътиборга олиш ҳам зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, назаримизда жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда йирик саноат корхоналари учун кооперация, конверсия ва фуқаролар ўртасида акцияларни тақсимлаш хусусийлаштиришнинг мантиқий шакли бўлиши мумкин. Зеро, ҳўжалик юритишнинг акциядорлик шакли устун таърафларга эга, жумладан:

- ишлаб чиқариш самарадорлигини муттасил ошириб боришда ходимларнинг (пай эгаларининг) даромадлари, иш ҳақи, дивидендлари акциядорлик корхонаси фаолиятининг пировард натижаларига боғлиқ бўлади. Ҳиссадор бўлган ходимларнинг корхона фаолиятини бошқаришга бевосита иқтисодий қизиқиши ортиб боради, бу эса ўз навбатида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шаклларида фойдаланиш имконини беради. Бу, табиийки, миллий иқтисодиёт бўйича ресурсларнинг тез айланишига шароит яратади, ходимлар шахсий манфаатларининг жамоа манфаатлари билан уйғунлашувиغا олиб келади;

- ишлаб чиқариш цикли бўйича ўзаро боғлиқ корхоналарни кооперациялаш орқали уларнинг юқори даражада яқинлашишга, бир - бирлари фаолиятининг пировард нагижаларидан манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя этиш, тadbиркорликни ривожлантириш чора - тadbирлари тўғрисида»ги (1994 йил 21 январь), «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги (1994 йил 14 март) Фармонлари ёғ - мой саноатида хусусийлаштириш жараёнига сифат нуқтаи назардан янги туртки берди.

Ушбу фармонларни бажариш борасида республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 мартдаги 171-сон қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш дастури» қабул қилинди. Шундан сўнг ёғ - мой саноатидаги корхоналарни очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Қўйидаги жадвалда гармоқ акцияларини тақсимлаш тартиби акс этган.

Давлат мулкани хусусийлаштириш борасидаги жаҳон тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, купгина мамлакатларда хусусийлаштиришдан сўнг корхоналар фаолиятини тартибга солиш механизми ишлаб чиқилганлигини кўрамиз. Хусусан, Буюк Британияда куп сонли давлат корпорацияларини хусусийлаштириш жараёнида ҳукумат янги компанияни назорат қилишга имкон яратиб беради.

Акциялар улушларининг тақсимланиши	Акциялар улуши %
Давлатга	51
Меҳнат жамоасига	31
Ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарга	3
Жорий инвесторларга	10
Фонд биржаларида очиқ сотиш учун	5

(Жадвал «Ёғ - мойтамакисаноат» уюшмаси маълумоти асосида тузилган).

Хитойда ўтказилган иқтисодий ислохотларнинг бошланғич даврида ўсимлик мойи, гуруч каби аҳолига биринчи галда зарур бўлган маҳсулотларга давлат нархи белгиланган ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолияти давлат томонидан назорат қилинган, уларга молиявий ёрдам берилган.

Демак, юқорида қайд қилинганларга асосланиб, ёғ - мой саноатида унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ва жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишнинг энг мақбул шакли танланди, деган хулоса чиқариш мумкин.

Ёғ - мой саноати корхоналарининг акциядорлик режимида ҳаракат қилишини таъминлаш мураккаб жараён бўлиб, у маълум бир даврни талаб этади. Буни қуйидаги ҳоллар билан тушунтириш мумкин:

- корхоналарда қимматли қоғозлар билан ишлаш тажрибасининг йўқлиги ва ушбу соҳа мутахассисларининг ҳозирча етишмаслиги;

- корхоналарнинг молиявий имкониятлари чекланган, акцияларни тайёрлаш, уларни реклама қилиш, сотишни таъминлаш жараёнлари муайян даражада маблағ талаб этади;

- аҳолининг, хусусан тармоқда ишловчи ходимларнинг ҳали акциянинг ҳақиқий моҳияти ва афзалликларини тушунмаслиги;

- республикада мавжуд қимматли қоғозлар бозорининг самарали ишлаши етарли даражада таъминланмаганлиги;

Ёғ - мой саноати корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш даврида қуйидаги масалалар аниқлаб олиниши лозим:

- корхоналардаги мавжуд ишлаб чиқариш фондларининг қиймати, тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати, ноишлаб чиқариш фондлари қиймати, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори, пул даромадлари ва харажатлар баланси, кредит ресурсларининг ҳажми ва таркиби (структураси) маълумотларига асосланиб, корхона капитали ва қарзлари миқдорини аниқ ажратиб олиш;

- акция эгаларининг акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқи даражасини белгилаш;

- корхоналарнинг кадрлар, материаллар ва пул маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқининг реал амал қилишини таъминлаш ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тармоқдаги корхоналар акцияларини қанча миқдорда чиқариш, унинг афзал ва камчилик тарафлари чуқур таҳлил этилиши лозим.

Корхона жамоасига акцияларни кўпроқ сотишни унинг аъзоларига ажратилган акцияларни имтиёзли равишда сотиш орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, бир вақтлар Францияда хусусийлаштирилган корхоналарда ишчилар учун текин ва 20 фоиз арзонлаштирилган нархда акциялар сотиш назарда тутилган эди. Бу, аввало, ходимларни корхона билан тугал боғланган тўлақонли аъзоларга айлантириш, иккинчи тарафдан, мулк эгалари қатламини кенгайтириш имконини беради. Аммо ҳозир ходимлар молиявий имкониятларининг чекланганлиги ҳамда акциянинг асл моҳиятини тушуниб етмаслик натижасида корхоналарда ходимларнинг ўзларига ажратилган акциялардан воз кечиш ҳоллари учрамоқда. Бунинг олдини олиш учун, фикримизча, биринчидан, меҳнат жамоаларида тушунтириш ишларини ташкил этиш, иккинчидан, ходимлар учун акциялар қийматини тўлаш (булиб - бўлиб) муддатини узайтириш лозим.

Ёғ - мой корхоналарининг ўз акцияларини ўзлари билан технологик боғлиқ бўлган корхоналар томонидан сотиб олинишига эришиши ўта муҳим ҳисобланади. Бу ҳол ёғ - мой ишлаб чиқаришни ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. Ушбу корхоналар чиқарилган ва уларга мўлжалланган 5 фоизлик акция улушларини тезда ўзлари сотиб олади, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди.

Тармоқдаги қимматли қоғозларнинг иккиламчи эмиссияси уни амалга ошириш механизми ишлаб чиқилгандан сўнггина амалга оширилиши лозим. «Айни шу иккиламчи бозорлар давлат мулки ҳисобланган акциялар ва пайлар улушини кескин камайтиришга, зарар келтирадиган ва банкротликка учраган корхоналарни тугатишга, қимматли қоғозларнинг табиий ҳаракати ва айланишига, уларнинг қадр - қиммати ошишига имкон туғдириши керак» (И. Каримов, «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т., «Ўзбекистон». 1995, 193 - бет).

Ушбу механизм, аввало, инвесторлар ҳамда корхоналар хоҳишларининг уйғунлашувини таъминлаши шарт.

Акциядорлик жамиятларининг акцияларини сотишдан асосий мақсад ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун инвесторларни жалб этишдан иборат.

Ўғ - мой саноатидаги акциядорлик жамиятлари капитални жалб қилишда қуйидаги шартларни қўяди:

- узоқ муддатли бўлишини;
- иложи борича арзон қийматли бўлишини;
- фойдаланиш нуқтаи назаридан қўшимча шартлар бажарилишини талаб этмаслиги ва ҳоказо.

Ўз навбатида инвесторлар эса қуйидаги шартлар бўлишини хоҳлайдилар:

- инвестицияларнинг хавфсизлиги ва юқори даромадлигининг таъминланиши;
- қўйилган капиталнинг ҳеч қандай тўсиқсиз эркин қайтарилиши;
- қўйилган капитал махфийлигининг таъминланиши.

Ушбу манфаатларни уйғунлаштириш бизнинг фикримизча, корхоналар ва мавжуд биржа тизимига боғлиқ бўлиб, уларни ҳал этиш учун биржа тизими ҳам қуйидагиларни таъминлаши лозим;

- қимматбаҳо қоғозлар қийматини тўлаш жойини таъминлаш: чунки инвестор капиталини ўзига зарур бўлган вақтда қайтариб ололмаса, унда юқори даромад хавфсизлиги кафолатланган тақдирда ҳам капитал қўйишдан воз кечади;
- ҳар хил муддатли бўлган инвестицион воситаларни танлаш имконини яратиш, чунки уларга қўйилган капиталнинг қайтарилиши кафолатланган бўлса, инвесторлар ўзига тегишли қимматли қоғозлар қийматини тезда тўлашни талаб этмайдилар;
- инвестиция объектларининг ҳар хил турларини, уларнинг хавфсизлиги ва юқори даромадлиги билан таклиф этилишини таъминлаш. (М. Дадажонов. Иқтисод ва ҳисобот. 1997, 5-сон).

3.12. ЎТИШ БОСҚИЧИ

Хўжалик шаклларининг янги турларига ўтилиши натижасида, корхона фаолиятининг мақсади белгиланган режани бажаришга эришиш эмас, балки даромад олиш бўлиб қолди.

Бошқарувнинг марказлашган функциялари маъмурий - ижро вазифаларидан тadbиркорлик, даромад олиш ва уни кўпайтиришга йўналтирилган ҳолда қайта шаклланди.

Марказлашган ҳолда бошқариш ва капиталистик бозорнинг принципиал ўхшашлигига қарамасдан улар ўртасида сезиларли фарқ мавжуд.

Либерал бозор муомаласининг асосий ўзига хослиги, индустриал жиҳатдан ривожланган мамлакатларда юзага келганидек, корхона (фирма)ларнинг бозордан манфаатдорлигидир. Олди - сотди бозоридан маҳсулот етказиб берувчилар манфаатдор эмаслиги бозорда монополиянинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бозор муносабатларининг энг муҳим шarti – талаб ва таклиф негизида ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги мутаносибликдир, бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати истеъмол ҳажми ўсишидан бир мунча олдинда бўлиб, бу, маҳсулот етказиб берувчиларнинг бозордан манфаатдорлигини оширувчи, нархни пасайтирувчи омил сифатида объектив зарурат ҳисобланади ва пировардида бозор муносабатлари тартибга солинади (3.3-жадвал).

Бошқарилмайдиган бозорнинг иккинчи хусусияти - ҳуқуқий ва ҳужалик қонунчилиги доирасида бозор иштирокчиларининг юқори даражадаги мустақиллигидир.

Корхоналар ортиқча тергашдан халос бўлиш билан бирга юқори ташкилотларнинг ёрдамидан ҳам маҳрум бўлади. Омадсизлик учун корхона қуйидагилар олдида ўзининг ҳамма томонлама фаолияти бўйича жавоб беради:

1. Қонун олдида (унга риоя қилиш).
2. Ҳамкорлар олдида (ўз маҳсулотини ва хизматини етказиб бериш ва ўз вақтида туловларни амалга ошириш бўйича).
3. Банк ва бутун молия тизими олдида (бутун молиявий фаолиятининг аниқлиги ва тўғрилиги бўйича).
4. Ўз жамоаси олдида (ўз фаолиятининг техник, иқтисодий ва ижтимоий натижалари бўйича).

Либерал бозорнинг учинчи хусусияти иқтисодий муносабатларнинг кескинлигидир. Корхона жамоаси, шунингдек унинг раҳбарияти, ҳар доим шуни назарда тутиши лозимки, маҳсулотнинг зарарлилиги, бозорни бой бериш (иқтисодий алоқаларни яхши йўлга қўймаслик) ва етказиб берувчиларнинг

йўқотилиши ишсизликка ёки корхонанинг бошқа мулкдор қўлига утишига, бунинг оқибатида бутун жамоа учун катта йўқотишларга олиб келади.

Либерал капиталистик бозор	Марказлашган бошқариладиган бозор
1. Фирма манфаатларини режалаштириш	1. Халқ хужалиги соҳасидаги режалаштириш
2. Бозорда фирманинг тизими	2. Корхонанинг осон бажарилувчи режалардан манфаатдорлиги
3. Фирманинг юқори мустақиллиги	3. Корхонанинг чекланган мустақиллиги
4. Ташқаридан молиявий ва маъмурий ёрдамнинг йўқлиги	4. Давлат томонидан молиявий ва маъмурий ёрдам кўрсатилиши эҳтимоли
5. Бозорнинг қатъий талаби	5. Режа бажарилишининг қатъий талаб қилиниши
6. Техника ва тижоратга доир зарур ахборотлар билан тўлиқ таъминланиш	6. Ахборотнинг тармоқ ва давлат ташкилотларида тўпланиши

3.3 жадвал. Замонавий иқтисодиётда либерал капиталистик ва марказлашган бошқарувли бозор ўртасидаги асосий фарқлар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчилик шаклларининг ривожлантиришни, кенг кўламда эркин товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар қатламини вужудга келтиришни тақозо этмоқда. Кейинги йиллар тажрибалари ҳам шуни кўрсатмоқдаки, туб иқтисодий ислохотлар иқтисодиётни демократлаштириш ва янги мулкий муносабатларни шакллантириш билан амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун бозор иқтисодиётига ўтишда йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва улар кейинги даврдаги фаолияти самарадорлигини ошириш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Хўш, бу соҳада республика саноатининг етакчи тармоқларидан бири бўлган енгил саноатда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ўзбекистон енгил саноатида мулкый муносабатларни ўзгартириш, уларни давлат монополиясидан халос этиш учун, авваламбор жаҳон тажрибаларида ўзини оқлаган ва ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилаётган мулк шаклларида бири - акциядорлик жамиятлари тузиш билан йирик корхоналар мулкани сотиш кенг йўлга қўйилди. Енгил саноат тизими ишлаб чиқаришидаги эътиборга лойиқ томонлардан бири шуки, хорижий сармоядорлар билан ишлаш, қўшма корхоналар тузиш, янги, жаҳон стандартларига жавоб берадиган технологияларни жалб этиш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, тармоқда 13 та йирик қўшма корхона ташкил этилиб, улардан 8 таси 1996 йилда ўз иш фаолиятини бошлади ва 614,4 миллион сўмлик товар маҳсулоти ва 439,8 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарди. Германиянинг «Саламандер» фирмаси билан Фарғона пойабзал фабрикаси ҳамкорлигида қурилган «Ўзсаламан» қўшма корхонаси йилига 500 минг жуфт эркаклар пойабзали ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Шунингдек, йилига 17 минг тонна йигирилган ип ва 15 миллион погонometr ип - газлама матолари ишлаб чиқарадиган, Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги «Қобул-Тўйтепа Текстиль» қўшма корхонаси, йилига 200 минг жуфт эркаклар чарм пойабзали ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган, Чехословакиянинг «Мекко» фирмаси билан тузилган «МК - Стил» қўшма корхонаси, Германиянинг «Эвимекс» фирмаси билан Чирчиқ шаҳридаги «Бахт» акциядорлик жамияти ҳамкорлигида тузилган, йилига 300 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Кибо болалар пойабзали» қўшма корхоналари ҳам юқоридаги фикримизга мисол бўла олади.

Биргина 1996 йилнинг ўзида енгил саноатга олиб кирилган хорижий сармоялар 118,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, тўғридан - тўғри хорижий ҳамкорлар орқали 21,49 миллион доллар сармоя, банклар орқали 93,03 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармоя ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Бундан хулоса шуки, республикада амалга оширилаётган янги ислохотлар мулкый муносабатларни ўзгартирибгина қолмай, бозор талаблари асосида иш юритишга, саноат ишлаб чиқариши пасайиб кетишининг олдини олишга имкон берди.

Умуман олганда, таҳлиллар натижаси шуни курсатмоқдаки, 1995 йилга нисбатан 1996 йилда бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Масалан, 1996 йилда 22431,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 1996 йилда меҳнат унумдорлиги 31,4 фоизни уртача иш ҳақи 3000 сўмни ташкил этган бўлса, шу йилнинг узида 2300 миллион сўм фойда олинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон енгил саноати тизимидаги асосий вазибалардан бири, бу - корхоналарнинг хусусийлаштиришдан кейинги даврда самарадорликни ошириш муаммосидир. Чунки, мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисобланган пахта асосан шу тармоқда қайта ишланиши ва тайёр маҳсулотга айланиши сир эмас. Бугунги кунда республикада 20 фоиз пахта қайта ишланади, гуқимачилик маҳсулотларига бўлган истеъмол талаби эса асосан импорт маҳсулотлар ҳисобига қондирилади. Бу тармоқда гуқимачилик ва тикувчилик саноати етакчи мавқега эга бўлганлиги сабабли, хорижий сармояларни айнан шу соҳага кўпроқ жалб этиш билан мамлакатимиздаги ички истеъмол талабларига қондирилиб қолмасдан, балки экспорт имкониятлари ҳам ошади. Ўзбекистонда етарли миқдорда бўлган бу хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, такомиллаштириш орқали кўпгина муаммолар ечилади.

Таҳлил натижалари шуни курсатмоқдаки, тармоқда хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигини ошириш учун қуйидаги ишларни бажариш зарур:

1. Енгил саноат тизимидаги қимматли қоғозлар бозорини кенг ривожлантириш.

Бу муаммони ҳал қилиш учун республика фонд биржаларига хорижий сармоядорларни кўпроқ жалб этиш, корхона ишчиларига акцияларни имтиёзли равишда сотишни кенг йўлга қўйиш лозим.

2. Хусусийлаштиришдан кейинги даврдаги фаолият самарадорлигини оширишнинг асосий мезонларидан бири сифатида юқори меҳнат унумдорлигига ва жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш зарур.

Бугунги кунда республика енгил саноати тизимида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аксарият кўп қисми талабга жавоб бермаслиги ва шу сабабли омборхоналарда қолиб кетаётганлиги сир эмас. Бунинг туб сабаблари, аввало, ишлаб чиқариш техно-

логияларининг эскирганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб этиш меҳнат унумдорлигини ўстиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда, умуман ҳужалик юритиш шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

3. Корхоналарнинг молиявий имкониятларини мустаҳкамлаш.

Бунинг учун эса қатор чора - тадбирларни амалга ошириш зарур. Аввало, ишлаб чиқаришни сифатли хом ашё билан таъминлашни бир меъёردа ташкил этиш, товарлар бозорини маркетинг асосида илмий ўрганишни кенг йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш зарур. Масалан, 1996 йилда экспортга чиқариладиган маҳсулот ҳажми 52 миллион АҚШ доллари ҳажмида режалаштирилган бўлса-да, ҳақиқатда 40,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бунинг 7,1 миллион доллари ёки 17,7 фоизи қўшма корхоналар зиммасига туғри келди.

4. Ишлаб чиқаришнинг техник қуролланиш даражасини ошириш.

Бунда хорижий сармояларни енгил саноат тизими корхоналарига самарали жалб қилишни кенгайтириш, капитал маблағлардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш қувватларининг мутаносиб ишлашини таъминлаш, илмий-текшириш ва синов - конструкторлик корхоналарининг техник даражасини ошириш ижобий натижаларни беради.

5. Хусусийлаштиришдан кейинги давр самарадорлигини оширишда бошқарувнинг ташкилий таркибини такомиллаштириб бориш ва иқтисодий бошқарув услубларининг аксарият устуворлигини таъминлаш зарур.

Яъни корхонанинг марказлашган фаолияти таркибида маркетинг бўлимлари ишини такомиллаштириб бориш лозим. Ҳар бир корхонада маҳсулот, авваламбор, бозор ва харидорлар, фаолият ва бозор нуқтаи назаридан ишлаб чиқарилишини таъминлаш ҳамда корхона фаолиятини ташқи шароитларга мослаштириш ва бошқаришнинг бозор усулларида фойдаланиб, мунтазам мослашувчан ўз маркетинг дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

6. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, бу иқтисодиёт ва маънавият бирлигини таъминлашдир.

Бунда ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир акциядор умуммақсад манфаатларини шахсий манфаатлари билан уйғунлаштирмас экан, пировард натижада акциядорлик жамиятлари манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида самимий уйғунлик таъминланмайди.

Кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун юқоридаги муаммоларни ҳал этиш, республика енгил саноатининг хусусийлаштиришдан кейинги давр фаолияти самарадорлигини ошириш, халқ хужалигини ривожлантириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган ўзбек маҳсулотини ишлаб чиқариш имконини беради.

(Р. Мусурмонов. «Иқтисод ва ҳисобот». 1997 й, 5-сон).

IV БОБ

КОРХОНАНИНГ БОЗОР ТОВАР АЙИРБОШЛАШИДАГИ ЎРНИ

4.1. ТАШАББУС, СТРАТЕГИЯ

Бозор товар айирбошлаш соҳаси сифатида, шубҳасиз, динамик, беқарор ва ўз мижозларига нисбатан жуда талабчандир.

Корхонанинг етуклиги бозор талабини билиши билан аниқланади ва шунингдек тадбиркорлик ғоялари (ходимлар ва раҳбарлар томонидан) билан белгиланади.

Қўйилган мақсадга эришиш учун тадбиркор корхонанинг ички имкониятларини ва ташқи шароитинигина эмас, балки қуйидагиларни ҳам комплекс таҳлил этади:

- корхона ишлаб чиқариш қувватининг жисмоний ва маънавий эскириши;
- кадрлар ва уларнинг малакаси;
- корхона маблағлари ва ташқи капитални жалб этиш имкониятлари;
- корхонани қизиқтирган бозор конъюнктурасининг таҳлили.

Олинган маълумотлар асосида корхона ривожланишининг стратегияси ва мақсадли фаолият йўналиши аниқланади. Қисқа муддатда бажарилиши зарур бўлган вазифалар, корхона ёки унинг бўлинмалари учун олис истиқболга мўлжалланган мақсадлар белгиланади. Раҳбарларнинг иш тутиш тактикаси шакллантирилади.

4.2. МАҚСАДЛАР

Мақсад - бу корхона (одамлар гуруҳи ёки алоҳида шахс) қўлга киритишга интилган якуний натижадир.

Устуворлик (приоритет) - бу корхонанинг ўз мақсади йўлида эришган асосий бойлиги бўлиб, бозорни эгаллаш истагидаги янги ғоялар ва тактика (мисол учун янги товар яратиш ва ишлаб

чиқариш)лар шаклида намоён бўлади. Кўпинча устуворлик аниқ кўрсаткичларда акс этади: товарнинг сифат кўрсаткичлари, молия ресурслари ва уларнинг тақсимланиши унда ўз ифодасини топади. Масалан, асосий устуворликларга қуйидагилар киради:

- қўйилган капитал асосида олинган энг кўп (максимум) фойда;
- аниқ бир маҳсулот ишлаб чиқаришда энг оз (минимал) харажатлар қилиш;
- айрим ташқи омиллар (хом ашё, материал етказиб берилиши ва хизмат кўрсатилиши ва бошқаларга қарамлик) дан тўлиқ халос бўлиш, яъни уларга бутунлай боғланиб қолмаслик;
- бозорни кенгайтириш (ушлаб қолиш) учун маҳсулотнинг юқори сифатига эришиш.

Устуворликни танлаш корхонанинг ташқи ва ички соҳаси билан боғлиқ бўлади.

Қозонилган обрў-эътибор корхона ва унинг бўлинмаларининг қиймат ва техник кўрсаткичлари кўринишини ёки ходимларга қўлланма сифатида аниқ бир шакл тусини олади. Бундан кейин бу кўрсаткичлар ва буюртмалар асосида қаттиқ назорат ўрнатилади.

Сиёсат - бу корхонанинг асосий мақсадга эришиш йўлларини излаб топиш, уларни қўллаш шакллари ва методларидир.

Белгиланган мақсадлар, ютуқлар ва ишлаб чиқилган сиёсат асосида корхона ва унинг таркибий бўлинмаларининг вазифалари ва асосий йўналишлари аниқлаб олинади.

Бунга оддий мисол келтирамиз:

Айтайлик, агар саёҳатчининг мақсади «N» шаҳри деб олинган бўлса, саёҳатнинг исталган натижаси - бу шаҳарга етиб боришидир. Ушбу ҳолда унга йўл белгилари ва кўрсаткичлари йўлланма ҳисобланади.



4.1-расм «Мақсад - Натижа» схемаси.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг мақсади - даромад олиш ва уни кўпайтиришидир, чунки даромаддан келиб чиқадиган молиявий ва моддий ресурслар ёрдамидагина корхона бошқа ва-

зифаларни ҳал этиши мумкин, бунга шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уни мунтазам равишда янгилаш ва сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш киради. Ходимлар иш ҳақи даражасини ошириш ва корхонада яхши иш шароитини яратиш ҳам кўшимча харажатларга олиб келади, буни эса, фақат кўшимча даромад олиш билангина ташкил этиш мумкин.

Албатта, корхона фаолияти мақсадларини танлаб олиш ва аниқлаш маълум даражада мулк эгасининг манфаати ва талабидан келиб чиқади, шунингдек бу жараён турли хил ички ва ташқи омиллар билан ҳам боғлиқ.

Хусусий шахслар ва давлат органларининг манфаатлари турлича бўлибгина қолмасдан, ўз фаолият натижалари олдида жавобгарликларини таққослаш жиҳатидан ҳам турличадир ва улар эгалик қилаётган ресурслар миқдори жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилади.

Давлат аҳоли ишсизлик даражасининг ўсишига йўл қўймаслик учун зарар келтирадиган маҳсулотни тинмай ишлаб чиқартираверса, хусусий шахс ушбу йўлни қўлламайди, бу ҳолда у инқирозга учраши табиийдир. Чунки давлат шахсдан фарқли ўлароқ ўз зарарини даромад олиб ишлаётган корхоналардан тушадиган солиқлар ҳисобига қоплаши мумкин.

Корхона фаолияти мақсадини аниқлашда қуйидаги омиллар одатда муҳим роль ўйнайди:

- маҳсулотга нисбатан талабнинг борлиги ва унинг ҳажми;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг унинг таннархига нисбатан баҳоси орқали аниқланадиган рентабеллик даражаси;
- маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган маблағ; у икки кўрсаткич орқали аниқланади;

а) аниқ маҳсулот тури бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бошланғич капиталнинг минимал суммаси орқали;

б) ишлаб чиқариш воситалари ўртача йиллик қийматининг йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати йиғиндисига нисбати орқали;

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган жиҳозлар, буюмлар, хом - ашё ва материаллар етказиб берувчиларнинг сони;

- янги ёки янгилик киритилган маҳсулот ишлаб чиқариш учун муҳандислик ечимларининг мавжудлиги;

- малакали кадрлар мавжудлиги;
- хусусий тадбиркорликда мақсадга эришишга тадбиркор касби, унинг хусусиятлари ва оилавий анъаналари ҳам сезиларли таъсир қилади.

Ҳар бир ҳолда тадбиркор қуйидагиларни ҳисобга олади:

- рақобатчиларнинг мақсади ва уларнинг сони;
- маҳсулотлар тури бўйича ва уларнинг савдоси бўйича халқаро алоқалар даражаси;
- корхонани кенгайтириш ёки қуриш учун ер майдонларининг мавжудлиги;
- транспорт алоқалари тури ва қуввати;
- фаолият кўрсатаётган корхонага хизмат кўрсатувчи компания ва бошқа инфраструктуранинг мавжудлиги.


Корхона фаолиятининг асосий омилларини таҳлил қилиш ва ҳисобга олиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган зарар, маблағ ва вақт йўқотиш ҳолларининг олдини олади.

4.3. КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИШ

Кўзланган мақсадга эришиш учун мақсадлар тизими тузилади. У корхона ҳамда маҳаллий ва марказий бошқарув органлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўзланган мақсадларни босқичма - босқич эгаллашни назарда тутди ва унинг натижасида асосий мақсадга эришилади.

Мақсаднинг босқичма-босқич тузилмаси ҳар бир босқичда эришилиши кўзда тутилган натижалар учун зарур бўлган ресурсларнинг тулиқ тўпламидан иборат.

Бу қуйидагича амалга оширилади: белгиланган мақсад, ҳодимнинг ҳар бир зарур ёки хоҳлаган мақсадларини ифодаловчи таркибий тузилма сифатида кўриб чиқилади (4.2-расм):



4.2-расм. Мақсадлар тузилмаси.

Мисол: пойабзал ишлаб чиқариш борасидаги мақсадлар қуйидагича бўлади:

М (1) - малакали усталарни жалб этиш;

М (2) - ишлаб чиқариш биносини ва жиҳозларни қуриш ёки ижарага олиш;

М (3) - хом - ашёни излаб топиш;

М (4) - сотишни ташкил этиш.

М (3) нинг вазифаси масалан, ишончли таъминотчиларни излаш, таъминот ҳужжатларини расмийлаштириш, таъминотни ташкил қилиш ва ҳоказо.

Корхона мақсади фақатгина корхона раҳбарияти манфаатини эмас, балки унинг жамоаси ходимлари манфаатларини ҳам ҳисобга олиши керак ва айти пайтда корхона жамоаси ҳам корхона мақсадларини ўзларининг шахсий мақсадлари қаторида қуриши лозим.

Япон менежерлари ўз тажрибасига ва чет эл тажрибасига таянган ҳолда шуни таъкидлашадики, мақсад формуласининг ҳар бир оддий ишчигача етказилиши омаднинг энг асосий элементларидан биридир. Япониянинг «Сони корпорейшн» фирмасининг раҳбари А. Морита шунга ишонадики, ҳукумат сиёсати, назорат эмас, фақат одамларгина корхонани даромадли қилиши мумкин ва компаниянинг энг юқори раҳбариятигина одамларни белгиланган мақсад сари бошлаб бориши лозим. Корхона хо-

димлари фирма фойдасининг кўпайишидан манфаатдор бўлиши лозим.

Лекин шуни унутмаслик керакки, фойда олиш тадбиркорликнинг бирдан - бир мақсади эмас. Корхона эгалари - якка шахслар ва давлат органлари - бошқа стратегик ва тактик мақсадларни кўзда тутишлари ҳам мумкин: эски бозордаги ўринларни ёки янги бозордаги ўринларини эгаллаш ва тутиб туриш, фаолият турини ўзгартириш, давлат миқёсидаги ва маҳаллий дастурларни мамлакатнинг айрим жойларини ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришга ёрдам бериш учун бажариш, камбағалларга ёрдам бериш ва б.қ.

Мақсадни белгилаш - келгусида маҳсулотнинг аниқ турини ва ишлаб чиқариш учун фаолиятни конкрет белгилаб олишдир.

Чунончи, корхона учун асосий фаолият тури ёғочни қайта ишлаш, аниқроғи эса, мебель тайёрлаш бўлса, келгусида каттароқ фойда олиш мақсадида мебель сони ва кўриниши ўзгартирилади, бунинг учун прогнозлаш ва маркетинг изланишлари олиб борилади.

4. 4. ПРОГНОЗЛАШ. МАҚСАДДАН - ПРОГНОЗЛАРГА

Прогнозлаш корхона олдига қўйилган мақсадларнинг ҳаққонийлиги ва фойдалилигини белгилаб беради.

Прогнозлашнинг айрим воситалари ва усуллари мақсадга эришиш жараёнида, айниқса узоқ муддатга мўлжалланган мақсадларга эришиш жараёнида аниқланади, қўлланилади, лекин мақсадни ва унинг даражасини аниқлашда асосий ролни субъектив омиллар ўйнайди, бу вақтда прогнозлаш объектив жараёнларга таянади. Мақсадни аниқлашда асосий фактлар - бу корхона эгалари касби ва манфаатлари ва улардаги бошланғич маблағлардир, прогнозлашда булар фақат ҳисобга олинади холос.

Прогнозлаш - бу корхонанинг келгусидаги фаолияти натижаси ва шароитини аниқлашга йўналтирилган сон ва сифат жиҳатдан режадан олдинги системадир.

Ўдатда прогнозларда у ёки бу мақсаддан четлашув кўрсатилади, бунга турли хил илмий - техник, табиий - иқлимий,

ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий омилларнинг таъсири сабаб булади (4.3-расм).

$$\boxed{\text{Мақсад}} = \text{исталган натижа} = X$$

$$\boxed{\text{Прогноз}} = \boxed{\text{Мақсад}} + \boxed{\text{Объектив омиллар}} = X \pm Y$$

4.3-расм. Мақсадли натижа эҳтимоли (X) ва эҳтимолдаги четлашувлар (Y).

Режадан олдинги ишларни олиб боришда прогнозлар режа талабларини ҳисобга олади, лекин қўйилган мақсаднинг амалга ошишида мустақил шакл бўлиб хизмат қилади.

ПРОГНОЗЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Бозор ёрдамида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий буюртмасини аниқлаш иқтисодий прогнозлашнинг бошланғич bosқичи ҳисобланади. Умуман олганда, ижтимоий-иқтисодий буюртма, жамиятнинг алоҳида олинган маҳсулотларга бўлган талабидан ташқари, жамият сарфлаши мумкин булган, корхона эса бу эҳтиёжни қондириши учун ажрата оладиган ресурслар чекланишини аниқлаши билан характерланади. «Талаб - ресурслар» алоқаси прогнозлашнинг дастлабки bosқичиданоқ инobatга олиниши лозим.

Прогнозлаш корхона ривожланишининг аниқ йўналишлари ва йўлларини ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида конкрет ҳодисалар муддатини аниқлайди.

Иқтисодий прогнозлашнинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- турли йўналишларда ресурсларнинг эҳтимолий тақсимланишини олдиндан кўриш;
- олинаётган натижаларнинг юқори ва қуйи чегараларини аниқлаш;
- ресурслар миқдорининг максимал эҳтимолини баҳолаш, уларни ажратиш корхона ривожланиши учун ва илмий - техник муаммоларини ҳал этиш учун муҳимдир.

Иқтисодий прогнозлар ва техник прогнозларнинг ўзаро алоқаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Аввало, иқтисодий прогнозлар объекти билан бевосита боғлиқ бўлган техник прогноз ишлаб чиқилади, бозор талаби аниқланади. Сунгра ижтимоий - иқтисодий эҳтиёжлар таркибига кирувчи конкрет талабдан келиб чиққан ҳолда, прогнозлаштирилаётган объектнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва ривожланиш йўллариغا нисбатан прогнозлар қилинади (4.4-расм).



4.4-расм. Техник ва иқтисодий прогнозларнинг ўзаро алоқаси.

Техник - иқтисодий прогнозни белгилашнинг босқичма - босқич кўрсатилиши корхонанинг ўзини оқламаган йўқотишлари ўрнини қоплайди ва ривожланишнинг оптимал вариантларини ахтаришни осонлаштиради. Техник ва иқтисодий прогнозларнинг ўзаро боғлиқлиги бозор талаби ва корхонанинг янги имкониятларини аниқлашга ёрдам беради.

Иқтисодий прогнозлар корхона учун ҳатто алоҳида цех ёки маҳсулот тури учун ишлаб чиқарилиши мумкин, - ҳар бир ҳолда конкрет методлар ва кўрсаткичлардан фойдаланилади. Прогноз аниқлаши лозим бўлган энг катта ва умумий кўрсаткичлар қуйидагилар ҳисобланади:

- қўйилган мақсадга эришишда прогнозда кўзда тутилаётган йўналишга эришиш эҳтимоли;
- бутун дастур учун ва прогноз қилинаётган даврнинг ҳар бир йили учун капитал қўйилмалар;
- прогнозлаштирилаётган даврнинг ҳар бир йили учун касблар ва тоифалар бўйича меҳнат харажатлари (одам - йил/соатда);
- прогноз даврида ҳар бир йил учун ишлаб чиқаришнинг жорий харажатлари;
- корхона фойдаси.

ПРОГНОЗЛАШ ФУНКЦИЯСИ

Прогнозлашнинг асосий функцияси - объектнинг келгусидаги ҳолатини асослаш ҳамда қўйилган мақсадга эришиш йўллари ва муддатини аниқлашдир.

Прогноз эҳтимолий характерда бўлса-да, лекин ишончнинг аниқ бир даражасига эгадир. Амалда прогноз - режаолди ҳужжати бўлиб, келгусидаги фаолият усуллари ва кўламига боғлиқ ҳолда қўйилган мақсадга эришиш даражасини белгилайди.

Прогнозлаш методини актив ва пассивга ажратиш мумкин. Пассив прогнозлаш иқтисодий жараёнларни урганишга асосланади, актив (ёки мақсадли) прогнозлаш умумий иқтисодий жараёнларни ҳисобга олувчи модел ва усуллар системасига асосланган.

Ҳужалик бошқарувининг бир элементи сифатида прогнозлашнинг амалий вазифаси - кўзда тutilган стратегиянинг аниқлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборат. Шунинг учун прогнозлаш режалаштириш билан муайян даражада ўхшашликка эга. Лекин режалаштириш - бу бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалда қўллаш бўлиб, прогнозлашнинг вазифаси эса, ушбу қарорлар қабул қилинишининг эҳтимолий шаклидир.

Режа кўрсаткичлари системаси бошқарув талабларига, мажбурий аниқ қарорлар қабул қилиниши заруриятига тўғри келиши лозим, прогноз эса, бошқарув вазифаларини ҳисобга олиб

бориб, объектив жараёнлар талабларига энг максимал даражада мос келиши зарур.

Режа ва прогнозлаш - иқтисодий ва техник ривожланишга олиб борувчи бу икки хил йўл эмас, балки бир-бирини тўлдириб борувчи узвий жараёндир.

Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам прогнозлаш кўрсаткичидан режа кўрсаткичига, уларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, ўтиш мумкинлигини таъминлаш зарур. Режалаштиришнинг директив характерда эканлиги уни аниқ бир кўрсатма сифатида эканлигини англатади, прогнозлаш эса, корхона иқтисодиётининг амалдаги ташкилий тузилмасига мос келмаслиги ва конкрет маъмурий кўрсатма бўлмаслиги мумкин. Режани ишлаб чиқиш жараёни вариантли характерга эга бўлса-да, режанинг ўзи ривожланишнинг амалда қўлланган вариантыдир. Прогноз фақат истиқболни олдиндан кўришга асосланган ишлаб чиқариш методигина эмас, балки якуний натижа ҳамдир.

ПРОГНОЗЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Прогнозлаш ҳақида сўз юритилганда, одатда, корхона имкониятини таҳлил қилиш тушунилади. Лекин прогноз стратегия, режалаштириш ва корхонани бошқаришнинг асоси бўлиши учун у қуйидагиларни аниқлаши лозим:

- асосий техник ва ташкилий-иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал этиш муддатлари;
- янги маҳсулотлар яратиш учун материаллар, технологик жараёнлар ва жиҳозлар;
- рақобатчиларда маҳсулот ҳажмининг ўсиш эҳтимоли ва унга нисбатан бозор талаби;
- ушбу маҳсулотнинг кутилаётган ишлаб чиқариш таннари ва унинг баҳоси;
- янги маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқариш учун зарур бўлган корхона қуввати;
- меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёж.

Бундай комплекс прогнозлаш илмий-техник ва конъюнктуравий прогнозлашга асосланган ва келгусида корхона ҳужалик фаолияти техник сиёсатини белгилаб беради.

Прогнозлаш шунингдек, прогноз қилинаётган йўналишнинг ривожланишини ва унинг замонавий шароитини қисқача таҳлил қилиб беради.

4.5. ТАДҚИҚОТ ЙЎЛИ БИЛАН ВА МЕЪЁРИЙ ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАСИ

Ички ва ташқи вазиятлардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек корхона раҳбарияти белгилаган мақсадга боғлиқ ҳолда прогнозларни ишлаб чиқишда 2 йўлдан борилади:

1. Тадқиқот (генетик) йўли билан;
2. Меъёрий (мақсадли) йўли билан;

Тадқиқот йўли билан прогнозлашда ишлаб чиқаришнинг маълум бир йўналиши бўйича иқтисодий ва техник имкониятларни аниқлаш, бу борада шу йўналишга тааллуқли ривожланиш мантиқи, чиқариладиган маҳсулотга баҳо бериш, янги маҳсулотларни чиқариш муддатлари, маҳсулотларнинг иқтисодий ва техник кўрсаткичлари ва параметрларини аниқлаш назарда тутилади.

Меъёрий прогнозлашнинг мақсади корхона ривожланишини ҳамда корхонанинг алоҳида вазифаларини ҳал этиш муддатларини аниқлаш, янги иқтисодий-техник кўрсаткичларнинг керакли ҳажмда жорий этилишини ташкил этишдан иборат. Ушбу прогнозлашнинг асоси белгиланган мақсад ва унинг келгусидаги кўрсаткичларини аниқлашдир, бу эса ҳозирдан келажакка бўлган йўлни аниқлаб беради.

Корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган прогнозларда, одатда, мулк эгасининг эҳтиёжларини қондириш, корхона олдида турган ижтимоий, иқтисодий-техник, ишлаб чиқариш ва бошқа вазифаларни ҳал этиш масаласи кўзда тутилади. Бу борада, меъёрий ёндашишга қараганда келажак ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун, параллел равишда тадқиқот йўли билан прогнозлаш ҳам олиб борилиши мумкин.

Прогнозлашнинг ушбу икки йўлидан фойдаланиш асосида уни тузиш корхона сиёсатини белгилаш борасида янада тулиқроқ материалларни аниқлашга ёрдам беради. (4.5-расм):



4.5-расм. Режадан олдинги прогнозлаш икки йўналишининг келишувчанлиги.

ПРОГНОЗЛАШ МУДДАТЛАРИ

Прогнозлаш муддатига кўра 4 гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли - 1 йилгача;
- ўрта муддатли - 2-3 йилгача;
- узоқ муддатли - 10-20 йилгача ва ундан ортиқ;
- оператив (тезкор) - 3-6 ойгача.

Одатда прогнозлаш қанча кўп муддатга белгиланса, ҳақиқий маълумот билан прогнозлаш маълумоти ўртасидаги фарқ шунчалик кагталашиб боради.

Бозор конъюктураси ва корхона томонидан нотўғри қарорлар қабул қилиниши ҳолларига боғлиқ таваккалчилик даражасини ҳисобга олиб, прогнозлаш даври танланади.

Ишлаб чиқариш объектининг ўзгариш суръати унинг мавжудлигининг давомийлигига боғлиқ бўлади.

Товар ишлаб чиқаришда товарнинг ҳаётий мавжудлиги даври, одатда, уни ишлаб чиқариш ва сотиш бошланган пайтдан бошлаб, ишлаб чиқариш тўлиқ тўхтатилгунига қадар ўтган вақт билан ўлчанади.


ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ДАВРИНИ ПРОГНОЗЛАШ

Товарнинг ҳаётий даври (4.6- ва 4.7-расмлар) қуйидаги 4 босқичдан иборат:

- бозорга киритиш;
- ўсиш;
- тўлиқ таъминлаш;
- талаб камайиши.

Товарни бозорга киритиш сотувга чиқарилган пайтдан бошланади, кўп куч талаб этади ва товарнинг мураккаблиги ва янгилигидан келиб чиқиб, 2-3 ойга (ва ҳатто бир неча йилгача) чўзилиб кетиши мумкин.

4.6-расмда маҳсулотнинг ҳаётий даври бўйича ишлаб чиқариш, харажат ва фойда ҳажмлари курсатилган.



4.6-расм. Буюмларнинг ҳаётий цикллари бўйича ишлаб чиқариш, харажатлар ва даромад ҳажми.

Янги маҳсулот даромадлилигининг секин ўсиши қуйидаги мавжуд шароитлар билан тушунтирилади:

- ишлаб чиқариш қувватлари такомиллашувининг тўхтаб қолиши;
- маҳсулот ва технологиянинг техник камчиликлари;
- истеъмолчиларга товар етказиб берилишининг тўхтаб қолиши, айниқса бу улгуржи сотиш йўллари орқали бажарилганда;
- истеъмолчиларнинг оддий товар турларидан воз кечмаслиги.

Бу босқичда тайёрловчи корхона зарар кўради ёки етарли ҳажмда маҳсулот сотилмаганлиги учун ва унинг таннархи юқорилиги учун етарли фойда ололмайди.

Ўсиш босқичи янги маҳсулотни етказиб берувчи ва уни истеъмолчи томонидан тулиқ ўзлаштирилганидан сўнг кучга киради.

Бу даврда талаб ва ишлаб чиқариш ҳажми ортади, маҳсулот таннархи камаяди, етказиб берувчининг фойдаси ортади. Товар билан тулиқ таъминлаш босқичи бозорнинг ушбу товарга бўлан талабини қондиради ва ҳатто ундан ортиб кетади.

Янги маҳсулот турлари купаяди. Улар аввалига бозорда сезиларли ўринга эга бўла олмайди, лекин тез орада эскирган товарлар ишлаб чиқариш тугатилишидан далолат беради.

Талаб камайиши босқичида истеъмолчилар бошқа товар турига эътибор берадилар. Ишлаб чиқаришни қайта қура олмаган корхоналар инқирозга учрайди ёки катта зарар кўради (4.7-расм).

Улар ушбу зарарни бошқа маҳсулотларидан олган фойда ҳисобидан қоплашга ҳаракат қиладилар. Янги товарнинг ҳаётий цикли бошланади.

1-давр - янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш;

2-давр - янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажми ва максимал даромад олиш;

3-давр - маҳсулот даромадлилигининг кескин пасайиши, уни ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши;

4-давр - маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши (бозордан кетиш).



4.7-расм. Товари ўзлаштириш, ишлаб чиқариш ва бозордан кетиш давлари.

ТАВАККАЛЧИЛИК ВА БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ

Таваккалчилик даражаси хато қарорлар қабул қилинганда маблағ ва вақтнинг йўқотилиши, прогноз ва маркетингнинг нотўғри ва кучсиз маълумотларидан фойдаланиш, корхона қувватининг нотўғри баҳоланиши даражаси катталиги билан белгиланади.

Бозор конъюнктураси сотилаётган товарларга бўлган талабни аниқлайди. Бозор конъюктурасининг ўзгариши ва тезлиги қандайдир даражада маҳсулотга бўлган талаб ва таклифга ҳамда бу маҳсулотнинг турли-туманлигига боғлиқ бўлади. Талаб қанчалик таклифдан орқада қолса ва товар тури кам бўлса, бозор конъюктураси шунчалик барқарор бўлади, лекин шу билан бирга истеъмолчининг манфаатлари шунчалик паст этиборга олинади.

Бозор конъюктурасининг кескин ўзгариши улгуржи истеъмол бозорида (кийим, пойабзал ва бошқалар) ва нисбатан камроқ ўзгариши эса, ишлаб чиқариш товарлари истеъмоли бо-

зорида (хом-ашё, материал, машина, приборлар) кузатилади, лекин бу ерда таваккалчилик даражаси улгуржи истеъмол бозорига нисбатан анча юқоридир. Шунинг учун, прогнозлаш излаишлари исталган турдаги корхоналар учун бир хил аҳамият касб этади.

ПРОГНОЗЛАШ МЕТОДЛАРИ

Прогнозлашнинг энг ривожланган ва кенг тарқалган методлари қуйидагилардир:

- юқори малакали эксперт - мутахассисларнинг фикрларига асосланган эксперт баҳолар;
- статистик методлар, бу прогнозлаш объекти маълумотларига асосланади;
- моделлаштириш методлари, яъни прогноз объекти фаолиятининг қонунийлигини акс эттирувчи структура, жисмоний ва математик моделлар.

Прогнозлашнинг эксперт методи якка ҳолдаги эксперт баҳолаш ва интервью типдаги комиссия баҳолашига бўлинади. Бу методлар турли миқдордаги баҳолашни таҳлил қилишга имкон беради. Эксперт методлари ҳозирги кунда энг кенг тарқалган ҳисобланади ва уларнинг асосида прогнозлашнинг кўп қисми тузилади.

Эксперт методининг афзаллигини ифодаловчи омиллар, эксперт гуруҳларини танлаш ва шакллантиришдан, эксперт хулосалари мустақиллигини таъминлашдан, экспертларнинг икки томонлама хулосаларини инкор этувчи аниқ ва ўйланган сўров анкеталари тузишдан иборат. Экспертларнинг сезиларли даражадаги фикрини билиш учун бир неча гур экспертизалар экспертлар алмашинуви юзасидан ўтказилади.

Экспрополяция (статистик) методлар прогнозлаш объекти туғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш учун ва ўтган давр одатларини келажакка татбиқ этиш учун йиғилади. Ушбу метод ўтган давр ишлаб чиқариш шартларини ҳозирда ва келажакда қўллашга асосланади.

Моделлаштириш методлари прогнозлашнинг бирмунча мураккаб усулларида бўлиб, улар мураккаб жараёнларни прогнозлашга турлича ёндашишлардан иборатдир.

Умумий кўринишда, корхона аҳволининг келгуси ҳолатини прогнозлаш t йилдан сўнг, унинг фаолияти V нинг келгусида ўзгарувчан кўрсаткичларини кўриш мумкин:

$$V = F [x (t), y (t), Z (t) t]$$

Бу ерда x - бошқариладиган деб кўриб чиқиладиган прогнозланувчи параметрнинг ўзгарувчан миқдори;

y - шарт деб олинладиган ўзгарувчи параметр;

Z - фаолиятининг прогнозлаш кўрсаткичлари асос қилиб олинган корхона бошланғич қиймати.

Устав капитали, йиллик айланма айрим турдаги маҳсулотларни чиқариш ва уларнинг таннархи, йиллик даромад суммаси, иш унумдорлиги ва бошқа шу каби энг муҳим параметрлар кўриб чиқилар экан, корхона прогнозлаштириладиган t йилдан кейин қандай вазиятга тушиб қолиши ҳақида тўлиқ прогнозга эга бўлиш мумкин. Бунда, бошқариладиган деб кўриб чиқиладиган ўзгарувчи параметрлар жумласига, масалан, инвестицияларни, корхона ходимларини, корхонада қоладиган фойдани тақсимлаш меъёрларини, ўзини оқлайдиган янги технологияларни жорий этишни киритиш мумкин.

Бозордаги вазият, ҳукумат сиёсати, солиқлар, табиий-иқлим шароитларининг ўзгариб туриши бошқарилмайдиган ўзгарувчи параметрлар бўлиб, улар ишлаб чиқариш шартлари сифатида кўрилади.

Прогнозлашнинг ишончилиги маълум даражада фойдаланиладиган ахборотнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига қараб аниқланади.

Прогноз тузиш - бу бир маротабалик вазифа эмас. Прогнозлаш объекти ҳақида маълумотни доимо тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда прогнозларни мунтазам равишда таҳрир қилиб бериш зарур.

Прогнозлаш, айниқса, узоқ муддатли прогнозлаш, мажбурий таркибий қисм ҳисобланади:

- корхона мақсадини аниқлаш;
- унинг фаолият тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш;
- режалаштириш, айниқса узоқ муддатли;

• мақсадли функционал дастурларни тайёрлаш: бозорни, инвестиция ва инновацияни ушлаштириш.

Албатта, прогнозлашнинг принциплари ва методларини ушлаштириш - режалаштиришни амалга ошираётган ҳар бир бошқарув органининг муҳим вазифасидир.

Прогнозлаш аниқ бир йўлланма бермайди, фақатгина қўйилган мақсадга эришиш йўлларини белгилаб беради. Лекин юқори малакада тузилган прогноз корхонани ёлғон, ҳаққоний бўлмаган, инқирозга олиб борадиган йўлдан сақлаб қолади.

4.6. МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ: ТУШУНЧА, ШАКЛЛАР

Турли фирмалар маркетингнинг ҳар хил шакллари ва методларидан фойдаланадилар, шунинг учун маркетинг тушунчасига бир томонлама таъриф бериш жуда қийин.

Америкалик муаллифларнинг «Амалий иқтисод» қўлланмасида ёзилишича, «агар бозор - бу олувчи ва сотувчининг учрашув жойи бўлса, маркетинг - уларнинг учрашувига ёрдам берадиган фаолиятдир».¹

Англиялик профессор А.Хоскиннинг қарашлари ҳам бу жиҳатдан характерлидир:

Маркетинг - бу сотишимиз лозим бўлган нарсани қратишдир, биз тайёрлаш имкониятига эга бўлган нарсани сотиш эмас.

Маркетинг - бу истеъмолчининг маҳсулот ёки хизматга бўлган талабини аниқлаш жараёнидир, уларни сотиш ва фойда олиш учун охириги истеъмолчига тақсимлашдир.

Маркетинг - бу менежментнинг ижодий функцияси бўлиб, савдо ва воситачиликни ривожлантириш, илмий-изланиш ва конструктив лойиҳа ишлаб чиқишдир.²

Адабиётларда бошқача тартибдаги таърифлар ҳам учрайди. Қўйидаги таърифларга эътибор беринг:

*«Маркетинг - бу истеъмолчига товар ёки хизматни тақлиф этиш санъати, баҳони тўғри қўйиш, сотиш йўлларини топшиш ва реклама компаниясини ташкил этишдир»*³.

¹ «Прикладная экономика» - М.; 1993. стр. 92.

² Хоскин А. Курс предпринимательства.-М. 1992. стр 98.

³ Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. М., 1994. стр 97.

Мисол учун, мебель фабрикаси, иссиқлик электростанцияси ва эркаклар учун кийим тикиш устахонаси маркетингга умуман турлича позициядан туриб ёндашади.

Иссиқлик электростанцияси рекламага деярли муҳтож эмас, чунки иссиқлик ва электр ҳаммага керак. Товар хусусияти табиат томонидан берилган ва ҳаммага маълумдир. Шу билан бир қаторда корхона ўзининг хизмат курсатиш ҳудуди билан чекланган: иссиқ сув ёки бугни узоқ масофаларга узатиб бўлмайди, чунки улар ўз хусусиятини йўқотади. Бу ҳолда маркетинг маҳаллий миқозларга хизмат курсатишга (товар фойдалилиги ёки сифат борасида эмас!) қаратилади.

Тикув устахонаси товарни сотилгандан кейинги хизмати билан қизиқмайди ва иссиқлик электростанциясидан фарқли ўлароқ маркетинг тадқиқотларини ўз товари сифати ва афзаллигига, реклама кампаниясини кенгайтиришга қаратади - акс ҳолда ўзи учун сотиш бозорини топа олмайди, чунки кийимни магазиндан ҳам буюртма бермасдан, сотиб олиш мумкин.

Мебель фабрикасида маркетинг янада кўпроқ хоссаларга эга бўлади.

Мебелни сотиш географияси деярли чегараланмаган. Иссиқлик ва электр энергияси одамларнинг доимий эҳтиёжи бўлса, мебель ундай эмаслиги маълум. Шунинг учун тайёрланадиган мебелнинг конструкцияси, баҳоси ва материали жуда хилма-хилдир, шунга кура, маркетинг изланишлари ҳажми ва харажатлар миқдори сезиларли ўсиб боради.

Америкалик мутахассислар маълумотларига асосан маркетингга кетган жами харажатлар АҚШ бозоридаги кўплаб товарлар охирги қийматининг ярмидан ҳам кўпдир. Худди шундай аҳволни Европа давлатлари ва Япония бозорларида куриш мумкин.

МАРКЕТИНГ ФУНКЦИЯСИ

Маркетингнинг асосий функциялари жумласига қуйидагилар киради:

- аниқ бозорни, унинг муаммоларини ва истиқболини комплекс ўрганиш;
- ўз корхонасининг товарларини уларнинг турлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда режалаштириш;

- ўз имкониятлари ва бозор талаби мос тушишини кўзлаб маҳсулот сотишни яхшилаш тадбирларини ўтказиш;

- маҳсулот сотиш операцияларини режалаштириш;
- маркетинг фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш.

Ҳар бир навбатдаги функциянинг бажарилиши бундан олдинги функциянинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Корхона мақсадлари унинг ривожланиш йўналишларини белгилаб беради. Маркетинг стратегиясининг асосини ушбу мақсадларга эришиш ташкил этиб, одатда баҳо, мослашув, йўл бериш каби тоифаларни ўз ичига олади.

Нарх-навога асосланган стратегия тижоратдаги ютуқларга эришиш мақсадида арзон баҳо қўллашни талаб этиб, одатда товар ҳажми катталигида амалга оширилади. Танлашга асосланган стратегия эса, рақобатдош сифатли товарларни қўллашни афзал кўриб, буларга дизайн, фирма стили, идиши, хизмат кўрсатиши, шартнома мажбуриятларига амал қилиши, товар ҳамда хизматлар етказиб берилишининг ишончлилиги ва бошқалар киради. Мослашишга асосланган стратегия товар сиёсати, тақсимлаш ва баҳолашда рақобатчилар йўлидан боришга ва уларнинг фаолиятини такрорлашга асосланади.

Маркетинг функцияларининг ҳақиқатда жорий этилиши, уни бошқариш жараёни билан боғлиқдир ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхонанинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш;
- мақсадли бозорни танлаб олиш;
- бозорга чиқиш тадбирлари тўпламини ишлаб чиқиш;
- одатдаги бозорга мавжуд товар билан янада чуқурроқ кириб бориш (масалан, маҳсулот ёки хизматлар, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш);

- янги товар билан бозорга чиқиш;
- мавжуд товар билан янги бозорга чиқиш;

Маркетинг изланишлари қуйидагилар билан бевосита боғлиқ:

- корхонанинг ишлаб чиқариш потенциали билан;
- ишлаб чиқариш қуввати тузилмаси ва ўзгарувчанлиги билан;

- молиявий ресурслар билан.

Иқтисодиётни бошқаришнинг марказлашган механизми ша-роитида прогнозлаш ва маркетинг тадқиқотларининг асосий қисми давлат органлари томонидан ташкил этилар эди.

Корхоналар, айниқса бу изланишларда иштирок этадиган йирик корхоналар изланишлар натижасида олинган маълумот-ларни ёрдамчи маълумотлар сифатида қабул қилар ва конкрет-лаштирар эдилар.

Комплекс маркетинг тадқиқотнинг вазифалари ва йуналиш-лари ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Бозорнинг товарга булган талабини ўрганиш: яъни, хари-дорларнинг маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларига булган тала-бини ўрганиш. Харидорлар томонидан товарга талабгор булиш унинг рақобатга чидамлилигини белгилайди.

Шунинг учун тадқиқотнинг бу қисмида асосий эътибор чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини аниқлашга, муайян бозор ва унинг сегментларига мос тушишига қаратилади.

2. Иқтисодий конъюнктурани ўрганиш. Корхона ва бозор ривожланишининг қисқа муддатли ва узоқ муддатли анъаналари-га боғлиқ ҳолда, товар сотиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича тавсияномалар тайёрлаш.

Жорий конъюнктура ва уни таҳлил қилиш корхонанинг опе-ратив вазифаларини ҳал этишга ёрдам беради, конъюнктурани прогнозлаш эса - қисқа ва узоқ муддатли мақсадларга эришиш-да тактик ва стратегик вазифаларни ҳал этади. Тадқиқотлар де-мографик, иқтисодий, психологик омиллар билан амалга оши-рилади (олувчи ва сотувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий хусуси-ятлари таҳлил қилинади).

3. Бозорнинг фирма тузилмасини ўрганиш, яъни бозорда ишлаётган асосий фирмалар гуруҳини аниқлаш: ҳамкор-фирмалар (харидорлар), рақобатчи-фирмалар (бир хил товар сотувчи фирмалар), бетараф фирмалар (мавжуд товарга нисба-тан ҳеч қандай қизиқишлари бўлмаган, лекин потенциал рақобатчи ёки харидор деб тан олиниши мумкин булган фирма-лар). Ҳар бир фирманинг бу ёки у гуруҳга мансублигидан қатъи назар унинг ишончлилиги, тўлов қобилияти, рақобатбардошлиги ва бошқа кўрсаткичларини аниқлаш учун изланишлар олиб бо-рилади.

4. Муайян товар ва муайян бозорга ёки унинг сегментларига нисбатан савдо амалиётида қабул қилинган шакл ва услубларни тадқиқ қилиш.

МАРКЕТИНГ КИМ УЧУН ФОЙДАЛИ?

Маркетинг тадқиқотлари талабнинг тулиқ қондирилишига ёрдам беради. Маркетинг - бу истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганишдир: бошқа томондан маркетинг - бу талабга эга бўлмаган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот билан боғлиқ бўлган йўқотишлардан корхонани ҳимоя қилишдир.

Маркетинг, одатда, қуйидагиларга йўл қўймайди:

- сотилмайдиган маҳсулот чиқаришга;
- келгусида маҳсулотга харидор чиқишига ишонмай туриб, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга киришишга;
- аввал ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан одамларни безор қилишга.

Ҳар бир корхона нуқтаи назаридан олиб қаралганда, бозор «истеъмол бозори» (корхона ўзи учун керакли маҳсулотларни сотиб олади) ва «сотиш бозори» (корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотади)га бўлинади. Шунинг учун маркетинг товар сотувчи ва товар олувчига бир хилда фойда келтиради.

Лекин манфаатлари бир ҳамкорлар билан алоқаларни ўрнатишдан олдин қуйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

- бундан нариги томон ҳам манфаатдорми-йўқми?
- техник алоқа воситалари (телефон, телефакс) ва улар учун жавобгар шахслар борми-йўқми?

Ҳақиқий ва доимий ҳамкорлар билан алоқа - маркетингнинг муҳим қисмидир. Алоқа учун жавобгар шахслар бошқа томоннинг ҳар қандай саволига ҳар доим ва зудлик билан жавоб беришга тайёр туришлари шарт.

Бозорни, доимий истеъмолчи ва сотувчини, рекламани ўргана бориб, корхона маркетинг ёрдамида бозорда обрўга ҳамда ўрнига эга бўла боради.

Унинг шаклланиши аввало фирмага ном қўйиш, фирма белгисини, фирма бланклари, конвертларини аниқлашдан иборат.

Чунки булар корхона ҳамкорларига жунатилар экан, аҳамиятига кура уларнинг ичидаги хужжатдан кам эмас.

Узининг обрусига эга булиш учун корхона бозор айланмаси соҳасида узининг ягона урнини эгаллаши, ишончли, пухта ҳамкор булиши, иш юзасидан муомалага киришмоғи, суҳбатлар утказиши лозим.

БОЗОР ИМКОНияТЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ



МАҚСАДЛИ БОЗОРНИ ТАНЛАШ



МАРКЕТИНГ КОМПЛЕКСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ



МАРКЕТИНГ ЁРДАМЧИ СИСТЕМАСИ КОМПЛЕКСИ



4.8-расм. Маркетинг фаолияти схемаси.

Аниқ бир таклифга эга булар экан, корхона уни амалда қўллаш учун зудлик билан шартнома тузишга доимо тайёр туриши лозим, чунки ҳамкорни йўқотиш учун бир неча соат кифоя, лекин уни топиш жуда қийин.

Узаро суҳбатлар асосини икки томонлама манфаатдорлик ташкил этади, шунинг учун бозорда ўз фикрини эмас, балки иккала томон оладиган фойдани таклиф этиш лозим. Шу билан бирга, фирмалар томонидан «фикрлар ҳақида»ги хатлар ҳам кенг қўлланилиб, улар ҳамкорларга жунатилади ва уларда қандайдир узаро ишни йўлга қўйиш учун фикрлар билдирилган бўлади. Бу икки томонга ҳеч қандай мажбурият юкламайди,

фақатгина битим тузиш мумкинлигини билдиради холос. Ҳамкорларнинг иш юзасидан ўзаро муносабатлари томонларнинг манфаатларини ҳурмат қилиш ва улар ишончини оқлашга асосланади.

4.7. БОЗОР СЕГМЕНТИНИ ТАНЛАШ

Маълумки, ҳеч қандай корхона бозорда товар айирбош-лашнинг ҳамма тармоғини тула қамраб ололмайди, балки, фақатгина ўзига тўғри келадиган қисми (сегменти)нигина танлаб олиши мумкин.

Бозорни сегментлаш тизилмасида бозорнинг энг йирик кўрсаткичлари бўйича бўлинишидан фойдаланилади: товар-тармоқ (масалан, озиқ-овқат, нефть, автомобиль ва ҳоказо) ёки географик (масалан, Европа, шарқий ва жанубий ёки шимолий қисм ва ҳоказо). Шундан кейин сегментация истеъмолчилар гуруҳига қараб олиб борилади:

1. Ишлаб чиқариш истеъмоли.
2. Давлат хариди.
3. Воситачилар.
4. Аҳоли, қуйидагилардан қатъи назар:
 - ёши (ёшлар, ўрта ёшлилар, қариялар);
 - жинси (эркаклар, аёллар);
 - ижтимоий аҳволи (бой, камбағал, ўртаҳол);
 - миллати (миллий одатларни ҳисобга олиб);
 - бозор мавсуми (йил мавсумлари).

Сегментлашга нафақат ички, балки ташқи бозор ҳам киради.

Бозорнинг ҳар бир сегменти доирасида олди-сотди ҳолати турличадир.

Агар, мисол учун, озиқ-овқат бозорида аҳвол қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги натижасида кескин ўзгармаса, кийимлар бозорида асосий ролни мавсумий мода ўйнайди, машинасозликда эса, янги ихтиро илдам бўлади.

Шунингдек, бозорнинг турли сегментларига чиқиш учун бирламчи маблағни ҳам таққослаб бўлмайди. Оғир саноатда, масалан, бунинг учун юз миллионлаб доллар маблағ талаб этилади ва фойда ҳисобидан унинг қайтарилиши учун бир неча

йиллар керак бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳасида эса 10-20 минг доллар етарли бўлиши мумкин (йўловчи ташиш учун автомобиль сотиб олинганда) ва фойда бир неча кундан сўнг олинishi мумкин, лекин бу соҳада қаттиқ рақобат вужудга келади.

Бозорнинг турли сегментларини корхона учун фойдали ва унинг потенциалини ҳисобга олган ҳолда излаш мақсадга мувофиқдир. Сўнгра маҳсулотнинг бозорда рақобатбардошлиги таҳлил қилинади ва ишлаб чиқариш режасига киритиладиган маҳсулотлар ажратиб олинади.

БОЗОР ТАЛАБИ АСОСИДА МАҲСУЛОТНИ БЕЛГИЛАШ

Бозор талабгор бўлган маҳсулотни ажратиб олишда бозор ҳажми, истеъмолчининг товар хусусияти ва сифатига бўлган талаби, мавжуд ва пайдо бўлиши мумкин бўлган рақобатчиларнинг кўзлаган мақсадлари ва имкониятлари, мавжуд маҳсулот импорти ва экспорти яна қайтадан текшириб чиқилади ва ҳисобга олинади.

Ажратиб олишнинг биринчи босқичида ҳамма мавжуд товарлар корхона манфаати ва уни сотиш имкониятига қараб ажратилади. Бунинг учун бир томонлама, бозор талабига қараб жадвал тузилади ва тулдирилади. Маркетинг, сотиш ва бошқа бўлим экспертлари баҳоларига асосан маҳсулотнинг барчаси киритилиб танланади (4.9-расм).

Маҳсулот рўйхати аниқлаб олингандан сўнг, унинг рақобатбардошлиги корхона чиқараётган маҳсулот хусусиятлари асосида аниқланади. Бу жараёнлар корхонадаги ёки четдан таклиф этилган экспертлар ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бир маҳсулотни баҳолаш учун, аввало унинг кўрсаткичлари: ташқи кўриниши, баҳоси, ишдаги ишончлилиги, фойдаланишда тежамкорлиги, мазаси, модага мос келиши ва бошқалар аниқланади. Кўрсаткичлар жадвалда бозорда маҳсулот баҳоланиши тартибида ёзилади. Бунда муайян турдаги маҳсулотнинг ёки айрим параметрларининг, мамлакат ичидаги ёки хориждаги энг олий даражаси эталон сифатида қабул қилиниб, бирга тенг деб олинади. Экспертлар товарни баҳолар эканлар, бирдан паст ёки юқори баҳо кўядилар (4.10-расм).

№	Маҳсулот номи	Бозордаги талаб даражаси			
		Чекланмаган, жумладан	Чекланган, жумладан	Даврий, жумладан	Талаб йуқ
Узлаштирилган маҳсулот					
1.				
2.				
3.				
Ўзлаштириши мумкин бўлган маҳсулот					
1.				
2.				
3.				

4.9-расм. *Чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир томонлама (бозордаги талабга асосан) жадвали*

Ишлаб чиқариш режасига киритиш учун баҳолаш курсаткичларига кўра белгиланган эталондан энг кам фарқланувчи, яъни ўртача арифметик курсаткичга иложи борича яқин бўлган ва сифатини ошириш учун кўп харажат талаб этмайдиган маҳсулот танлаб олинади.

№	Рақобатбардошлиги аниқланадиган курсаткичлар (мисол учун)	Рақобатбардошлик даражаси		
		Ички бозорда	Ташқи бозорда	Жумладан, чет мамлакатларда
1.	Ташқи кўриниши	0,9	0,6	
2.	Ишдаги ишонччилик	1	1	
3.	Баҳоси	0,8	1,1	
4.				
п.				

4.10-расм. *Маҳсулотни баҳолаш.*

4.8. РЕКЛАМА: ФУНКЦИЯСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Умуман олганда, реклама икки функцияни бажаради:

- товар мавжудлиги, миқдори, унинг асосий хусусиятлари тўғрисида харидорларга хабар бериш;
- сотиш ҳажмини ошириш ва харидорларни жалб этиш мақсадида товарни тарғиб қилиш.

Бозордаги вазиятга ва товар турига қараб у ёки бу функциянинг муҳимлиги ўзгариб туради: айрим ҳолларда ахборот беришга, бошқа ҳолларда эса ташвиқот қилишга кўпроқ эътибор берилади.

Бозор товарга тўлиб кетганда ва харидорга кенг танлов таклиф қилинганда асосий эътибор ташвиқотга берилади.

Шу билан бирга айрим товарлар ва хизматларни сотишда асосан хабардор қилиш асосий ўринда туради - масалан, чакана савдода нархи арзонлаштирилган товарларни сотиш; сартарошхона, умумий овқатланиш жойлари, кийим-кечак тикиш ва пой-абзал таъмирлаш устахоналари ҳамда аптекаларнинг манзиллари ва иш соатларини билдириш.

Реклама воситаларига махсус плакатлар, матбуот, радио, телевидение, киноларда эълонлар, маҳсулот кургазмалари, ярмаркалар, ишлаб чиқариш маркалари ва товар белгилари, ёрликлар, магазинларда витриналар, ёруғлик таблолари, фирма проспекти ва бошқалар киради.

Оммавий доимий реклама:

- бозордаги товарнинг ҳаракатига;
- сотув ҳажмини кенгайтиришга;
- товарни бозорда сақлаб қолишга қаратилади.

Бозорга янги товар билан чиқишда ва уни сотиш ҳажмини оширишда реклама ёрдамига таяниш мақсадга мувофиқдир, чунки у бир вақтнинг ўзида товар ҳақида маълумот беради ва ташкилотчилик хусусиятига эга бўлади. Бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш ва рақобатчилар томонидан сиқиб чиқарилишнинг олдини олиш учун фирма томонидан ташвиқот ишларига катта эътибор берилиши лозим.

Шуни ёдда тутиш керакки, корхона тўғрисида яхши ёки ёмон гап-сўз тез тарқалади, шунинг учун ҳар бир фирма ўз обрўсини сақлашга ҳаракат қилиш шарт.

Реклама етказиб берувчи истеъмолчи ва умуман жамият манфаатларига хизмат қилади ва бу реклама тўғрисидаги халқаро кодексда ҳам кўрсатиб утилган.

Товарнинг жуда кўп хусусиятларидан фақатгина харидорда қизиқиш уйғотадиганлари ва рекламага мос келадиганларигина танлаб олинади.

Истеъмолчини харид қилинадиган товарлар тўғрисида қилинадиган наф ва ўз эҳтиёжининг қондирилиши реклама қилинаётган товарнинг афзалликлари ҳаддан зиёд мақталишидан кўра кўпроқ қизиқтиради.

Рекламанинг вазифаси - истеъмолчи онгида реклама қилинаётган товар ёки унинг етказиб берувчиси тўғрисида ижобий тушунча ҳосил қилиш бўлиб, бу келгусида янги товар ва янги етказиб берувчи пайдо бўлишига олиб келади. Янги мол етказиб берувчи бозорга янги товар билан чиқар экан, бир вақтнинг ўзида:

- харидорга ўзи реклама қилаётган товардан олинadиган нафни кўрсатиши:

- ушбу нафни олишга ўзи ёрдам бериши керак.

Товар ва уни етказиб берувчининг янгилиги ҳар доим истеъмолчида ишончсизлик уйғотади ва бундан халос бўлиш учун рекламани яхши йўлга қўйиш лозим.

Ички ва ташқи омиллар, товар кўриниши ва бозордаги шароитдан катти назар, бозорда рекламанинг турли хил усулларидан фойдаланилади. Бунда уларнинг қиймати, давомийлиги, таъсирчанлиги, географияси ва аудиторияси ҳисобга олинади.

Реклама асосий воситаларининг хусусиятлари, фойдаси ва камчиликлари 4.1-жадвалда келтирилган.

РЕКЛАМА ВОСИТАЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Реклама воситаси	Афзалликлари	Камчилиги
Газеталар, жумладан реклама газеталари	Миллий ва маҳаллий бозорни кенг эгаллаш, оммавий тан олишлик ва юқори ишончлилик	Нисбатан қисқа вақт мавжуд бўлиши, иккиламчи ўқувчиларнинг озлиги, сифатининг пастлиги
Телевидение	Сурат, овоз ва ҳаракатни бирлаштириши, эмоционал таъсири, узига ром этиш даражасининг юқорилиги ва оммавийлиги, географик кенг тарқалиши	Нархининг баландлиги; реклама кўплиги, танлов аудиториясининг йўқлиги
Радио	Арзонлиги, кенг географик кўлами, оммавий фойдаланувчанлиги	Фақат овоз билан тарқалиши, ром этиш хусусиятининг пастлиги, танлов аудиторияси йўқлиги
Ойномалар	Кенг кўламлилиги, юқори сифати, амал қилиш муддатининг кўплиги	Буюртма ва реклама пайдо бўлиши оралигининг катталиги, исталган жойда реклама чиқариш кафолатининг йўқлиги
Ташқи реклама: шчитлар, кургазмалар ва бошқалар	Жойлашув вақтининг арзонлиги, рақобатчиларнинг озлиги	Географик чекланганлик, узоқ жойларда реклама баҳосининг жуда юқори эканлиги

V БОБ

ИЖАРА, ЛИЗИНГ

5.1. ИЖАРА

Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятли амалга оширилиши ижара механизмларини кенг татбиқ этиш ва ундан фойдаланишни назарда тутлади. Жиҳозларни кенгайтириш ёки уни алмаштиришга эҳтиёж сезадиган корхоналар икки имкониятга эгадир: жиҳозни хусусий қилиб олиш ёки уни ижарага олиш.

Биринчи усулда керакли пул маблағларини топиш ёки йўқ қилинадиган воситаларни оборотдан чиқариш керак ёки қарзга маблағ олишга ва пировардида кредит фоизлари тўлаш учун қўшимча харажатларга йўл қўйишга тўғри келади.

Ижара корхонага керакли воситалардан фойдаланиш ва уни жорий этишда бир вақтнинг ўзида катта харажатлар қилишнинг олдини олиш, фойдаланилмай ётган воситани ижарага бериш билан қўшимча даромад олиш, шунингдек бир вақтнинг ўзида уларга бўлган эғалик ҳуқуқини сақлаб қолиш имконини беради.

Хорижий технологияларни олиб киришдан кўзланган мақсад - корхона харажатларини камайтириш билан бирга маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга эришишдир. Бу фақат замонавий технологиялар ёрдамида мумкин бўлади, лекин буларга эришиш, одатда, катта молиявий ресурсларни талаб этади. Бу ҳолда лизинг мақсадга мувофиқдир ва у ижара муносабатларининг бир модификацияси бўлиб, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг самарали усулларида бири ҳисобланади. Қонунга кўра кўчмас мулк ижарага берилганда шартнома давлат томонидан рўйхатга олиниши лозим.

Мавжуд корхоналар ўртасида ҳозирда бинолар, иншоотлар, жиҳоз ва транспорт воситаларини ижарага бериш кенг тарқалди. Мулк комплекслари, мисол учун корхона мулки ҳам ижара шартномасининг предмети бўлиши мумкин.

Бу, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш қувватларини айниса кичик ва ўрта корхоналар томонидан тезлик билан ишга

солишга, тайёр инфратузилмадан фойдаланишга имкон беради. Ер майдонлари ва бошқа табиат объектларини ҳам ижара шартномасига киритиш мумкин.

Ижара шартномасида икки томон иштирок этади:

- ижара берувчи - мулк эгаси бўлиб, мулкни вақтинчалик фойдаланишга берганлиги учун ҳақ олади;
- ижарага олувчи - мулкни олувчи мулкдан ўз мақсадлари йўлида шартномага асосан фойдаланади.

Ижара шартномаси бузилганда у бекор қилиниши мумкин.

Ижара шартномаларининг афзаллиги шундаки, ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан мулкни бошқа шахсга бериши мумкин. Бунда субижара шартномаси тузилади. Бунинг натижасида корхоналарнинг ижарадан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Субижара шартномасининг муддати ижара шартномаси муддатидан кўп бўлмаслиги керак.

Ижара шартномасида ҳақ тўлаш шакли, ҳажми, муддати ва уни тўлаш тартиби кўрсатилиши керак.

Ижарага берилаётган бутун мулк ёки унинг бир қисмидан келиб чиққан тўловнинг қатъий суммаси кенг тарқалган усул ҳисобланади. Тўловлар шартномада кўрсатилган муддатларда тўланади. Лекин бир вақтда тўлаш ҳам мумкин. Ижарага бино ва иншоотлар берилаётганда, ижара тўлови ижарага берилган объект майдонининг ҳақиқий ўлчамларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Ижарага олувчи ижарага олинган мулкдан фойдаланиш натижасида олинган даромадларнинг ҳақиқий эгаси ҳисобланади. Ижара тўлови ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлардан бир қисмини бериш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, бу пул маблағи йўқлигида ўзаро молиявий муаммоларни ҳал этишнинг бирдан - бир мақбул йўлидир.

Мулкдан фойдаланиш ҳақини ундиришда ижарачи зиммасига ижарага олинган бинони таъмирлаш харажатлари тўлов сифатида юклатилиши мумкин.

Шундай қилиб, ижара ҳақи пул ёки натура шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Амортизация ажратмалари ижарага берувчи томонидан ҳисобланади ва олинган ижара ҳақи эвазига қопланади ва у асосий фаолиятдан ташқари харажатлар тарки-

бига киритилади. Ижарага олувчи тулаган ижара ҳақини ишлаб чиқариш харажатларига киритади.

Ижара ҳақи ҳажмини белгилашда қуйидагилар эътиборга олиниши лозим:

- ижарага берилаётган объектларнинг амортизация ажратмалари катталиги;
- берилган мулкдан бевосита олинадиган даромад;
- ижарага берилаётган биноларни суғурта қилиш харажатлари;
- ижара муддати ўтгандан сўнг уни таъмирлашга кетадиган харажатлар;
- ўхшаш биноларга белгиланган ўртача ижара туловининг миқдори.

Бино ва иншоотлар ижарага берилганда ижара тулови миқдори ушбу бино ўрнашган ер майдонининг қийматини ҳам ўз ичига олиши керак.

Ижара тулови ҳажми бутун ижара муддати ичида ўзгармай қолмайди, балки корхона фаолияти шароитлари, жиҳозларга бўлган бозор нархлари ўзгариши билан ўзгариб туради. Шу билан бирга ижара туловларини қайта кўриб чиқиш ижара мулкidan самарали фойдаланишга тўсқинлик қилади, шунинг учун ижара тулови ҳажми бир йилда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда қайта кўрилади.

Ижара шартномаси тузилаётганда ижарага олувчига мулкни яхши ҳолда сақлаш ва жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, ижара муддати тугаганда, уни эгасига олдинги ҳолатда топшириш мажбурияти юклатилади.

Ўз навбатида, ижарага берувчи ижарага берилаётган объектнинг камчиликларига жавоб беради.

Ижарачи ижара объектини яхшилашга уринган бўлса, у ижарачининг хусусий мулкига айланади - акс ҳолда унга бажарилган ишларнинг қиймати туланади.

Объектларни капитал таъмирлаш одатда ижарага берувчи томонидан амалга оширилади.

Ижара шартномаси муддатли ёки муддатсиз тузилади. Шартнома аниқ бўлмаган муддатга тузилганда, у исталган иштирокчи томонидан 1 ой олдин огоҳлантириш билан, агар объект

қўчмас мулк бўлса, 3 ой олдин огоҳлантириш билан бекор қилиниши мумкин.

Мулкдан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик, унинг ҳолати ёмонлашувиغا йўл қўйишлик, белгилаб қўйилган муддатларда қаторасига бир неча марта ижара ҳақини тўламаслик ва бошқа шу сингари шартнома шартларининг бажарилмаслиги натижасида шартномани муддатидан олдин бекор қилиш суд орқали амалга оширилади.

Ижара муддати тугагандан сўнг шартнома яна номаълум муддатга ижарага берувчи розилиги билан узайтирилиши мумкин.

Ижарачи томонидан ҳамма шартлар бажарилганда, у шартномани янгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шартнома ҳаракати тўхтатилганда ижарачи ижарага берувчига олинган мулкни қайтаради.

Шартномага асосан мулкни сотиб олиш шarti билан ижарага олинганда объектлар ижарага олувчи мулкига айланади. Агар бу шарт кўрсатилмаган бўлса, қўшимча келишув тузилиши мумкин.

Шартномада сотиб олиш шarti бўлса ва ижарага олувчи муддатидан олдин мулк тўловини амалга оширса, мулк унинг хусусий мулкига айланади.

Ижара муносабатларининг алоҳида кўриниши - *бу мулкни прокатга олишдир.*

Ижара шартномасига асосан берилган мулк одатда ижарага олувчи томонидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилади - мулк прокатга берилганда эса ижарачи ундан ўз эҳтиёжини қондириш учун фойдаланади.

Ижара шартномаси муддати чекланмаган - прокат шартномаси 1 йилгача тузилиши мумкин.

Бундан ташқари, прокат шартномаси бўйича берилган мулк субижарага берилмайди.

Қорхоналарнинг ижара шартномаси ҳам айрим хусусиятга эга. Ушбу ҳолда ижарачи вақтинча фойдаланиш учун мулк комплексларини олади. Булар қуйидагилар:

- бино ва иншоотлар;
- номоддий активлар (сув, ер ва бошқа табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва б.қ.)

- жиҳозлар ва бошқа асосий воситалар:
- ер участкалари:
- хом ашё, ёқилғи, материал ва бошқа айланма воситалар захиралари.

Бундан ташқари кредиторлар билан келишилган ҳолда корхонанинг қарзлари ижарачига ўтказилиши мумкин. Агар қарзлар кредиторлар розилигисиз ўтказилса, унда ижарачи ва ижарага берувчи ушбу мажбуриятлар олдидан ҳамкорликда жавоб беришади.

Лицензия олинган ва қонунларда таъқиқланмаган ҳолларда ижарачи олинган мулк комплексидан аниқ бир тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун фойдаланиши мумкин. Бунда лицензия бошқа шахсларга берилмайди ва шу сабабли шартнома бўйича у ижарачига ўтказилмайди.

Корхона ижарачига ўтказиш далолатномасига асосан берилади, шунингдек корхонанинг техник ҳолатини етарли даражада таъминлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ишларини олиб бориш мажбурияти ҳам ижарачига ўтади. Ижарага олувчи техник ривожланиш дастурини амалга оширишда кенг мустақиллик олади, у реконструкция, мулк қийматини оширишга олиб келувчи тадбирлар ўтказиш, корхонани техник қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш ҳуқуқига эгадир. Ижарачи, агар шартномада кўрсатилган бўлса, мулк таркибига кирувчи моддий қийматликларни сотиши, айирбошлаши, субижарага бериши мумкин, лекин солиқ миқдорини камайтириш мақсадида мулк қийматини тушириш ҳуқуқига эга эмас.

5.2. ЛИЗИНГ

Лизинг - бу ижаранинг кредитга ўхшаш жиҳатлари бўлган бир кўринишидир.

Ижаранинг бошқа турларидан фарқли равишда, лизинг ижарасида, ижарага берувчи ўзи фойдаланиб келган қурилма ва жиҳозларни эмас, балки лизинг компанияси томонидан, лизинг олувчи учун атайлаб сотиб олинган янги қурилмалар ва жиҳозлар ижарага берилади.

1952 йилда Американинг United States Leasing Corporation компанияси Сан-Францискода жаҳонда биринчи бўлиб лизинг

жамиятини ташкил этган эди. Жуда тез орада лизинг инвестиция фаолиятининг асосий воситаларидан бирига айланса-да, лекин АҚШда лизинг муносабатларини тартибга солувчи махсус қонунлар йўқ.

Европа минтақасида молиявий лизинг жамиятлари 50-йиллар охири ва 60-йиллар бошларида пайдо бўлган.

Европанинг айрим мамлакатларида лизинг операциялари сезиларли мавқега эга ва уларни тартибга солувчи ҳуқуқий база яратилган: Францияда - 1966 йилда «Кредит-ижара амалиётини қўллаётган корхоналар ҳақида» қонун, Белгияда - 1967 йилда «Молиявий ижарани қўллаётган корхоналар ҳақида» қирол қарори, Англияда 1965 йилда «Ижара-сотув тўғрисида» қонун чиққан.

Италия ва Испанияда 1988 йилда жиҳозлар кредит-ижараси ҳақида қонун қабул қилинган.

Инвестицион фаоллик авж олган Япония, Индонезия, Тайван мамлакатларида ҳам лизинг операциялари кенг ривож топган.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг инвестициясини 20 дан 25 фоизгача бўлган қисми лизинг шартлари бўйича молиялаштирилади.

Лизингнинг ижарадан фарқи шундаки, унда уч томон иштирок этади:

- лизинг берувчи (ижарага берувчи) - мулкни ўзи учун сотиб олиб, маълум ҳақ эвазига уни вақтинчалик фойдаланишга берувчи ташкилот;

- лизинг оловчи (ижарага оловчи) - мулкдан фойдаланишдан манфаатдор бўлган корхона ёки яққа ҳолдаги тадбиркор;

- сотувчи - одатда мулк (қурилмалар, жиҳозлар, транспорт воситалари ва ҳ.к.)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Бундан ташқари лизинг муомаласида, одатда қуйидагилар ҳам иштирок этади:

- банклар (ёки бошқа кредит муассасаси), лизинг берувчига жиҳоз олиш учун кредит беради;

- суғурта компаниялари, лизинг берувчи мулкни суғурта қилади;

Лизинг операцияларини ташкил этиш борасидаги жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, лизинг берувчи сифатида қуйидагилар ҳам чиқиши мумкин:

- ўз таркибида лизинг хизматини ташкил этган банклар;
- махсус лизинг компаниялари;
- машина ва жиҳозлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ташкил қилинадиган лизинг компаниялари;
- техника етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи фирмалар томонидан ташкил этилган лизинг компаниялари.

5.3. МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ

Шартнома муддати давомида мулк тўлиқ амортизацияланади ва лизинг берувчи лизинг тўловлари ҳисобига унинг қийматини қисман ёки катта қисмини қайтариб олади.

Фуқаро қонунчилигига асосан, ер участкалари ва табиий объектлардан ташқари исталган, вақтинча озод мулк молиявий лизинг объекти ҳисобланиши мумкин. Молиявий лизингга кўпроқ юқори технологик жиҳоз берилади.

Корхоналар, фан ва техниканинг жадал суръатлар билан ривожланиши шароитида, лизинг орқали энг кам инвестицион таваккалчилик қилган ҳолда, ўзининг эскирган жиҳозларини тез алмаштириш имконига эга бўлади.

Зарур жиҳозларнинг сотувчисини танлаш ижарачи томонидан амалга оширилади. Лекин, корхонанинг товар ишлаб чиқарувчилар тўғрисида тўлиқ ахборотлардан беҳабарлиги шароитида сотувчини танлашни лизинг компаниясига топшириш мақсадга мувофиқдир ва бу молиявий ижара шартномасида белгиланиши шарт.

Ушбу усул кичик ва ўрта корхоналар учун мақсадга мувофиқ, чунки уларда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун етарли маблағ йўқ. Ижарага берувчи кўрсатилган мулкни хусусий мулк қилиб олиш ва вақтинчалик фойдаланиш учун ижарачига бериш мажбуриятини олади.


Шундай қилиб, лизинг компанияси ва корхона ўртасидаги молиявий ижара шартномасидан ташқари олди-сотди шартномаси ҳам расмийлаштирилади.

Жиҳозлар лизинг компанияси томонидан ўз маблағи ёки қарзга олинган маблағ ҳисобига харид қилинади ва бу лизинг олувчини бир марталик катта харажатлардан сақлайди.

Мулк ижарачига сотувчи томонидан бевосита берилади, унга шунингдек, объектнинг фавқулодда бузилиши хавфи ҳам утади.

Лизинг олувчи корхона сотувчига жиҳоз сифати, уни етказиш муддати, бутлиги ҳақида ўз талабларини бериши мумкин.

Агар сотувчини танлаш ижарага берувчи томонидан амалга оширилса, ижарачи ўз хоҳишига кўра, ушбу талабларни сотувчи ва ижарага берувчи олдига қўйиши мумкин. Лизинг муносабатлари схемаси 5.1-расмда кўрсатилган. Молиявий ижара шартномасида лизинг тўловларининг ҳажми, шакли, тўлаш муддати, суғурта шarti ва бошқалар белгиланади.



5.1-расм. Лизинг муносабатлари схемаси.

Лизинг тўловларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- лизинг мулкнинг тўла қийматини ёки унинг муайян бир қисмини ташкил қилувчи сумма;
- лизинг берувчига шартномада кўрсатилган кредит ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлов суммаси;
- лизинг берувчига комисион мукофот;

- суғурта суммаси (агар мулк лизинг берувчи томонидан суғурта қилинган бўлса);
- лизинг берувчининг шартномада кўрсатилган бошқа харажатлари.

Лизинг муддати давомида лизинг туловларининг тулаб борилиши мулкни секинлик билан сотиб олинишини англатади. Шунинг учун лизинг шартномасида лизинг олувчига мулкни сотиб олиш ҳуқуқи берилиши назарда тутилган бўлиши керак.

Агар бундай шарт кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда мулк лизинг берувчига тулиқ қайтарилади. Шартномани тобора имтиёзли шартларда қайта тузиш имконияти ҳам мавжуддир.

Ижара муддатининг одатда жиҳоз хизмати муддати билан тўғри келиши молиявий лизинг хусусиятидир. Бу молиявий лизингнинг ижаранинг бошқа турларидан фарқини билдиради, бунда ижаранинг қисқа муддатлари ижарага берувчига мулкни бир неча марта ижарага бериш имконини беради.

Узоқ муддатга бериладиган мулк жисмонан ва маънан эскиради ва лизинг компаниялари учун бу манфаатли эмас, шунинг учун шартномага мулкни сотиб олиш шартини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

Лизинг муддати тугагандан сўнг лизинг олувчи корхона жиҳозини қолдиқ қиймати билан аниқланадиган баҳода сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

Лизинг келишувларининг муддати амортизация даврининг 70 дан 80% игача бўлган қисмини ташкил этиши кенг тарқалганлиги тажрибадан маълум.

5.4. ЛИЗИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Лизинг - битим иштирокчиларининг барчаси учун фойдалидир. Ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулот сотиш бозорини кенгайтиради, лизинг компаниялари билан узоқ муддатли алоқаларни ўрнатади.

Лизинг олувчи корхона бир йўла 2 муаммони ҳал этади:

- жиҳозни сотиб олиш ва молиялаштириш ҳамда ундан йирик молиявий ресурсларни жалб этмасдан фойдаланиш, бу эса, корхонанинг молиявий барқарорлигига путур етказмаган ҳолда, ўз маблағини сақлаб қолиш имконини беради.

Шунинг учун лизинг операциялари кичик ва урта корхоналар ўртасида кенг татбиқ этилади.

Янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда лизинг жиҳозлар паркини йирик инвестиция сарф этмасдан ташкил этиш имкониятини яратади.

Лекин, айрим ҳолларда лизинг банк кредитига нисбатан қиммат туради. Шунинг учун молиялаштириш турини танлашдан олдин лизинг тўлови ва уни тўлаш жадвалини ҳисобга олиш керак. Шартномада кўрсатилган лизинг тўловини тўлаш муддатлари инвестицияни қоплаш муддати билан мос келиши лозим.

Лизинг компаниялари жиҳозлар бозорини янада яхшироқ урганиш имкониятига эга. У ишлаб чиқарувчилар билан алоқа ўрнатади ва уни бозор нархидан анча арзон нархларда сотиб олади. Бу эса ижарага берувчи ва ижарага олувчи учун катта аҳамиятга эга.

Шу нарса муҳимки, лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритилади, бу эса солиққа тортиладиган фойдани ва солиқлар суммасини сезиларли тарзда камайтиради.

Лизингга берилган мулк лизинг берувчи балансида туради, бу эса уша мулкка тўлиқ эгаллик қилиш ҳуқуқини беради. Агар шартномада томонлар амортизация ажратмасини тез ҳисоблашга келишишган бўлса, лизинг компаниялари жиҳозга кетган сарфнинг асосий қисмини қайтариш имкониятига эга бўлади.

Лизинг компаниялари мулкни лизингга беришдан даромад оладилар. Лизинг олувчи инқирозга учраса, лизинг тўловлари туланмаса, лизинг берувчи мулкни сотиши ва қурилган зарарни қоплаши мумкин.

Лекин инфляция шароитида лизинг операциялари лизинг берувчига фойда келтирмайди.

Лизинг операцияларининг самарадорлиги капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг анъанавий шакллари ва мулккий қарз беришни солиштиришга асосланади. Капитал қўйилмаларнинг анъанавий қарз берилишидан фойдаланишда корхона белгиланган муддатда банкка қарз миқдорини қайтариши ҳамда белгиланган фоизлар миқдорини тўлаши лозим. Шундай қилиб, қарз миқдори С, қарзни қайтариш муддати

T ва қарз бўйича фоизлар ставкаси H_k бўлганда, корхона банкка ҳар йили тўлаши лозим бўлган миқдор қуйидагича бўлади:

$$\frac{C}{T} + C \times H_k$$

Амалдаги қонунларга мувофиқ узоқ муддатли қарзларни ва улар бўйича фоизларни корхона солиқларни тўлагандан кейин қолган фойда ҳисобидан тўлайди. Шундай қилиб, банкка ундан олинган қарзни ва фоизларни тўлаб, тўлиқ ҳисоб - китоб қилиши учун корхона томонидан солиқ тўловлари ставкаси миқдорига орттирилган, яъни қуйидаги миқдорда фойда олиниши керак:

$$\frac{C}{T} + C \times H_n : (1 - H_k)$$

Лизинг шартномасидан «Ўзбекистон Республикаси корхоналарида маҳсулот (ишлар ва хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар бўйича асосий қондалар»га мувофиқ фойдаланилганда айрим объектларнинг ижараси учун лизинг тўлови таннархга киритилади.

Шундай қилиб, лизинг шартномасида харажатларга киритилган йиллик ижара ҳақи қуйидагидан иборат бўлади:

$$\frac{C}{T} + C \times H_n$$

Бу ерда, C лизинг бўйича бериладиган ускуналарнинг баҳоси;

T – ускуналарнинг хизмат қилиш муддати;

H – фойдадан олинадиган солиқ ставкаси.

Лизинг шартномалари қайси шароитларда корхона учун самарали эканлигини аниқлаш учун корхона томонидан лизинг бўйича тўланаётган миқдор билан корхона қарзини тўлаш учун ишлаб топиши лозим бўлган фойда миқдорини тенглаштириш зарур, яъни:

$$\frac{C}{T} + C \times H_n - (C + C \times H_k) : (1 - H)$$

Бундан корхона учун лизинг шартномаси ва қарз олиш, агар лизинг бўйича ижара ставкаси қуйидагига тенг бўлса, бир хилда фойдали эканлиги маълум бўлади, яъни:

$$H_n = \left[\left(\frac{1}{T} + H_k \right) / (1 - H_n) \right] - \frac{I}{T}$$

Агар ижара фоизлари ставкаси ушбу бир хилда фойдалилик даражасидан бир мунча пастроқ тайинланса, унда табиийки, лизинг операциялари корхона қарз олишидан кўра кўпроқ фойдали бўлади.

Шу билан бир вақтда лизинг операциялари банк учун ҳам фойдали, чунки ижара фоизи ставкаси юқоридаги формулага мувофиқ маълум муддатга берилган қарз бўйича белгиланган оддий ставкага нисбатан ортиқ белгиланиши мумкин.

Масалан, асосий воситаларнинг хизмат қилиш муддати - 5 йил, 5 йил муддатга банкдан бериладиган қарз учун фоиз ставкаси 10%, фойдадан олинadиган ставкаси - 45%.

Бундай шароитда лизинг ва қарзнинг бир хил фойдали бўлганидан ижара фоизи ставкаси қуйидаги даражада белгиланиши мумкин:

$$\left(\frac{1}{5} + 0.1 \right) : (1 - 0.45) - \frac{1}{5} = 0,35$$

Шундай қилиб, ижара фоизи ставкаси қарз учун фоиз ставкасидан 3,5 марта ортиқ бўлиб, бу шароитда лизинг ва қарз олиш корхона учун бир хил фойдали бўлади.

Табиийки, ижара фоизи ставкаси камайтирилиши ва ушбу мисолдаги каби қуйидаги оралиқда белгиланиши мумкин:

$$10\% < H_n < 35\%$$

Бу ҳолда корхона учун лизинг шартномаси қарз олишдан кўра фойдалироқ. Лекин, шу билан бир қаторда лизинг банк учун ҳам кўпроқ фойдали, чунки ижара фоизи ставкага нисбатан 3,5 мартагача юқори даражада белгиланиши мумкин.

Корхоналарнинг ўз фойдалари етишмаган ҳолда улар учун қайтариб берилadиган лизинг шартномаси бўйича операциялар фойдали бўлади. Бунда банк корхонанинг асосий фондларини сотиб олади ва уларни лизинг шартномаси бўйича корхонага

ижарага беради. Корхона қуйидаги миқдорда эркин пул маблағлари (соф фойда) олади:

$$CO (1 - H_n)$$

Бу ерда, CO –сотилган ускуналарнинг қолдиқ баҳоси; H_n –фойдадан олинадиган солиқ ставкаси.

Корхонанинг харажатлари қуйидагича оз миқдорда ортади:

$$CO \times H_d$$

бу ерда, H_d –ижара фоизи ставкаси.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу ҳолда корхона қўшимча маблағларни олгандан кейин ишлаб топилган фойдадан тўловлар тўламаслиги лозим ва лизинг муддати ўтгач, янгидан корхонанинг мулкига айланиши мумкин.

Лизинг операциялари корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларга ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, уни реконструкция қилиш учун зарур бўлган янги ускуналар сотиб олишга ҳамда катта капитал харажатларсиз ички молиявий ресурслардан бошқа мақсадларда, биринчи навбатда, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун фойдаланишга катта имкониятлар яратади. (Т.Акрамов и.ф.д., проф, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1998, № 1).

5.5.ЛИЗИНГ ТУРЛАРИ

Иқтисод фанлари доктори, профессор Т. Акрамов лизинг операцияларини ўтказишни қуйидагича изоҳлайди:

1. *Молиявий лизинг*, бу амал қилиш даврида ускуналар амортизациясининг тўлиқ баҳосини ёки унинг кўпроқ қисмини ҳамда ижарага берувчининг оладиган даромадини қоплайдиган маблағларни тўлашни кўзда тутувчи шартномадан иборат.

2. *Операцион (қайтариб олинадиган) лизинг*–амал қилиш муддати ускуналарнинг амортизация давридан қисқароқ (3-5 йилгача) бўлган шартномадир. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагач, шартнома объекти эгасига қайтарилиши ёки янгидан берилиши мумкин.

Лизинг операцияларида қуйидагилар иштирок этиши мумкин:

а) уч томон: мулкни ижарага олувчи, мулкни етказиб берувчи, ижарага берувчи, яъни ижарага олинаётган мулкнинг ҳақини туловчи;

б) икки томон (қайтариб олинадиган лизинг): ижарага берувчи (масалан, банк), ижарага олувчи - корхона, бирлашма, ташкилот, бунда ушбу корхона, бирлашма ёки ташкилотнинг мулки сотиб олиниши ва уларнинг ўзига ижарага берилиши мумкин.

Лизингнинг афзалликларидан бири унинг турли шаклдаги шартномалар тузишга имкон беришидан иборат. Бу шартномаларнинг шarti ижарага олувчи операцияларининг молиялаштирилишини, операцияларнинг умумий миқдорини, анъанавий манбалардан фойдаланишни рад этмаган ҳолда, ҳисобга олиши мумкин.

Лизинг операциялари солиқ тулашда маълум устунликларни беради, чунки амалдаги қонунларга кўра ижара туловлари операция харажатлари сифатида қаралади ва таннархга қўшилади, шунга мувофиқ ҳолда эса солиққа тортилишдан озод қилинади.

Лизингда ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг ижара ҳақидаги қонунчилиги асослари, уларга мувофиқ ҳолда чиқариладиган қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда лизинг туғрисидаги низом ва томонлар ўртасида тузиладиган лизинг шартномалари билан бошқарилади.

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ ОБЪЕКТИ ВА ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИДА МУЛК

Лизинг шартномаси объекти ижара олувчининг ўз ҳужалик фаолиятини мустақил амалга ошириши учун зарур ускуналар ёки бошқа мулклардан иборат бўлади.

Ижарага олувчи ижарага берувчи билан лизинг шартномасини тузиш эҳтимолини ва унинг шартларини олдиндан келишган ҳолда етказиб берувчилар (тайёрловчилар)ни танлаш, буюртмани жойлаштириш, капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг бундай шаклига хос бўлган алоҳида хусусиятларни кўзда тутувчи

етказиб бериш шартномаларини тузиш масалаларини муस्ताқил равишда ҳал қилади.

Лизинг шартномаси объекти эксплуатацияда бўлган ёки оморбордаги захиралардан бўлган, шу жумладан, ижарачининг ўзида бўлган ускуналар ёки бошқа мулк бўлиши мумкин.

Лизинг шартномаси объекти бўлган мулк ижарага берувчининг хусусий мулки ҳисобланади.

Ижарага олувчи ҳужалик фаолиятини амалга оширишда мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича ўзига берилладиган ҳуқуқлардан қонун мезонларига, техникавий йуриқномалар ва қоидаларга қағъий риоя қилган ҳолда фойдаланиши, профилактика, таъмирлаш ишларининг бутун мажмуини белгиланган муддатларда ва ўз ҳисобидан бажариши лозим, бунда у ижарага берувчидан харажатларни қоплашни, ижара тўловларини тўхтатишни ёки миқдорини камайтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Ижарага олинган мулкни ижарага берувчининг ёзма рухсатисиз сотиш, вақтинча бепул фойдаланишга ёки қарзга бериш гақиқланади. Бундай рухсат бўлганда лизинг шартномасини имзолаган ижарага олувчи ижарага берувчи олдида унинг қонуний манфаатларига риоя қилиш учун масъул шахс ҳисобланади.

Ижарага олинган мулкка ижарага олувчининг қарзлари бўйича жарималар солиниши мумкин эмас. Шунингдек, ижарага берилган мулкка ижара берувчининг қарзлари бўйича жарималар солишга ҳам йўл қўйилмайди.

Ижарага берувчи мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига унинг қийматини етказиб берувчига тулаганидан сунг эга бўлади. Тўлов учун асос ижарачи томонидан мулкни қабул қилинганлиги ҳақидаги далолатнома бўлиб, унда лизинг шартномасининг тартиб сони ва санаси, ижарага олинаётган мулкнинг сифати ва тўлиқлиги (бутлиги) шартнома шартларига мос келиши, тўлов миқдори кўрсатилади. Етказиб берувчи ва бўлғуси ижарага олувчи орасида тузиладиган етказиб бериш шартномасида қуйидаги мазмундага ҳолатлар кўзда тутилиши лозим:

а) ушбу шартномани тузувчи (ижарага олувчи) ҳужалик ташкилоти юк қабул қилувчи деб ҳисобланади, унга барча ҳуқуқлар берилади ва ишлаб чиқариш - техникавий маҳсулотларни шу маҳсулот харидори (олувчи) учун етказиб бериш туғрисидаги

Низомда кўзда тутилган мажбуриятлар тўлалигича унинг зиммасига юкланади;

б) тўловчи мулкнинг қийматини ижарага берувчига тўлайди, бунда мулк ҳақи ижарага олувчининг ёзма хулосаси бўйича тўлов топшириғи билан дастлабки акцепт учун тайинланган, почта операциялари вақти қўшилган, лекин товар-транспорт ҳужжатларининг ижарага олувчига етказилган кунни қўшмаган ҳолда 10 кундан ошмаган муддат давомида ижарага берувчи томонидан тўланади.

в) етказиб берувчи тўловчи (ижарага берувчи)дан маҳсулот ҳақини тўлашни рад этиш ҳақида хабарнома олган тақдирда тўловни 20 кундан ортиқ кечиктирмаган ҳолда ёки қабул қилувчи (ижарага олувчи)га мулкнинг баҳоси миқдорида тўлов талабномасини тақдим қилиш, ундан тўловдан бош тортгани учун ва тўловни кечиктиргани учун жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Ижарага берувчи ва бўлғуси ижарага олувчи етказиб бериш шартномасида юқорида санаб ўтилган талаблар бўлган ва улар етказиб берувчи томонидан қабул қилинган ҳолдагина лизинг шартномасини тузадилар.

Лизинг шартномаси тузилгандан ва ижарага олувчи ижара ҳақини тўлагандан кейин:

а) ижарага олинган мулк ижарага берувчи томонидан қолдиқ баҳоси ёки тикланган баҳосида ижарага олувчига сотилиши;

б) ижарага берувчининг ёзма топшириғи билан ижарага олувчига берилиши;

в) ижарага берувчига қайтариб берилиши мумкин.

Ижара тўлови (лизинг бадаллари) олди-сотди объектдан, оддий ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун тўловдан иборат.

Лизинг бадаллари томонларнинг келишувига боғлиқ ҳолда турли хил бўлиши мумкин:

а) қайд этилган лизинг тўловининг умумий суммаси, лизинг тўловининг томонлар ўзаро келишган ва лизинг шартномасида кўрсатилган тартибда тўланадиган қатъий белгиланган умумий миқдори мавжуд. Бундай тўловларнинг жадвали тузилиб, унда биринчи лизинг тўлови объект қабул қилинган кунда амалга

оширилиши, сўнгра алоҳида талабнома билан ёки усиз вақти-вақти билан ҳар ойда, ҳар чорақда, йилига икки марта ёки ҳар йили туланиши курсатилади. Лизинг шартномасида лизинг туловларини ўзгартириш эҳтимоли ҳақида шарт киритилиши мумкин, масалан олди-сотди объектини сотиш нархи уни ҳақиқатда қабул қилингунга қадар ортганда (транспортда ташиш ва йиғиш баҳосини қўшган ҳолда), лизинг шартномаси муносаба-ти билан олиндиған янги давлат йиғимлари ва солиқлар жорий қилинганда ёки уларнинг ставкаси оширилганда;

б) аванс (депозит) билан тулаш, лизинг бадалларининг бу тури ижарага олувчи лизинг фирмасига аванс ёки келишилган миқдорда бадал тулашини назарда тутати. Масалан лизинг шартномаси объектини сотиш баҳосининг 25%ини шартномани имзолашда, қолган 75%ини шартномани қабул қилиш (ишга тушириш) баённомаси имзолангандан кейин ёки келишилган муддат давомида ҳар чорақда тулаш мумкин;

в) энг кам лизинг тулови, бу - ижара муддати давомидаги тулов миқдори бўлиб, уни ижарага олувчи тулаши лозим (қатъий тайинланган тулов ёки аванс тулов), унга агар ижарага олувчи шартнома объектини лизинг шартномаси муддати тугагандан кейин сотиб олиш ниятида бўлса, тулаши лозим бўлган миқдор ҳам қўшилади;

г) қатъий белгиланмаган ижара ҳақи, унинг миқдори олдиндан қатъий тайинланмайди, балки нархлар индекслари, қарз фоизи ставкаларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда белгилаб борилади.

Тулов турлари ва усулларини танлаш лизинг шартномасида белгиланган, ҳисобга олинган ижара ставкаси даражасига боғлиқ бўлади. Бу ставка ижара муддати бошида объектнинг жорий баҳосини ижарага берувчининг нуқтаи назаридан қараганда энг кам ижара ҳақи миқдори ва кафолатланмаган тугатиш баҳоси сифатида аниқлаш имкониятини беради.

Ижарага олинган мулкка амортизация оддий усулда (объектнинг баланс баҳоси ва унинг хизмат қилиш муддатига боғлиқ ҳолда) ва жадаллаштирилган амортизация усулида ҳисобланиши мумкин.

Жадаллаштирилган амортизация киритилганда бир маромдаги ҳисоблаш усули қўлланилади, бунда белгиланган тартибда

тасдиқланган йиллик амортизация туловлари меъёри ортади, лекин икки бараваридан ортиқ эмас. Жадаллаштирилган амортизация усулида ҳисоблаш қуйидагиларга тааллуқли эмас:

- уч йилгача хизмат қилиш кафолатига эга машиналар, ускуналар ва транспорт воситаларига;

- самолётлар ва вертолётларнинг кафолатли хизмат қилиш муддати уларнинг ишлаш соатлари миқдорига боғлиқ равишда аниқланадиган самолёт-моторлар парки ускуналарининг алоҳида турларига;

- автотранспортнинг ҳаракатланувчи таркибини янгилаш учун амортизацияга қушимча ҳисоблашлар автомобиль баҳосини унинг 1000 км ҳақиқий юришига тақсим қилиш билан фоизлар ҳисобида аниқланадиган мезонлар бўйича амалга ошириладиган автотранспорт воситаларига;

- фақат маълум синов турларида фойдаланиш учун мулжалланган нодир техника, ускуналар ва маълум маҳсулотларнинг чекланган турларини ишлаб чиқаришга.

Ижара фоизи ставкаси томонларнинг келишуви билан банк фоизидан кам бўлмаган даражада белгиланади.

Лизинг тулови усуллари шартномада белгиланади. Туловлар биргаллик ва даврий бўлиши мумкин. Бир маротабали тулов одатда қабул қилиш баённомаси имзоланганидан кейин амалга оширилади ва фақат етказиб берувчи томонидан олди-сотди шартномасини ёки етказиб бериш мажбуриятини бажариш давридаги молиявий келишувларни назарда тутлади.

Даврий туловлар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) ижаранинг бутун муддати давомида тенг миқдорда бўлиши;

б) бадаллар миқдори ортиб борадиган;

в) бадаллар миқдори камайиб борадиган;

г) маълум дастлабки бадал билан;

д) жадаллаштирилган туловлар, бундай туловлар ускуналарга сарфланадиган харажатлар камроқ бўлганда ижарага олувчи ўз қарзининг кўпроқ қисмини ускуналарни эксплуатация қилишнинг биринчи йилида тўласа, қўлланиши мумкин.

Ижарага берувчи ҳар қандай ҳолда шартномада келишилган маблағларни тўлиқ миқдорда олиши лозим.

Лизинг тўловининг муддати ўтказиб юборилган тақдирда ёки тўланмаганда ижарага берувчи лизинг шартномасини бекор қилиши ва ўзига берилган кафолатларни амалга ошириши мумкин. Тулов муддатини ўтказиб юборганлик учун ижарага олувчи муддатни ўтказиб юбориш бошланган санадан бошлаб жарима тўлашга мажбур.

Лизинг шартномасида ижара объектнинг аниқ номи, завод номери ва бошқа реквизитлари ҳамда унинг баҳоси, ижара муддатлари, ижара тўловлари миқдори ва тўлаш жадвали кўрсатилади.

Лизинг шартномаси қуйидаги ҳолларда кучга киради:

- агар мулкни қабул қилиш далолатномасининг тагида ижарага олувчи имзоси бор бўлса;

- ижарага олувчи томонидан ижара тўловларининг барча миқдори учун уларни тўлаш бўйича келишилган жадвалга мувофиқ бўлган топшириқлар-мажбуриятларнинг гулиқ тўплами тақдим қилинган бўлса.

Санаб ўтилган шартларнинг лоақал биттаси йўқ бўлган ҳолда ижарага берувчи ҳужжатларни олгандан кейин икки кун муддатда етказиб берувчига ва ижарачига маҳсулот учун ҳақ тўлашдан воз кечиши ҳақида хабар беради.

Ижарачига ишлаб чиқариш-техникавий мақсадда ишлатилувчи маҳсулотларни сотиб олувчи учун етказиб бериш тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар берилади.

Шунга асосан сифат ва бут(комплект)ликни, мулккий даъволарни қўллаш, акцептдан асоссиз равишда воз кечганлик учун жавобгарлик, идишларни ва ўраш воситаларини қайтариш муддатини ўтказиб юборганлик ҳолларини назорат қилади.

Ўтказиб бериш шартномасидаги шартлар бузилганлиги ҳужжатлар билан аниқланиб, акцептдан тўлиқ ёки қисман воз кечишга асос бўлганда ижарага олувчи ижарага берувчини ва етказиб берувчини бу ҳақда дастлабки акцептда кўзда тутилган муддатларда хабардор қилиши лозим.

Нуқсонлари бор маҳсулотдан воз кечиш ва етказиб берувчи билан шартномани бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинганда ижарага олувчи маҳсулотларни етказиб берувчининг счётидан белгиланган тартибда акцептсиз ҳисобдан чиқаргандан кейин

уларни тулов топшириқномаси билан (биринчи тулов миқдорини қўшмаган ҳолда) юборади. Лизинг шартномасининг амал қилишини тўхтатганлиги ва бунинг сабаблари ҳақида ижарага олувчи банкни ва ижарага берувчини ёзма равишда хабардор қилади, шундан сўнг унга мажбурият - топшириқлар тўплами қайтариб берилади.

Етказиб бериш шартномаси шартлари қисман бузилган ва ижарага берувчи томонидан лизинг шартномасини кучда қолдириш ҳақида қарор қилинган: тақдирда шартнома баҳоси қайта кўриб чиқилиши лозим.

Мулкнинг нуқсонларини тузатиш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича харажатларни молиялаштиришга доир барча масалалар бевосита ижарага олувчи ва етказиб берувчи томонидан ижарага берувчининг иштирокисиз ҳал этилади.

Ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг манфаатларига иқтисодий зарар етказадиган ҳаракатлар содир этилган тақдирда (ускуналарни нотўғри эксплуатация қилиш, туловларни кечиктириш) ижарага берувчи шартномани бекор қилиш, етказилган зарарнинг қопланишини талаб этиш ҳамда ижарага берилган мулкни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Ижарага олувчи ва ижарага берувчи орасидаги барча баҳсли масалалар хўжалик судлари орқали ҳал қилинади (Т. Акрамов, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1998 йил, январь).

Молиявий лизингдан ташқари лизингнинг бошқа турлари ҳам кенг тарқалган. Чунончи:

- оператив лизинг;
- қайта лизинг.

Оператив лизингда шартноманинг амал қилиш муддати жиҳознинг хизмат муддатидан қисқа бўлади. Шу боис, бунда лизинг тўлиқ қопланмайди. Уни сервис лизинги деб ҳам юритилади, чунки лизинг олувчига мулкни берар экан, ижарага берувчи ўз зиммасига жиҳозни таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш мажбуриятини ҳам олади.

Ушбу харажатлар ижарага олувчи томонидан тўланадиган лизинг туловига киритилади.

Оператив лизинг объектига ахборот ва ҳисоблаш техникасининг мураккаб турлари, транспорт воситалари киради, уларни

ишлагиш юқори малакали кадрларни талаб этади, уларга хизмат кўрсатиш эса анча қиммат туради.

Бундай объектлар ишдан чиққанда корхона қисқа муддатларда уни таъмирлай олмайди. Шунинг учун сервис лизинги унча катта бўлмаган корхоналар учун хосдир. АҚШда биринчи сервис лизингини IBM компанияси қўллай бошлади. У компьютер жиҳозлари ва оргтехника ишлаб чиқаради. Шунингдек, лизингнинг бу турини самолётлар ишлаб чиқарувчи Mc Donnal-Douglas корпорацияси қўллаган ва бу орқали маҳсулот сотиш каналларини кенгайтирган.

Истеъмолчиларни жалб этиш учун лизинг компаниялари таклиф қилинаётган хизматлар турларини доимо кенгайтириб ва жиҳоздан самарали фойдаланиш ва бошқа омилларни йўлга қўйиб борганлар.

Қайта лизинг. Мулк эгаси - фирма мулкни молия компанияси (банк, сугурта компанияси ёки лизинг компанияси)га сотади.

Бир вақтнинг ўзида мулкни лизинг шартлари бўйича узоқ муддатга ижарага бериш келишуви тузилади. Олдин мулк эгаси бўлган фирма уни сотишдан тушган пулга эга бўлади ва ундан ижара ҳуқуқи билан фойдаланади.

Қайта лизинг корхоналарга уларнинг қийин молиявий шароитларида қўшимча воситалардан фойдаланиш ва ўзларининг эски мулкларидан фойдаланиб туриш, шунингдек баланс активини мулкни сотиш йўли билан (бозор нархида) тартибга солиб туриш имконини беради.

Стэнфорд тадқиқотлар институтининг изланишлари натижаларига кўра, лизинг операцияларининг ўсишига умумий иқтисодий ривожланиш омиллари таъсир кўрсатади:

- пул бозорида доимий пайдо бўладиган қийинчиликлар туфайли тугатиладиган воситалар ҳажмининг қисқариши;
- инвестицияларни оптималлаштиришни талаб қилувчи рақобатнинг кучайиши;
- корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур даражада маблағ ажратиш имкониятларини чеклайдиган даромадининг камайиши;
- ҳукумат органлари ва жаҳон молия идоралари томонидан лизинг операцияларини ривожлантириш борасидаги ҳамкорлик.

Лизинг операциялари ўтказиладиган бозор секторига боғлиқ ҳолда лизинг қуйидагиларга ажратилади:

- *ички лизинг*, унда битимнинг ҳамма иштирокчилари бир мамлакатда бўлади;
- *ташқи лизинг*, унда битим иштирокчилари турли мамлакатлардан бўлади.

Айни пайтда Европа лизинг жамиятлари бирлашмаси ташкил этилган бўлиб, Брюсселда штаб-квартираси бор. Халқаро лизинг ҳуқуқий асосга эришди. Бу БМТнинг 1988 йил 28 майдаги «Халқаро молиявий лизинг ҳақида»ги конвенциясида акс эттирилган. Ушбу конвенция 1995 йил 1 майдан Франция, Италия, Нигерия давлатлари ўртасида муносабатлар тасдиқланиши билан кучга кирди ва яна 13 давлат томонидан имзоланди. Унда лизинг келишувларини соддалаштириш ва такомиллаштиришга ҳаракат килинган. Жиҳозлар ва уни етказиб берувчиларни танлаш - лизинг олувчининг мажбуриятидир. Лизинг берувчи жиҳозни лизинг шартномаси шартларига асосан (у лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилади) сотиб олади ва бу ҳақда етказиб берувчи хабардор бўлади. Лизинг туловларининг ҳажми жиҳоз қийматининг тўлиқ ёки қисман амортизациясини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Келажакда лизинг операциялари молиявий инвестиция фаолиятининг асосий манбаларидан бири бўлиб қолиши керак.

VI БОБ

КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ

6.1. АСОСИЙ ФОНДЛАР ТУЗИЛМАСИ

Асосий фондлар - бу ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, улар меҳнат воситаларига тулиқ киритилган бўлади, узоқ муддат мобайнида натура шаклини сақлаб қолади, ўз қийматини қисман маҳсулот қийматига ўтказиб боради ва фақат бир қанча ишлаб чиқариш жараёнидан кейингина қопланади.

Қандай мақсадга мўлжалланганидан қатъи назар асосий фондлар асосий ишлаб чиқариш ва асосий ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларига ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этадиган (машиналар, дастгоҳлар, қурилмалар ва ҳ.к.) ёки ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этадиган (ишлаб чиқариш бинолари, узоқ ма-софага тортилган қувурлар ва б.) фондлар киради. Асосий но-ишлаб чиқариш фондлари маиший, маданий объектлар, тиббий муассасалар ва бошқалардир.

Ҳисоб ва режалаштириш учун асосий фондлар турли хизмат муддати ва ишлаб чиқаришда қандай мақсадга мўлжалланганлигига кўра гуруҳларга бўлинади.

Халқ хўжалигининг тармоқларига қараб асосий фондлар саноат, қишлоқ хўжалиги, урмон хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларига бўлинади.

Асосий фондлар ўз турларига кўра ҳозирда қуйидаги гу-руҳларга ажратилган:

1. Бинолар - асосий, ёрдамчи жараёнлар ўтадиган бино; маъмурий бинолар; хўжалик қурилмалари. Бу объектларнинг қийматига қурилиш қийматидан ташқари, иситиш, сув, электро-

арматура системалари ва вентилляция қурилмалари қиймати ва бошқалар киради.

2. Иншоотлар - ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширувчи муҳандислик-қурилиш объектлари: йўллар, эстакада, тоннел, кўприклар ва бошқалар.

3. Узатиш ҳужаликлари - турли энергияни машина - двигателлардан иш машиналарига узатиб берувчи иссиқлик тармоғи, газ тармоғи, буг йўллари, сув йўллари ва электр тармоқлари.

4. Машина ва жиҳозлар:

- ҳамма турдаги энергетик агрегатлар ва двигателларни ўз ичига олувчи куч машиналари ва жиҳозлар;

- меҳнат предметиға бевосита таъсир этувчи ишчи машина ва жиҳозлар;

- ўлчовчи ва тартибға солувчи, бошқарувчи приборлар ва қурилмалар, лаборатория жиҳозлари;

- ҳисоблаш техникаси: электрон ҳисоблаш-техникаси, ишлаб чиқариш ва технологик жараённи бошқарувчи машина ва қурилмалар.

- келтирилган рўйхатда кўрсатилмаган бошқа машина ва жиҳозлар.

5. Транспорт воситалари - корхонаға тегишли бўлган темир йўл таркиби, сув ва автомобиль транспорти воситалари: автокранлар, аравача ва бошқалар.

6. Асбоблар ва ускуналар - ҳамма турдаги асбоблар.

7. Ишлаб чиқариш инвентарлари - материалларни, асбоб-ускуналарни сақлаш учун мўлжалланган верстаклар, столлар, контейнерлар ва бошқалар.

8. Ҳўжалик инвентарлари - идора ва ҳўжалик предметлари (мебель ёки шкафлар, кўпайтириш аппаратлари, ёнгина қарши предметлар ва бошқалар).

9. Ишчи ва маҳсулот берувчи жониворлар.

10. Кўп йиллик ўсимликлар.

11. Ерни яхшилашға мўлжалланган капитал харажатлар (қурилмаларсиз).

12. Бошқа асосий фондлар.

Бошланғич қиймат - бу асосий фонднинг сотиб олиниш пайтидаги қиймати (баҳоси); етказиб келишдаги транспорт харажати; монтаж қиймати ва ҳ. к.

Бу қиймат ушбу объектни сотиб олиш вақтида амалда бўлган баҳоларда кўрсатилади ва унинг катталигига асосан корхоналарда асосий фонд элементлари рўйхатга олинади, корхона балансида кўрсатилади ва яна асосий фонднинг баланс қиймати деб ҳам юритилади.

Ишлаб чиқариш фаолиятининг давомлигига боғлиқ ҳолда ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши таъсирида турли даврларда яратилган асосий фондлар баҳоси камайиши мумкин (бу инфляция фоизи паст бўлган нормал иқтисодий шароитлардагина рўй беради).

Шунинг учун, нарх омиллари салбий таъсирининг олдини олиш учун асосий фондлар қайта тикланган баҳоларда баҳоланади, яъни ҳозирги кунда уларни ишлаб чиқариш баҳосида баҳоланади. Қайта баҳолаш амалдаги асосий фондларнинг жисмонан ва маънан эскиришини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Қолдиқ баҳо - бу асосий фондларнинг эскиришини чегириб ташлагандан сўнг қолган бошланғич қийматдир, унинг суммаси асосий фонднинг бутун ўтган давр мобайнидаги амортизация ажратмасининг катталигига қараб аниқланади.

Тугатиш қиймати - бу асосий фонднинг ишлатиб бўлинган ва ишлаб чиқаришдан олинган сотиш қийматидир (кўпинча буни металл баҳоси ташкил қилади).

Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати уларнинг ишлаб чиқаришга киритилиши ва ишлаб чиқаришдан чиқарилишини ҳисобга олган ҳолда бошланғич қиймат асосида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Phi_c = \Phi_n(b) + \frac{\Phi_{\text{ввХЧМ}}}{12} - \frac{\Phi(12 - M)}{12}$$

Бу ерда, Φ_c - асосий фонднинг ўртача йиллик қиймати;

$\Phi_n(b)$ - асосий фонднинг бошланғич (баланс) қиймати;

$\Phi_{\text{вв}}$ - киритилган асосий фонд қиймати;

ЧМ - киритилган асосий фондларнинг амал қилиш ойлари сони;

Φ_n - чиқариш қиймати;

М - чиқарилган асосий фондларнинг амал қилган ойлари сони.

Мисол: ишлаб чиқаришга қиймати 5400 минг сум булган станокни киритиш режалаштирилмоқда, у 3 ой мобайнида ишлатилади ва эски станок 3,6 минг сум чиқариш қиймати билан чиқарилмоқда ва у 9 ой ишлайди, асосии фондларнинг бошланғич қиймати 185,6 минг сумни ташкил этади.


Ўртача йиллик қиймат:

$$\Phi_c = 185.6 + \frac{54 + 3}{12} - \frac{3.6 \times (12 - 9)}{12} = 200 \text{ м.с.}$$

га тенг булади.

Қиймат баҳосидан ташқари асосий фондлар яна ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга утказиб бориши билан ҳам характерланади. Агар бошланғич (баланс) қийматни Φ_6 деб олиб, хизмат қилиш муддатини ($t_{сн}$) десак, унда бир меъёрда утказиб боришда, қиймат қисми ҳар йили қуйидагича булади:

$$C = \Phi_6 / t_{сн}$$



6.1-расм. Асосий фондлар қийматининг айланмаси.

6.2. АСОСИЙ ФОНДЛАРНИНГ ЖИСМОНАН ВА МАЪНАВИЙ ЭСКИРИШИ

Жисмонан эскиришда асосий фондларнинг истеъмол қиймати йўқотилади, яъни меҳнат жараёни, табиат кучлари таъсирида ва асосий фондлардан фойдаланмаслик натижасида техник иқтисодий ва ижтимоий характеристикалар ёмонлашади.

Ишлаб чиқаришда, мисол учун саноатда асосий фондларнинг маълум қисми эскириши халқ хужалигида сезиларли йўқотишларга олиб келади, чунки биринчидан, жиҳозларни ишчи ҳолатда сақлаш учун таъмирлашга куп маблағ ва куч сарфлаш талаб этилади; иккинчидан, эски ишлаб чиқариш янги техникадан фойдаланиш имкониятига эга эмас, ҳеч бўлмаганда тулиқ фойдалана олмайди. Бунинг натижасида маҳсулот ва хизматлар ҳажми камаяди. Техник жиҳатдан орқада қолган ва маънан эскирган, ишлаб чиқаришнинг тухтаб қолиш хавфи вужудга келади, илмий ривожланиш тухтаб қолади.

Маънавий эскириш одатда жисмонан эскиришдан олдин келиб чиқади, яъни фойдаланиш мумкин бўлган асосий фондларнинг ишлатилиши самарасиз бўлади ва улар икки турга бўлинади:

- *биринчи турдаги маънавий эскириш* - бу машиналар қийматининг бир қисмини жисмонан эскиришсиз, янги шароитларда уларни тайёрлаш арзонлашиб кетиши натижасида, йўқотиш оқибатида юз беради. Бу турдаги маънавий эскириш худди шундай машиналарни шундай лойиҳада ишлаб чиқаришда иш вақтининг қисқариши оқибатида келиб чиқади.

Биринчи турдаги маънавий эскириш қурилма хизмат муддатининг давомийлиги билан, шунингдек, унинг жисмонан эскириш даражаси билан боғлиқ бўлмасдан, балки янги асосий фондларни ишлаб чиқарувчи тармоқдаги иш унумдорлигининг ортиши натижасида маҳсулотни тайёрлаш нархининг камайишига олиб келувчи техника тараққиёти суръатига боғлиқдир.

Биринчи турдаги маънавий эскиришда асосий фондларнинг истеъмол қиймати ўзгармайди. Эскиларига ўхшаш бўлган янги машиналарда ҳеч қандай лойиҳавий ўзгаришлар йўқ: жиҳоз унумдорлиги ушундайлигича қолади. Фақатгина асосий фондлар қиймати ўзгаради.

• *иккинчи турдаги маънавий эскириш* - машина, жиҳозлар фаолият давомийлигининг қисқариши бўлиб, уларнинг унумдорлиги ёки қуввати камайиши билан эмас, келгусида янгиларига нисбатан эски машиналардан фойдаланиш ишлаб чиқаришда катта харажатларга олиб келиши билан ифодаланади.

ЭСКИРИШНИ АНИҚЛАШ УСУЛИ

Жисмоний эскириш асосий фондларнинг хизмат муддатига асосан аниқланади:

$$\text{Изн}_{(ф)} = \frac{t}{T_n} \cdot 100\%$$

бу ерда, $T_{ф}$ - ҳақиқий хизмат муддати (йил);

T_n - меъёрий хизмат муддати (йил).

Эскиришни янада аниқроқ билиш учун асосий фондлар элементларининг техник ҳолатини аниқлаш зарур.

Биринчи турдаги маънавий эскириш баланс ва тиклаш қийматининг ўзаро нисбати орқали аниқланади:

$$\text{Изн}_{(м1)} = \frac{\Phi_6 - \Phi_v}{\Phi_v} \cdot 100\%,$$

бу ерда, Φ_6 - баланс қиймати (м.сўм);

Φ_v - тиклаш қиймати (м. сўм);

Иккинчи турдаги маънавий эскириш кўпроқ жиҳознинг унумдорлиги асосида аниқланади:

$$\text{Изн}_{(м2)} = \frac{П_{р1} - П_{р2}}{П_{р2}} \cdot 100\%.$$

бу ерда, $П_{р1}$ - амалдаги асосий фондларнинг унумдорлиги;

$П_{р2}$ - янги асосий фондларнинг унумдорлиги.

Лекин, бунда янги асосий фондлар томонидан таъминландиган хом-ашё ва материаллар ёки иш кучининг тежалиши ҳисобга олинмайди. Шунинг учун, иккинчи турдаги маънавий эскиришнинг янада аниқроқ ҳисоби учун асосий фондлар ва иш-

лаб чиқариш харажатлари қуйидаги формула ёрдамида таққосланади:

$$\text{Изн}_{(\text{мч})} = \frac{\text{Изн } 2 - \text{Изд } 1}{\text{Изд } 2} \times 100\%,$$

Бу ерда, Изд 1 - амалдаги асосий фондларнинг ишлаб чиқариш харажатлари (сўм);

Изд2 - янги асосий фондларнинг ишлаб чиқариш харажатлари (сўм).

6.3. АСОСИЙ ФОНДЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИ

«Амортизация» атамаси умуман олганда асосий фондларнинг «ўлмаслигини», улар эскиришининг қопланишини, тикланишини билдиради.

Ишлаб чиқаришдаги асосий фондларнинг эскиришини пул маблағларини жамғариш орқали қоплаш амортизация дейилади. Бинобарин, амортизация фонди - эскиришни (ейилишни) қоплаш учун мўлжалланган пул фондидир. У амортизацияга ажратилган маблағлар ҳисобидан таркиб топади. Амортизация - меҳнат воситаларининг эскиришини қисман қоплаш учун маблағ ажратишдир.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида асосий фондлар емирилади, эскиради, аста-секинлик билан ўзининг техник хусусиятини, истеъмол қийматини йўқотиб боради, уларнинг қиймати эса ишлаб чиқарилаётган товарларга ўтказиб борилади.

Машина, ускуна, асбоблар ейилади, арзонлашади. Асосий фондлар қийматининг эскириш суммаси амортизация фондига бориб тушади.

Амортизация фондидан воситаларнинг маълум қисмини капитал таъмирлаш давомида уларни қисман тиклаш мақсадида фойдаланилади. Бу шароитда йўқотилган қийматни қисман қоплаш содир бўлади. Асосий фондларнинг хизмат муддати тугагандан кейин улар бутунлай эскиради, истеъмол қийматини йўқотади, жамғарилган амортизация фонди янги меҳнат воситаларини сотиб олиш имконини беради.

Фан-техника тараққиёти шароитида асосий фондлар маънавий жиҳатдан жуда тез эскиради, жисмоний эскириши билан эса, истеъмол қийматини йўқотиб боради.

Бинобарин, ҳар бир хўжаликда амортизация ажратилади. Айтиб ўтилганидек, асосий воситалар ўз қийматини тайёрланган маҳсулотга оз-оз ўтказиб боради. Маҳсулот сотилгандан сўнг бу қиймат хўжаликка пул шаклида қайтади ва амортизация учун ўтказилади. Бу маблағлар капитал ремонт ва эскирган асосий воситаларни тўла тиклаш учун сарфланади. Ҳар йиллик амортизация ажратмаларининг миқдори амортизация меъёрларига биноан асосий воситаларнинг баланс қийматидан фоизларда ажратилади.

Асосий воситаларнинг эскириши қанчалик кўп бўлса, уларнинг қолдиқ қиймати шунчалик кам бўлади ва аксинча, асосий воситаларнинг эскириш суммасига қараб корхонадаги мавжуд асосий воситаларнинг янги ёки эскилигига баҳо бериш мумкин.

Эскириш суммасини ҳисоблашни аниқлаштириш учун йиллик амортизация суммаси асосий воситаларнинг бошланғич қийматига нисбатан фоиз ҳисобида аниқлаб олинади. Бунинг учун йиллик амортизация суммасини асосий воситаларнинг бошланғич қийматига бўлиб, юзга кўпайтириш керак. Шу йўл билан топилган рақам асосий воситаларнинг амортизация меъёри дейилади. Асосий воситаларни тўла тиклаш ва капитал таъмирлаш учун алоҳида амортизация меъёрлари белгиланади.

Ҳар ойда ишлаб чиқариш харажатларига ўтказиб туриладиган ойлик амортизация суммаси йиллик амортизация суммасини ўн икки ойга бўлиш йўли билан топилади. Амортизация ажратмалари ҳар ойда олдинги ой учун ҳисобланган амортизация ажратмалари миқдоридан белгиланади.

Асосий воситалар ўз баланс қийматини ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига тўлиқ ўтказмасдан ҳисобдан чиқариладиган бўлса, фарқи корхона тасарруфида қолган фойда ҳисобидан қопланади. Амортизация фондининг ажратмалари маҳсулот сотишдан тушган пул маблағи таркибида хўжаликнинг ҳисоб-китоб рақамига тушади.

Бу маблағлар фақат капитал харажатларни маблағ билан таъминлаш учун сарфланади. Тўла тиклаш учун ажратилган

амортизация суммаси хўжаликнинг фан ва техникани ривожлантириш фондига ўтказилади.

Амортизацияни ҳисоблашда бекор турган объектлар бўйича ажратилган амортизация суммасини маҳсулот ва бажарилаётган иш қийматига киритиш тавсия этилади.

Асосий воситаларнинг қиймати қопланиб бўлгандан сўнг уларни тўла тиклаш амортизациясини қўшиб боришни тугатиш тавсия этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган мулкчиликнинг турли хил шаклларида асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Асосий фондларнинг самарадорлигини ошириш учун, энг аввало, асосий воситалар бўйича ҳисобланадиган амортизация ва эскириш суммаларининг ҳолатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир, чунки ушбу кўрсаткичларга асосланиб, корхонада асосий воситалардан фойдаланиш даражасига баҳо берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда Ўзбекистонни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари ва давлат бюджети тўғрисидаги 1996 йил 31 декабрдаги 469-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Молия вазирлигининг 1997 йил 27 февралдаги 09-сонли ва Республика Давлат солиқ қўмитасининг 97-16-сонли «Асосий фондларнинг гуруҳлари бўйича амортизацияни ҳисоблашнинг ягона меъёри тўғрисида»ги хатига мувофиқ, 1997 йил 1 январдан асосий фондларнинг амортизациясини ҳисоблаш тартибига ўзгартиришлар киритилди. Бу хатга мувофиқ корхона ва ташкилотларда ишлатиладиган асосий воситалар бўйича бир йил учун қуйидаги амортизация меъёри жорий қилинди ва улар беш гуруҳга бўлинди:

I. Бино ва иншоотлар учун - 5 фоиз.

II. Енгил машиналар, таксилар, йўл қурилишида ишлатиладиган техникалар, махсус асбоблар, жиҳозлар, компьютерлар учун - 20 фоиз.

III. Юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, махсус машиналар, автоприцеплар, саноат корхоналаридаги барча турдаги машиналар, ишлаб чиқариш тармоғидаги механизмлар, ишлов бе-

рувчи жиҳозлар, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалиги машина ва асбоб - ускуналари учун - 15 фоиз.

IV. Бошқа гуруҳларга кирмаган, амортизацияланадиган активлар учун - 10 фоиз.

V. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари учун - 8 фоиз.

Қуйидагиларга фондлар буйича амортизация ҳисобланмайди:

- маҳсулдор моллар ва иш ҳайвонлари учун;
- кутубхона фондлари учун;
- шаҳарни ободонлаштириш иншоотлари, ҳокимликка хизмат қиладиган бинолар ва жамоат фойдаланадиган транспорт йўллари учун.

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиши ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиши билан узаро боғлиқдир. Хўжаликни тўғри юритиш натижасида ялпи молиявий натижа ҳажмининг ўсиш суръати асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўсиш суръатидан юқори бўлади. Шунда фондларга бўлган талаб маҳсулот бирлиги ҳисобига камаяди. (К. Раҳмонов. «Иқтисод ва ҳисобот», 1998, 5-6 сон).

Амортизация жараёни асосий фондлар қийматининг қисман ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга уларнинг хизмат муддати давомида ўтказиб борилишини ва келгусида бу қийматнинг фондлар истеъмолини қоплашга сарфланишини билдиради.

Асосий фонд қийматининг маҳсулот таркибига ўтказилган қисми ишлаб чиқариш соҳасини тарк этиб, муомала соҳасига кириб боради.

Маҳсулот сотилгандан сўнг («Т-П» айланганда) асосий фонд қийматиға ўтказилган пул суммаси амортизация фондига ўтказилади, у ерда тулиқ тупланиб, бирламчи қийматини ташкил этади (эскирган ва фойдаланиб бўлинган асосий фондлардан ташқари). Бу амортизация фонди (тупланган пуллар суммаси) янги асосий фонд сотиб олиш учун ишлатилади, яъни асосий фондлар тикланади.

Маҳсулот қийматиға ўтказиладиган қиймат қатталиги, биринчидан, асосий фондлар бирламчи қиймати билан аниқланади, чунки бирламчи қиймат қанчалик катта бўлса, асосий фондларнинг ўтказиладиган қисми шунча кўп бўлади.

Иккинчидан, бу катталиқ асосий фондлар тури билан аниқланади, чунки мисол учун, саноатда биноларнинг меъёрий хизмат қилиш муддати 30-50 йилни ташкил этади (ишлаб чиқариш туридан келиб чиққан ҳолда), машина ва жиҳозларнинг меъёрий ишлаш муддати эса 3-5 йилдан 15-20 йилгача бўлади.

Учинчидан, маҳсулотга ўтказиладиган асосий фондлар қиймати катталиги ишлаб чиқариш тармоғи тури билан боғлиқдир.

Бундан ташқари амортизация аниқ бир даражада меъёрий функцияни ҳам бажарадиган асосий фондлардан иложи борича тулиқ фойдаланиш имконини яратади: жиҳознинг ишлаши қанчалик узоқ бўлса, маҳсулот ишлаб чиқариш шунча кўп бўлади ва асосий фондлар қиймати шунчалик тез ўтказилади. Бу маънавий эскириш натижасида амортизация бўлмай қолишининг олдини олади ва корхонанинг бозор шароити учун зарур бўлган йўқотишларини камайтиради.

Ҳужалик тажрибасида амортизацияни ҳисобга олиш учун амортизация ажратмалари, яъни ўтказилган қийматнинг пулдаги кўринишидан фойдаланилади. Амортизация ажратмалари маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация ажратмалари катталиги амортизация меъёрлари бўйича асосий фондларнинг бошланғич (баланс) қийматидан, унинг хизмат қилиш муддатини ҳисобга олиш билан аниқланади.

Шунга асосан, амортизация меъёри қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$H_A = \frac{\Phi_{n(6)} - \Phi_n}{\Phi_{n(6)} \cdot t_{cl}} \times 100\%$$

бу ерда, H_A - асосий фондларнинг йиллик амортизацияси меъёри (%);

$\Phi_{n(6)}$ - асосий фондларнинг бошланғич қиймати;

Φ_n - чиқариш (ликвидация) қиймати;

t_{cl} - асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати.

Амортизация меъёри асосий фондлар қиймагини қоплашнинг йиллик фоизини ташкил этади.

Айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жиҳоз режими ва ишнинг сменалилиги, иш билан бандлик даражаси ва бажарилган ишларнинг жисмоний ҳажми, атроф муҳит шароити, объектнинг географик жойлашуви ва бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда амортизация меъёри кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Агар, мисол учун, машина ва жиҳозларнинг амортизация меъёри уларнинг 3 сменада ишлатилишидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилган бўлса, ҳақиқатда эса 2 сменада ишласа, у ҳолда камайтириб туғрилган коэффициент қўлланилади. Аксинча машина ва жиҳозлар белгиланган икки смена ўрнига уч сменада ишлатилса, у ҳолда юқори коэффициентдан фойдаланилади.

Амортизация меъёрлари иқтисодий жиҳатдан асосланган ва асосий фондларни уз вақтида қоплашга йўналтирилган бўлиши керак. Уларни ҳисоблашда асосий фондларнинг хизмат муддатини иқтисодий туғри аниқлаш қуйидаги омилларни инобатга олган ҳолда бажарилади:

- асосий фондларнинг чидамлилиги;
- маънавий эскириш (биринчи ва иккинчи тур);
- техник қайта қуrollанишнинг келажак режалари;
- жиҳознинг баланси;
- капитал таъмирлаш ва янгиланиш эҳтимоли;

Корхона ҳисоблаш техникаси воситаларини, материалларнинг, приборларнинг ва қурилмаларнинг янги прогрессив турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулот экспортини кенгайтириш учун қўлланиладиган асосий фондларга нисбатан амортизациянинг тезлаштирилган усулини қўллаши мумкин (бунда, меъёрлар давлат молия органлари билан келишилади).

Тезлаштирилган амортизацияни қўллашда, муайян инвентар объекти учун белгилаб қўйилган тартибда амортизация меъёри 2 мартадан ортиқ бўлмаган миқдоргача оширилиши мумкин.

Одатда, тезлаштирилган амортизация усули қуйидаги турдаги машиналар, жиҳозлар ва транспорт воситаларига тегишли эмас:

- меъёрий хизмат муддати 3 йилдан иборат бўлган машиналар, жиҳозлар ва транспорт воситаларига;
- самолётсозлик паркиннинг айрим турдаги жиҳозларига, уларнинг меъёрий хизмат муддати самолёт ва вертолётларнинг учиш соатига боғлиқ бўлса;


- автомобилнинг ҳаракат таркибига, агар амортизация автомашина қийматига нисбатан олинса-да, ҳақиқий 1000 км юрилган йўлга олиб борилса;

- ноёб техника ва жиҳозлар, агар улар аниқ бир турдаги тажрибалар учун мўлжалланган бўлса.

Кичик корхоналарга, одатда, имтиёзлар берилади:

- улар биринчи йил фойдаланишда хизмат муддати 3 йилгача бўлган асосий фондлар бошланғич қийматининг 50%гача амортизация ажратишлари мумкин. Умумий ҳолларда кичик корхоналар тезлашган амортизацияни асосий фондларнинг актив қисмида ўтказишлари мумкин. Лекин, кичик корхона ўз фаолиятини 1 йилгача бўлган даврда тўхтатса, қўшимча ҳисобланган амортизация корхона баланси фойдасининг кўпайиши ҳисобига қайта тикланиши лозим.

Собиқ Иттифоқ иқтисодиётида узоқ давр мобайнида (ҳозир ҳам қўлланилмоқда) амортизациянинг бир меъёрдаги усули қўлланилган, яъни ҳар йили маҳсулот қийматига асосий фонд қийматининг бир хил қисми ўтказиб борилган (6.2-расм).



6.2-расм. Амортизациянинг бир меъёрдаги (чизикли) усули.

6.2-расмда $\Phi_{(6)}$ - асосий фонднинг бошланғич (баланс) қиймати. Қийматнинг ўтказилган қисми соддалаштирилган формула бўйича топилиши мумкин (чиқариш қийматидан ташқари)

$$\Phi_n = N_A \times \frac{\Phi_{(6)}}{100\%}$$

Бу ерда, Φ_n - ўтказилган қиймат қисми (сум);

N_A - амортизация меъёри (%);

$\Phi_{(6)}$ - асосий фондларнинг бошланғич қиймати (сум)

Мисол. Агар $N_A = 10\%$, $\Phi_{(6)} = 10$ м.сум бўлса, у ҳолда

$$\Phi_n = 10 \times \frac{\Phi_{(6)}}{100\%} = 1000 \text{ сум}$$

Шундай қилиб, бир текис усулда ҳар йили 1000 сумдан ўтказиб борилади ва бутун қиймат 10 йил мобайнида ўтказилади.

Амортизацияни ҳисоблашнинг бу усули жуда оддий ва у қийматнинг ўтказилиши жараёнини аниқ даражада ҳисобга олади. Ўтказиладиган қийматнинг ҳисобга олиниши бир қатор шартларга боғлиқдир.

Биринчидан, қийматни ўтказишнинг бир текис усулида хизмат муддати тугагандан сўнг ликвидацион қиймат 0 га тенг.

Иккинчидан, бу усул асосий фондларнинг бутун хизмат даври мобайнида бир хилда эскиришини таъминлайди. Лекин хизмат муддати мобайнида жиҳознинг ишсиз қолиши, унинг бузилиши ва тўлиқсиз сменада иш юкланганлиги, яъни амалдаги ишлаб чиқаришда жиҳознинг бир текисда эскирмаслиги сабабли асосий фондлар қиймати маҳсулот қийматига бир меъёрда ўтиб бормайди.

Асосий фондларнинг, тайёрланаётган машиналар нархини пайсантирувчи ёки янги, нисбатан юқори самарали машина ва қурилмаларни эксплуатацияга жорий этилиши эвазига истеъмол қийматини камайтирувчи, маънавий эскириши ҳисобининг юритилмаслиги бир текис ўтказиш усулининг яна бир камчилигидир.

Бу эса муддатидан олдин, яъни меъёрий амортизация муддати тугашига қадар эски техникани сафдан чиқишга олиб келади, у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$H = (\Phi_0 - P_r) \Phi_n$$

Бу ерда, H - амортизация муддати тугамасдан ҳисобдан чиқарилаётган асосий фондларнинг тулиқ амортизация қилинмаганлиги (сум);

Φ_0 - қолдиқ қиймат (сум);

P_r - курсатилган асосий фондлар чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар;

Φ_n - асосий фондларни ҳисобдан чиқариш қиймати (сум).

Тулиқ амортизация қилинмаган асосий фондларнинг чиқарилиши зарарлари корхонанинг ҳужалик фаолияти натижаларида курсатилади.

Бир текис (чизиқли) усулдан ташқари дунё тажрибасида ўта тезлашган (регрессив) амортизация усулидан фойдаланилади. Тарихдан маълумки, бу усуллар ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришининг ҳарбий тармоғида келиб чиққан, чунки уларнинг такомиллашувидан давлат манфаатдор бўлган. Кейинчалик ўта тезлашган амортизация молиявий ресурслар манбаси бўлиб қолди, айниқса электр саноати каби ишлаб чиқаришнинг прогрессив тармоқларида бу яққол кузга ташланади.

Амортизациянинг ўта тезлашган усули, амортизация муддатининг ярмидаёқ асосий фондлар қийматининг 60-75 % ини қоплашга имкон беради, бир текис усулдан фойдаланилганда эса 50% асосий фондлар қиймати қопланади. Асосий фондлар хизмат муддатининг иккинчи қисмида амортизация катталиги камаяди.

Тезлашган амортизация усулларида чет элда кўпроқ икки барабар меъёр ва кумулятив усул қўлланилади (сонлар суммаси усули) ва унда арифметик прогрессиядан фойдаланилади.

Икки барабар меъёр усулини қуйида берилганлар асосида кўриб чиқамиз:

$$\Phi_n = 10,0 \text{ м.сум}, H_a = 20\%$$

Йиллик амортизация бундан олдин келтирилган формулага асосан қуйидагини ташкил этади:

$$Ф = \frac{20\% \times 10000}{100\%} = 2000 \text{ с.}$$

Маълумки, асосий фондларнинг жами бошланғич қиймати 10 йил ичида эмас (биринчи мисолдаги сингари), балки 5 йил ичида ўтказиб берилади, яъни, асосий фондлар қийматининг маҳсулот қийматига тезлашган ҳолда ўтказилишига ва амортизация фондларининг тезкор шаклланишига эришилади. Бу усул асосий қиймат ўтказилишининг бир текислигини таъминлайди ва қисқа давр ичида амалга оширади.

Кумулятив усул чизиқли бўлмаган боғланиш билан характерланади ва бу ерда амортизация меъёри бир текис усулдан фарқли ўлароқ, ўзгарувчандир. Амортизация меъёри амортизация муддатининг тугашигача қолган йиллар сонини арифметик прогрессияни ташкил этувчи сонлар йигиндисини ифодаловчи кумулятив сонга нисбати билан ҳисобланади (хизмат муддати 10 йил бўлган тақдирда 1 дан 10 гача олинади).

Кумулятив сон бунда қуйидагини ташкил этади:

$$\frac{1+10}{2} \times 10 = 55$$

Ушбу сон бўйича ҳисобланган амортизация меъёри қуйидагига тенг бўлади:

1 - йилда (10 йил хизмат муддати қолганда)

$$\frac{10}{55} \times 100\% = 18,8\%.$$


2 - йилда (9 йил хизмат муддати қолганда)

$$\frac{9}{55} \times 100\% = 16,36\% \text{ ва ҳ.к.}$$

Ушбу усулдан фойдаланилганда биринчи 5 йилда амортизация фондида 75% машина қиймати, 8 йилда 95% қиймат тўпланади, ваҳоланки бир текис усулда 80% қиймат йиғилган бўлади.

Эскирган машинани янгисига алмаштириш зарурияти туғилганда, кумулятив усулдан фойдаланилганда амортизация қилинмаган қисм 5%ни ташкил этади, бир текис усулда эса 20% бўлади, яъни кумулятив усул бўйича қиймат йўқотилиши камроқ бўлади.

Бир текис ва тезлашган усулни солиштириш 6.3-расмда кўрсатилган.



6.3-расм. Амортизациянинг бир текис ва тезлашган усуллари.

6.3-расмдан кўриниб турибдики, маънавий эскиришда (асосий фондлар муддатидан олдин алмаштирилганда ва фойдаланиш муддатини 7 йилгача қисқартирилганда) амортизация бўлмай қолиши туфайли йўқотиш бир текис усулда 37,0 м.сўмни ташкил этади, тезлашган усулда (кумулятив усулда) фақат 10 м. сўмни ташкил этади. Кейинчалик, кумулятив усул бир текис усулдан бир оз мураккаблигига қарамасдан, у айниқса маънавий эскиришни ҳисобга олганда, иқтисодий жиҳатдан янада фойдалироқдир.

Кейинги пайтларда ривожланган мамлакатларда машиналар қийматини тезроқ рўйхатдан чиқариш усулидан фойдаланилмоқда, бу регрессив ва прогрессив амортизация усуллари комбинациясидир.

6.4. АСОСИЙ ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ВА УЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни тавсифлаш учун турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади ва уларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин:

Умумлаштирилган кўрсаткичларга рентабеллик ва фонд қайтиши кўрсаткичлари киритилади ҳамда улар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида асосий фондлардан фойдаланишда қўлланилади (масалан, корхоналар, тармоқлар ва умуман халқ хўжалигида).

Қисман кўрсаткичлар - одатда, натура кўринишида олиниб, корхоналар ва уларнинг бўлинмаларида асосий фондларни тавсифлашда қўлланилади. Бу кўрсаткичлар асосий фондлардан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичларига бўлинади.

Асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш кўрсаткичлари уларнинг вақт мобайнида ишлатилишини билдиради, асосий фондлардан фойдаланишнинг интенсив кўрсаткичлари эса муайян турдаги қурилмалардан (ёки ишлаб чиқариш қувватидан) вақт бирлиги ичида олинган маҳсулотни (бажарилган ишни) билдиради.

Асосий фондлардан экстенсив фойдаланишнинг энг муҳим кўрсаткичлари жумласига қурилмаларнинг режалаштирилган, режимли ва календарь иш вақтлари коэффицентлари,

қурилмаларнинг сменалилиги коэффициентлари, сменалараро бекор туриб қолиш кўрсаткичлари ва ҳ.к.лар киради.

Экстенсив фойдаланиш кўрсаткичлари ичида қурилмаларнинг иш сменалилиги коэффициентининг аҳамияти катта бўлиб, у сутка давомида ишлаган машиналар суммасининг (машина-смена) машиналарнинг умумий сонига нисбати билан аниқланади. Ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий фондлар сменалилигини ошириш - бу ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш манбаидир.

Жиҳоз иш сменалилиги коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{cm} = \frac{M_c}{\text{Жиҳоз сони}}$$

K_{cm} - жиҳоздан фойдаланиш сменалилиги коэффициенти.

M_c - ҳақиқатда бир суткада ишланган машина-смена суммаси.

Жиҳоз сони-ўрнатилган жиҳознинг жами суммаси.

Мисол. 200 та металл қирқиш дастгоҳи корхонада бир сутка давомида 360 машина - смена ишлашди, яъни 2 сменада 18 станок; 60 та пресс қилиш машинаси 50 машина-смена, 40 та қуйиш машинаси 30 машина-смена ишлашди.

Смена коэффициенти қуйидагига тенг:

$$K_{cm} = \frac{360+50+30}{200+60+40} = 1,47$$

Жиҳоздан фойдаланиш сменалилигини оширишнинг асосий омили - асосий фондлар шаклланишини такомиллаштиришдир. Айнан уларнинг шаклланиши жараёнида корхона тузилмасини ҳисобга олган ҳолда асосий фондлар билан иш кучи ўртасида, асосий фондлар билан маҳсулот ҳажми ўсиши ўртасида, асосий фондларнинг актив ва пассив қисми ўртасида мутаносиблик бўлишига, асосий фондлар таркибининг доимий равишда такомиллашиши натижасида бўшаган ишчиларнинг асосий ишлаб

чиқаришга жалб этилишига ва асосий фондлардан фойдаланиш сменалигини оширишга эришиш керак.

Жиҳознинг иш сменалиги коэффицентини оширишда куп станокли хизмат курсатиш ва касбларни бирлаштириш катта аҳамиятга эга. Хизмат курсатиш зонасини кенгайтириш имкониятига жиҳозни техник жиҳатдан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш орқали эришилади.

Корхоналар тажрибасида куп станокли хизмат курсатишнинг 2 асосий шакли вужудга келди: а) бир ишчига бир турдаги технологияга мулжалланган бир неча станокни бириктириб қўйиш; б) меҳнатни ташкил қилишнинг бир неча усулидан фойдаланиш (бригада 2-3 сменада бир вақтда бир неча жиҳоздан фойдаланади). Куп станокли хизмат курсатишда, хўжалик тажрибасидан кўриниб турибдики, ишбай усулида иш ҳақи тулашда бир ишчининг таъриф ставкаси ўртача 25-30%га купаяди.

Касбларни бирлаштирилганда (мисол учун созловчи - станокчи, станокчи - таъмирловчи ва ҳ.к.), шунингдек қўшимча ҳақ туланиши керак.

Жиҳоз сменалигини оширишнинг муҳим йўналишларидан яна бири корхонада жиҳозлар ортиқчалигига барҳам беришдир. Бунинг мураккаб томони шундаки, бир сменада бор-йўғи 3-4 соат ишлатиладиган жиҳозларнинг бошқа корхонага бериш ёки сотиш мумкин эмас, чунки у ҳар қалай корхона учун кераклидир. Ўз навбатида бундай жиҳоздан самарали фойдаланмаслик хизмат вақти давомида ўз қийматини маҳсулотга ўтказишга имкон бермайди ва бу тулиқ амортизацияга йўл бермайди ҳамда корхона иқтисодий курсаткичларига ўз таъсирини кўрсатади. Жиҳоз ортиқчалигининг олдини олиш учун, биринчидан, қолган жиҳозлар таркибини, эски жиҳозларни сотиш ёки ҳисобдан чиқариш йўли билан ўзгартириш, янги жиҳозлар сотиб олиш ва бу билан умумий унумдорликни ошириш ва жиҳозларга тулиқроқ иш юклаш; иккинчидан, корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бўйича кооперациялаш зарур.

Жиҳоздан фойдаланиш сменалигини оширишнинг яна бир йўли станоклар, жиҳозлар ва бошқа асосий фондлар элементларининг прокати бўйича хўжалик ташкилотлари тармоғини

кенгайтиришдир. Бунда хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар корхоналардан асосий фондларнинг ортиқча элементларини сотиб оладилар, уларни таъмирлаб, зарурият туғилса истеъмолчи-корхоналарга прокатга берадилар. Бундан ҳамма иштирокчи томонлар иқтисодий фойда оладилар; ортиқча жиҳозни сотувчи корхона уни таъмирлашга сарфланадигандан кўра кўпроқ пул маблағини оладилар, корхона-истеъмолчи эса ўзининг пул маблағига тезлик билан керакли асосий фонд элементини сотиб олади.

Жиҳоз сменалилигини оширишнинг техник ва ташкилий омиллари билан бир қаторда ижтимоий омиллар ҳам муҳим роль уйнайди. Айрим корхоналарда ўтказилган ижтимоий тадқиқотларда жиҳозни иккинчи сменада ишлатишни ташкил этишга тўсқинлик қилувчи қатор сабаблар аниқланади: иккинчи сменанинг ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари билан кам таъминланганлиги (таъмирлаш, таъминот ва ҳ.к.), озиқ-овқат таъминотидаги, гиббий хизматни ташкил этишдаги камчиликлар ва жойларда зарурий таъмирлаш хизматларининг йўқлиги; шаҳар ва ишчи посёлкаларда ижтимоий инфраструктурани ташкил этишдаги камчиликлар шулар жумласидандир.

Қурилманинг смена давомида туриб қолиши курсаткичи асосий фондлардан экстенсив фойдаланиш курсаткичлари ичда муҳим урин тутади.

Жиҳознинг смена давомида туриб қолишининг бош сабаби - ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг паст даражада эканлиги, ишчи уринларининг асбоблар билан таъминланмаганлиги, жиҳознинг носозлиги ва режадан ташқари таъмирланиши, ишчилар сони камлигидир. Смена давомида тўхтаб қолишларни камайтириш учун жиҳоз ишининг назорати ва ҳисобини яхшилаш, дастгоҳ ва машиналарни турли хил автоматлаштириш ва механизациялашган ҳисобини юритишни кенг қўллаш зарур бўлади.

Машина ва жиҳозларнинг смена мобайнида туриб қолишини қисқартиришда станок паркидаги таъмирлаш хизматларини такомиллаштириш, режалаштиришни яхшилаш, ишчиларнинг меҳнат интизомини кучайтириш муҳим роль уйнайди.

Асосий фондларни баҳолашда улардан интенсив фойдаланиш курсаткичлари ҳам муҳимдир.

Асосий фондларга ишнинг интенсив юкланиши маҳсулот таннархининг камайишига ва меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади. Лекин бу курсаткич экстенсивга нисбатан ишлаб чиқариш ва технологик жараёнга купроқ боғлиқдир. Мисол учун, қора металлургияда домна ишлаб чиқариши учун домна печларининг купроқ фойдаланиш майдони интенсив курсаткич сифатида олинади; цемент ишлаб чиқаришда эса цемент печларининг соатли унумдорлиги; туқимачилик ишлаб чиқаришида туқимачилик станогида матонинг метр ҳажми олинади.

Асосий фондлардан экстенсив ва интенсив фойдаланиш курсаткичларида ташқи ишлаб чиқариш майдонлари ва иншоотларидан фойдаланиш курсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш майдонларидан рационал фойдаланиш капитал қурилишларсиз ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва вақтдан ютиш имконини беради.

Ҳужалик тармоқларининг умумлашган курсаткичларидан энг муҳими – асосий фондларнинг фонд қайтими, у маҳсулот қийматининг асосий фондларнинг уртача йиллик қийматига нисбати билан аниқланади. Фонд қайтими асосий ишлаб чиқариш фондларига сарфланган ҳар гумнинг умумий қайтимини билдиради, яъни бу – воситага қўйилган маблағ самарадорлигини англатади.

Фонд қайтимининг ўсиши жамғарма ҳажмини камайтиришга ва истеъмол фонди улушининг ўсишига ёрдам беради. Шунингдек, миллий даромаднинг умумий ҳажмини узгартирмай туриб, ноишлаб чиқариш соҳаси ривожланишида воситалар улушини (мисол учун турар-жой қурилиши, тиббий хизмат ва б.да) ошириш мумкин. Фонд қайтими ошиши қуйидагиларга таъсир курсатади:

- лойиҳалашни яхшилашга, техник ҳужжатлар ишлаб чиқиш вақтининг қисқаришига, қурилишнинг тезлашишига ва янги жалб этилаётган асосий фондларни узлаштириш муддати қисқаришига, яъни «илм-фан-ишлаб чиқариш - маҳсулот» циклининг қисқаришига;

- асосий фондлар структурасини яхшилашга, асосий фондлардан экстенсив фойдаланишга, сменалик коэффицентининг ошишига, жиҳоз бекор туриб қолиши ҳолларига барҳам берилишига, янги технологияларни жорий этиш орқали ишлаб

чиқариш жараёнини такомиллаштиришга, машина ва жиҳозлар ишлаш тезлигини оширишга, меҳнатни илмий ташкил этишнинг ривожланишига;

- ишлаб чиқариш эстетикасини ҳисобга олган ҳолда меҳнат режими ва шартларининг яхшиланишига, зарурий ижтимоий ша-роитлар яратилишига;

- таъмирлаш хужалигини такомиллаштириш билан бир қаторда асосий фондлар актив қисмини таъмирлашнинг қисқаришига;

- асосий фондларни моддий-техник жиҳатдан таъминлашни яхшилашга.

Навбатдаги умумлашган кўрсаткич - *фонд сигими* булиб, у асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади:

$$Ф = \frac{Ф_{ас}}{V_{мах}}$$

бу ерда, $Ф_c$ - фонд сигими;

$Ф_{ас}$ - асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (сум);

$V_{мах}$ - маҳсулот ҳажми (сум).

Фонд сигими кўрсаткичи асосий фондларнинг зарурий кат-талигини аниқлайди.

Агар маҳсулот товар ҳажми келгуси даврда ўзгармаса, у ҳолда асосий фондларни кўпайтиришга ҳожат йук, - фақат уларни такомиллаштириш зарур, яъни эскирган жиҳозларни ян-ги, такомиллашган жиҳоз ва ускуналар билан алмаштириш ло-зим. Товар маҳсулот ҳажми келгуси даврда ўзгарса, яъни ошса, у ҳолда асосий фондларни кўпайтиришга бўлган талабни аниқлаш керак (6.1-жадвал).

Асосий ишлаб чиқариш фондларининг катталигини ҳисоблаш кетма-кетлиги келгуси йил учун қуйидагичадир: аввал амалдаги асосий фондларга жорий йил фонд сигими нисбатан олинади. Олинган фонд сигимини келгусидаги маҳсулот ҳажмига кўпайтириб, асосий фонд катталигини оламиз, яъни асосий фонд қийматини келгуси йил учун аниқлаб оламиз: $0,4 \times 450000 = 180000$ м. сум. Фонд қайтими кўрсаткичи билан асосий фондлардан фой-даланиш кўрсаткичларини яхшилашда, рентабеллик меъёрининг умумий кўрсаткичи ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

**Фонд сифими кўрсаткичларига асосан асосий
ишлаб чиқариш фондлари катталигининг ҳисоби
(шартли рақамларда)**

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Жорий йил	Келгуси йил
1	Товар маҳсулот	м.сум	400000	450000
2	Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (урт. йил)	м.сум	160000	180000
3	Товар маҳсулот буйича фонд сифими	м.сум	0-40	0-40

Асосий фондлардан самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳамма кўрсаткичлар системасини қўллаш зарур: экстенсив ва интенсив асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва умумлашган кўрсаткичлар (асосий фонд қайтими, фонд сифими, рентабеллик меъёри).

VII БОБ

АЙЛАНМА ВОСИТАЛАР

7.1. КОРХОНА АЙЛАНМА ВОСИТАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Корхона фаолиятида асосий фондлар билан бир қаторда айланма воситаларнинг оптимал сони ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Айланма воситалар - бу пул маблағларининг йиғими бўлиб, айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларини ташкил этади ва пул маблағларининг доимий айланишини таъминлайди.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари - меҳнат предметларидир.

Бу - уруғлик, ем-хашак, машиналарнинг эҳтиёт қисмлари, ёнилғи ва мойлаш материаллари, ёш қорамоллар, боқувдаги ва яйловдаги моллардир. Шунингдек, айланма воситаларга арзон нархдаги инвентарлар ҳамда тез ейиладиган (ишлатилиш муддати бир йилгача бўлган) меҳнат предметлари киради. Ҳар бир корхонанинг муомала фонди ҳам мавжуд. Уларга ишлаб чиқариш жараёнини тугатган тайёр маҳсулотлар ва пул маблағлари киради. Айланма ишлаб чиқариш фондлари билан биргаликда корхона айланма фондлари ташкил қилинади.

Айланма фондларнинг манбаи фойда ва бюджетдан ташкил топадиган хусусий маблағлар, қарзлар, банк кредити ва ташқаридан жалб қилинган маблағлардир. Корхона ва бирлашмалар хусусий айланма фондларига ўз ихтиёрича эгалик қилади - сотиши, айирбошлаши, қарз бериши мумкин. Айланма фондларнинг етишмаган қисми корхонанинг даромади ёки вазирликнинг эҳтиёт фондидан тўлдирилиши мумкин, бундан ташқари хусусий айланма фондларни амалдаги нормативлар даражасига келтириш мақсадида банк кредити берилади.

Айланма фондларнинг асосий воситалардан фарқи шундаки, улар асосан ишлаб чиқариш даврида истеъмол қилинади. Уларнинг қиймати биргаллик ишлаб чиқариш давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ўтади. (К. Раҳмонов, Иқтисод ва ҳисобот, 1998 йил, 5-6 сон).

Муомала фондлари - бу корхонанинг тайёр маҳсулот заҳираларига сарфлаган, лекин туланмаган воситалари, шунингдек, ҳисоб рақамидаги ва кассадаги пул маблағларидир. Айланма воситалар ишлаб чиқариш доимийлигини ва корхона маҳсулоти сотилишини таъминлайди.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқаришга узларининг натура шаклларида кириб, маҳсулот тайёрланиши жараёнида тулиқ истеъмол қилинади. Улар уз қийматларини маҳсулотга утказадилар. Муомала фондлари товар муомаласи жараёнига хизмат қилади. Улар қийматни ташкил қилишда иштирок этмайди, балки уни олиб юрувчилар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш цикли тугагандан сунг, (тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилгандан ва сотилгандан сунг) айланма воситалар маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳисобидан қопланади. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнининг доимий равишда янгилашиб туришига имкон беради ва бу корхона воситаларининг доимий айланиши ҳисобига бўлади.

Айланма воситалар уз ҳаракатларида 3 босқичдан ўтади: пул, ишлаб чиқариш ва товар.

Воситалар айланишининг пул кўринишидаги босқичи тайёргарлик босқичи бўлиб, унда пул маблағларининг ишлаб чиқариш заҳираларига айланиши содир бўлади.

Ишлаб чиқариш босқичи бевосита ишлаб чиқариш жараёнини уз ичига олади. Бу босқичда яратилаётган маҳсулот қийматини аванслаш давом этади. Лекин ушбу аванслаш тулиқ бўлмай, балки фойдаланилган ишлаб чиқариш заҳиралари қиймати ҳажмида амалга ошади холос. Қўшимча равишда иш ҳақи ва у билан боғлиқ бўлган харажатлар, асосий ишлаб чиқариш фондларининг кучирилган қийматлари ҳам авансланади. Айланишнинг ишлаб чиқариш босқичи маҳсулот чиқариш билан тугайди ва сунг уни сотиш босқичи бошланади.

Фақат ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг товар шакли қиймати пул шаклига айлангандан сунг, аванс тариқасида молиялаштирилган воситалар маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг бир қисми билан қопланади. Унинг қолган суммаси пул жамғармасини ташкил этиб, у тақсимот режаси асосида сарфланади. Жамғарилган пулнинг айланма воситаларни кенгайтиришга мўлжалланган қисми (фойда) айланма воситалар таркибида кейинги айланма циклларда иштирок этади.

Айланма воситалар айланиши қуйидаги схемада бўлади:

П- Т...И...Т₁ - П₁,

бу ерда. П - пул воситаси;


Т - ишлаб чиқариш воситалари;

И - ишлаб чиқариш;

Т₁ - тайёр маҳсулот;

П₁ - маҳсулот сотишдан келиб тушган ва сарфланган фойдани ўз ичига олувчи пул маблағлари.

Нуқталар (...) муомала воситаси тўхтаб қолганлигини, лекин унинг айланиш жараёни ишлаб чиқариш соҳасида давом этганини билдиради.



7.1-расм. Айланма воситалар туркумлари ва тузилмаси.

Айланма воситалар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичлари ва шаклларида амалга оширилади. Бу эса, корхона фаолиятининг доимий ва узлуксиз давом этишини таъминлайди.

Айланма воситаларининг тизими ва туркумлари 7.1-расмда келтирилган.

Ишлаб чиқаришнинг бир меъёрда, бир текис ва юқори натижа билан бориши айланма воситаларнинг оптимал улчамларидан келиб чиқади (айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари). Шунинг учун айланма воситаларни меъёрлаш жараёни муҳим аҳамият касб этади, у корхонани молиявий режалаштиришга киради.

Изоҳ: «Пул маблағлари ва ҳисобдаги маблағлар» блокидан, «Меъёрлаштириладиган айланма воситалар» блокига утган пункт чизиқлар қуйидагиларни билдиради: ривожланган мамлакатларда пул оқимларининг ҳаракати шундай аниқликда кузатиб бориладики, тўлов календарларига деярли 100% риоя қилинади; бу эса курсатилган маблағни меъёр сифатида қабул қилиш мумкинлигини билдиради.

Айланма воситалар меъёри корхона иши учун зарур булган минимал ҳисоб суммаларини урнатади.

Хом ашё, пул маблағлари ва бошқаларнинг ҳақиқий заҳиралари меъёрдан кам ёки унга тенглашган бўлиши мумкин - бу жорий молиявий фаолиятнинг энг узгарувчан курсаткичларидан биридир.

Айланма воситалар меъёрининг бажарилмаслиги ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотишда тухтаб қолишларга ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш дастурининг бажарилмаслигига олиб келади. Буларнинг барчаси ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаслигига сабаб булади. Корхонанинг айланма воситаларга булган талабини аниқлаш учун мисол келтирамиз. Бу талаб ишлаб чиқариш заҳиралари (хом ашё, материалларга ва б.)га сарфланган, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, фирма магазини товарлари: кассадаги пул маблағлари, тушум инкассациялари, унинг ҳисоб рақамига келиб тушиши йўлидаги алмашишлар, бошқа активлар (кам баҳоли, тез эскирувчи буюмлар, товар идиши, келгуси давр харажатлари) учун ҳисобланади. Хом ашё ва материаллар буйича айланма воситаларга булган талаб бир кунлик харажатни кундалик меъёрга купайтириш билан аниқланади ва бу бошқа меъёрлар каби хужалик субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади:

Бир чорак учун хом ашё ва материаллар сарфи	9900
Чоракдаги кунлар сони	90
Хом ашё ва материалларнинг бир кунлик харажати (м.сум)	110
Заҳира меъёри(кун)	28
Хом ашё ва материаллар буйича айланма воситаларга булган талаб (м.сум)	3080 (110x28)

Тугалланмаган ишлаб чиқариш буйича айланма воситаларга булган талаб бир кунлик ишлаб чиқарилган маҳсулотни тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёрига (кунларда) кўпайтириш орқали аниқланади:

Чоракда маҳсулот таннархи буйича маҳсулот чиқариш (м.сум)	12060
Таннарх буйича кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш (м.сум)	134
Тугалланмаган ишлаб чиқариш меъёри (кунларда)	3
Тугалланмаган ишлаб чиқариш буйича айланма воситаларга талаб (м.сум)	402(134x3)

Тайёр маҳсулот буйича айланма воситаларга булган талаб бу товарлар бир кунлик айланишининг кундалик заҳира меъёри-ни сотиб олиш нархига кўпайтириш орқали аниқланади.

Тайёр маҳсулот буйича айланма воситаларга булган талаб $134 \times 2 = 268$ м.сумга тенг.

Товарлар заҳираси буйича айланма воситаларга булган талаб харид нархлари буйича бу товарларнинг бир кунлик айланишини уларнинг заҳира меъёрларига (кунларда) кўпайтириш орқали аниқланади.

Сотиб олиш нархи буйича чораклик талаблар айланиши (м.сум)	1854
Бир марта айланиш (кун)	2
Товарлар заҳираси буйича айланма воситалар талаби	41(20,5 x 2)

Кассадаги пул маблағларига ва йил давомидаги алмашувларга булган талаб бир кунлик товар айланишини пул маблағининг меъёрдаги заҳирасига кўпайтириш орқали аниқланади.

Чоракда товар айланиши (м.сум)	2250
--------------------------------	------

Пул маблағлари заҳираси (кун) 1,0
 Пул маблағига булган талаб (м. сум) 25(25 x 10)

Бошқа моддий қийматликлар буйича айланма воситаларга булган талаб туғридан-туғри ҳисоб ёки ҳисоб аналитик усул билан аниқланади ва айтайлик, 1218 м. сумни ташкил этади. Курилайётган ҳужалик субъектида курсатилган айланма воситалар буйича меъёрлар уларни истеъмоқ қилиш улчамларидан келиб чиққан ҳолда олинади.

Айланма воситаларга булган умумий талаб ёки уларнинг умумий меъёри режалаштирилган чорак охирига қуйидагини ташкил этади:

3080 + 402 - 268 + 41 + 25 + 1218 - 5043 м. сум

Ушбу айланма воситаларнинг режалаштирилган чорак бошига катталиги 3836 м. сумни ташкил этади. Айланма воситаларнинг зарурий узиши: $5034 - 3836 = 1198$ м.сум.

Айланма воситаларни шакллантириш учун корхона хусусий воситалардан ҳамда унга тенглаштирилган ҳамда жалб этилган воситалардан фойдаланади.

Фойда, банк кредитлари, тижорат, акциядорлик (устав) капитали, бюджет маблағлари, қайта тақсимланган ресурслар (суғурта), кредиторлик қарз ва бошқалар айланма воситалар шаклланишининг манбалари ҳисобланади.

Кредиторлик қарзи, бу - корхонага тегишли булмаган воситалардан, яъни акцепт ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари буйича қарзлар (тулов муддати тугамаган); муддатида туланмаган ҳисоблар буйича қарзлар, бюджетга туловлар буйича қарзлар: берилган векселлар, тижорат кредитлари, иш ҳақи ва бошқалардан фойдаланишидир.

Ҳужалик субъектининг ихтиёрида булган доимий кредиторлик қарзларига иш ҳақи, иш ҳақиға ҳисоблар, келгусидаги тулов резервлари ва бошқалар киради. Айтайлик: курилайётган ҳужалик субъектининг фақат иш ҳақи ва унга туловлар буйича қарзи мавжуд.

Иш ҳақи буйича минимал қарз қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$3. \quad \frac{\Phi_{X,1}}{90}$$

Бу ерда, Z_m - иш ҳақи бўйича минимал қарз (сўм);
 Ф - чорак учун режалаштирилган иш ҳақи фонди (сўм);
 Д - ой бошидан иш ҳақи бериладиган кунгача бўлган кунлар сони.

Чорак учун режалаштирилган иш ҳақи фонди 5700 м. сўмни ташкил этади.

Иш ҳақи ишчиларга ҳар ойнинг 4-куни туланади, яъни $D=3$, у ҳолда,

$$Z_m = \frac{5700 \times 3}{90} = 190 \text{ м.с.}$$

Иш ҳақига туловлар амалдаги меъёрлар бўйича иш ҳақига нисбаган фонд ҳисобида аниқланади. Туловлар таърифи қуйидагича: ижтимоий сугурта фонди - 5,4 %, нафақа фонди-28%, аҳолини иш билан банд этиш фонди-1,5%, мажбурий тиббий сугуртага-3,6%, транспорт солиғи-1%, жами 39,5%.

$$\text{Туловлар суммаси} = \frac{39,5 \times 190}{100} = 75 \text{ м.с.}$$

Жами: $190 + 75 = 265$ м.сўм.

Молиявий режага ушбу қарзнинг жами суммаси эмас, балки режадаги даврда унинг ўзгариши (ўсиши ёки камайиши) олинади. Режа квартали учун кредиторлик қарзлари - 190 м. сўм, ўсиш 75 м.сўм ($265 - 190$).

Ҳужалик субъектининг ихтиёрида доимий бўладиган кредиторлик қарзининг ўсиши айланма воситалар ўсишини молиялаштирувчи манба ҳисобланади. Уни таҳлил қилишда кўрсаткичлардан фойдаланилади. Айланма воситалар ўсишининг қолган суммаси фойда ва бошқалар ҳисобига молиялаштирилади.

Айланма воситалардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятининг молиявий натижасига сезиларли таъсир кўрсатади. Уни таҳлил этишда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ўзига тегишли айланма воситаларнинг мавжудлиги, ўз ресурслари ва бошқа ресурслар ўртасидаги боғлиқлик, корхонанинг туловга қодирлиги, айланма воситаларнинг айланивчанлиги ва бошқалар.

Узига тегишли айланма воситаларнинг мавжудлиги, шунингдек, уз ресурсларининг ва бошқа айланма ресурсларнинг узаро алоқаси корхонанинг молиявий барқарорлигини билдиради.

Корхонанинг туловга қодирлиги, яъни уз мажбуриятини уз вақтида ва тулиқ бажара олиш имконияти корхонанинг ҳақиқий ва доимий молиявий ресурслари, унинг мажбуриятлари ва пул тушумлари, шунингдек бошқа қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврдаги активларни ҳисобга олувчи коэффициентлар билан аниқланади.

Корхонанинг туловга қодирлигини исталган пайтда унинг харажат қилишга қодирлиги акс эттиради. У қарзлар катталиги ва пул маблағларига (касса ёки ҳисоб рақамида), қимматбаҳо қоғозлар (аввало давлатники) ва айланма воситаларнинг осон реализация қилинадиган элементларига боғлиқ бўлади.

Айланма воситаларнинг айланувчанлиги – улардан фойдаланишнинг энг самарали курсаткичидир. Вақт омиллари айланма воситаларни самарали бошқаришни баҳолаш курсаткичлари ҳисобланади: айланма воситалар у ёки бу шаклда қанчалик кўп туриб қолса (пул ёки товар қурунишида), бошқа тенг шароитларда улардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик паст бўлади. Айланма воситаларнинг айланувчанлиги улардан фойдаланиш интенсивлигини характерлайди.

Айланувчанликнинг роли муомала соҳасида – савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат, воситачилик фаолияти, банк бизнеси ва бошқаларда айниқса катта.

Айланувчанликнинг асосий курсаткичларидан бири – бу айланма воситанинг бир марта айланишининг кунларда ҳисобланган давомийлигидир ва у қуйидаги формула билан ҳисобланади.

(Айланма воситалар уртача суммаси) \times (Вақт оралиғи)
Шу вақт оралиғидаги реализация ҳажми

Кунлик айланувчанлик қандай вақт мобайнида айланма воситалар айланишнинг ҳамма босқичини босиб ўтиши ҳақида ушбу корхона бўйича маълумот беради.

Кунлик айланиш қанчалик катта бўлса, корхонага пул маблағи шунчалик кам зарур бўлади, шунчалик молиявий ресурслар

тежамкорлик билан ишлатилади. Жуда катта айланувчанлик шароитида туловга қобилиятсизлик, хом ашё, материаллар, бошқа эҳтиёт қисмларни отказиб беришда узилишлар эҳтимоли кучаяди. Айланувчанлик айланишлар сони билан улчанади:

Муайян вақт оралиғидаги реализация ҳажми

Уша вақт оралиғидаги айланма воситаларнинг урт.суммаси.

Агар айланма воситаларнинг айланишлари сони купайса ёки бир хилда булса, у ҳолда корхона бир текис ишлаётган ва молиявий ресурсларидан рационал фойдаланаётган булади. Курилаётган даврдаги айланишлар сонининг пасайиши корхонанинг ривожланиш суръати пасайганлигини ва унинг молиявий ахволи оғирлашаётганлигини билдиради.

Айланма воситаларнинг айланишини тезлатиш уларни айланишдан бутунлай ёки қисман озод қилади. Тулиқ озод булишда жорий йилда айланма воситалар суммасининг камайиши (маҳсулот сотилиши устун ҳолда) тушунилади. Қисман озод булиш сотиш ҳажми айланма воситалар усиш суръатидан узиб кетганда содир булади. Бунда асосий воситалар ҳажми камлиги шароитида сотишнинг катта улчамлари таъминланади.

Уз айланма воситалари билан таъминланиш курсаткичлари корхона учун муҳим ҳисобланади. Улар корхонанинг уз айланма воситаларининг айланма воситаларнинг жами суммасига нисбати орқали аниқланади.

7.2. АЙЛАНМА ВОСИТАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Айтиб утилганидек, корхонанинг айланма воситаларини бошқаришнинг самарадорлиги унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига катта таъсир курсатади.

Бир томондан, мавжуд айланма воситалардан иложи борица рационал фойдаланиш зарур – бу ерда сўз, асосан ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқаришни қисқартириш, ҳисоб шакллари тақомиллаштириш ва бошқалар туғрисида бормоқда.

Бошқа томондан, корхоналар айна пайтда харажатни таннархга олиб борувчи турли хил вариантлардан фойдаланиш имкониятига эгадирлар, маҳсулот сотишдан тушган тушумни солиққа тортиш учун аниқлашлари мумкин. Мисол учун, сотиш ҳажмини прогнослаш ва суровдан қатъи назар корхона маҳсулотини интенсив ишлаб чиқаришдан манфаатдордир. Бунинг учун турли усуллар ичидан мақсадга мувофиқ усулни танлаб олиш керак. Қабул қилинган қарорлар таннархга, фойда ва солиқлар ўлчамига қандай таъсир этишини кузатиб бориш мумкин ва зарурдир. Курсатилган имкониятларнинг анчагина қисми корхона айланма воситаларини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бўйича айна пайтда уларни айланма воситалар таркибига олиб борувчи қиймат чегараси белгиланган. Корхона раҳбари кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг энг кам қиймати чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга, бу эса харажат камайишига олиб келади, чунки эскириш оз даражада бўлиб, таннархга борувчи сумма оз бўлади.

Бундан ташқари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг эскиришини ҳисобловчи қатор усуллардан фойдаланиш мумкин:

- эксплуатацияга беришда эскиришни 100% ҳисоблаш, жорий давр харажатларининг ўсишига олиб келади;
- эксплуатацияга эскиришни 50% ҳисоблаб бериш ва уни чиқаришда эскиришни 50% ҳисоблаш.

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари айланма активлар ичидан энг кам йўқотувчан ҳисобланади. Уни қисман пул маблағига айлантириш учун фақат харидор излаш учун эмас, балки сотилган маҳсулот пулини ундириб олиш учун ҳам вақт йўқотилади.

Буни таҳлил қилиш самарали молиявий бошқариш учун катта аҳамиятга эга. Заҳиралар фақат айланма активлар таркибидан эмас, балки бутун корхона активлари таркибида ҳам сезиларли аҳамият касб этади. Бу шундан далолат берадики, корхона ўз маҳсулотини сотишда қийинчиликларга дуч келади ва бу ўз вақтида маҳсулот сифатининг пастлигидан, технологик ишлаб чиқаришнинг бузилиши, самарасиз сотиш усулларини танлаш, бозорни ўрганмасликдан келиб чиқади. Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари оптимал даражасининг бузилиши, корхона фаолиятини зарарга олиб келади, чунки бу заҳираларни

сақлашга ортиқча харажат бўлади, товарлар баҳосининг тушиши хавфини туғдиради, товарнинг бирон-бир кўрсаткичи бузилиши оқибатида мижозларни ўздан узоқлаштиради. Шу сабабли заҳиралар ҳажмини бир хилда тутиб туриш молиявий фаолиятда муҳим ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисоботларда таннарх ёки бозор нархларида акс эттирилади. Қабул қилинган стандартларга асосан моддий ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолашда база сифатида уларни харид қилиш харажатларини ифодаловчи таннарх ҳисобланади. Бу харажатлар доимий бўлмай, товарлар нархларининг ўзгариши билан ўзгариб туради, шунинг учун бир хил товар тури уни сотиб олиш вақтида турли баҳода бўлиши мумкин.

Заҳиралар миқдори ҳаддан зиёд бўлган тақдирда, қайта ишлаш жараёнида бўлган ва омборларда турган товарларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш мушкул. Бу муаммони ҳал этиш учун ҳисобга олишда маълум йўл қўйишлардан фойдаланилади, уларга асосан қайта ишлашга киритилаётган заҳиралар кетма-кетлиги товарлар бирлигининг физик оқими сифатида эмас, балки улар қийматининг ҳаракати сифатида қаралади (flow of costs).

Бунга асосан заҳираларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари қўлланилади: харид қилинаётган товар ҳар бир бирлигининг таннархи бўйича (specific identification method); ўртача таннарх бўйича (average cost); харид вақтининг дастлабки пайтида сотиб олинган заҳира таннархи бўйича ФИФО (first-in-first-out-FIFO); харид вақтининг охириги пайтида сотиб олинган таннархи бўйича - ЛИФО (last-in-first-out-LIFO).

Сотиб олинаётган заҳиралар ҳар бир бирлигининг таннархи асосида баҳолаш усули - бу уларнинг ҳақиқий таннарх бўйича ҳаракати ҳисобидир. Бу усулдан фойдаланиш учун товар-моддий бойликларнинг барчасини сотиб олишнинг жисмоний идентификацияси зарур бўлиб, буни йирик серияли ишлаб чиқаришда амалга ошириш қийин. Шунинг учун бу усулни, унинг аниқлигига қарамасдан, фақат махсус буюртмалар тайёрлайдиган ёки қимматбаҳо товар ишлаб чиқарадиган компаниялар қўллаши мумкин (автомобиллар, айрим мебель турлари, заргарлик буюмлари ва ҳ.к.)

Уртача таннарх буйича заҳираларни баҳолаш уртача катталиклар ҳисоби формулаларидан фойдаланишга асосланган.

ФИФО усули буйича заҳираларни баҳолашда қуйидаги йўл қўйиш қабул қилинади: заҳиралар корхона томонидан қандай кетма-кетликда харид қилинаётган бўлса, уша кетма-кетликда ишлатилади, яъни ишлаб чиқаришга биринчи навбатда киритилаётган заҳиралар харид вақтининг дастлабки пайтида сотиб олинган заҳиралар таннархи буйича баҳоланади.

Баҳолаш тартиби материаллар ҳаракати кетма-кетлигига боғлиқ эмас. Ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:
 $P = H + П - K.$

Бу ерда, P - сарфланган материаллар қиймати,

H - давр бошига материаллар қолдиги,

П - давр мобайнида келиб тушган материаллар қиймати,

K - давр охирига материаллар қолдиги.

Давр охирига материал қолдиқлари охириги харид нархида баҳоланади: $K = V \times Ц,$

бу ерда, K - ҳисобот даври охирига материалларнинг натурал шаклидаги сони,

Ц - охириги сотиб олиш баҳоси.

Мисол: давр охирига омбордаги матолар қолдиги - 100 м, охириги сотиб олиш баҳоси - 10000 сум, давр мобайнида 2 000000 сумлик материал келиб тушди.

Давр охирига пул шаклидаги қолдиқ:

$K = 100 \times 10000 = 1000000$ сум.

ФИФО усули буйича материаллар сарфи:

$P = 500000 + 2000000 - 1000000 = 1500000$ сум.

Бу усул ишлаб чиқариш заҳиралари қолдигини, уларнинг нархи ўсган тақдирда ҳам, кўпайтиришга имкон беради. Активларни баҳолашда корхона мулки ҳолатининг ўсиши кузатилади. Лекин бунда мулк солиғи суммаси купаяди, таннарх пасаяди ва демак, фойда ва фойда солиғи куп бўлади.

Бу усулни қўллашда давр охиридаги заҳиралар уларнинг амалдаги ҳақиқий таннархи буйича баҳоланади, сотилган маҳсулотнинг таннархида эса нисбатан аввал харид қилинган материаллар нархи ҳисобга олинади. Пировардида корхоналар, моддий ишлаб чиқариш заҳиралари нархининг кўтарилиши асосида сотиладиган маҳсулотлар нархини оширишга интилишлари

мумкин. Ваҳолангки, бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган заҳиралар уларнинг нархлари ошмасдан туриб сотиб олинган эди. Ҳатто, ФИФО усулидан фойдаланилганда, моддий-ишлаб чиқариш заҳиралар нархларининг кутарилиши шароитида, сотиладиган маҳсулотлар нархи узгармас бўлиб қолган тақдирида ҳам корхоналар кураётган фойда нисбатан юқори бўлади.

ЛИФО усулининг маъноси шундаки, ишлаб чиқариш заҳираларининг келиши охириги сотиб олиш таннархига қараб баҳоланади, давр охирига заҳиралар таннархи эса энг олдинги сотиб олиш таннархидан келиб чиқиб аниқланади.

Мисол: Давр охирига матолар қолдиғи - 100 м., биринчи сотиб олиш баҳоси - 800 сўм. К - 100 х 800 - 80000 сўм.

Давр бошига қолдиқ - 500000 сўм, 2000000 сўмлик материал келиб тушди.

ЛИФО усули буйича материаллар сарфи: Р - 5000000 + 2000000 - 80000 - 6920000 сўм. Яъни, ФИФО усулига нисбатан таннархга кўпроқ сумма олиб борилади.

ЛИФО усули сотилган маҳсулот таннархи ва сотишдан олинган соф фойдани янада яхшироқ аниқлашнинг имконини беради. Лекин ФИФО усулидан фарқли улароқ ЛИФО усули жорий даромад ва харажатлар боғлиқлигини таъминлайди ва инфляция таъсирини силлиқроқ қилиб курсатади. Шунингдек, нархлар ошишида корхона ҳисоботларида курс атилган фойда камаяди.

Моддий ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш буйича курсатилган барча усуллар халқаро ҳисоб ва ҳисобот стандартларига мос келади, лекин компаниялар соф фойдаларининг турли хил булишини курсатади. Корхона баҳолаш усулини узининг молиявий хужалик фаолиятдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди.

Айрим тадбиркорлар ЛИФО усулига танқидий назар билан қарайдилар, чунки бу усул нархлар ошиб бораётган даврда корхона фойдасини анча камайтириб курсатади. Шунинг учун, ЛИФО усули солиқ туловларини камайтириб курсатишига қарамасдан, компаниялар ҳисоботларида фойдани ошириб курсатиш учун ундан фойдаланишни узларига эп кўрмайдилар. Чунки катта бўлмаган молиявий натижа компаниянинг молиявий бозордаги обрўига ёмон таъсир этиши мумкин. Жумладан, муо-

маладаги 1 акцияга туғри келувчи соф фойда компания кимматбаҳо қоғозларининг котировкасига таъсир этувчи асосии курсаткичлардан бири ҳисобланади.

Таннарх моддий ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолашнинг асоси булиб хизмат қилади. Лекин айрим шароитларда бу заҳираларнинг бозор нархи таннархдан кам булса, ҳисоботларда бозор нархидан фойдаланилади. Моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг бозор нархи корхона учун моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг қандайдир элементларини алмаштириш учун зарур булган харажатлардир. Шундай қилиб, «бозор нархи», бу ерда заҳиралар сотиб олиннадиган бозорни (улар сотиладиган бозорни эмас!) белгилайди ва «тиклаш қиймати» деган иборага мос келади. Энг кам баҳолаш қондасини қўллаш эҳтиёткорлик тамойили билан асосланади, чунки моддий ишлаб чиқариш заҳираларини тиклаш қийматининг камайтирилиши куп ҳолларда сотиш баҳоси камайишининг даракчиси бўлади ёки нархларнинг ҳақиқатда камайишини курсатади. Келтирилган мисоллар айланма воситаларни бошқариш жараёни корхона фаолияти молиявий натижаларига қай даражада таъсир курсатишини намоён этади.

Корхона активларини, шу жумладан айланма воситаларини бошқаришдан кузланган асосий мақсад, корхонанинг туловга қодирлигини таъминлаган ҳолда, қўйилган капиталдан максимум фойда куришдир. Бу борада, иқтисодий инқирозлар шароитида, туловга қодирлик фойдалиликдан кура муҳимдир (туловга қодир булмаслик, зарар куришга қараганда аянчлироқ булиши мумкин).

Қўйилган капиталга нисбатан энг куп фойда олишга эришиш ва юқори даражада туловга қодирликни таъминлаш муайян даражада бир-бирига зиддир. Чунки рентабелликни ошириш учун пул маблағлари турли хил айланма ва ноайланма активларга сарфланиши лозим. Туловга қодирликни таъминлаш учун эса, корхонада доимо маълум бир даражада пул маблағлари булиши зарур, у жорини туловлар айланишидан олиниши керак. Шундай қилиб, корхона айланма воситаларини бошқаришнинг муҳим вазифаси туловга қодирлик ва рентабеллик уртасида оптимал нисбатни таъминлаш ҳисобланади ва бунга айланма воситаларнинг тизими ва улчамидан келиб чиқиб эришилади. Шу

нингдек, узининг ва ташқаридан олинган айланма маблағларнинг узаро муомаласини қўллаб туриш ҳам муҳим, чунки бундан корхонанинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллиги келиб чиқади ва келгусида янги кредит ва бошқаларни олиш имконияти яратилади.

Корхона, молиявий аҳволини яхшилаши учун, айланма активларнинг дебитор қарзларга айланишини камайтириши лозим, яъни бошқа корхона айланмасида юрган уз маблағларини камайтириши лозим.

Корхона балансида туриши ва аниқланишига кўра дебитор қарзларнинг ишлаб чиқариш заҳираларига нисбатан ликвидлиги бўлади. Шу боисдан, дебитор қарзларнинг мавжудлиги шу суммадаги ортиқча запасларнинг бўлишидан кўра мақбулроқдир. Бундай ҳол кўп хилдаги хизматлар курсатувчи молиявий тизимга эга бўлган ривожланган мамлакатлар учун хосдир. Дебитор қарзлар банкларга ёки бошқа факторинг ёхуд форфейтинг операциялари билан шуғулланувчи молиявий институтларга сотилиши мумкин.

Хом ашё ва материалларни кўплаб сотиб олиш чуқур ўйлаб чиқилган бўлиши лозим. Инвестиция сиёсатида чуқур иқтисодий ҳисоб-китоблар муҳим аҳамиятга эга.

Мисол учун, уз ишлаб чиқаришига қўйилган капиталдан қуриладиган фойда меъёри 20%ни ташкил этса, бироқ 70% йиллик даромад билан маблағини инвестиция қилиш имкони бўлса, бу имконият чуқур куриб чиқилиши ва ҳар томонлама таҳлил қилиниши шарт. Бу барча бўш маблағлар, мисол учун депозит сертификатларини сотиб олишга сарфланиши шартлигини англатмайди. Бу ерда гап маблағнинг эркин қисми инвестиция қилиниши мақсадга мувофиқлиги хусусида боради.

Шундай қилиб, корхона узининг ёки ўзганинг айланма воқиталаридан самарали фойдаланган тақдирда рационал иқтисодий уринга эга бўлиши мумкин.

VIII БОБ

КОРХОНА МОЛИЯСИ

8.1. КОРХОНА МОЛИЯСИНИНГ МАЪНОСИ ВА ФУНКЦИЯСИ

МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМ

Ўзбекистонда мустақил молиявий сиёсат олиб бориш объектив заруриятга айланганлиги республика бозор иқтисодиётига ўтишининг дастлабки босқичида аён бўлган эди. Республика Президенти таъкидлаганидек, «Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларининг тўлдиришини таъминлайдиган ва амалий фаолликни рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатини ўтказиш, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволини соғломлаштириш, уларнинг тadbиркорлик ва сармоядорлик фаолиятини ривожлантириш йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда.» (И. А. Каримов «Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли»).

Турли мулкчилик иқтисодиёти шароитида вужудга келган миллий иқтисодиёт тизимида пулнинг роли ошиб боради, чунки вужудга келган бозор муносабатлари заминида ишлаб чиқариш, истеъмол, хизматлар, сотиб олиш ва сотиш, жумладан, пул ҳам турли кўринишларда сотиб олиш ва сотиш объектига айланади.

Бозор ҳужалигида пул катта иқтисодий тизимда ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлайдиган асосий фактор сифатида ҳаракат қилиб, турли хизматлар билан боғлиқ бўладиган тўловларни тўлашда, кредитлар билан боғлиқ жараёнларда, кўп мулкчилик иқтисодиётининг ривожланиши туфайли чиқарилган қимматли қоғозлар шаклида ҳам муомалада актив қатнашади.

Молия - бу пул муомаласининг туркуми бўлиб, пул жамғармаларининг уларнинг айланиши жараёнида шаклланиши ва улардан фойдаланишдир.

Молиянинг тақсимлаш функцияси ёрдамида ҳамма пул даромадлари ва жамғармалари шаклланади ва улардан фойдала-

нилади. Молия тақсимлаш функциясини бажарар экан, ишлаб чиқариш жараёнига унинг узлуксизлигини таъминлашда хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, пул воситаларининг тўғри тақсимланиши корхона фаолиятини яхшилашда етакчи рол ўйнайди. Молиянинг ишлаб чиқариш жараёнини миқдорий акс эттириш хусусияти уни назорат қилиш имконини беради. Назорат функцияси икки хил усулда қуйидагилар орқали амалга оширилади:

- бухгалтерия, статистик ва оператив ҳисоботлардаги молиявий кўрсаткичлар;
- молиявий таъсир.

Лекин, корхоналар иқтисодийетини марказлашган ҳолда бошқариш даврида корхоналарда маҳсулот чиқариш, фойда, таннарх ва бошқа кўрсаткичлар бўйича қатъий чегаралар ўрнатилган эди, ҳозирда эса таъсир иқтисодий омиллар (солиқлар, имтиёзлар ва ҳ.к.) ёрдамида амалга оширилмоқда.

Корхона молиясини ташкил этиш асосида қуйидаги принциплар ётади:

- молиявий-хужалик фаолияти соҳасида мустақиллик;
- уз - узини молиялаштириш;
- иш натижасидан манфаатдорлик;
- молиявий ресурсларни ташкил этиш;
- воситаларни ўзиники ва бошқаларникига ажратиш;
- бюджет ва давлат нобюджет жамғармалари олдида уз мажбуриятларини биринчи навбатда бажариш;
- корхона фаолияти устидан молиявий назорат.

Молиявий муомалалар таркибида корхона пул муомалаларининг қуйидаги гуруҳлари ажратилади:

Контрагентлар билан - бирламчи даромадлар шаклланиши бўйича ички хужалик аҳамиятига эга бўлган мақсадли жамғармаларни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш (устав капитали, ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси, мукофотлаш фондлари ва б.);

Корхоналар билан - маблағларни тақсимлаш бўйича: бунда молиявий ресурсларнинг ҳаракати ножамғарма шаклида амалга оширилади (шартнома мажбуриятлари бузилганда жарима тулаш ёки уни олиш, турли хил туловлар тулаш, узаро ҳамкорлик фао-

лиятидан олинган фойдани тақсимлашда қатнашиш, бошқа корхона ва давлат қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш, улар бўйича дивидендлар олиш ва бошқалар);

Маҳсулот истеъмолчилари билан муносабатларда корхона мустақил равишда шартнома тури ва шаклини танлайди, ўз маҳсулоти ва хизматларига баҳолар белгилайди. Санаб ўтилган омиллар якуний молиявий натижага таъсир кўрсатади;

Сугурта ташкилотлари билан - турли мажбурий ва ихтиёрий сугурта бўйича;

Банк тизими билан - ҳисоб-касса хизмати бўйича, ссуда олиш ва уни қоплаш, фоизлар тўлаш, шунингдек, ортиқча пул маблағларини банкларга аниқ бир тўловлар эвазига фойдаланиш учун бериш бўйича;

Давлат билан - бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиш бўйича. Пул муомалаларининг бу тури бюджет ва нобюджет жамғармаларига тўловлар, турли солиқлар, бадаллар ўтказиш билан амалга ошади. Бошқа томондан, ноишлаб чиқариш соҳаси, мақсадли дастурлар ва бошқалар бюджет томонидан молиялаштирилади;

Юқори бошқарув тузилмалари билан - молиявий ресурсларнинг ички тармоқ тақсимоли бўйича «вертикал» ва «горизонтал» узаро алоқаси.

Пул муомаласининг бу гуруҳлари умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектларда пул даромадлари ва жамғармаларининг шаклланиши ва тақсимланишини ҳамда уларнинг молия ва банк тизимлари олдида, жорий, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий таъминот ва ишчиларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилган мажбуриятларини бажариш борасида сарфланишини кўзда тутган корхона молиясини ташкил этади.

Молиявий механизм молиявий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш ва режалаштиришнинг амалга оширилишига хизмат қилувчи 5 элементдан иборат бўлиб, уларга молиявий услублар, молиявий дастаклар, ҳуқуқий, меъёрий ва ахборот таъминоти киради.

Молиявий усуллар, бу - молиявий муносабатларнинг хўжалик жараёнига таъсиридир. Улар 2 йўналишда таъсир қилади: молиявий ресурслар ҳаракатини бошқариш йўли орқали ва харажат - натижа, молиявий ресурслардан самарали фойда-

ланиш учун жавобгарлик билан боғлиқ булган бозор муносабатлари иули орқали. Бозор муносабатларига курсатиладиган таъсир ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида молия функциясининг тижорат ҳисоби билан узвий боғлиқлиги, яъни харажатлар ва молиявий натижаларнинг пул шаклида улчаниши билан характерланади. Умумий куринишда тижорат ҳисобидан фойдаланишдан мақсад энг кам харажатлар билан энг юқори фойда олишдир.

Молиявий усулларнинг таъсири пул фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланишда акс этади.

Молиявий дастак бу молиявий усулларни ҳаракатга келтириш усулидир.

Ҳуқуқий таъминлаш - бу молиявий механизм функциясининг қонунлар, қарорлар, буйруқлар ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида олиб борилишини таъминлашдир. Меъёрий таъминлаш буйруқномалар, меъёрий ҳужжатлар, тариф ставкалари, услубий қўлланмалар, тушунтиришлар ва бошқалардан иборат.

Молиявий механизм функциясини *ахборот билан таъминлаш* - бу турли иқтисодий, тижорат, молиявий ва бошқа ахборотлардир. Молиявий ахборотга ҳамкорлар ва рақобатчиларнинг туловга қодирлиги ва молиявий барқарорлиги ҳақида, баҳолар, дивидендлар, товар, фонд, валюта бозорларидаги фоизлар ва нархлар, биржа ва бошқа бозорлардаги аҳвол, хужалик субъектлари ва бошқалар туғрисидаги маълумотлар киради. Ахборотга эга булиш бозорлардаги шароитни аниқлашга ёрдам беради. Турли хил ахборотлар (таъминотчилар, харидорлар ва б. туғрисидаги маълумотлар) интеллектуал мулк (ноу-хау) куринишларидан бири булиб, устав капиталига ҳисса сифатида киритилиши мумкин.

8.2. КОРХОНАНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИ

Молиявий ресурслар корхона ихтиёридаги пул маблағлари булиб, улар жории харажатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хизмат қилади, молиявий мажбуриятларни бажариш ва ишчиларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлигини таъминлаш учун ишлатилади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш бир қатор манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Мулкчилик ҳуқуқи асосида молиявий ресурслар манбаи иккита йирик гуруҳга ажратилади, буларга: хусусий ва бегона пул воситаларидир. Уларни янада аниқроқ тоифалаш ҳам мумкин, яъни: хусусий ва унга тенглаштирилган маблағлар; молиявий бозордаги ресурслар; қайта тақсимлаш тартибидаги пул қиримлари.

Молиявий ресурслар корхона ташкил топаётган вақтда, яъни устав капитали ташкил этилганда (ҳиссадорлик ва қўйилма капитал) шаклланади. Устав капитали - бу таъсисчилар капитали ҳисобига ҳосил қилинган корхона мулкидир. Амалдаги қонунларга асосан, устав капиталининг энг кам ўлчамлари белгилаб қўйилади.

Молиявий ресурслар биринчи галда асосий ва ёрдамчи фаолият натижасида олинган фойда, шунингдек, ишлаб чиқаришдан чиқарилган мулкни сотишдан тушган тушум, барқарор пассивлар, турли мақсадли тушумлар, меҳнат жамоаси аъзоларининг бадал туловлари ва ҳиссаларидан таркиб топади. Барқарор пассивларга устав, резерв ва бошқа капиталлар; узоқ муддатли қарзлар; корхона айланмасида доимий мавжуд бўлган кредиторлик қарзлари (тулов муддатларининг ўзгариб туришидан келиб чиқадиган иш ҳақи бўйича қарзлар, бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар бўйича қарзлар, бюджетдан қарзлар, харидорлар ва таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар) киради.

Янги ташкил этилаётган ёки қайта тикланаётган корхоналарнинг молиявий ресурслари молия бозорида акция сотиш, корхона томонидан чиқарилаётган қимматбаҳо қоғозларни сотиш орқали шаклланади. Корхоналар ўзлари қарайдиган ассоциациялар, концернлардан молиявий ресурслар олишлари мумкин; тармоқ структуралари сақлаб қолинган ҳолларда юқори ташкилотлардан, давлат бошқарув органларидан бюджет субсидиялари кўринишида, суғурта ташкилотлардан ҳам молиявий ёрдам олишлари мумкин.

Молиявий ресурслардан фойдаланиш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

● ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот сотиш жорий харажатлари (хизматлар ва ишлар);

- ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни техник жиҳатдан янгилаш, номоддий активлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни молиялаш;
- молиявий ресурсларни қимматбаҳо қоғозларга инвестициялаш;
- молия, банк тизимларига қўйилмалар, бюджетдан ташқари фондларга туловлар;
- турли хил пул жамғармаларини ва резервларини ташкил этиш;
- ҳомийлик ва меҳр - шафқат мақсадлари ва ҳ.к. ларга йўналтириш.

8.3. КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИ

Корхона ўз фаолияти давомида асосий фондлар ва айланма воситаларни кенгайтириш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда сотиш, ўз меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш учун моддий ва молиявий харажатлар қилади.

Корхона харажатларининг энг кўп қисмини маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ташкил этади. Ишлаб чиқариш харажатлари йиғиндиси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушаётганлигини кўрсатади, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини беради. Корхоналар шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун харажат қиладилар, яъни ишлаб чиқаришдан ташқари, тижорат харажатларини ҳам амалга оширадилар (жўнатиш, жойлаш, сақлаш, реклама ва б.).

Ишлаб чиқариш таннархи ва тижорат харажатлари маҳсулотнинг тулиқ ва тижорат таннархини ташкил этади. Уни корхонада ҳаққоний белгилаш қуйидагилар учун зарурдир:

маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ва улар асосида энг кам харажат қилган ҳолда янги маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни бошлаш;

харажатлар айрим моддаларининг маҳсулот (иш, хизмат) таннархига таъсирини аниқлаш;

нарх - навони ташкил этиш;

ишнинг молиявий натижасини тўғри аниқлаш.

Маҳсулот таннархи - бу маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида табиий ресурслар, хом ашё, материал, ёнилғи, энергия,

асосий фондлар, меҳнат ресурслари сарфидан, шунингдек, ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларидан иборат.

Маҳсулот таннархини ташкил этувчи харажатлар уларнинг иқтисодий таркибидан келиб чиқиб, қуйидагича гуруҳланади:

- моддий харажатлар;
- меҳнат (иш)ҳақи харажатлари;
- ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар;
- асосий фондлар амортизацияси;
- бошқа харажатлар.

Моддий харажатлар ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатларнинг энг кўп элементидир: унинг умумий харажатлардаги улуши 60-90% ни ташкил этади, фақат қазиб чиқарувчи тармоқлардагина унинг улуши унчалик катта эмас. Моддий харажатлар таркиби бир турда бўлмасдан, унга хом ашё ва материаллар сарфи ҳам киради.

Хом ашё ва материаллар қийматига комисион мукофотлар, брокерлик ва бошқа воситачилик хизматлари учун тўловлар ҳам киради. Ишлаб чиқариш жараёнида ишлатилган хом ашё ва материаллар қийматига қўшилган қиймат солиғисиз олинган маҳсулот таннархи қўшилади.

Лекин бу қондани инкор этувчи бошқа қоидалар ҳам мавжуд. Агар корхона маҳсулоти ҚҚСдан озод бўлса, унда тўланган ҚҚС суммасини тўланган солиқ суммасидан чиқариб бўлмайди. Бундай ҳолларда тўланган ҚҚС маҳсулот таннархига олиб борилади (натижада ҚҚС ни ишлаб чиқарувчи эмас, уни сотиб олувчи тўлайди).

Моддий харажатларга, шунингдек, қуйидагилар киради:

- технологик мақсадларда ишлатилган ёнилғи ва энергия;
- корхонада монтаж қилиш, йиғув, қўшимча ишлов бериш учун ишлатилган полуфабрикатлар ва буюмлар;
- идиш қутилар учун сарфланган харажатлар;
- машина ва жиҳозларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар;
- чет корхона ва ташкилотларнинг корхона асосий фаолиятига кирмайдиган ишлаб чиқариш хизматлари;
- арзон баҳоли ва тез ейилувчи меҳнат предметларининг эскириши, асбоблар, лаборатория жиҳозлари, махсус кийимларнинг эскириши;

- табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимлар: ер учун, сув учун туловлар ва б.;
- ишлаб чиқаришдаги ички сабабларга кўра бракка йул қўйилиши ва бекор туриб қолишлар туфайли йўқотишлар;
- табиий йўқотиш меъёридаги ва айбдор шахслар бўлмаган ҳоллардаги йўқотишлар.

Иш ҳақи тулаш харажатлари - бу асосий ишлаб чиқариш ишларига иш ҳақи харажати, шу жумладан нархлар ошиши билан боғлиқ туловлар. корхона штатида турмайдиган ишчиларга иш ҳақи тулаш харажатлари ва ҳ.к.

Харажатларнинг бу элементига қуйидагилар киради:

- таъриф ставкаси, окладлар ва бошқаларга асосланган ҳақиқий бажарилган иш учун иш ҳақи тулови;
- ишчиларга натура шаклида туланган маҳсулот қиймати;
- ишлаб чиқариш натижаси бўйича берилган қўшимча ҳақ ва мукофотлар;
- ишчиларга қонунларга асосан бепул берилган кийимлар, уй- жой коммунал хизматлари ва бошқалар.
- ҳар йилги навбатдаги ва ўқув таътиллари учун туловлар;
- корхона қайта ташкил этилиши, штатлар қисқариши ва бошқа сабаблар бўйича ишдан бўшаган ишчиларга туловлар.

Корхона маҳсулоти таннархига иш ҳақи билан бевосита боғлиқ бўлмаган туловлар кирмайди: моддий ёрдам ва ишчиларга совғалар, яшаш шароитларини яхшилаш учун ссудалар, дам олиш учун туловлар.

Ошхоналар, болалар муассасалари, уй - жой хўжаликлари ходимларининг иш ҳақлари таннархга киритилмайди, балки маҳсус манбалар ҳисобидан қопланади.

Ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар - бу бюджетдан ташқари ижтимоий фондларга (пенсия фонди, суғурта фонди, бандлик фонди, мажбурий тиббий суғурта фондларига) ажратмалардир.

Харажатларнинг навбатдаги йирик элементи - бу асосий *ишлаб чиқариш фондларининг эскириши* бўлиб, у амортизация ажратмалари суммасига тенгдир.

Таннарх таркибидаги *бошқа харажатлар* - бу солиқлар, йиғимлар, бюджетдан ташқари фондларга туловлар, корхона,

мулкини мажбурий сугурта қилиш, ихтирочилик учун мукофотлар, кредитлар бўйича туловлар, хизмат сафарлари туловлари, бошқа корхона ва ташкилотларга қуриқлаш ва ёнгина қарши кураш учун туловлар, кафолатли таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш учун, алоқа хизматлари учун, ҳисоблаш марказлари хизмати учун, банк хизматлари учун, асосий ишлаб чиқариш фондлари учун туловлар, номоддий активлар ва бошқалар учун туловлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатларига асосий ишлаб чиқариш фондларини ишчи ҳолатда тутиб туриш учун сарфланадиган барча турдаги харажатлар, капитал, жорий таъмирлаш, машина ва жиҳозларни сақлаш ҳамда ишлатиш учун сарфланадиган харажатлар киради. Энг муҳим таъмирлаш ишларини олиб боришнинг бир меъёрга бўлишига эришиш мақсадида маҳсулот таннархи ҳисобидан корхоналар таъмирлаш учун резерв фонди ташкил этишлари мумкин.

Бу ҳол бир неча йил мобайнида ўз жиҳозларини бир марта таъмирлайдиган ва таъмирловчилардан ташқари жами ишчиларга меҳнат таътили берадиган корхоналарга хосдир.

Айрим турдаги маҳсулотларнинг таннархини аниқлашда калькуляция бўйича маҳсулот бирлигига харажатлар гуруҳидан фойдаланилади, бу нархларни шакллантириш жараёнида зарурдир.

Гуруҳлаш сифатида калькуляциянинг қуйидаги туркумларидан фойдаланилади:

1. Хом ашё ва материаллар.
2. Сотиб олинadиган ярим фабрикатлар, корхона хизматлари.
3. Қайтарилadиган чиқитлар.
4. Технологик мақсадлардаги ёнилғи ва энергия.
5. Ишлаб чиқариш асосий ишчиларининг иш ҳақи.
6. Ишлаб чиқариш ишчиларининг қўшимча иш ҳақи.
7. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари.
8. Ижтимоий сугурта ажратмалари.
9. Муайян мақсадга йўналтирилган асбоб ва ускуналарнинг эскириши ва бошқа ижтимоий харажатлар.
10. Жиҳозларни сақлаш ва ишлатиш харажатлари.
11. Цех харажатлари.

12. Умум завод харажатлари.
13. Брак туфайли йўқотишлар.
14. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари.
15. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар.

Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг энг асосий шarti - бу маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини пасайтиришдир.

Маҳсулот таннархини камайтирадиган омиллар жумласига янги технологияларни қўллаш, хом - ашё, ёнилғи, электроэнергияни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тўхтаб қолиш ва брак туфайли йўқотишларнинг олдини олиш, маҳсулот сотиш харажатларини қисқартириш, бошқарув аппарати харажатларини тартибга солиш ва ҳ.к. лар киради. Маҳсулот таннархи ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўсиши натижасида юзага келадиган шартли доимий харажатларни қисқартириш ҳисобига ҳам камайиши мумкин.

Маблағлар ортиқча сарфланишининг олдини олиш учун корхоналар моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар нормативларидан фойдаланишлари мумкин, улар корхона томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши ҳам мумкин.

Жорий харажатларни бошқаришда ишлаб чиқариш харажатлари сметасининг бажарилишини назорат қилиш кўзда тутилади. Ишлаб чиқариш харажатлари сметаси - бу ички ҳужжат бўлиб, умумий харажатлар даражасини нафақат назорат қилади, балки улар ҳажмини бўлинмалар билан ҳам солиштириш имконини беради.

Харажатлар сметаси ишлаб чиқилишида маҳсулот бирлигининг таннархи аниқлаб олинади, улгуржи нарх ҳисоби учун база ҳосил қилинади, янги технологияларни қўллаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини камайтириш имконияти вужудга келтирилади, фойда олиш учун асос яратилади. Сметалар, шунингдек, корхонанинг айланма воситаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва олиниши мумкин бўлган фойданинг ўлчамлари учун ҳам қўлланилади.

Кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ўсиши кузатилмоқда. Бу харажатларнинг ўсишига хом - ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, жиҳозлар нархининг ўсиши, кредитдан фойдаланганлик учун фоизларнинг ўсиши,

транспорт хизматлари учун таърифларнинг, реклама харажатлари, ваколатчилик харажатларининг ўсиши сабаб бўлмоқда. Асосий фондлар амортизация ажратмалари суммаси ошмоқда, бу қайта баҳолаш ва индексация натижасида рўй берапти. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий ва табиий суғурта ажратмалари, пенсия фонди, аҳолини иш билан банд этиш учун ажрагмалар миқдори ортиб бормоқда.

8.4. МАҲСУЛОТ СОТИШ (ИШ БАЖАРИШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ)ДАН ТУШГАН ТУШУМ

Тайёр маҳсулотни сотиш, иш бажариш, хизмат курсатиш (реализация қилиш) корхона молиявий фаолиятининг натижасини аниқлаш имконини беради.

Сотиш ҳажмига маҳсулот қиймати (ҳисобот даврида харидор томонидан юкланмаган бўлса) ва ички завод айланмаси кирмайди.

Маҳсулот сотишдан тушган тушум - корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат ва бажарилган иш учун олинган пул маблағлари суммасидир. Бу - корхона харажатларини қопловчи ва унинг даромадини ташкил этувчи бош манбадир.

Асосий маҳсулотни сотишдан тушган тушумдан ташқари корхонада бошқа савдо-сотиқдан тушган тушум ҳам бўлиши мумкин (муомаладан чиқарилган асосий фондлар, материаллар ва ҳ.к.) ва носавдо операциялардан ҳам тушум бўлиши мумкин (мулкни ижарага бериш, узаро ҳамкорлик, қимматбаҳо қоғозлар операциясидан келган даромад ва б.).

Тушумнинг келиб тушиши жараёнининг муҳим элементи - бу маблағнинг ўз вақтида тушишидир. Сотишдан тушган тушум ҳажмига чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, унинг тури, сифати, нарх даражаси, ҳисобланиш шакли ва б.лар. таъсир кўрсатади.

Халқаро стандартлар бўйича даромад ва харажатлар жамғарилиб боради, яъни пулнинг келиб тушиши ёки туловнинг амалга оширилиши бўйича эмас, балки унинг пайдо бўлиши бўйича ҳисобга олинади, яъни тушумни маҳсулотни сотишга жўнатиш бўйича аниқлаш усули қўлланилади. Счетлар бўйича туловни амалга ошириб бориш мобайнидаги молиявий натижа-

лар ва реализация кўрсаткичлари ҳисобга олишнинг асосий принципи - пул тушуми ҳажми билан маҳсулотни тайёрлаш харажатлари ўртасидаги таққословни бузади.

Маҳсулот (иш, хизматлар) реализациясидан тушган тушум ҳажмига таъсир этувчи жараён нархларни шакллантириш жараёнидир. Пировард натижада товар баҳоси бозор орқали аниқланади: унга талаб ва таклиф муносабатлари катта таъсир кўрсатади. Лекин калькуляция сотиш баҳоси шаклланишининг муҳим қисми ҳисобланади. Агар калькуляция усули билан ҳисобланган нархлар бозор нархидан юқори бўлса, у ҳолда таннархни камайтириш ёки бу турдаги товарни ишлаб чиқаришдан воз кечиш лозим.

Ҳар бир товарнинг 2 хил баҳоси олдиндан ҳисобланади: сотиш баҳоси, яъни тайёрловчига ишлаб чиқаришнинг нормал шароитини яратиб берувчи баҳо ва минимал баҳо, корхона харажатларини минимал фойда шароитида қоплайдиган баҳо. Йирик буюртмалар бўлганда ёки ишлаб чиқарувчиларнинг харидорлар билан алоқалари мустаҳкам бўлганда, харидорлар калькуляция билан танишиш ҳуқуқига эгалар. Ишлаб чиқарувчи калькуляцияни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, харидорлар товар сотиб олишдан (агар унинг нархи ошириб кўрсатилгандек туюлса) воз кечишлари мумкин.

Калькуляция усули билан бир қаторда нархлар шаклланишининг бошқа усуллари дастлабки буюм чиқаришда қўлланилиши мумкин: параметрик, бу усул нархидан қатъи назар маҳсулот кўрсаткичларига асосланади (қуввати, юк кўтариш, тез ҳаракат қилиш ва б.); статистик усул - бу усул ўхшаш буюмлар баҳоларини таҳлил қилишга асосланган. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам нарх ишлаб чиқарувчининг харажатларини қоплаши керак, шунинг учун калькуляциядан фойдаланиш зарур.

Айрим ҳолларда йирик, қимматбаҳо буюмлар нархини лойиҳалаш йирик консалтинг фирмаларга топширилади, уларнинг ҳаққонийлигига икки томон (тайёрловчи ва буюртмачи) ҳам ишонч ҳосил қилган бўлиши лозим. Бундай ишни, мисол учун, Американинг «Rond corporation» фирмаси бажаради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти Х.Жамоловнинг кичик корхоналар молиясини ўрганиш борасида олиб борган изланишлари диққатга сазовордир. Унинг ёзишича,

иқтисодиётнинг маъмурий усуллар ёрдамида бошқаришдан воз кечиш ва ривожланишнинг бозор муносабатлари асосларига кириб бориш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида турли мулк шакллари заминида кичик бизнес корхоналари вужудга келди.

1996 йилда республикада Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан Давлат дастурига мувофиқ қатор тадбирлар амалга оширилди: жами 34452 янги хусусий ва кичик корхона ташкил этилди ва рўйхатдан ўтди. Булардан 25015 таси хусусий корхона, 6254 таси кичик корхона ва 3183 таси деҳқон - фермер хўжаликларидир. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш мақсадида мулк давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган жами 1582, 7 миллион сўм маблағ Ўзбекистон Республикаси «Бизнес фонди»га ўтказилди.

1996 йилда «Бизнес фонд» томонидан 1958 та инвестицион лойиҳа бўйича умумий қиймати 2,49 миллиард сўм миқдоридан имтиёзли кредитлар берилди. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлашнинг бозор инфратузилмалари тизимини яратиш мақсадида жойларда 232 та ҳудудий бўлимлар ва 54457 тадан ортиқ аъзоси бўлган республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилди.

Бироқ кичик бизнес корхоналарининг раҳбарлари ўз жамоалари тараққиётида ҳали бозор иқтисодиёти хусусиятларининг, кучли бозор рақобати шароитида яшовчанлик сирларини, менежмент, маркетинг, молиявий фаолият соҳаларидаги билимларни ўзлаштириб олганлар, деб бўлмайди. Кўпчилик кичик корхоналар ўтиш даврига хос иқтисодий ҳолатда фаолият юртишнинг молиявий дастакларига эга эмаслар. Кичик бизнес тараққиётининг муҳим шартларидан бири фаолиятда молиявий менежмент асосларидан кенг фойдаланиш, унинг илғор йўналиш ва воситаларидан амалда етарлича самара олишдан иборатдир.

Молиявий менежмент асосларини такомиллаштиришнинг муҳим воситаларидан бири - корхона молиясини молиявий сметалар ёрдамида бошқаришдир.

Молиявий смета - корхонанинг келгуси даврдаги ресурс имкониятлари ва бажарилиши лозим бўлган операцияларини

қиёсловчи молиявий тушунчалар орқали эришилган тулиқ режасидир, у корхона фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олади. Шунинг учун молиявий смета бўлинмалар ёки айрим соҳаларнинг эмас, балки бутун корхонанинг режасидир. Бироқ, амалиётда бўлим молиявий сметаси, реклама учун молиявий смета каби тушунчалар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда бўлим молиявий сметасини ва реклама учун молиявий сметани корхона учун умумий молия сметасининг таркибий қисмлари деб қараш лозим. Умумий режа кўпинча корхонанинг асосий молия сметаси деб ҳам аталади, чунки бу режа бир - бирини тўлдирувчи қисмлардан иборат бўлади.

Молиявий сметанинг асосий вазифаси - олинадиган даромад ва келгусида қилинадиган харажатларни корхонанинг маълум даврдаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда оптимал нисбатларда миқдорий ифодалашдир.

Келгусида олинадиган даромадлар ва қилиниши лозим бўлган харажатлари ҳақидаги маълумотлар тула ёритилиши керак. Корхона даромадлари алоҳида маҳсулот турлари ёки кўрсатиладиган хизмат турлари билан боғланган бўлиши, корхона харажатлари эса мазкур даромадлар олинишини таъминловчи товар ва хизматлар билан мутаносиб бўлиши зарур. Бундан ташқари, корхона учун оператив режалар бажарилишини таъминловчи ресурс имкониятларини ҳам олдиндан режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Молиявий ресурсларни режалаштириш асосан кичик корхона нисбий фаолиятини таъминловчи турли хилдаги активлар (нақд пул, моддий ишлаб чиқариш запаслари, корхона мулки ва ҳ.к.)ни режалаштиришни ва бу активларни таъминловчи молиявий манбаларни режалаштиришни ўз ичига олади.

Таъкидлаш лозимки, кичик корхона молиявий сметаси корхона раҳбариятининг бош мақсади бўлган узоқ муддатли капитал фойда олишни таъминловчи бошқариш воситасидир. Бошқа воситалар каби молиявий сметалар тегишли харажатларни талаб этади. Тулиқ ва мукамал тузилган молиявий сметалар қўшимча олинадиган фойда ёки тежалиши мумкин бўлган маблағлар миқдорининг тахминан ҳақиқатга яқинлиги нуқтаи назаридан асосланган бўлиши лозим.

Молиявий смета тегишли мазмунга эга бўлиши учун бюджет даври деб аталадиган маълум вақт билан аниқ белгиланиши керак. Корхонанинг барча фаолият соҳаларини ўзида қамраб олган тулиқ молиявий смета нисбатан қисқа муддатга, одатда бир йилга тузилади. Барча қисмлари бўйича аниқлаштирилган мазкур молиявий смета кутилаётган барча даромадлар ва харажатларни, ҳар бир даврда туланиши лозим бўлган туловлар ва бошқа молиявий операцияларни ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим. Ҳозирги кунда кичик корхоналарда молиявий сметаларни тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш билан шуғулланувчи махсус хизмат амал қилмаяпти. Ходимлар чекланганлиги шароитида бу вазифаларни молиявий менежер ёки бош ҳисобчи бажариши мақсадга мувофиқдир.

Бу соҳада халқаро тажриба тасдиқлаган маълум андозалар мавжуд бўлиб, мазкур жараёнда уларни тўғри тушуниб етиш ва уларга асосланиш ҳар қандай корхонага муваффақият келтиради. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- молиявий смета шундай тайёрланиши ва фойдаланилиши лозимки, натижада кичик корхона ўзининг асосий мақсадларига эришсин, корхонанинг бюджет сметаси, аввало, алоҳида бўлинмалар ва соҳалар бўйича масъул ходимларга ўзларининг аниқ мақсадларига эришиш имконини бериши лозим. Бунинг учун молиявий сметани шундай тузиш керакки, алоҳида бўлинмалар орқали бутун корхона умумий мақсадларининг амалга ошиши таъминлансин;

- молиявий смета кичик корхонанинг барча соҳаларини ва умумий вазифаларини мантиқан ҳамда самарали мувофиқлаштириши лозим, чунки бир соҳанинг фаолияти ва вазифалари бошқа бўлинмалар билан бевосита ёки билвосита боғланган. Шунинг учун молиявий сметани тузишда иштирок этувчи масъул ходим барча соҳалар ва уларнинг вазифаларини ҳисобга олиши муҳимдир;

- молиявий смета, улардан фойдаланувчилар учун тушунарли, асосланган ва вазифалар атрофлича аниқ белгиланган бўлиши керак. Молиявий менежер ва бошқа тегишли ходимлар масалага жиддий ёндашишлари, мавжуд имкониятларни тўғри баҳолай билишлари, камчиликларни ўз вақтида бартараф эта олишлари муҳимдирки, акс ҳолда бу соҳадаги уринишлар сал-

бий оқибатларга олиб келиши шубҳасиз. Молиявий смета назоратнинг самарали воситаси ҳисобланса ва стратегик режалаштиришнинг асоси бўлса, уни ҳисобот даври ҳамда келгуси давр нуқтаи назаридан муттасил кузатиб бориш, имкониятларни қайта баҳолаш орқали тегишли оператив ўзгаришлар киритиб бориш лозим. Молиявий сметанинг таҳлилини даврий ҳисоботларни тайёрлаш ҳамда ҳақиқатда бажарилган режаларни ва келгуси давр режаларини қайта баҳолаш учун молиявий смета тузиш юзасидан махсус комиссия йиғилишини ўтказиб амалга ошириш зарур. (Қаралсин: Иқтисод ва ҳисобот, 1997 йил, 9 - сон).

8.5. Фойда

Корхоналар ўз маҳсулотларини истеъмолчиларга сотади ва бунинг учун пул маблағлари оладилар. Лекин бу ҳам ҳали фойда олишни билдирмайди. Молиявий натижага эга бўлиш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатлар, яъни таннарх билан солиштириб кўриш керак. Агар тушум таннархдан кўп бўлса, корхона фойдага эга бўлади; агар тушум таннархга тенг бўлса, у ҳолда корхона фақатгина қилган харажатларини қоплаган бўлади ва фойда бўлмайди, агар харажатлар тушумдан кўп бўлса, у ҳолда корхона зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эга бўлади, бу корхонани қийин молиявий аҳволга солиб қўяди ва инқирозга учратиши ҳам мумкин.

Фойда ялпи даромад олиш билан боғлиқ бўлган корхона молиявий ресурсларининг асосий манбасидир. Корхонанинг ялпи даромади моддий харажатлар чиқариб ташлангандан сўнг иш ҳақи ва фойдани ўз ичига олган маҳсулот сотишдан тушган тушумдир. Таннарх, ялпи даромад ва корхона фойдаси ўртасидаги ўзаро алоқа 8.1-расмда кўрсатилган.


Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан олинган молиявий натижа, бошқа операциялардан олинган даромадлар, асосий фонд ва корхонанинг бошқа мулкларини сотишдан тушган тушумларнинг йиғиндисидан келиб чиқади.

	Ялпи даромад		
Моддий харажатлар	Меҳнатга ҳақ тулаш	Фойда	
Таннарх		Соф фойда	Даромад солиғи
Маҳсулот сотишдан тушум			

8.1-расм. Таннарх, ялпи даромад ва фойда ўртасидаги боғлиқлик.

Маҳсулот (иш, хизматларни реализация қилиш) сотиш орқали олинadиган фойда амалдаги нархларда (қўшимча қиймат солиғи ва акцизларсиз) сотувдан тушган тушум ҳамда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Экспорт фаолиятини юритаётган корхона даромадини ҳисоблашда маҳсулот сотишдан тушадиган тушумдан экспорт тарифи чиқариб ташланади (8.2-расм):




8.2-расм. Маҳсулот сотилишидан тушадиган тушум.

Асосий воситалар ва бошқа мулкни сотишдан корхона оладиган даромад - корхона ялпи даромадининг иккинчи ташкил этувчисидир (8.3-расм).

Ялпи даромаднинг учинчи ташкил этувчиси нореализация операцияларидан куриладиган даромаддан иборат бўлиб, уларга асосий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялар киради. Хусусан, мулкни ижарага беришдан, корхонага тегишли қимматли қоғозларнинг сотилишидан куриладиган фойда,


ҳамкорликда фаолият юритишдан олинадиган фойда, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромад ва бошқалар шулар жумласидандир.



8.3-расм. *Asosiy vositalarni sotishdan kuiriladigan daromad.*

Корхона ишининг самарадорлигини оширишда ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулот сотишни кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш резервларини аниқлаш муҳим ўрин тутди.

Даромад миқдорини ошириш резервларини аниқлаш йўлларига таъсир кўрсатувчи омиллар турли белгиларига қараб турли тоифаларга ажратилади. Ташқи омилларга табиий шароит, нархларнинг, тарифларнинг, солиқлар ва имтиёзларнинг, жарима санкцияларининг давлат томонидан бошқарилиши ва бошқалар киради. (8.4-расм). Бу омиллар корхона фаолиятига боғлиқ эмас, лекин даромад салмоғига муайян даражада таъсир кўрсатади.



8.4 расм. *Даромадга таъсир кўрсатувчи омилларнинг тоифаланиши.*

Ички омиллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва ишлаб чиқаришдан ташқари омилларга бўлинади. Ишлаб чиқариш омиллари меҳнат предметларининг мавжудлигини ва қўлланилишини, меҳнат ва молиявий ресурсларни характерлаб, ўз навбатида экстенсив ва интенсив бўлиши мумкин.

Экстенсив омиллар фойда олиш жараёнига миқдорий ўзгаришлар: меҳнат предметлари ва ҳажмлари, молиявий ресурслар, қурилмаларнинг ишлаш вақтлари, ходимлар сони, иш вақти фонди ва бошқалар орқали таъсир кўрсатади. Интенсив омиллар фойда олиш жараёнига сифат ўзгаришлари орқали: қурилмалар сифати ва иш унумдорлигининг ошиши, технологияларнинг мукамаллашуви, айланма воситалар айланиш суръатининг жадаллаштирилиши, меҳнат ва материал сифимининг камайиши, меҳнатни ташкил этишнинг такомиллашуви ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши орқали таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришдан ташқари омиллар жумласига, мисол учун, таъминот ва маҳсулот сотиш, табиатни муҳофаза қилиш, меҳнатнинг ижтимоий шарг - шароитлари ва бошқалар киради.

Молия-хўжалик фаолиятини юритишда юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ўзаро узвий боғлиқдир. Моддий ресурслар сарфининг маҳсулот таннархига, демак, олинадиган фойдага ҳам таъсири бевоситадир.

Чунки таннарх таркибидаги моддий харажатлар 60 фоиздан 90 фоизгача бўлиши мумкин.

8.6. СОЛИҚЛАРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ (ТАВСИФИ)

Солиқ - қонунлар асосида белгилаб қўйилган улчамлар ва муддатларда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга туловчилар томонидан туланадиган мажбурий туловлардир.

Турли солиқларнинг мажмуаси солиқ тизимини ташкил этади.

Турли мамлакатларда солиққа тортиш ва солиқ ставкалари турличадир.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида солиққа тортиш тизимининг энг мақбул самарали усулларини излаб топиш муҳим

аҳамиятга эга. Ривожланиш жараёнларининг кучайиб бораётганлиги, эски тузумдан фарқли ўлароқ, мулкчилик шакллари турли - туман бўлган корхона, ташкилотлар, хўжалик юритиш субъектларининг пайдо бўлаётганлиги солиқ тизимининг яна такомиллашувини, унинг самарали ишлашини тақозо этади.

Илгари солиқлар иккинчи даражали иқтисодий институт ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг хўжалик ишларидаги хулқига таъсир қиладиган кучли воситага айланди.

Шу муносабат билан республикада иқтисодий воситаларни, жумладан молия - солиқ тизимларини тубдан қайта қуриш зарурияти туғилди. Шу мақсадда 1991 - 1992 йиллар мобайнида молия - банк, бюджет тизимларини маҳаллийлаштириш ва халқ хўжалигидаги узаро муносабатларнинг иқтисодий шаклларига ўтиш учун бир қанча қатъий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Авваломбор, солиқ қонунчилиги ислоҳ қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Корхонанинг фойдаси белгиланган ставкалар бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланади ва бу пировард натижада корхонанинг бюджетлар ва муассасалар билан молиявий муносабатлар ўрнатишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва йиғимлар республика Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикасида солиқлар икки даражага бўлинган:

- умумдавлат солиқлари;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар кирadi:

- юридик шахслардан олинadиган даромад (фойда) солиғи;
- жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- қушилган қиймат солиғи;

- акциз солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- экология солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белги-ланган норматив бўйича тегишли бюджетлар уртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қўйидагилар кирди:

- мол - мулк солиғи;
- ер солиғи;
- реклама солиғи;
- автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ;
- савдо - сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари;

- юридик шахсларни, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;

- автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим;
- ободончилик ишлари учун йиғим;

Солиққа тортишда турли имтиёзлар амал қилади:

- айрим тоифа юридик шахсларни даромад (фойда) солиғидан озод қилиш;
- солиқ солинадиган даромаднинг камайтирилиши;
- жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромад-лари;
- қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш;
- мол - мулк солиғи бўйича имтиёзлар;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар ва ҳ.к.

Манбалари бўйича солиқлар қўйидаги гуруҳларга ажрати-лади.

1. Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига тааллуқли бўлган солиқлар:

- ер солиғи;
- транспорт солиғи;

- транспорт эгалари тўлайдиган солиқ;
 - автомобиль йўлларида фойдаланганлик учун солиқ;
2. *Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушумга тааллуқли бўлган солиқлар:*

- ҚҚС;
 - акцизлар;
 - экспорт таърифлари;
3. *Молиявий натижаларга тааллуқли солиқлар:*

- даромад (фойда) солиғи;
- корхона мулки солиғи;
- реклама солиғи;
- мақсадли йиғимлар;
- ободончилик ишлари бўйича солиқлар;
- турар жой ва ижтимоий соҳа объектларини сақлаш, таълим муассасаларининг эҳтиёжлари, автомобиль тўхташ жойлари учун йиғимлар.

4. *Корхона ихтиёрида қоладиган даромад ҳисобига қопланадиган солиқлар.* Буларга маҳаллий солиқларнинг бир қисми; автоматикаларни қайта сотиш бўйича солиқ; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим ва бошқалар киради.

8.7. КОРХОНА ДАРОМАДИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИЛИШИ

Даромад солиғи корхона томонидан туланадиган асосий солиқлардан бири ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромадига (фойдасига) энг юқори - 35 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади.

Корхонани даромад солиғига тортишда имтиёзлар тизими кузда тутилган, жумладан қуйидаги корхоналар даромад солиғидан бутунлай ёки муайян муддатга озод этилади:

- протез - ортопедия буюмлари, инвентарлари ишлаб чиқаришга, шунингдек ногиронларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар - асосий фаолият тури бўйича;


● ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этган юридик шахслар;

● чет эл инвестициялари иштирокида янги ташкил этилиб, экспортга йуналтирилган ва импортнинг урнини босадиган маҳсулотлар чиқарадиган корхоналар;

● устав фондида чет эл сармоясининг улуши эллик фоиз ва ундан кўпни ташкил этадиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари - ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга йуналтириладиган даромади буйича;

● Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига кiritилган лойиҳаларга капитал маблағлар сарфлайдиган чет эл инвестицияси иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари, руйхатдан ўтган вақтдан эътиборан дастлабки етти йил давомида ва ҳ.к.

Жамғарма фонди корхона даромади ҳисобига ташкил этилади ва асосий ишлаб чиқариш, шунингдек ноишлаб чиқариш фондларнинг сотиб олинишига ва қурилишига ҳамда қайтарилмайдиган характерга эга бўлмаган бошқа капитал қуйилмаларга сарфланади. Жамғарма фонди узоқ муддатли инвестицияларга йуналтирилади. Ҳисоб рақамининг баланс активига кирувчи сарфланган маблағлар урнига, уларга эквивалент бўлган ва бошқа муддатлар буйича активда акс эттирилган мулклар қиймати пайдо бўлади.



8.5 расм. Корхона даромадининг тақсимланиши.

Бундан ташқари жамғарма фонди ҳисобига қайтмас характерга эга булган сарф-харажатлар молиялаштирилади, жумладан:

- илмий - текшириш ишларини олиб бориш;
- табиий муҳитни сақлаш тадбирлари;
- солиққа тортиш учун таннархга киритилган нарсалардан ортиқ харажатлар (малака ошириш, хизмат сафари, кредит фоизлари ва ҳ.к.)
- қимматли қоғозлар чиқариш харажатлари;
- бошқа корхоналар ташкил этиш учун бадалларга;
- фойдани яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) учун жарима санкциялари.

Истеъмол фонди ижтимоий эҳтиёжларга ва ишловчиларни моддий рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга сарфланади: ишлаб чиқариш билан боғлиқ булмаган мукофотлар (узоқ йил ишлаганлиги ва б. учун) бериш, моддий ёрдам кўрсатиш; даволаниш учун йўлланмалар бериш; дивидендлар тулаш ва ҳ.к.

Истеъмол фондлари буйича харажатлар қайтмас характерга эга. Резерв фонди табиий офатлар, фавқулодда ҳодисалар, баланс йўқотишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида ишлатилади.

8.8. МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Ҳозирги шароитда корхоналар молиявий режалаштириш орқали солиқлар тулангандан кейин уз ихтиёрида қоладиган фойдани ишлатиш йўналишларини белгилаб олади.

Молиявий режалаштиришдан кузланган мақсад молиявий ресурсларнинг, капитал ва резервларнинг кутиладиган ҳажмларини молиявий курсаткичлар катталикларини прогнозлаш асосида аниқлашдан иборат. Молиявий режалаштиришнинг муҳим жиҳати унинг стратегияси, яъни ҳужалик субъектларининг даромад (фойда) ва харажатлар марказларини аниқлашдир. Ҳужалик субъектларининг даромад маркази - унга максимал фойда келтирувчи булинмаси ҳисобланади. Харажатлар марказига ҳужалик субъектларининг кам рентабелли ёки умуман нотижорат булган, лекин умумий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим роль

уйновчи булинмалар ҳам киради. Масалан, Ғарб давлатларидаги куплаб фирмалар «саксонга йигирма» қондасига риоя қиладилар, яъни 20% капитал сарфи 80% даромад келтириши шарт. Демак, қолган 80% капитал қуйилма фақат 20% фойда келтиради.

Корхоналарда молиявий режалар 5 йилга, бир йилга ёки чорак учун тузилади. Шунга мос ҳолда режалар истиқболли (стратегик, шу жумладан 5 йиллик), жорий ва оператив бўлади. Истиқболли молиявий режа ривожланган ишлаб чиқаришнинг суръати ва нисбати каби муҳим курсаткиларини белгилайди. Беш йиллик режа - корхонани ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш шаклини, инвестиция стратегиясини ва кузда тутилган жамғармани белгилайди. Истиқболли молиявий режа, одатда, корхонанинг тижорат сири ҳисобланади.

Жорий молиявий режа корхонанинг даромад ва харажатларининг йиллик балансини, пул маблағлари фондларининг ташкил этилиши ва сарфланиши сметаларини; ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришга йуналтирилган маблағлар фондларини (жамғарма фондлари); ижтимоий эҳтиёжларга йуналтирилган маблағлар фондларини; резерв ва бошқа фондларни ўзида мужассамлаштиради.

Оператив молиявий режалаштириш тўлов календарларини тузиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, яъни корхонанинг пул айланмасини ўзида акс эттирувчи батафсил молиявий ҳужжатларни ўзида жамлайди.

Чораклик тўлов календарлар ўзаро таққосланиб, корхона фаолиятидаги муаммолар ва тенденциялар аниқланади. Таҳлил натижаларига қараб, навбатдаги жорий молиявий режа ишлаб чиқилади.

Бунга қуйидаги мисолни келтирамыз:

**Корхонанинг молиявий режаси
(даромадлар ва харажатлар баланси)**

№	Курсаткичлар номи	Сумма, пул бирлигида
Даромадлар ва маблағ кирими		
1	Маҳсулот, товар, иш ва хизмат реализациясидан олин- диган даромадлар	38600
2	Моддий заҳиралар ва номоддий активларни қўшган ҳолда бошқа активларнинг сотилишидан тушган фойда	2300
3	Бошқа асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ва сотилишидан тушган фойда	7800
4	Бошқа корхоналардаги шериклик фаолиятидан фойда	2400
5	Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлардан тушадиган фойда	800
6	Аукционларда валюта сотиш (харид қилиш) дан, валюта курслари фарқидан олинadиган фойда	600
7	Амортизация ажратмалари	9420
8	Банкнинг узоқ муддатли ссудалари	2700
9	Лизинг буйича мулк қийматидан ортиқ булган ижара тўлови	300
10	Айланма маблағлар ўсишига ссудалар	1480
11	Бошқа даромадлар ва маблағлар кирими	500
	Жами даромадлар ва киримлар	71400

Харажатлар ва маблағлар ажратмалари

1	Корхонанинг даромад солиғи	16100
2	Корхонанинг мулк солиғи	4000
3	Акционерлар дивидендлари	8600
4	Капитал қўйилмалар (узоқ муддатли инвестициялар)	10800
5	Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар	1300
6	Узоқ муддатли ссудаларни тўлаш ва улар устидан фоизлар	870
7	Айланма маблағларнинг ўсиши	3900
8	Айланма маблағлар ўсишидан олинган ссудаларнинг тўланиши	200
9	Товарлар нархининг пасайтирилиши	180
10	Умидсиз қарзларни қоплаш резерви	150
11	Жамғарма фондларига ажратмалар	8720
12	Илмий тадқиқот ва тажриба ишлари фондларига ажратмалар	5470
13	Ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилувчи маблағлар фондига ажратмалар	1800
14	Моддий ёрдам фондига ажратма	450
15	Сўғурта (резерв)	3800
16	Бошқа харажатлар ва ажратмалар	5000
	Жами харажат ва чиқимлар	71400

Корхонанинг молиявий режасига текширув жадвали тузилади. Бизнинг мисолимизда, корхона даромади йил учун 51900 пул бирлиги миқдорида режалаштирилади (1-5 бандлар йигиндиси). Унинг асосий қисмини маҳсулот, товар сотиш, иш бажариш, хизмат курсатишдан тушган фойда (74, 3%) ташкил қилади. Даромаднинг бир қисми (15%) асосий воситаларнинг сотилиши орқали олинади. Корхона қўшма корхонанинг таъсисчиси булгани боисидан, тушум режаси буйича 4,6% ни ташкил этувчи, устав капиталидаги шериклик ҳиссасидан фойда куради. Номоддий активларнинг сотилиши эвазига умумий даромаднинг 4,4%и миқдорида фойда куриш режалаштирилган. Даромаднинг қолган 2,7%и акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳисобига олиниши кузда тутилади. Аукционда валюта сотишдан олинadиган даромад миқдори куп эмас. Асосий фондлар амортизациясига ажратмалар молиявий режа даромад қисмининг бир мунча салмоқли улушини ташкил этади.

Корхона капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун, фойдаланиш режими буйича молиявий ресурсларга тенглаштирилган узоқ муддатли кредитлар жалб этилишини режалаштиришга интилади. Умумий киримдаги унинг ҳиссаси 4% ни ташкил этади. Шунингдек, асосий воситаларни ортиқча қиймати буйича узоқ муддатли молиявий ижарага бериш орқали олинadиган, корхона балансига киритилувчи ижара ҳақи ҳам молиялаштирилади. Корхона солиқ тулангунга қадар қопланадиган айланма маблағ усишига ссудаларни жалб этади. Шунингдек корхона умумий даромадининг 7%ини ташкил этувчи бошқа даромадлар ва киримларни ҳам режалаштиради.

Молиявий режанинг харажат қисми молиявий ресурслар ва уларга тенглаштирилган маблағларни тақсимлайди. Корхона даромадига ва мулкига солинган солиқ жами 38,7% ни ташкил этади.

Фойданинг бу қисми бюджетга утказилиб, корхона ихтиёрига 31800 пул бирлиги миқдорида соф фойда келади. Бошқа активларнинг, шу жумладан, моддий заҳиралар ва номоддий активларнинг сотилишидан олинadиган даромад, асосий воситаларнинг сотилишидан олинadиган даромадлар ҳам солиққа тортилади. Маҳсулот сотишдан олинadиган даромад ставкаси бир мунча паст булади. Бунинг сабаби шундаки, корхона айрим им-

тиёзларга эга бўлиб, бунинг эвазига солиққа тортиш базаси ка-
маяди. Чет корхоналарда шериклик фаолиятини юритишдан
ҳамда акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлардан
олинган даромадлар 15% ли ставка бўйича солиққа тортилади.
Корхона томонидан чет эл валютасида олинган фойда валюта-
нинг ҳисоб рақамига тушган кундаги курсларида солиққа торти-
лади. Бизнинг мисолда солиқ ставкаси 32%га тенг. Мулк со-
лиққа тортиш базасининг 1% лик ставкаси бўйича тортилади.
Қўрилатган корхона мисолида мулк қиймати 400000 пул бирли-
гига тенг.

Корхона акционерларига 8600 пул бирлигида ёки соф
фойданинг 27%и миқдориди дивиденд тулашни режалаштирган.
Корхона узоқ муддатли инвестицияларга ва бунинг учун зарур
пул фондларини яратишга эътиборни кучайтирмоқда. Бу шуни
англатадики, инвесторлар даромадни асосан дивидендлар
ҳисобига эмас, балки корхона устав капиталининг ўсиши нати-
жасида курс фарқлари ҳисобига олади. Капитал қўйилма 10800
пул бирлиги миқдориди режалаштирилган.

Корхона давлат ва акционерлик жамиятларининг қимматли
қоғозларини сотиб олиш йўли билан узоқ муддатли молиявий
қўйилмаларни режалаштиради. Маҳсулот сотиш, банк ссудалари
ва барқарор пасивлар ўсишининг молиявий манбаи
ҳисобланмиш айланма маблағларнинг ўсишига катта эътибор
қаратилади.

Корхона даромад ҳисобидан қўйидаги фондларга маблағ
ажратишни режалаштиради: ишлаб чиқаришни ривожлантириш
ва такомиллаштириш; илмий тадқиқот ва тажриба - конструктор-
лик ишларини амалга ошириш; ижтимоий эҳтиёжларга
йўналтирилувчи маблағлар; моддий ёрдам.

Корхона умидсиз қарзларни қоплаш ва сугурта (резерв)
фондларини ташкил қилади.

Корхона ривожланишининг мақбул суръатларини танлаб
олиш - бозор иқтисодиёти шароитида молиявий таҳлил ва режа-
лаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ғарб мамлакатлари амалиёти қисқа муддат ичида ҳаддан
зиёд катта ўсиш суръатини танлаш ҳам мақсадга мувофиқ эмас-
лигини тасдиқламоқда.

Шу боисдан суръат танлашда барқарор ўсиш коэффициентини танлаш муҳимдир (Р.О.Охунов, Г.Ч.Федяшева, Бозор, пул ва кредит, 1998 йил, апрель).

Барқарор ўсиш коэффициенти	=	Сотишдан тушган маблаг	x	Соф фойда	x	Активлар умумий суммаси
		Активлар умумий суммаси		Сотишдан тушган фойда		Қарз мажбуриятлари умумий суммаси
x		Қарз мажбуриятлари умумий суммаси	x	(соф фойдадаги дивиденд фондининг 1 улуши)		
		Устав капитали				

Ушбу моделда биринчи ва иккинчи омиллар (активлар самараси ва маҳсулот рентабеллиги) - ишлаб чиқариш фаолиятини, учинчи ва тўртинчи омиллар (молиявий барқарорлик) - молиявий фаолиятни, бешинчи омил (дивиденд фондининг улуши) - дивиденд сиёсатини курсатади.

IX БОБ

КАДРЛАР ВА МЕҲНАТ МОТИВАЦИЯСИ

9.1. КОРХОНАНИНГ КАДРЛАР ПОТЕНЦИАЛИ

Кадрлар ёки корхонанинг меҳнат ресурслари - корхона рўйхатида турувчи ва фаолият кўрсатувчи турли касб гуруҳларига кирувчи ишловчилар мажмуасидир. Корхона рўйхатига ишга қабул қилинган барча ишловчилар киритилади.

Меҳнат ресурслари (кадрлар) ҳар бир корхонанинг асосий ресурсларини ташкил қилиб, улардан қай даражада унумли ва сифатли фойдаланилишига қараб корхонанинг ишлаб чиқариш натижалари ва рақобатбардошлиги белгиланади.

Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришнинг моддий буюм элементларини ҳаракатга келтиради, маҳсулот яратади, фойда кўринишида қўшимча маҳсулот ва қиймат ҳосил қилади.

Бошқа кўринишдаги ресурслардан фарқли ўлароқ ҳар бир ёлланма ишчи унга таклиф этилган шартлардан воз кечиши, меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб этиши, бошқа касбларга қайта тайёрланиши ва қолаверса, ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб кетиши мумкин.

Касаба уюшмаларига бирлашган меҳнат ресурслари меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлаш борасида корхона маъмурияти билан музокара олиб борувчи субъект сифатида намоён бўлади, шунингдек жамоа шартномаларини тузади.

Корхонанинг кадрлар таркиби ва унинг узгариши миқдор, сифат характерига эга бўлади ва қуйидаги нисбий кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

- корхонада муайян давр ичидаги ходимларнинг ўртача рўйхат сони;
- корхонадаги умумий ходимларга нисбатан айрим бўлинмаларда ишловчиларнинг солиштира миқдори;
- маълум давр ичида корхона ходимлари сонининг ўсиш суръати;
- корхона ишчиларининг ўртача разряди;

- корхонада ишловчиларнинг умумий сонига нисбатан олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлганларнинг солиштирма миқдори;

- корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг ўз ихтисослари бўйича ўртача иш стажига;

- ишловчиларнинг ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш бўйича қўнимсизлиги ва бошқалар;

Меҳнат ресурсларининг миқдор характеристикалари биринчи навбатда ишловчиларнинг рўйхат сони, ўртача рўйхат сони ва ишга қатнашиши сони каби кўрсаткичлар билан ўлчанади.

Корхона ишчиларининг рўйхат сони белгиланган кундаги, ишга олинган ва бўшатирилганлигини ҳисобга олган ҳолдаги рўйхат сонини англатади.

Ишга қатнашиш сони эса умумий рўйхатдаги ишловчиларнинг ишга келишлари сонини билдиради. Рўйхат сони билан ишга қатнашганлар сони ўртасидаги фарқ таътилар, касаллик, хизмат сафари ва бошқа сабабларга кўра ишга келмаганлар сонини ифодалайди.

Меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, оборот коэффициенти, ходимлар қўнимсизлиги ва бошқа бир қатор кўрсаткичларни ҳисоблаш учун ходимларнинг ўртача рўйхат сонидан фойдаланилади.

Ўртача рўйхат сонини аниқлаш учун ойнинг ҳар бир календарь куни (шу жумладан байрам ва дам олиш кунлари ҳисобга олинади) учун ишловчиларнинг рўйхат сони жамланиб, бир ойдаги календарь кунлар сонига тақсимланади. Чорак (йил) учун ходимларнинг ўртача рўйхати сонини топишда чорак (йил) ойларида ишлаган ишчиларнинг рўйхати сони жамланиб, ҳосил қилинган йиғинди 3 га (12 га) тақсимланади.

Ходимларнинг ўртача рўйхат сони тўғри ҳисобланишини таъминлаш учун рўйхатдаги ходимларнинг кундалик ҳисобини қилиб бориш зарур бўлади, бунда ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш бўйича буйруқлар ҳисобга олинади.

Ишловчиларнинг сонидан ташқари корхона ходимларининг миқдор характеристикалари меҳнат ресурслари фондлари орқали (одам - кун ёки одам - соатларда) берилиши мумкин бўлиб, бу кўрсаткич ўртача рўйхат сони ($Ч_{сн}$)ни иш даврининг

уртача давомийлиги (кун ёки соатларда) (T_{PB})га кўпайтириш орқали аниқланади:

$$\Phi_{PT} = \chi_{СП} \times T_{PB}$$

Корхона меҳнат ресурсларининг сифат характеристикалари ходимларнинг касб малакаси ва тоифасининг корхонада бажариладиган ишга мос келиши даражасини англатади.

Корхонада ишловчилар иш фаолиятлари бўйича бир неча гуруҳга ва тоифага бўлинади.

Корхона балансида турувчи савдо, умумий овқатланиш, турар жой хужалиги, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари, ўқув муассасалари ва курсларининг, шунингдек мактабгача тарбия ва маданият муассасаларининг ходимлари корхонанинг ношлаб чиқариш ходимларини ташкил қилади.

Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, яъни асосий ишлаб чиқариш фаолиятида банд бўлганлар ишлаб чиқариш ходимларини ташкил қилади. Уларга корхона балансидаги асосий, ёрдамчи ва хизмат курсатувчи цехларнинг ишчилари; илмий текшириш, конструкторлик, технологик ташкилот ва лабораторияларда ишловчи ходимлар; барча бўлимлар ва хизматлар билан биргаликда завод бошқаруви, шунингдек ўз корхонасидаги қурилмалар ва транспорт воситаларини капитал ва жорий таъмирловчи ходимлар киради.

Саноат ишлаб чиқариши ходимлари 2 та асосий гуруҳга - ишчилар ва хизматчиларга бўлинади.

Ишчиларга бевосита моддий қийматликларни яратувчилар, асосий воситаларни таъмирловчилар, юк ташувчилар, моддий хизмат курсатувчилар киради.

Ўз навбатида ишчилар ҳам асосий ва ёрдамчи ишчиларга бўлинади.

Раҳбарлар, мутахассислар хизматчилар гуруҳига киритилади.

Корхона ходимларининг у ёки бу гуруҳга ажратилиши ишчилар касби, лавозимлар ва хизматларнинг тариф разрядлари бўйича классификатлари билан белгиланади.

Раҳбарлар жумласига корхонадаги ва унинг бўлималаридаги барча мансаб лавозимларини эгаллаб турган ходим-

лар ва уларнинг ўринбосарлари киритилади, хусусан - директорлар, бошлиқлар, бошқарувчилар, бош мутахассислар (бош ҳисобчи, бош муҳандис, бош механик, бош технолог, бош иқтисодчи ва бошқа).

Мутахассислар жумласига техник - муҳандислик, иқтисодиёт, бухгалтерия, ҳуқуқий ва бошқа йўналишлар бўйича фаолият юритувчи ходимлар киритилади.

Хужжатларни тайёрловчи ва расмийлаштирувчи, ҳисоб юритувчи, хўжалик хизматини ва иш юритишни ташкил этувчилар (агентлар, ғазначилар, назоратчилар, иш юритувчилар, чизмачилар ва бошқалар) ҳам хизматчилар тоифасига киритилади.

9.2. МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

Корxonанинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги орқали характерланиб, у вақт бирлиги мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат орқали аниқланади. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат унумдорлиги музокаралар олиб бориш ва корхона маъмурияти билан унинг меҳнат жамоаси ўртасида жамоа шартномаси доирасида шартномалар тузиш объекти сифатида намоён бўлади.

Меҳнат унумдорлигининг асосий кўрсаткичи корхона миқёсида ишлаб чиқариш (B) ва маҳсулотнинг меҳнат сифими (T_p) бўлиб, қуйидаги формулалар билан ҳисобланади:

$$B = g / \text{Ч}_{\text{сн}}$$

$$T_p = T / g$$

бу ерда, g - натура ёки шартли натура ўлчов бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки бажарилган иш миқдори;

$\text{Ч}_{\text{сн}}$ - ишловчиларнинг ўртача рўйхат сони, одам;

T - ҳамма маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт, меъёр - соат (норма-соат).

Маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичи меҳнат унумдорлигининг энг кенг тарқалган универсал курсаткичи ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг улчов бирлиги (g)га боғлиқ ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилиши 3 усулда аниқланади, буларга: натура, қиймат ва меъёрлаштирилган иш вақти киради.

Натура кўринишида маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичи меҳнат унумдорлигини яхлитроқ акс эттиради. Агар корхона бир неча турдош маҳсулотлар ишлаб чиқарса, маҳсулот ишлаб чиқариш шартли натура бирликларда акс эттирилади.

Газ, кумир, нефть, электроэнергетика, ўрмон ва бошқа шу сингари саноат тармоқларида, тўқимачилик, цемент, металлургия ва шу каби бошқа саноат тармоқларида шартли натура бирликлари қўлланилади.

Турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларда меҳнат унумдорлигини натура ва шартли натура кўринишида ифодалашнинг иложи йўқ. Шу боисдан бундай корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичи қиймат кўринишида ифодаланади.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни қиймат кўринишида ифодалашда, қўлланилиш соҳасига боғлиқ ҳолда ялпи, товар, сотиладиган ва соф маҳсулот курсаткичлари сифатида олинади.

Бригадалар, участкалар ва цехлардаги иш жойларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни улчашда, агар уларни натура ва шартли натура кўринишида ифодалашнинг иложи бўлмаса, ишлаб чиқариш курсаткичи меъёр-соатларда белгиланади.

Маҳсулотнинг меҳнат сифими ишлаб чиқарилаётган барча номенклатурадаги маҳсулотлар ва хизматлар бўйича натура кўринишидаги маҳсулот бирлиги учун сарфланадиган иш вақтини билдиради.

Меҳнат сифими курсаткичи маҳсулот ишлаб чиқариш курсаткичидан бир мунча афзалликларга эга. Биринчидан, меҳнат сифими курсаткичидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигининг унинг ўсиши ва резерви омиллари билан боғлианишига имкон беради; иккинчидан, у ишлаб чиқариш ҳажми билан меҳнат харажатлари ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни акс эттиради; учинчидан, корхонанинг турли цехларида ишлаб чиқарилаётган бир хил маҳсулотга қилинаётган меҳнат сарфини таққослаш имконини беради.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғимига киритилувчи харажатлар таркибига боғлиқ ҳолда, меҳнат сиғими технологик, ишлаб чиқариш ва тула меҳнат сиғими, шунингдек ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш меҳнат сиғими, ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнат сиғимига ажратилади.

Технологик меҳнат сиғими асосий - ишбай ва вақтбай ишловчилар меҳнат сарфларини акс эттиради.

Ишлаб чиқариш меҳнат сиғими асосий ва ёрдамчи ишчилар меҳнати сарфини уз ичига олади.

Тула меҳнат сиғими корхонанинг барча тоифаларида ишловчилар меҳнатининг сарфини билдиради.

Ёрдамчи ишчиларнинг меҳнат сарфи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат сиғимини, хизматчилар меҳнат сарфи эса ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнат сиғимини англатади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг ва ишловчилар сонининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи барча омиллар меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Корхоналар ишлаб чиқариши ўзгаришининг омиллари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш техник даражасининг ўзгариши;
- бошқарув, ишлаб чиқариш ташкил этилишининг ўзгариши;
- ишлаб чиқариш таркиби ва ҳажмининг ўзгариши;
- бошқа омиллар.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш резервлари деганда, меҳнат ресурсларининг иқтисод қилинган, фойдаланилмаган қисми тушунилади. Ички ишлаб чиқариш резервлари қурилмалар ва иш кучларининг такомиллашуви ва самарали ишлатилиши билан, шунингдек, иш вақти сарфини камайтириш, хом ашё, материаллар, капитал ва бошқа ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш орқали асосланади.

«Омил» ва «Резерв» ибораларининг фарқи шундаки, омил деганда у ёки бу воқеликни амалга ошириш имкониятининг сабаблари тушунилади, резерв эса - муайян ҳолда фойдаланилмай қолган имкониятдир.

9.3. КАДРЛАР (ХОДИМЛАР) БОШҚАРУВИ

Ходимлар бошқаруви корхонанинг меҳнат ресурслари ва уларнинг ички муносабатлари билан боғлиқ менежментнинг бир қисми ҳисобланади.

Ходимлар бошқарувининг асосий мақсади қуйидагилардир:

- корхонанинг ходимларга бўлган талабини қондириш;
- ходимларни лавозимлар бўйича касб маҳоратларига қараб жой - жойларига қўйиш;
- корхонанинг меҳнат потенциалидан самарали фойдаланилишини йўлга қўйиш.

Ходимлар бошқаруви кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритишдан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи кучларни режалаштириш, ёллаш ва жойлаштириш;
- ишловчиларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш;
- мансабларини кўтариш;
- ишга ёллаш, меҳнат ва унга ҳақ тулаш шартлари;
- расмий ва норасмий алоқаларни, жамоа аъзолари ўртасида ижобий муносабатларни йўлга қўйиш.

Ходимлар билан ишлаш барча раҳбарлар, шунингдек айрим функционал бўлимлар, мутахассислар ва менежерлар, жумладан: ходимлар бўлими, меҳнат ва иш ҳақи бўлими; техник ўқитиш бўлими, ходимларни бошқариш бўлими, меҳнатни илмий ташкил этиш лабораторияси, ходимлар бўйича бошқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Корхонанинг меҳнат ресурслари соҳасидаги кадрлар сиёсати ва унинг мақсади фирманинг умумий мақсадларига мос келиши лозим. Уларни амалга ошириш тадбирлари меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш кучларини бўшатиш чораларини ўз ичига олади. Меҳнат сарфларини қисқартириш бўйича тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат сигимининг камайтирилиши билан боғлиқ. Бу тадбирларнинг самарадорлигини ҳисоблаш меъёр-соатларда, айрим тадбирларнинг самарадорлиги бевосита ходимлар сонининг қисқартирилиши билан ўлчанади.

Режалаштирилган даврда ишловчилар сони қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Ч_{\text{нн}} = Ч_6 \times I_{\text{д}} + Э,$$

бу ерда $Ч_{пл}$ - ишловчиларнинг режалаштирилган ўртача рўйхат сони, одам;

$Ч_6$ - ишловчиларнинг базис давридаги ўртача рўйхат сони, одам.

I_d - режалаштирилган даврда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариш индекси;

Э - ишчиларнинг бошланғич умумий ўзгариши (камайиши - «-», ортиши - «+»).

Корхонанинг ишчи кучига бўлган талабини ўрганишнинг бу усули ишлаб чиқариш дастури бир текис ўзгариб борувчи барқарор ишловчи корхоналар учун мақбул ҳисобланади. Бу усул янги ташкил этилган корхоналар ва объектлар учун тўғри келмайди. Бундай корхоналар учун аниқ ва асосланган усул ишловчиларнинг режадаги сонини тўғридан-тўғри (бевосита) аниқлаш усулидир.

Ишчи ходимларга бўлган талабни аниқлаш усулларида энг кенг тарқалгани қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнат сифими бўйича;
- ишлаб чиқариш меъёрлари бўйича;
- машина ва агрегатларга хизмат курсатиш ва технологик жараёнларни назорат қилиш учун зарур бўлган иш жойлари бўйича.

Ишчилар сонини режалаштиришда ишчиларнинг ишга чиққан ва ўртача рўйхат таркиби аниқланади. Бир сменада ишга чиққан ишчилар сони ($Ч_{яв}$) - маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича сменада кўзда тутилган ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун зарур бўлган ишчиларнинг норматив сонидир.

$$Ч_{яв} = \frac{T_p}{T_{см} \times D_p \times S \times K_{\text{вн}}}$$

бу ерда T_p - ишлаб чиқариш дастурининг меҳнат сифими, меъёр-соат;

$T_{см}$ - иш сменасининг давомийлиги ёки бир ишчига тўғри келадиган иш вақтининг смена фонди;

S - бир суткадаги ишчи сменалар сони;

D_p - режалаштирилган даврда корхонанинг ишчи суткалари сони;

K_{vn} - меъёр бажарилишининг режалаштирилган коэффициенти.

Талаб этиладиган ишчиларнинг ўртача рўйхат сонини ҳисоблаш учун иккита асосий усулдан фойдаланилади: ўртача рўйхат сони коэффициенти бўйича ва ишга чиқмасликнинг режалаштирилган фоизи бўйича:

$$C_{cs} = C_{яс} \times K_{cs}$$

бу ерда, K_{cs} - ўртача рўйхат сони коэффициенти.

$$K_{cs} = \frac{Fn}{t}$$

бу ерда, F_n - иш вақтининг номинал фонди (календарь иш кунлари сони);

t - бир ишчининг ҳақиқатдаги иш вақти фонди (режалаштирилувчи иш куни сони).

Хизматчилар сони ўртача тармоқ кўрсаткичлари орқали, агар улар бўлмаса, корхонада ишлаб чиқилган нормативлар бўйича аниқланади.

Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони йириклаштирилган хизмат кўрсатиш меъёрлари бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Масалан, фаррошлар сони бинолар майдонининг квадрат метрлари миқдори билан белгиланади.

Раҳбарлар сонини бошқарув меъёрлари бўйича белгилаш мумкин.

Ходимлар обороти - бу муайян даражадаги ишчиларнинг ўртача рўйхат сонига нисбатан ишдан бўшаб кетган (ишдан бўшаш обороти) ва янги ишга қабул қилинган (қабул обороти) ишчилар сонидир.

Ходимлар қўнимсизлиги - ўз хоҳиши билан ишдан бўшаганлар сонини ишловчилар ўртача рўйхати сонига нисбатининг фоизларда ифодаланишини билдиради.

Ходимлар қўнимсизлиги муайян харажатлар қилинишига таъсир кўрсатади, жумладан:

- ишдан бўшаётганлар учун қилинадиган тўғридан-тўғри харажатлар;

- ишчиларнинг алмашуви натижасида ишлаб чиқаришнинг пасайиши билан боғлиқ сарфлар;

- ишчиларни тайёрлаш ва бўшатиш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши;
- ишда қолган ходимларнинг ортиқча ишлаганликлари учун ҳақ туланади;
- уқитиш харажатлари;
- янги ишчи иш урганиши даврида яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши фоизининг ўсиши.

Шунинг учун корхона томонидан ходимлар қўнимсизлигини камайтириш мақсадида иш олиб борилиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига бевосита таъсир курсатади. Шу босидан ҳам ишдан бўшашни кузлаётганлар билан иш олиб бориш, ходимлар қўнимсизлигини камайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш ходимлар билан ишлашнинг (менежментнинг) энг муҳим элементларидан ҳисобланади.

Ишдан бўшаётганлар билан ишлашда уларни ишдан бўшашлари сабабларини урганиб чиқиш лозим бўлади. Бозор шароитида ишдан бўшатиш ўз хоҳишига кўра ва маъмурият ташаббуси билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддасига асосан қуйидаги ҳолларда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин:

I. Тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

II. Тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

III. Муддатнинг тугаши билан;

IV. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда;

V. Меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Ўз ихтиёри билан ишдан бўшаётганлар одатда иш шароитлари, характеридан, иш ҳақидан қониқмаганликларини билдирадилар. Хизмат лавозимининг кутарилишига имконият чекланганлигини таъкидлайдилар. Ишдан бўшаганлар корхонага молиявий зарар келтиришлари билан бирга унинг меҳнат бозоридаги мавқеини ҳам тушириш хавфини туғдирадилар.

Маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатиш сабабларига кўпроқ ишловчилар малакасининг пастлиги, лаёқатсизлиги, жамoa аъзолари билан келиша олмаслиги, интизомсизлиги, штатларнинг қисқартирилиши ва бошқалар киради.

Ишчи кучи оборотининг ва ходимлар қўнимсизлигининг юқори даражада бўлиши ишлаб чиқариш - хўжалик юритиш фаолиятининг хусусиятлари билан ёки корхонада ходимлар сиёсати нотўғри юритилаётганлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ходимлар қўнимсизлигини камайтириш мақсадида қуйидаги тадбирлар кўзда тутилмоғи керак:

- меҳнат шароитларини ва меҳнатга ҳақ тулашни яхшилаш;
- ишчилар қобилиятидан тулиқ фойдалана олишга эришиш;
- коммуникацияларни ва ўқитишни такомиллаштириш;
- ижтимоий имтиёзлар борасида самарали сиёсат юритиш;
- ходимлар сиёсатини ва иш ҳақини доимий таҳлил қилиб, тузатишлар киритиб бориш ва бошқалар.

Иш жойлари тақчиллигининг вақти ва жойларининг аниқланиши, меҳнат бозорида ишчи кучига булган талаб истиқболининг белгиланиши, биринчи навбатда, у ёки бу ҳудудий меҳнат бозорларидаги муайян мутахассисликлар бўйича меҳнат ресурсларини режалаштириш ва истиқболни белгилаш билан боғлиқдир. Бу борада ишчи кучининг касб малакаси қанчалик юқори бўлса, бозордаги корхоналар уртасидаги рақобат шунчалик юқори бўлади.

Ишчиларни ёллаш янги ташкил этилган корхоналар, уларнинг ички бўлинмаларини ходимлар билан бутлаш учун, шунингдек фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши туфайли ёки муайян сабабларга кўра бўшаб кетганлар ўрнини тўлдириш лозим бўлган ҳолларда амалга оширилади.

Юқори малакали ходимни ишга ёллаш кўп ҳолларда қиммат баҳоланувчи вазифа ҳисобланади.

Ишчиларни ёллаш ишига оқилона ёндашиш ишни баён қилиш, таҳлил этиш, иш бажарувчига қўйиладиган талабларни изоҳлаш билан ифодаланади.

Ишни баён қилиш, одатда, қуйидагилардан иборат:

ишнинг номи ва мазмуни;

мазкур иш бўйича масъулият даражаси;

тайёргарлик даражаси ва жисмоний талаб;

ўзаро ижтимоий муносабатлар (якка ҳолдаги иш ёки жамоат иши):

бандлик шартлари (ҳаракатда бўлиш имкониятлари, нормал иш вақти, ортиқча ишнинг регламентлаштирилиши).

Ишни баён этиш базасида ишга олинувчиларга қўйиладиган талаблар аниқланади, хусусан маълумоти, жисмоний имкониятлари, ёши, иш тажрибаси, қобилияти ва мазкур ишни бажариш лаёқати, қизиқишлари, ташаббуси ва ҳаракатчанлиги, бўш ўринларни тўлдириш ички (корхонанинг ўзида кадрларни силжитиш) ва ташқи (меҳнат қилиш ёшидаги мамлакат аҳолиси) манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Ходимлар бўлимнинг меҳнат биржалари, иш билан таъминлаш марказлари, мактаблар, коллежлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Реклама ва эълонлар тарқатиш ишга ёллашнинг энг самарали усули эканлиги тажрибадан маълум. Барча номзодлардан маъқулини танлаб олишда анкеталаштириш, тест синовларини ўтказиш, суҳбатлашиш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Ишчилар малакасини ошириш, уларнинг қобилиятидан яна тўлароқ фойдаланиш мақсадида улар ўқитилади, қайта тайёрланади. Ишлаб чиқариш корхонасининг ходимлари ўртасида янги қурилмалар ўрнатилиши ва технологиялар машғулотлари татбиқ этилиши муносабати билан мунтазам равишда ўқув машғулотлари ўтказиб турилади.

Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш зарурлигининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- малакали ишчиларнинг етишмаслиги;
- энг муҳим ишлаб чиқариш ресурси сифатида ишчи кучи нархининг ортиб бориши;
- харажатларнинг камайтирилишини ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилишини талаб этувчи рақобат;
- янги билимларни ўзлаштириш ва ишчиларни қайта тайёрлашни талаб этувчи технологик ўзгаришлар;
- янги ишлаб чиқариш жараёнларининг вужудга келиши;
- бошқарувнинг янги усулларини ва корхона ички бўлинмалари фаолиятининг мувофиқлаштирилишини талаб этувчи ишлаб чиқаришнинг йириклашуви;
- янги, бир мунча юқори мансабни эгаллашга тайёргарлик куриши;

- ишчилар потенциалнинг ўсиши;
- ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмининг ортиши;
- корхонанинг ўз ишчилари олдидаги ижтимоий жавобгарлиги.

Корхонада ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишловчилар гуруҳи ва тоифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Одатда ходимларни тайёрлашнинг учта асосий кўриниши ажратилади: янги ишчиларни (аввал касби бўлмаган) тайёрлаш; ишчиларни иккинчи касбга қайта тайёрлаш ва ўқитиш; малака ошириш.

9.4. МЕҲНАТ МОТИВАЦИЯСИ

Иқтисодий фаолият натижалари мавжуд ресурсларга ва кўп жихатдан одамларнинг ишга бўлган муносабатлари, мотивация усуллари ва шакллари билан аниқланувчи ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Мотивация (мотив - сабаб) назарияси адабиётларда турлича талқин этилади. Мотивация - шахсий, гуруҳлар ва жамоа мақсадларига эришиш учун инсонга кўрсатилган таъсирдир.

Меҳнат мотивацияси - менежментнинг энг асосий функцияларидан бири ҳисобланади. У ишчининг ёки ишчилар гуруҳининг эҳтиёжларини қондириш орқали корхона мақсадларига эришишда, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришда намоён бўлади.

Мотивациянинг асосий дастаги - рағбатлантириш ва мотивлардир. Рағбатлантириш деганда, одатда, муайян шаклдаги моддий тақдирланиш, масалан, иш ҳақи тушунилади. Рағбатлантиришдан фарқли ўлароқ мотив - ишчининг меҳнатга иштиёқини, хоҳишини, интилишини англатади.

Замонавий мотивация назарияси маълум даражада психологик изланишлар натижаларига асосланади ҳамда биринчи навбатда одамлар эҳтиёжларининг таркибига ва мазмунига йўналтирилади.

Эҳтиёжлар одамларни ҳаракат қилишга ундовчи у ёки бу нарсанинг йўқлигидан келиб чиқади ҳамда бирламчи (туғма) ва иккиламчи (ҳаёт тажрибаси мобайнида вужудга келувчи) эҳтиёжларга бўлинади.

Хорижий мамлакатларнинг аксариятида А.Маслоунинг «эҳтиёжларнинг тоифаланиши» назарияси кенг тарқалгандир. Мазкур назарияга кўра эҳтиёжлар қуйидагича тоифаланади:

- ўзини намоён этиш эҳтиёжи;
- ҳурмат ва эътибор эҳтиёжи;
- ижтимоий эҳтиёж;
- хавфсизлик эҳтиёжи;
- физиологик эҳтиёж.

Ўзини намоён этиш эҳтиёжи - ишга нисбатан ўзининг ижодкорлик қобилиятларини тўлиқ намоён этишга бўлган эҳтиёждир.

Ҳурмат ва эътиборга бўлган эҳтиёжга ўзини ва атрофдагиларни ҳурмат қилиш, обрў-эътибор ва шуҳратга бўлган эҳтиёжлар киради.

Ижтимоий эҳтиёж - бирон бир гуруҳга аъзо бўлишга, бу гуруҳ аъзолари билан уртоқларча муносабат ўрнатишга бўлган эҳтиёждир.

Хавфсизлик эҳтиёжи - ҳимоя ва тартибга бўлган эҳтиёждир.

Физиологик эҳтиёж - овқатланиш, уй-жой, кийим-кечак ва бошқаларга бўлган эҳтиёждан иборат.

А.Маслоу назариясига асосан келтирилган беш қуринишдаги эҳтиёжлар қисман бўлса-да қондирилмас экан, юқори даражадаги эҳтиёжларнинг қондирилиши кишининг хулқини белгилай олмайди.

Эҳтиёжларнинг бу босқичлари турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин.

Шунингдек, эҳтиёжларнинг етарли даражада тарқалган бошқа тоифалари ҳам мавжуд (масалан, уларни моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратиш мумкин).

Корхона ходимларини рағбатлантиришнинг (мотивация) асосий шакллари қуйидагилар киради:

1. Ишчи корхона фаолиятига қўшаётган ҳисса баҳоланишини характерловчи - иш ҳақи (абсолют миқдори ва бошқа ходимлар иш ҳақига нисбатан таққосланиши).

Иш ҳақи ишчининг малакаси ва шахсий қобилияти, меҳнатда эришган ютуқлари билан белгиланиб, ўз ичига турли устама туловлар ва мукофотларни олади. Шунингдек, иш ҳақига корхонанинг акция капитали фойдасида иштирок этиш туфайли олинадиган даромад ҳам қўшилади.

2. Корхона ишчилари учун яратилган ички имтиёзлар тизими:
- имтиёзли овқатланиш, корхона ичида ўрнатилган чанқов босди ичимликлар сотиш автоматлари;
 - корхона маҳсулотларининг ўз ходимларига имтиёзли нархларда сотилиши;
 - ишга келиш ва кетишда йўл ҳақининг қисман ёки тўлиқ тўланиши;
 - ўз ходимларига кам фоизли ёки фоизсиз ссудалар берилиши;
 - фирма транспортдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
 - белгиланганидан ортиқ даражадаги касаллик ва рақалари бўйича ҳақ тўлаш, корхона ҳисобига ишчиларни сугурта қилиш;
 - самарали мукофотлаш, корхонадаги иш стажи учун қўшимча ҳақ тўлаш ва бошқалар.

3. Номоддий (иқтисодий бўлмаган) имтиёзлар:

- сирпанувчи, эгилувчан графиклар бўйича ишлаш ҳуқуқини бериш;
 - ишда эришган муваффақиятлари учун ишчига пул тўланувчи узайтирилган таътиллар, отгуллар бериш;
 - муддатидан олдинроқ нафақага чиқариш ва бошқалар.
4. Меҳнат мазмунини бойитувчи, ишчини мустақил ишлашга ва малакасини оширишга рағбатлантирувчи, унинг масъулият ҳиссини кучайтирувчи тадбирлар.

Ишчиларнинг корхона бошқарувиغا жалб этилиши ҳам уларнинг мавқеини кўтаради, чунки бу билан ишчиларнинг корхонадан ва унинг раҳбарларидан узоқлашувига чек қўйилади.

5. Мақбул ижтимоий муҳитнинг яратилиши:

- айрим гуруҳдаги ишчилар орасидаги, улар билан бошқарув маъмурияти ходимлари ўртасидаги маъмурий, психологик тўсиқларнинг олиб ташланиши, жамоа ўртасида узаро ишонч ва бир-бирини тушунишнинг ўсиши;
- ишловчиларнинг маънавий тақдирланиши.

6. Ходимларнинг мансаб поғоналаридан кўтарилиши, уларнинг келажагини режалаштириш, ўқитиш ва малакасини ошириш.

Мазкур тадбирлар меҳнат потенциалидан унумли фойдаланишга ва унинг бозордаги рақобатга чидамлилигини оширишга имкон яратади.

9.5. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

Иш ҳақи ишчиларни тақдирлаш шаклидир ва у корхона ишчиларини рағбатлантиришнинг муҳим кўриниши ҳисобланади.

Ғарбнинг саноати ривожланган давлатларида, одатда, «иш ҳақи» ва «маош» тушунчалари киритилган. Иш ҳақи деганда жисмоний иш бажарувчилар меҳнатини, «маош» деганда ақлий иш бажарувчилар меҳнатини рағбатлантириш тушунилади. Ҳар иккала ибора ижтимоий шарт-шароитларнинг кенгайиши билан яқинлашиб борса-да, бир-биридан фарқланади: иш ҳақи нисбатан қисқа муддат билан (1 кун, 1 соат) чекланса ва унинг даражаси касаба уюшмаси билан иш берувчи ўртасидаги келишув асосида белгиланса, маош узоқ муддат (1 ой, 1 йил)га асосланиб, унинг миқдори яқкама-яқка ҳолда келишилади.

Меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, пенсиялар, пул тўланадиган таътиллар, корхона транспортдан фойдаланиш ва бошқа қўшимча имтиёзлар, шунингдек фирма даромадига шериклик ва бошқалар ҳам рағбатлантиришга киради.

Корхонадаги иш ҳақининг умумий даражаси қуйидаги асосий омилларга боғлиқдир:

- корхонанинг хўжалик юритиш натижаларига, фойда олиш даражасига;
- корхонанинг ходимлар билан ишлаш сиёсатига;
- ҳудуддаги, вилоятдаги муайян мутахассисликка эга бўлган ишчилар ўртасидаги ишсизлар даражасига;
- касаба уюшмалари, рақобатчилар ва ҳукумат таъсирига;
- корхонанинг жамият билан муносабатлар соҳасида олиб бораётган сиёсатига ва бошқалар.

Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашнинг рационал ташкил этилиши, ишчилар фаолиятини рағбатлантиради, меҳнат бозорида рақобатга чидамликни, маҳсулотнинг сердаромадлигини ва рентабелликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг аксариятида меҳнатга ҳақ тўлаш қуйидаги принципларга асосланади:

- иш сифати ва миқдорига қараб ҳақ тўлаш;

ишчининг малакасига, иш шароитига, корхонанинг қайси тармоққа тааллуқли эканлигига боғлиқ ҳолда иш ҳақини дифференциялаш;

реал иш ҳақини мунтазам ошириб бориш, яъни номинал иш ҳақи миқдори ўсиш суръатининг инфляциядан олдинда бориши;

меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатининг ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатидан олдинда бориши.

Бевосита корхонанинг ўзида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ташкил этилиши қуйидаги асосий элементлардан иборат:

- иш ҳақи фондининг шаклланиши;
- меҳнатни нормалаштириш;
- тариф системасини белгилаш;
- иш ҳақи тизими ва шаклини белгилаш.

Иш ҳақи фонди молиявий маблағ манбаи бўлиб, иш ҳақи бериш ва ижтимоий характердаги тўловларни тўлашга сарфланади.

Меҳнатни нормалаштириш иш сифатини ва ишчининг корхона фаолиятининг умумий натижаларига қўшаётган ҳиссаси ҳисобга олинишига имкон яратади.

Тариф тизими орқали меҳнатнинг мураккаблигини ва бажарилиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда турли меҳнат кўринишлари ўлчанади. Тариф тизими қуйидаги асосий элементлардан иборат:

тариф сеткалари - корхона тааллуқли бўлган тармоқ ва иш разрядларини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашни дифференциялашни белгилайди;

тариф ставкалари - вақт бирлиги (кун, соат) ичида бажарилган оддий ишга (I-нчи разрядли) тўланадиган иш ҳақининг абсолют ўлчамини белгилайди;

иш ҳақининг ҳудудий коэффициентлари - табиий иқлим шароитларида (ҳудудларда) ҳаёт кечириш фарқларини компенсациялайди;

Тариф ставкаларига қўшимча тўловлар ва қўшимча ишни олиб борганлик, хизмат ҳудудининг кенгайиши, ишдан кейинги вақтларда ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунлари, иккинчи ва учинчи сменаларда ишлаганлик учун устама тўловлар ва бошқалар кирради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари иш ҳақи миқдори билан меҳнат сифати ва миқдори ўртасидаги боғлиқликни белгилайди ва корхонада ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши шартлари, меҳнат натижаларига боғлиқ ҳолда ҳақ тўлаш тартибини ўрнатади.

Аксарият корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ходимларга корхонада ҳақиқатда, белгилаб қўйилган вақт ичида ишлаганига кура оклад бўйича ёки белгиланган тариф ставкаси бўйича ҳақ тўланади. Бу шаклда ҳақ тўлаш механизми ишчиларнинг ўз маънасини оширишини рағбатлантиради ва меҳнат интизомини мустаҳкамлайди.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли, одатда қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, аввало, машиналар ва аппаратларнинг иш унумдорлигига боғлиқ бўлиши сабабли, ишчи бевосита унга таъсир кўрсата олмаган ҳолларда;
- ишбай иш ҳақи тўлаш учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор кўрсаткичлари бўлмаганда.

Вақтбай ҳақ тўлаш шакли учун иш ҳақининг иккита асосий тизими қўлланилади. Биринчидан, оддий вақтбай, иккинчиси мукофотли - вақтбай иш ҳақидир.

Биринчидан, муайян вақт ичида ишчига тўланадиган иш ҳақи қуйидагича аниқланади:

$$ЗП_{III} = M \times T$$

бу ерда, M - разрядга мос келувчи соатлик (кунлик) тариф ставкаси, сўм;

T - ҳақиқатда ишланган вақт, соат (кун).

Мукофотли - вақтбай иш ҳақи тўлаш тизимида ишга ҳақ тўлаш формуласи қуйидагича:

$$ЗП_{III} = M \times T \left(1 + \frac{p + K \times \Pi}{100} \right),$$

бу ерда, p - белгиланган кўрсаткичларни бажарганлик учун тариф ставкасига нисбатан мукофот миқдори;

K - белгиланган кўрсаткичларни мукофотлаш шартларини ҳар бир ортиқча бажарилган фоизи учун мукофот миқдори;

П – белгиланган курсаткичларни ва мукофотлаш шартларини ортиғи билан бажарганлик фоизи.

Меҳнатга ҳақ тулашнинг ишбай шаклида ишчиларга иш ҳақи аввал белгилаб қўйилган расценкалар бўйича ҳар бир бажарилган иш бирлиги ёки чиқарилган маҳсулот учун туланади.

Ҳақ тулашнинг бу шакли, аввало, ишнинг миқдор ва ҳажм курсаткичларининг яхшиланишига таъсир курсатади. Шу сабабли бу усул кўпроқ иш қўлда ёки қўл ва машинада, бажариладиган участкаларда қўлланилади.

Иш ҳақи тулашнинг ишбай шаклини қўйидаги ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқдир:

- бирор бир ишчи ёки бригадага боғлиқ бўлган ишнинг миқдор курсаткичлари мавжуд бўлса;
- ишчиларда бажариладиган иш ҳажмини ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконияти мавжуд бўлса;
- муайян участкада маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурияти туғилганда;
- бажариладиган иш ҳажмини (миқдорини) аниқ ҳисоблаш имконияти бор бўлганда;
- техник асосланган меҳнат нормалари қўлланилганда.

Ишбай ҳақ тулаш усули қўлланилганда чиқарилаётган маҳсулот сифатининг пасайиши хавфи бўлади, технологик жараёнларга риоя қилмаслик, қурилмаларга хизмат кўрсатишнинг ёмонлашуви, хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши, материалларнинг ортиқча сарфланиши содир бўлиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тулашнинг ишбай шакли хусусиятларига қўра қўйидагиларга ажратилади:

- иш бажариш расценкаларининг аниқланиши (бевосита, билвосита, прогрессив, аккорд ва пудрат);
- ишчилар билан ҳисоб-китоб қилиниши (якка тартибда ёки жамоа билан);
- моддий рағбатлантириш (мукофот туловлари билан ёки уларсиз);

Бевосита (туғридан-туғри) якка тартибли иш ҳақи тулаш тизимида ишчининг иш ҳақи қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$3\Pi_{mic} = \sum_{Pi} x q_i,$$

бу ерда, P_i - i -нчи кўринишдаги маҳсулот ёки иш расценкаси, сўм;

q_i - ишлов берилган i -нчи турдаги буюмлар сони, натурал бирликда;

Бажарилган иш ёки маҳсулот бирлиги учун расценкани аниқлаш формуласи:

$$P = M \times N_v,$$

ёки

$$P = \frac{m}{N_{vc}},$$

бу ерда, N_v ва N_{vc} - бир дона буюмга ишлов бериш вақти ва маълум вақт оралиғида маҳсулот чиқариш.

Бевосита (тўғридан-тўғри) жамоага ишбай ҳақ тўлаш тизимида ҳам ишчиларга ҳақ тўлаш худди юқорида келтирилган тарзда амалга оширилади, бироқ бунда жамоа томонидан бажарилган иш расценкалари ва бригада томонидан чиқарилган умумий иш ҳажми ҳисобга олинади.

Ишбай - мукофотли ҳақ тўлаш тизимида ишбай асосида ишлаётган ишчига ёки бригада ишчиларига иш ҳақи билан бир қаторда белгиланган топшириқни бажарганлиги ва ортиғи билан бажарганлиги учун мукофотлар ҳам қўшиб берилади. Бу ҳолда ишбай-мукофот иш ҳақи қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$3\Pi_{\text{ишбай}} = \sum P_i \times q_i \left(1 + \frac{P + k \times \Pi}{100}\right),$$

Билвосита - ишбай ҳақ тўлаш тизими биринчи ўринда асосий ишчиларга хизмат кўрсатувчи ёрдамчи ишчиларга нисбатан қўлланилади ва билвосита ишбай расценкалар ($P_{кс}$) аниқланади:

$$P_{кс} = \frac{M_{vc}}{N_{mic}}$$

бу ерда, M_{vc} - ёрдамчи ишчининг тариф ставкаси, сўм;

$N_{осн}$ - ёрдамчи ишчилар хизмат кўрсатувчи асосий ишчиларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш нормалари.

Иш ҳақи тўлашнинг бу тизимида ишчининг иш ҳақи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$ЗП_{КС} = \sum P_{КС} \times q_{осн}$$

бу ерда, $q_{осн}$ - мазкур ёрдамчи ишчилар томонидан хизмат кўрсатилган асосий ишчиларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари (ишлари) ҳажми.

Ишбай - прогрессив иш ҳақи тўлаш тизимида белгиланган меъёр бажарилган ишга оддий расценкалар бўйича, меъёрдан ортиқ бажарилган қисмига орттирилган расценкалар бўйича ҳақ тўланади.

Аккорд иш ҳақи тўлаш тизими муайян ҳажмдаги ишни бажаришни ва бу иш учун ажратилган умумий иш ҳақи фондини назарда тутлади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш, бажарилиш муддатидан қатъи назар, белгиланган иш ҳажми тўлиқ бажариб бўлингандан кейин амалга оширилади.

Барча тоифадаги ишловчиларга иш ҳақи тўлаш манбаи ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи эвазига шаклланувчи маблағ - иш ҳақи фондидир.

Иш ҳақи фонди (ИҲФ) нинг режалаштириладиган миқдори турли усуллар билан аниқланади:

1. Тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули:

$$ИҲФ = Ч_{сп} \cdot ЗП_{сп}$$

бу ерда, $Ч_{сп}$ - ишчиларнинг ўртача рўйхат сони, одам;

$ЗП_{сп}$ - режалаштирилган даврда бир ишчининг, барча устама ва қўшимча тўловлар билан биргаликдаги ўртача иш ҳақи, сўм.

2. Ҳисоблашнинг норматив усули:

$$ИҲФ = Q \times H_{зп}$$

бу ерда, Q - режалаштирилган даврда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, сўм;

$H_{зп}$ - ишлаб чиқариладиган 1 сўмлик маҳсулотга иш ҳақи нормаси, сўм.

Иш ҳақи фонди таркибига қуйидагилар киради:

- ишланган вақт учун ҳақ тўлаш;
- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш;
- бир марталик рағбатлантириш;

- овқатланиш, уй-жой, ёнилғи учун тўловлар;
Ишланган вақт учун ҳақ тўлашга;
- тариф ставкалари ва окладлар, шунингдек ишбай расценкалар бўйича иш ҳақи;
- натура тўлов кўринишида берилган маҳсулот нархи;
- мукофотлар;
- касб маҳорати, икки ёки ундан ортиқ касб ва лавозим вазифаларини қўшиб бажарганлик учун тариф ставкаларига қўшимча ва устама тўловлар;
- иш режими, меҳнат шароити ва бошқалар билан боғлиқ компенсация тўловлари киради.

Ишланмаган вақт учун тўловлар:

- ҳар йиллик ва қўшимча таътилларга ҳақ тўлашдан;
- ўсмирлар меҳнатининг имтиёзли соатларига ҳақ тўлашдан;
- ишчининг ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар туфайли бекор туриб қолган вақти учун ҳақ тўлашдан иборат.

Бир маротабали тўловларга:

- бир маротабали мукофотлар;
- йиллик иш якунлари бўйича рағбатлантириш, иш стажини учун бериладиган йиллик рағбатлантириш тўловлари;
- барча ёки айрим ишчиларга бериладиган моддий ёрдам пуллари;
- фойдаланилмаган таътил учун компенсациялар;
- ишчиларга рағбатлантириш мақсадида бепул бериладиган акциялар ёки имтиёз билан бериладиган акциялар ва бошқалар киради.

Сўнги йилларда чет эллардаги йирик корхоналарда бошқарувга янгича ёндошиш амалиёти қўлланилмоқда. Бунда нафақат яқка тартибда ишбай ҳақ тўлашдан, балки вақтбай иш ҳақи тўлаш тизимидан ҳам воз кечилмоқда. Бу борада моддий рағбатлантириш тизими ишчининг ҳақиқий малакасига (дипломига эмас, балки ҳақиқатда иш бажара олиш даражасига) асосланмоқда. Бу корхоналарда иш ҳақи ишчининг иш жойида ўтказган одам-соат вақти учун эмас, иш бажариш малакасига қараб берилади.


Х БОБ

КОРХОНА БОШҚАРУВИ

10.1. БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси мураккаб комплекс бўлиб, унинг бир текис фаолият юритиши бошқарув механизми орқали таъминланади. Бошқарув механизми оддий ишчидан тортиб корхона директориғача ўзаро муносабатларни ҳисобга олади.

Бошқарув механизмининг фаолияти корхона директори, унинг уринбосарлари ва ёрдамчилари, цех, бўлим бошлиқлари, бошқа бўлинмалар раҳбарлари томонидан, шунингдек, раҳбарлар учун зарур ахборот ва ҳужжатларни тайёрловчи мутахассислар томонидан таъминланади (10.2-расм):



10.1-расм. Корхона маъмурияти.

Корхона ишлаб чиқаришини бошқариш органи пировард мақсадли натижаларга ўз эътиборини қаратади ва оралиқ натижаларни назорат қилади, яъни уларнинг якуний натижадан оғиб кетишига йўл қўймайди.

Белгиланган натижаларга ўз вақтида эришиш мақсадида бошқарув органи (шахс) доимий назорат ўрнатади, одамлар

фаолиятини мувофиқлаштиради. Бунинг учун зарур ахборотларни йиғиш ва тайёрлаш, ходимларни иш жойларига тақсимлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларида ресурсларнинг ҳаракатлиниш тартиблари белгилаб қўйилади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизими ягона механизмни ташкил этиб, ҳар бир бўгин(звено) ўзига биркитилган функцияни амалга оширар экан, у бажараётган вазифа қолган бўгинлар функциялари билан узвий боғлиқдир.

Бошқарув деганда - бошқарув қарорларини тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш усуллари ва воситаларининг синтези тушунилади.

Корхона фаолиятининг мақсади олинадиган фойдани кўпайтириш бўлганлиги сабабли бошқарув органи қуйидаги вазифаларни ҳал этиши лозим:

- корхонанинг узоқ муддатли истиқболи учун самарали стратегик йўналишни, мақсадларни ишлаб чиқиш ва асослаш;

- стратегик курсни босқичма-босқич жорий ва тезкор бошқариш даражасига келтириш;

- умумий стратегик ва жорий вазифаларни конкретлаштириш, уларни корхона бўлимлари ҳамда ходимларининг кундалик функциялари миқдор ва сифат топшириқлари даражасига келтириш;

- ходимларни танлаш, жойлаштириш, вазифаларни тақсимлаш, ходимлар сонини бошқариш ва касб таркибларини белгилаш;

- ходимларга юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини ташкил этиш;

- топшириқларнинг ўз вақтида сифатли бажарилишини, ҳар бир ходимнинг ўз зиммасига юклатилган вазифаларга масъулият билан ёндошувини назорат қилиш;

- корхона фаолиятини кундалик ва тезкор бошқариш: ишда узилишлар бўлишининг олдини олиш чораларини кўриш, корхонанинг нормал ишлашига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни бартараф этиш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга, ишлаб чиқариш харажатлари миқдорини камайитиришга, фан-техника ютуқларини қўллаш эвазига корхона фаолиятининг самарадорлигини оширишга эришиш.

10.2. ХУЖАЛИК БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

XX аср бошларида таниқли америкалик саноатчи Генри Форд ишлаб чиқаришни илмий ташкил этиш асосларини яратиб, 72 та принципни шакллантирди. Уларнинг айримлари ҳанузгача ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шулардан баъзиларини кўриб ўтайлик:

- келажакдан кўрқиш ва ўтмишни ачиниш билан эслашнинг ҳожати йўқ;
- ўтмишнинг фойдаси шундаки, у бизга ривожланиш йўлларини ва воситаларини кўрсатади;
- муваффақиятсизлик ва таваккалчиликдан кўрққан одам ўз фаолиятини чеклайди;
- ишбилармонликда маъмурий-буйруқбозлик руҳи ўрнини тадбиркорлик руҳи эгаллаши керак;
- менинг мақсадим - соддаликдир;
- товарларнинг нархлари истеъмолчилар дарёмадидан юқори бўлса, нархларни даромадларга мувофиқлаштириш лозим бўлади;
- давлат миқёсида иш ҳақининг камайиши давлат томонидан нотўғри молиявий сиёсат юритилаётганини билдиради, чунки бунда товарларга бўлган талаб камайиб боради.

Принцип деганда асосий қоида, талаб, бошқарув ғоясининг асосини тушунамиз. Асосий принциплар корхонани бошқариш стратегиясини ва фалсафасини белгилайди. Муайян ҳолатларда принциплар корхонани реклама қилиш функциясини бажаради. Япония фирмаларининг қуйидаги:

- «Энг яхши сифатлар жамиятга хизмат қилиш учундир»;
- «Мацусима» буюмларни яратишдан олдин кадрларни яратади»;
- «Ўз меҳнатимиз орқали турмуш тарзимизни яхшилар эканмиз, энг яхши жамиятни яратамиз» - деган принциплари харидорлар ва рақобатчилар эътиборини жалб этади.

Танлаб олинган принциплар асосида корхона фаолияти мувофиқлаштирилади, мавқеи кўтарилади, олиб борадиган сиёсати шаклланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг қуйидаги принциплари фарқланади: *функционал (касб йўналиши), миқдор, макон ва вақт принциплари*. Уларнинг асосида умумий ва хусусий конкрет принциплар ишлаб чиқилган. Улардан энг асосийларини куриб чиқамиз.

Узлуксизлик ва ишончлилик принципи. Бу принцип шундай ташкилий-ҳўжалик ва техник шарт-шароитлар яратилишини аңглатадики, бунда ишлаб чиқариш жараёнининг белгилаб қўйилган режими барқарор ишлаши таъминланади.

Бошқарув функциялари тақсимланишининг демократик принципи жамиятда меҳнат тақсимотининг қоидалари ва услубларига асосланади. Бу қоидаларга асосан ҳўжалик бошқарувининг ҳар бир органига, айтайлик, завод директоридан тортиб ишлаб чиқариш бригадасигача бошқарув функциясининг муайян қисми биркитиб қўйилади.

Бошқарув услубларининг илмий асосланганлиги принципи бошқарув воситалари ва шакллари, услубларининг илмий асосланганлиги ва тажрибада синовдан ўтганлигини билдиради.

Ишлаб чиқариш муҳити шундай муҳитки, унда табиат қонунларидан ва жамият ривожланиши қонунларидан корхонанинг қонунлари етишиб чиқади. Корхона қонунлари ҳам табиат қонунлари сингари орқага қайтмас қонунлардир. Шу боисдан ишлаб чиқариш қонунлари ҳар бир мутахассисга физика ва биология қонунлари сингари маълум бўлиши шарт. Корхонада ишлаб туриб, унинг қонунларини билмаслик кўр-кўрона ишлаш билан тенгдир.

Масалан, ишлаб чиқариш ривожланишининг пропорционал-лиги қонунини билмаслик оқибатида бир хилдаги буюмлар ҳаддан ташқари куп ишлаб чиқарилади, иккинчи бир турдаги буюм эса кам ишлаб чиқарилади, яъни ишлаб чиқаришда баланс бузилади, бир турдаги буюмлар тақчиллиги кузатилганда, бошқа турдаги буюмлар омборларда тахланиб қолади. Оқибатда меҳнат қийматининг ялпи пасайиши вужудга келади. Корхоналар ва аҳоли эҳтиёжи қондирилмай қолади. Баланснинг тикланиши қайтариб бўлмас харажатлар, жамланма буюмларнинг йўқотилиши, мақсадсиз сарфланган меҳнат эвазига амалга оширилади.

Шу боисдан ҳам ишлаб чиқариш қонунларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди, балки уларни чуқур билиш ва конкрет ишлаб чиқариш шароитларида қўллай олиш зарур.

Равшанки, илмий асосланганлик принципини фақат ишлаб чиқариш қонунлари асосида татбиқ этиб бўлмайди. Илмийлик принципига риоя қилиш илмий-техник, иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳ.к. ахборотларни тўплаш, уларни мунтазам ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш асосида амалга оширилади.

Бошқарув самарадорлиги принциплари. Корхона ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардош маҳсулот чиқариш бўйича самарали қарорларга келиш борасида доимий изланишда бўлади. Эркин бозор шароитида корхона раҳбари рақобатчилардан орқада қолиб кетмаслик учун доимий таваккалчилик билан иш кўради.

Яхши ўйлаб чиқилмаган, нотўғри қарорга келгандан кўра - умуман ҳеч қандай қарор қабул қилмаслик мақсадга мувофиқдир.

10.3. БОШҚАРУВ ОРГАНИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ


Мураккаб ва меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхоналар одатда ўнлаб цехлар, лабораториялар, бўлинмалардан таркиб топади.

Бундай корхона фаолиятини мувофиқлаштириш учун мураккаб, бир неча босқичли бошқарув тизими тузилади (10.2-расм.)

Кичик корхоналар энг содда ташкилий тузилмаси (раҳбар - бажарувчи) билан характерланади.

Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмаси қуйи бўлинмаларнинг юқори бўлинмаларга бўйсунуши принципида курилади. Масалан, цехдаги лабораториялар ва ҳисобот бўлимлари тегишли равишда заводнинг марказий лабораторияси ва бош ҳисобчига бўйсунди.

Меҳнат тақсимотининг функционал белгилари бўйича корхонанинг моддий-техника таъминоти, маркетинг ва маҳсулот сотиш, молиявий режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлимлари, ишлаб чиқаришни техник ривожлантириш бошқармаси ташкил этилади.



10.2-расм. Корхона бошқарувининг таркибий тузилмаси.

Ҳисоблаш марказлари бошқарув тизими таркибига киради, лекин айти пайтда турли муҳандислик ва таҳлилий ҳисоб-китоб ишларини ҳам бажаради.

Умуман олганда, бошқарувнинг моҳияти ахборотларни йиғиш, қайтә ишлаш, сақлаш ва дастурлар, кўрсатмалар, нормативлар, топшириқлар курунишида тақдим этишда намоён бўлиб, уларда иш бажарувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари, зарур техник, иқтисодий ва ижтимоий чеклашлар акс эттирилади.

Корхона бошқарувининг қуйидаги ташкилий-таркибий тузилмалари маълум:

- 1) чизиқли бошқарув;
- 2) чизиқли-штаб бошқаруви;
- 3) функционал бошқарув;
- 4) матрицали (маҳорат бўйича) бошқарув;


5) аралаш бошқарув.

Чизиқли бошқарув - бошқарувнинг нисбатан содда куринишидир.



Раҳбар билан иш бажарувчи ўртасида бирор бир оралиқ бўғин бўлмайди. Раҳбар бевосита бажарувчига иш топширади ва унинг бажарилишини назорат қилади. Бу турдаги бошқарувнинг соддалиги чизиқли бошқарув тезкорлигини таъминлайди, раҳбарларнинг масъулиятини оширади, бошқарув аппарати харажатларини камайтиради. Камчилиги шундаки, раҳбар барча соҳалар бўйича универсал мутахассис бўла олмайди, мураккаб объектнинг бутун фаолиятини қамраб ололмайди. Шу боисдан мазкур тузилма асосан ишлаб чиқариш технологияси содда бўлган кичик корхоналарда, йирик корхоналарнинг куйи звеноларида - ишлаб чиқариш бригадалари миқёсида қўлланилади.

Чизиқли штаб бошқарув тузилмаси ўрта миқёсдаги корхоналарда ва йирик корхоналарнинг ўрта звеноларида цех ва бўлимлар бошқарувида қўлланилади.




10.3-расм. Бошқарувнинг чизиқли-штаб шакли.

Бунда раҳбарлар бажарувчилар учун қарорлар, буйруқлар, топшириқларни ўзлари тайёрлаш билан бир қаторда, ахборот тўпловчи, таҳлил қилувчи, раҳбар топшириғи билан кўрсатма берувчи, ҳужжатлар лойиҳасини тайёрловчи штаб мутахассислари ёрдамида иш олиб борадилар. Мутахассислар раҳбар олдида шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

Функционал бошқарувда раҳбар ўз ваколатининг муайян қисмини функционал ўринбосарлари зиммасига ёки функционал бўлимларга юклайди. Масалан, муҳандислик-техника масалалари бўйича директор ўринбосари ҳисобланувчи бош муҳандис янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш масалалари бўйича завод директоридан рухсат сўрамаган ҳолда кўрсатмалар бериши мумкин.

Бундай ваколатлар нафақат директор томонидан ўринбосарларга, балки ўринбосарлар томонидан ҳам ўз навбатида уларининг қўл остида ишловчи ходимларга - бўлим ва цех бошлиқларига берилиши мумкин. Бундай ҳолда иш бажарувчилар топшириқни бевосита директордан эмас, балки функционал бўлимлар раҳбарларидан оладилар.

Функционал бошқарув маъмурий бошқарув ишини такомиллаштиради ва бу ишларни юқори малакали ходимлар зиммасига юклайди. Шу билан бир қаторда бошқарувнинг бу кўриниши бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларни мураккаблаштиради, ҳужжатлар билан ишлаш муддатлари чўзилиб кетади, тезкорлик пасаяди.



10.4 расм. Бшқарувнинг функционал шакли.

Матрицали бошқарув тузилмаси функционал бошқарув тузилмасидан бошқарув объекти билан фарқланади. Мазкур ту-

зилманинг моҳияти шундаки, корхонада алоҳида шахс ёки бош бўлинма тайинланиб, унга, айтайлик, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича барча ташкилий ишларни амалга ошириш ваколати берилди ва бу бўлинма корхона директори номидан барча ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Унинг чиқарган қарор, буйруқ ва курсатмалари директор буйруқлари ва курсатмалари билан бир қаторда, барча ишловчилар томонидан бажарилиши шарт ҳисобланади.

Айрим ҳолларда юқорида келтирилган барча бошқарув тузилмаларининг у ёки бу даражадаги иштироқи билан характерланувчи аралаш бошқарув тизими қўлланилади.

10.4. БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

Функция - алоҳида олинган шахснинг ёки бошқарув органининг жавобгарлиги ва фаолияти доирасини билдиради.

Корхона маъмуриятини директор (бош директор) бошқаради. У корхона эгаси томонидан тайинланади. Яъни, агар корхона давлат тасарруфида бўлса, у давлат органи ҳисобланади, корхона хусусий бўлса, хусусий шахс ҳисобланади. Хусусий корхона эгаси ўзини директор этиб тайинлаши мумкин.

Акционерлик корхонаси акционерлар йиғилишида сайланган ёки акционерлик жамияти кузатув кенгаши тайинлаган директор томонидан бошқарилади. Акционерлар директор ваколатини оширишлари ёки қисқартиришлари мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам директор корхонанинг жорий ишларини юритиш учун зарур бўлган стратегик ва тактик ваколатларга етарли даражада эга бўлиши шарт.

Директор корхона номидан иш олиб боради, чет корхоналар билан шартнома ва битимлар тузади, ўз номидан бошқа шахсларга ишончномалар беради, банкларда ҳисоб-китоб рақамларини очади ва пул маблағларини белгиланган мақсадлар йўлида ишлатади.

Ўз ваколатларининг бир қисмини турли соҳалар бўйича ўринбосарларига бўлиб беради. Йирик корхоналарда турли тармоқлар бўйича директор ўринбосарларининг сони 2-3 нафар бўлиши мумкин.

Ўрта ва кичик корхоналарда битта директор ўринбосари бўлади ёки умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосарига асосий ишлаб чиқариш цехлари, шунингдек режалаштириш-ишлаб чиқариш бўлими, диспетчерлик ва транспорт бўлимлари бўйсунди. Бундай бўйсунуш умумий характерга эга эмас, балки фақат тайёр маҳсулот чиқариш ва уни оморга топшириш ишлари бўйича бўйсунушни англатади. Кўрсатилган цехларнинг бошқа фаолиятларини, хусусан иқтисодий ходимларни, муҳандислик - техник ишларини бошқариш бошқа директор ўринбосарлари зиммасида қолади.

Режа - ишлаб чиқариш (РИЧ) бўлими ташкилий тезкор режалаштириш ишларини амалга оширади.

Истеъмолчилар буюртмаси, ишлаб чиқаришнинг умумий жорий режаси асосида РИЧ бўлими натура кўринишида ойлик, ўн кунлик, кунлик, смена ва соатлик маҳсулот чиқариш режаларини ва графикларини ишлаб чиқади. Режалар ва графиклар алоҳида олинган цехлар, цех ичидаги бригадалар, иш жойлари бўйича ишлаб чиқилади. РИЧ бўлими уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Диспетчерлик бўлими корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини тезкор бошқаради: иш режалари бузилишини бартараф этади, корхона қувватидан бир текис фойдаланишни таъминлайди, белгиланган топшириқларнинг бажарилиши борасида раҳбариятга ахборот бериб боради.

Транспорт бўлими вазибаларига юкларни корхона ичида ва ундан ташқарида ташиш ишларини ташкил этиш қиради.

Тижорат ва молиявий ишлар бўйича директор ўринбосарларига режалаштириш, молия бўлимлари, маркетинг ва маҳсулот бериш бўлимлари, моддий - техника таъминоти, меҳнатни нормалаштириш ва иш ҳақи, ҳисобот, иқтисодиёт, смета-молиялаштириш хизматлари бўйсунди.

Режалаштириш бўлими - узоқ муддатли ва жорий режалаштиришни амалга оширади. Бундай режалар ишлаб чиқариш, ходимлар, молия, техник ривожланиш, капитал қурилиш ва бошқалар бўйича ишлаб чиқилади. Ишлаб чиқариш ва капитал қўйилманинг иқтисодий самарадорлигини аниқлайди, корхона ва унинг бўлинмаларининг ҳужалик юритиш фаолиятини таҳлил қилади.

Молия бўлими корхонанинг молиявий операцияларини бошқаради, унинг кирим ва чиқимларини ишлаб чиқади, ҳисоб рақамига тушаётган маблағлар, уларнинг сарфланиши устидан назорат ўрнатади, кредитлар олинishiни ва бюджетга солиқларнинг туланишини таъминлайди.

Маркетинг ва маҳсулот сотиш бўлими бозорни ўрганади, маҳсулот қўйилиши бўйича шартномалар тузади, маҳсулотни харидорга етказиб бериш ишларини амалга оширади.

Моддий-техника таъминоти бўлими ресурслар билан таъминловчи корхоналарни излайди, жумладан: корхона учун зарур бўлган хом-ашё, материаллар, жамловчи қисмлар, асбоб-ускуналар. қурилмаларни етказиб беради: етказиб берувчи корхоналар билан шартномалар тузади: ресурсларнинг корхона омборига олиб келинишини ташкил қилади: уларнинг сақланишини ва цехларнинг талаби бўйича берилишини таъминлайди.

Меҳнатни нормалаштириш ва иш ҳақи бўлими ишловчилар меҳнатини нормалаштириш тартибини ишлаб чиқади ва амалга оширади; корхона директори ва жамоа вакиллари билан келишган ҳолда меҳнатга ҳақ тулаш тизимини ва миқдорини белгилайди, меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштиради, меҳнат қонунларига риоя қилишини кузатиб боради.

Ҳисобот бўлими моддий ва молиявий ресурсларнинг корхонага келишини ва кетишини, ишчи кучларининг ҳисобини юритади, корхона фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни корхона раҳбарларига, шунингдек давлат ва маҳаллий хўжалик органларига тақдим этади.

Муҳандислик-техника масалалари бўйича директор уринбосарига лойиҳа-конструкторлик, технологик, техник назорат бўлимлари, бош механик, энергетик, лабораториялар бўйсунди. Кўрсатилган техник бўлимлар ва лабораторияларни фақат шартли равишда бошқарув органларига киритиш мумкин. Уларнинг мажбуриятлари асосан корхонага муҳандислик-техника хизматини кўрсатишдан иборат.

Лойиҳалаш-конструкторлик бўлими янги конструкцияларни, янги материаллар рецептурасини ишлаб чиқади; сифатсиз маҳсулот чиқиши ҳисобини юритади ва уларни бартараф этиш

чораларини кўради; чиқарилаётган маҳсулот таннархини камай-тириш тадбирларини ишлаб чиқади.

Технология бўлими - янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқади ва ишлаб чиқаришда қўлланилаётган технологияларни такомиллаштиради; цехларда технологик жараёнлар режимига риоя қилиниши устидан назорат юритади; буюмларга ишлов бериш сифатини ошириш ва бундай ишлар харажатини камайтириш чораларини кўради.

Техник назорат бўлими - чиқарилаётган маҳсулот сифати устидан ялпи назорат ўрнатади: иш жойларида операцияларнинг сифатли амалга оширилишини назорат қилади: корхонага кириб келаётган материаллар ва бошқа буюмлар сифатининг назорат қилинишини ташкил этади: лойиҳалаш-конструкторлик ва технологик бўлимлар билан биргаликда чиқарилаётган маҳсулотни сертификациялаш ишларини амалга оширади.

Бош механик ва бош энергетик бўлимлари технологик, энергетика ва иссиқлик қурилмаларига хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ҳамда такомиллаштириш ишларини ташкил этади: корхонанинг электр ва иссиқлик энергиялари билан таъминланишини, уларнинг тақсимланишини таъминлайди, сарфланишини назорат қилади.

Ходимлар бўлими, одатда, директор ўринбосарларидан бирига ёки директорнинг ўзига буйсунади. Унинг зиммасига ишчиларни ёллаш ва ишдан бушатиш; ходимларнинг ишга чиқишини рўйхатдан (табел ҳисоби) ўтказиш: иш куни режимига, интизомга риоя этилишини назорат қилиш; ходимларни ўқитиш; ишловчиларга техника хавфсизлиги бўйича йўриқномалар (инструктаж) ўтказиш вазифалари юклатилади.

Санитария-маиший бўлим мавжуд бўлмаган корхоналарда тиббий ва тиббий профилактик хизмат кўрсатиш, корхонада овқатланиш, ишчиларнинг яшаш жойларини яхшилаш, меҳнат қонунларига риоя қилиш вазифаларини бажариш ҳам ходимлар бўлими томонидан амалга оширилади.


Юқорида келтирилган корхонадаги бошқарув функциялари тузилмаси умумий ҳолда олинган бўлиб, корхонанинг ўзига хос хусусиятларига қараб бир мунча ўзгариши мумкин.

ЦЕХ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Цех - корхонанинг асосий ишлаб чиқариш звеноси булиб, корхонанинг ютуқлари ва муваффақиятсизликлари унинг ишига боғлиқдир. Пировардида корхонанинг бошқарувида завод цехлари ишларининг муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш на зарда тугилади.

Цех ишини бошқариш учун корхона директори цех бошлигини ва унинг уринбосарларини тайинлайди. Уларнинг зиммасига корхона раҳбарияти томонидан белгиланган ишлаб чиқариш-техник топшириқларни бажариш вазифаси юклатилади.

Ишлаб чиқариш цехи бошлигининг энг асосий вазифаси цех томонидан маҳсулотнинг уз вақтида ва сифатли чиқарилишини таъминлашдир. Айти пайтда цех бошлиғи ва унга буйсунувчи ходимлар тежамкорлик билан ишлаш, хом ашё, материал, иш ҳақи, энергия сарфланиши учун, техника хавфсизлиги талаблари ва цехнинг санитар ҳолати нормативлари а риоя қилиниши учун жавобгар ҳисобланадилар.



10.5 расм. Цех бошқаруви схемаси

Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехларнинг бошлиқлари асосий цехларга мунтазам хизмат кўрсатилишини таъминлайдилар.

Цех бошлигининг уринбосарлари бўлиб, улардан бири цех ишини ташкил этиш ва иқтисодиёт билан боғлиқ масалаларни ҳал этади, бошқаси эса цехга муҳандислик - техника хизмати кўрсатилиши масалалари билан шуғулланади. Айнан шу принцип асосида цехнинг функционал бўлинмалари ташкил этилади, ҳодимлар бюроси, шунингдек технологик бюро, механика ва энергетика хизматлари шулар жумласидандир.

Цехнинг функционал иқтисодий ва техник бўлинмалари маъмурий жиҳатдан цех бошлиғига бўйсунса ҳам, услубият ва функционал жиҳатдан корхонанинг мос келувчи бўлимларига бўйсунди.

Айрим цехларида 2-3 минг киши меҳнат қилувчи йирик корхоналарда цехнинг функционал бўлимлари ўз иш характери ва мутахассислар таркиби бўйича корхона бўлимларига ухшаш бўлади.

Участка раҳбарлари (лавозими бўйича улар участка бошлиқлари ва усталар бўлиши мумкин) асосан ишлаб чиқариш устидан тезкор раҳбарлик қилиш, ходимларни бошқариш ишларини олиб борадилар.

Бригада бошлиқлари олинган топшириқни бригада ишчилари уртасида тақсимлайдилар ва уларнинг бажарилишини ташкил қиладилар; ишчиларга малакали ёрдам кўрсатадилар, бригадада меҳнат интизомига риоя этилишини назорат қиладилар.

10.5. КОНЦЕРНЛАР БОШҚАРУВИ МЕХАНИЗМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Концерн капиталнинг ягона бошқарув тизими тасарруфида бирлашувининг асосий шаклларида биридир. Концерннинг олий бошқарув органи директорлар кенгаши бўлиб, унинг таркибига келишув асосида меҳнат жамоаларининг сайланган вакиллари ҳам киритилиши мумкин.

Жорий ишларни директорлар кенгаши сайлаган концерн бошқаруви бажаради. Бошқарма концерн бошқарувининг ишчи органларини тузади. Зарурият бўлган ҳолларда концерн

булинмаларининг ходимларидан вақтинчалик комиссиялар ва қўмиталар тузилади.

Концернлар ихтиёрий ташкил этилганига қарамай, унинг аъзолари ўзларининг олдинги ҳуқуқларидан тулиқ ёки қисман маҳрум бўладилар. Хусусан, улар бир вақтнинг ўзида бошқа бир-лашмалар таркибига кира олмайдилар. Концерн бошқармасининг рухсати билангина унинг таркибидан чиқа оладилар.

Айрим масалалар коллегиал ҳал этилса-да, бошқарув ишлари директорлар кенгаши томонидан сайланган бош директор ёки концерн акциялари пакетининг эгалари томонидан амалга оширилади. Бунда бош директор концернни бошқариш функцияларининг айрим қисмларини унинг таркибига кирувчи бир-лашмалар ва корхоналарнинг дирекцияларига юклайди. Чет эл тажрибаси кўрсатадики, марказий бошқарув ходимларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш, техник сиёсат, молиявий маркетинг ва реклама фаолиятларини бошқаришни ўз қўлида сақлаб қолмоқда. Масалан, Италиянинг «Фиат» концерни бошқаруви ҳатто ўзининг нисбатан йирик, мустақил балансга ва шахсий даромадига эга бўлган корхоналарининг қўйидаги кўрсаткичларини назорат қилади:

- маҳсулот таннархини;
- сотув нархини;
- маҳсулотга хизмат кўрсатиш ва кафолат харажатларини;
- савдо ва реклама сарф-харажатлари билан бирга умумий маъмурий харажатларни;
- материаллар захираси ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни;
- даромадни;
- тайёр маҳсулот захираси, эҳтиёт қисмлар захирасини;
- молиявий туловлар ва қарзларни;
- даромад қолдиғини;
- бозордаги ҳиссасини;
- маҳсулот сотилишининг нисбий суръатини.

Концерннинг марказий бошқаруви функционал хизматларга эга бўлиб, улар қўйи корхоналар иши ҳақида ахборот тўплайдилар; уларнинг ишини оператив назорат қиладилар ва мувофиқлаштирадилар, директорлар кенгаши учун материал тайёрлайдилар.

10.6. БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ

Бошқарув ходимлари қуйидаги тоифаларга ажратилади:

- раҳбарлар;
- мутахассислар;
- ёрдамчи хизматчилар.

Раҳбарлар, одатда мутахассислар таркибидан тайинланади.

Раҳбарлар малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимлари ҳам мавжуд. Бироқ, кишини раҳбарлик санъатига ўргатиш бошқарув ходимларини тайёрлаш масаласининг бир томони бўлса, иккинчи томони тугма қобилият эгаларидан, яъни воқеликка объектив баҳо бера олишлик, ўзгаришларни олдиндан кура билиш, бошқа бир инсоннинг қобилиятига тўғри баҳо бериш ва бошқалардан фойдаланиш ҳисобланади.

Раҳбарлар одамларни бошқариш борасида тугма қобилиятга эга бўлиши зарур, шунинг учун раҳбар танлашда, уларнинг мазкур лавозимга тўғри келишини баҳоловчи тест синиви ўтказилади.

Раҳбар ходим майда низоли вазиятларга аралашмаслиги, ходимлар ўртасидаги келишмовчиликларни холис бартараф этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Яхши раҳбар - ташаббускор, ҳаракатчан, ақлли, жисмонан чидамли, ўз фаолияти бўйича етарли даражада малакага эга бўлган, ўз фикрларини аниқ ва асосланган ҳолда баён эта олувчи инсондир.

Корхонанинг юқори звено раҳбарларига - директор ва унинг уринбосарлари; урта звено раҳбарларига - цехлар, бўлимлар бошлиқлари; қуйи звено раҳбарларига - уста ва бригада бошлиқлари киради.

Мутахассислар - иқтисодчилар, муҳандислар, ҳуқуқшунослар, дастурчилар ва бошқалар бўлиб, улар иш тажрибалари, малакаларига қараб, бош, етакчи, катта ва оддий мутахассисларга ажратилади. Уларнинг вазифаси ахборот туплаш, таҳлил қилиш, режаларни ишлаб чиқиш, корхонанинг иш графикларини тузиш, лойиҳалар тайёрлаш, раҳбарлар кўрсатмаларини ишлаб чиқиш, нормативлар тузиш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил этиш, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к. лардан иборат.

Ёрдамчи техник хизматчилар жумласига котибалар, машинисткалар, иш юритувчилар, ҳисоблаш бюроси операторлари, ҳисобчилар, чизмачилар, экспедиторлар киради.

Хизматчилар ахборотларнинг ўз вақтида техник ишлаб чиқилишини таъминлайдилар, уларни тартибга солиш, сақлаш, ҳисобини юритиш, кўпайтириш, жўнатиш ва ҳ.к. ишларни амалга оширадилар.

Бошқарув ходимларининг конкрет таркибий тузилмаси корxonанинг штатлар рўйхатига биноан аниқланади.

10.7. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ҚОИДАЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ

Бозор муносабатлари механизмини билмай туриб, эркин бозор тартиб-қоидаларига асосан вужудга келувчи иқтисодий алоқаларни йўлга солиш ниҳоятда қийин.

Янги бозорни ўзлаштиришга киришар экан, корхона ўз бўлимлари ва ходимларининг янги муносабатларга тайёрлик даражасини текшириб чиқиши ва уни ошириш чораларини кўриши шарт. Бунинг учун бўлинмалар иши назорат текширувидан ўтказилади ва унинг асосида корxonани бозор шароитига ўтказишнинг маъмурий ва ташкилий тадбирлари ишлаб чиқилади ҳамда уларни босқичма-босқич бажариш чоралари кўрилади.

Аввало, маҳсулот (унинг рақобатга чидамлилиги), технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ходимлар (техник қуролланганлик даражаси ҳисобга олинган ҳолда) тайёргарлиги аниқланади.

Корxonанинг ўз шериклари билан мустақил муносабат ўрнатиш ва уни ривожлантириш борасидаги реал эҳтиёжи мамлакатда шаклланган вазиятлардан келиб чиқувчи янги тартиб-қоидаларнинг ўзига мақбул вариантларини танлаб олишдан иборатдир. Ўтиш даврида завод бўлинмаларини ўрганиб чиқиш билан бирга, уларнинг бошқарилмайдиган бозор муносабатлари режимларида доимий самарали ишлай олиш эҳтимоли ўрганилади. Текширувлар асосида ижтимоий-иқтисодий, техник ва ташкилий тадбирлар ишлаб чиқиладики, улар корxonанинг янги шароитда барқарор иш юрита олишини таъминлаши шарт.

Мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар корxonалар ички тузилмаларининг қайта қурилишини

ҳам талаб қилмоқда. Корхоналар билан ташқи муҳит уртасида илгари мавжуд бўлган давлат «буферининг» йўқ бўлиши корхоналарда замон талабини кондира олувчи адекват тузилмани вужудга келтириш вазифасини қўймоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, корхона ходимлари ва бўлинмалари таркибий функцияларининг тўғри ва аниқ тақсимланиши муҳим урин тутади:

- функцияларни, вазифа, ҳуқуқ, мажбурият, масъулиятни аниқловчи ва тақсимловчи ҳужжатларни (низомлар, йуриқномалар) тайёрлаш;
- таркибий бўлинмалар ходимларининг ўз вазифаларини муддатида ва сифатли бажариш борасидаги мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг, фаолият доирасининг тақсимланиши ҳамда назорат қилиниши;
- корхона бошқарув механизми билан боғлиқ бўлган ходимларни рағбатлантириш тизимларининг мавжудлиги.

Корхона раҳбарлари мунтазам равишда қуйидагиларни назорат қилишлари лозим:

- ходимларнинг ўз мажбуриятларидан, жорий ва истиқболдаги вазифалардан хабардор эканликларини;
- ходимлар ўз ишлари жараёнида зарур бўлган норматив ҳужжатларга, йуриқномалар, услубиятлар, жорий маълумотларга эга эканликларини;
- ходимларнинг ўз вазифаларини бажариш учун зарур ҳужжатларни ўзлаштирганлик даражасини;
- ходимларнинг ўзларига керак бўлган ахборотларни тезлик билан олишлари мумкинлигини;
- ахборотларни зудлик билан қайта ишлай олишларини;
- бошқарув механизми ва корхонанинг бошқа турдаги фаолияти бўйича штатда турувчи ва четдан ёлланган консултантларнинг мавжудлигини.

Ахборотларни қайта ишлаб чиқиш тезлиги (И) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$И_{\text{и}} = \frac{И_{\text{оп}}}{И_{\text{т}}}$$

бу ерда, $И_{\text{оп}}$ - ахборотларни бериш ва қайта ишлаш учун сарфланадиган ҳақиқий вақт, соат;

$И_{\text{т}}$ - ахборотларни қайта ишлаш учун зарур бўлган вақт.

XI БОБ

БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ ДАСТАКЛАРИ

11.1. НОРМА (МЕЪЁР) ВА НОРМАТИВЛАР

Нормалаштириш ишлаб чиқариш жараёнларининг боришини ва маҳсулот чиқарилишини таъминлаш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда бошқа ресурслар заҳирасини ва уларни сарфлашнинг чекланган миқдорларини белгилаш ва ишлаб чиқиш услубидир.

Норманинг асосий функцияси - ўлчов (ўлчов нормаси), яъни харажатларнинг ва натижаларнинг объектив ўлчовидир. Ўлчов функцияси ҳисобга олиш функцияси билан, яъни ишлаб чиқариш харажатларининг ҳақиқий ҳисобини юритиш билан боғлиқ бўлиб, бунда норма ҳақиқатда қилинган сарф-харажатларни таққослаш учун иқтисодий эталон хизматини ўтайди.

Корхонанинг норматив базаси кўплаб, ҳар турдаги норма ва нормативлардан иборат бўлиб, уларнинг тартибга солиниши, бир тизимга келтирилиши нормалаштиришнинг ягона услубларидан ва турли белгилар бўйича гуруҳлаштиришдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Нормалаштириш ёрдамида ходимлар томонидан барча турдаги ресурсларнинг ишлатилиши регламентлаштирилади.

Ишлаб чиқаришда ички режалаштириш ва ҳисоб юритишни ишончли норматив базаларисиз амалга ошириб бўлмайди. Нормалар қуйидагиларнинг асосини ташкил этади:

- а) режалаштиришнинг;
- б) таркибий бўлинмалар фаолиятини бошқариш ва назорат қилишнинг;
- в) қилинган харажатларни эришилган натижаларга солиштиришнинг;
- г) бўлинмалар ўртасида фаолият натижалари учун масъулиятни чегаралашнинг;

д) иш ҳақи ва иш якунлари бўйича ходимлар фаолиятини рағбатлантиришга объектив баҳо беришнинг.

Маҳсулот бирлиги учун у ёки бу ресурсларнинг сарфланишига йўл қўйилган (максимал ёки минимал) миқдор катталиги норма дейилади. Масалан, 50 - улчамдаги эркаклар куртқасини тикиш учун қуйидаги нормалар белгиланади:

- асосий материаллар - 2 м²;
- ип - 1 ғалтак;
- тугма - 6 дона;
- «молния» занжири - 1 дона;
- меҳнат сифими 6 одам - соат;
- таннарх - 2000 сум.

Шу тариқа натура, қиймат ва меҳнат параметрлари билан ўлчанувчи нормалар ёрдамида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар регламентлаштирилади.

Норматив - абсолют миқдорни эмас, балки ишлаб чиқариш ресурсларининг бир жинсли кўрсаткичларини ёки маҳсулот хараактеристикаларининг белгиланган даражасини характерловчи кўрсаткичдир:

- Норма = $x > 0$;
- Норматив = $X^1/X^2 > 0$

Нормативлар коэффициентларда ёки фоизларда белгиланади: масалан, сутнинг ёғлилиги фоизи, винодаги спирт фоизи, транспорт шиналарининг юк кўтариш қобилиятидан фойдаланиш коэффициенти, машинасозлик заводида металлдан фойдаланиш коэффициенти ва ҳ.к.

Фараз қилайлик, металлдан тайёрланган буюмнинг вазни 0,7 кг, шу буюмни тайёрлаш учун талаб этиладиган металл миқдори 1 кг ни ташкил этади (қолган қисми чиқитга чиқади). Металлдан фойдаланиш коэффициенти $(0,7)/1=0,7$ ни ташкил этади. Агар технология материалнинг чиқитга чиқиш миқдорини камайтириш имконига эга бўлмаса, режалаштиришда ишлаб чиқариш учун норматив - 0,7 ёки металлдан фойдаланиш даражаси 70% миқдорида белгиланади. 0,7 нормативдан келиб чиқиб, маҳсулот таннархи ҳисобланади, металл таъминотчилари билан шартномалар тузилади.

НОРМАЛАШТИРИШ ДИНАМИКАСИ

Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ва технологияларнинг ўзгариб туриши, материал сифатига тузатишлар киритилиши, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг қайта кўриб чиқиши норма ва нормативларни ўзгартириш галабини қўяди. Маҳсулот ҳажми ва номенклатураси йил давомида сезиларсиз ёки оз миқдорда ўзгариб турувчи корхоналарда нормалар ва нормативларни тулиқ қайта кўриб чиқиш (тафтиш) одатда бир йилда бир марта ўтказилади, бироқ бу нарса йил давомида тез-кор текширишлар ўтказилишини истисно этмайди.

Маҳсулот ишлаб чиқарилиши мавсумий ўзгариб турадиган корхоналарда норма ва нормативлар ҳар ойда кўриб чиқиши мумкин.

Технологик жараёнлар, материаллар характеристикалари ўзгарган ва янги маҳсулот чиқарила бошланган ҳолларда барча корхоналарда норма ва нормативларни қайта кўриб чиқиш мажбурийдир.

Корхоналарда фойдаланиладиган барча ресурсларга, яъни асосий ва ёрдамчи материалларга нормалар белгиланади:

- жамловчи қисмларга;
- машина ва қурилмаларни таъмирлаш учун зарур эҳтиёт қисмларга;
- асбоб-ускуналарга ва приборларга;
- энергетика ресурсларига: электр энергиясига, ёнилғига, буғ ва иссиқ сувга ва ҳ.к.
- ёритиш ва иситиш жиҳозларига;
- ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи машина ва қурилмаларга;
- ишлаб чиқариш биноларига ва ёрдамчи биноларга;
- ишчи кучига;
- пул маблағларига.

НОРМАЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Норма ва нормативлар қуйидаги мақсадлар учун белгиланади:

- ресурслар ортиқча сарфланишининг олдини олиш;
- корхонанинг белгиланган режимда ишлаштини таъминлаш;
- маҳсулотнинг белгиланган параметрларидан четга чиқмаслик;
- меъёрли меҳнат шароити ва атроф-муҳитни ифлослан-тирмаслик талабларини қондириш;

• корхона фаолиятини режалаштириш учун курсаткичлар базасини ташкил этиш;

Ҳар бир нормативга риоя қилиниши ва унга тузатишлар киритилиши бўйича муайян шахс: ишчи, уста, муҳандис, иқтисодчи, цех бошлиғи, бўлим бошлиғи жавобгар ҳисобланади. Одатда, нормативлар ролини ошириш мақсадида ходимларнинг иш ҳақлари у ёки бу даражада нормаларга риоя қилиниши билан, айрим ҳолларда эса тўлиқ нормативлар билан боғланади.

Нормалаштириш тизимининг самарадорлиги, бу ҳолда, қуйидагилар орқали аниқланади:

- белгиланган меъёр ва нормативларнинг объективлиги орқали;
- уларга риоя қилиниши бўйича масъул шахснинг танлаш аниқлиги орқали;
- ҳисоб юритиш ва назорат қилишнинг тезкорлиги ва аниқлиги орқали.

Нормалаштирилган ресурслар бўйича масъул шахсни аниқлаш ва белгиланган нормативларга риоя қилинишини реал ҳисобга олиш имкониятига эга бўлиш учун уларнинг дифференциацияси белгиланади, шу жумладан қуйидагилар бўйича:

- маҳсулот тури;
- иш ва ишлаб чиқариш операцияларининг турлари;
- ресурслар турлари;
- қўлланиш жойи ва ҳисоби;
- фаолият даврлари.

Бу борада айнан бир турдаги маҳсулот ва ресурслар, одатда технологик жараёнларнинг турли босқичлари, уларни ишла-тиш жойи ва вақти бўйича нормалаштирилади.

Масалан, 1000 дона эркаклар куртқасини тикишга буюртма бериш учун газмол ва бошқа материаллар миқдорини аниқлашда, аввало, унинг бир қатор майда параметрларини бел-гилаб олиш зарур бўлади:

курткининг ҳар бир детали учун газмол сарфининг нормасини;

алоҳида олинган ҳар бир детални тайёрлаш учун меҳнат сарфи нормасини (тикиш, тугма кадаш, дазмол босиш ва ҳ.к.);

ёрдамчи материаллар ва бошқаларнинг сарфланиши нормасини.

Шундан кейин:

- газмол ва материалларга бўлган умумий талаб;
- бевосита тикиш ва операциялар ўртасидаги танаффусларни ҳисобга олган ҳолда курткини тайёрлаш вақти;
- газмол ва материалларнинг омбордаги норматив заҳиралари;
- ишчиларга бўлган умумий талаб аниқланади.

Газламага бўлган талабнинг нормалаштирилишига - модельер; газламани бичиш, ёрдамчи материалларни ва курткини бичиш ва тикиш учун иш вақти сарфи нормативлари бўйича - технолог, меъёрларга риоя қилинишини таъминлашга - уста; ҳар бир иш жойида меъёрларга риоя қилинишига - ишчилар жавобгар бўладилар.

МЕЪЁР ВА НОРМАТИВЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ

Қўлланиш кўлами бўйича нормативлар базаси қуйидагича тоифаларга ажратилади:

- умумдавлат ва тармоқ стандартларига ҳамда талабларига асосан белгиланган нормативлар;
- умумзавод нормативлари;
- цех нормативлари;
- предметлар, қисмлар, операциялар бўйича нормативлар.

Нормалаштириш объектлари—меҳнат, материаллар ва молиявий ресурслар бўйича нормативлар мавжуд.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ НОРМАЛАШТИРИШ

Меҳнат меъёрлари ва нормативлари таркибига қуйидагилар киради:

Товар маҳсулотининг меҳнат сифими нормативи - куп миқдордаги (минг, миллион) товар маҳсулоти учун ишловчилар сони (одам-соат):

Тулиқ маҳсулот таннархидаги иш ҳақи нормативи (коэффициенти);

Ҳар бир операция (қисм, буюм, маҳсулот тури, иш тури) учун меъёрлар (минут), белгиланган иш ҳажми учун иш вақти сарфи меъёри;

Ишлаб чиқариш (иш унумдорлиги) нормаси - вақт бирлиги ичида чиқарилган қиймат кўринишидаги ёки натура кўринишидаги маҳсулот сони. Вақт нормасининг тескари кўриниши.

Хизмат курсатиш нормаси - иш сменаси давомида бир иш-чига туғри келувчи урнатилган қурилмалар бирлиги ёки хизмат курсатиш жойлари сони;

Маҳсулот бирлигининг тулиқ меҳнат сифими нормаси - маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун барча тоифадаги са-ноат ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатининг сарфи;

Меҳнатга ҳақ тулаш тариф ва окладлар асосида меъёрлаш-тирилади.

Иш ҳақи ва меҳнат сарфи меъёрлари ва нормативлари - ишчилар сонини; меҳнат унумдорлигини; иш ҳақи фондини; маҳсулот таннархини ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблашда қўлланилади.

МОДДИЙ РЕСУРСЛАРНИ МЕЪЁРЛАШТИРИШ

Моддий ресурслар сарфининг меъёрлари моддий - техника таъминоти графиклари ва режаларини тузиш, материаллар сарфини назорат қилишга имкон яратади. Таркибий жиҳатдан моддий ресурсларнинг сарфи меъёрлари уч элементдан: маҳсулот бирлигига ёки иш ҳажмига сарфланадиган материалларнинг соф вазни, технологик чиқитлар ва технологик жараённинг боришида йўл қўйилган сарфлардан иборат.

Технологик чиқитлар - бошланғич хом ашё қолдиғи бўлиб, уларни мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ишлатиб бўлмайди, улар қайтарилувчи ва фойдаланилмайдиган қисмларга ажрагилади. Қайтарилувчи чиқитлар бошқа турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида ишлатилиб, аксарият ҳолларда чет корхоналарга сотилади. Фойдаланилмайдиган чиқитлар ишлаб чиқаришда қўллаш учун яроқсиздир.

Технологик сарфлар - ишлаб чиқариш жараёнида изсиз исроф бўлувчи хом-ашё ва материалларнинг йўқотилишидир (масалан, цемент чангиши, металлни қиздирганда куйиши ва ҳ.к.).

11.2. НОРМАЛАШТИРИШ УСЛУБЛАРИ

Нормалаштиришнинг қуйидаги услублари мавжуд:

- ҳисоблаш-таҳлил этиш;
- тажриба;
- ҳисобот-статистика;
- аралаш.

Ҳисоблаш-таҳлил этиш услуби лойиҳа-конструкторлик, технологик ҳамда бошқа техник ва ишлаб чиқариш ҳужжатлари бўйича ҳисоблашни англатади. Меъёрлаштиришнинг бу услуби меъёр ва нормативларнинг ташкилий-техник тадбирларнинг жорий этилиши билан бир пайтда белгиланишини, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотни модернизация қилиш, унинг сифагини ва рақобатбардошлигини яхшилашни кузда тутади.

Тажриба усулидаги меъёрлар эса ишлаб чиқариш ва лаборатория шароитида кузатув, ўлчов, тажриба ўтказиш, изланиш асосида белгиланади. Бу усулда ўрнатилган меъёрлар ишлаб чиқариш ташкил этилганлигининг ва техник жиҳозланганликнинг ҳақиқатда эришилган даражасини акс эттирса-да, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор услублари янги техника ва технологияларни режалаштирувчи даврда жорий этилишини ҳисобга олмайди. Шу боисдан бу усул меҳнат унумдорлигини оширишни, моддий ресурсларни иқтисод қилишни назарда тутмайди.

Меъёрлаштиришнинг ҳисобот-статистик услуби - статистик, бухгалтерия ва тезкор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган даврдаги катталиқларининг таҳлил этилишига асосланади. Бу усул ҳам тажриба усулидаги каби камчиликларга эга. Бироқ, бу усул ҳисоб-китоблар борасида бир мунча кам меҳнат сифимига эга бўлганлиги боисидан кўпроқ қўлланилади.

Аралаш усулда юқорида кўрсатилган усуллардан бир пайтнинг ўзида фойдаланилади.

11.3. БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Корхона иқтисодиётини ва бошқарувини режалаштиришда бошқарилувчи объект ҳолатини ва ҳал этилувчи вазифага мослигини, яъни кўрсаткичлар ва нормативларни аниқловчи бир қатор дастаклардан фойдаланилади.



11.1-расм. Бошқарув схемаси

Исталган тизимдаги бошқарув, у хоҳ алоҳида дастгоҳни бошқариш бўлсин, хоҳ технологик жараённи ёки корхона иқтисодиётининг умумий бошқаруви бўлсин, турли кўрсаткичларни роллаш асосида амалга оширилади. Танлаб олинган ва ролланувчи кўрсаткичлар ва нормативларнинг миқдор қийматлари белгилаб қўйилган нормативлар ёки кўрсаткичлар билан тасдиқланади.

Кўрсаткич - атроф муҳитда юз бераётган воқеликлар ва жараёнларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларидир. Кўрсаткичнинг сифати конкрет вақтдаги ва жойдаги воқелик ёки жараённинг таркибини акс эттиради. Миқдори эса - абсолют ёки нисбий катталиқни, ўлчовни аниқлатади. Шундай қилиб, кўрсаткич - объектнинг сифат ва миқдор характеристикасининг хусусиятларини билдирувчи сондир.

Режалаштириш амалиётида кўрсаткичларнинг турт хил тоифаси қўлланилади, хусусан: натурал, ижтимоий меҳнат, қиймат ва аралаш кўрсаткичлар.

Натурал кўрсаткичлар гуруҳи турли-туман ва куп сонлидир. Самарадорликни баҳолаш, назорат қилиш, ҳисобот тизими ва режалаштиришда бу кўрсаткичлар белгиланган ёки эришил-

ган натижаларнинг сифат ва миқдор жиҳатларини билдиради (1000 тн.пахта, 100 ц. буғдой, 1 млн.квт/с электр энергияси ва ҳ.к.)

Ижтимоий меҳнат кўрсаткичлари ходимлар сони, касбий таркиби, иш унумдорлиги, меҳнат шароити ва ҳақ тўлаш каби-ларни ўз ичига олади ҳамда улар ёрдамида корхона ходимла-рининг фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳал этилади.

Қиймат кўрсаткичлари пул бирлигида ифодаланади. Бу кўрсаткичлар универсал бўлиб, ҳужалик амалиётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилади.

Бироқ, аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналари то-монидан *аралаш (ёки техник-иқтисодий) кўрсаткичлар* кўпроқ қўлланилади.

Таркибий функционал қўлланилиши бўйича кўрсаткичлар баҳолаш, режалаштириш ва ҳисоб-таҳлил кўрсаткичларига аж-ратилади.

Баҳолаш кўрсаткичлари объектнинг реал ҳолатини холис баҳолаш учун қўлланилиб, улардан асосан режаларни ишлаб чиқиш босқичида, шунингдек, корхона ишининг натижаларини таҳлил этиш мақсадида фойдаланилади.

Режа кўрсаткичлари корхонанинг ҳар бир бўлинмаси учун раҳбарият томонидан белгилаб қўйилади ва уларни бажариш мажбурий ҳисобланади. Масалан, меҳнат унумдорлигини оши-риш бўйича режа кўрсаткичи бутун корхона учун белгиланган бўлса, корхонанинг барча бўлинмалари ҳам мазкур кўрсаткичнинг шу даражада бажарилишини таъминлашлари шарт. Чунки бу кўрсаткичга ходимлар сони, уларга иш ҳақи тўлаш фонди ва унинг даражаси, шартномалар асосида маҳсулотларнинг ўз вақтида чиқарилиши, таннарх ва корхона даромадининг ҳажми бевосита боғлиқдир. Режа кўрсаткичининг бажарилмаслиги иш маромининг бузилишига, бутун корхона жамоаси фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Ҳисоб-таҳлил кўрсаткичлари режалаштирилган топши-риқларни асослаш учун қўлланилади.

Бошқарув даражаси (босқичлари) бўйича кўрсаткичлар қуйидагича тоифаланади: умумзавод, цех, бригада, индивидуал кўрсаткичлар.

Режалаштириш ва бошқарувда қўлланиладиган бир қатор курсаткичлар, давлатнинг иқтисодий сиёсатига, стандартларга, давлат статистика тизими томонидан қабул қилинган ҳисобларга асосланади, шу жумладан:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш;
- даромад;
- устав капитали ўлчови;
- ходимлар сони;
- корхона бўйича ўртача иш ҳақи.

Бошқа курсаткичларни корхонанинг ўзи белгилайди.

Халқ ҳужалигининг ўзаро алоқадор тизимларида корхона олдида турган конкрет вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга ва қабул қилинаётган қарорларнинг халқ ҳужалиги миқёсида оптималлигига боғлиқдир. Ва аксинча, агар корхонада, халқ ҳужалиги нуқтаи назаридан, мунтазам равишда нооптимал қарорлар қабул қилинса, бу пировардида давлатнинг иқтисодий сиёсатига путур етказиши мумкин.

Шу боисдан барча даражада самарадорликни баҳолашнинг ягона ҳужалик мезонлари ва улар асосида ишлаб чиқаришни, унинг ривожланиш истиқболини баҳолашнинг ягона курсаткичи мавжудлиги ҳар бир корхонанинг ва унинг орқасидан бутун жамиятнинг манфаатдор бўлишини белгилайди.

Ҳужалик бошқарувининг курсаткичлар тизими:

- корхонанинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келиши;
- корхона фаолиятининг натижаларини, шунингдек ундаги иқтисодий жараёнларни аниқ характерлаши;
- бухгалтерия ва статистик ҳисоботларнинг услубларига мос келиши;
- ишлаб чиқаришга комплекс - миқдор ва сифат жиҳатларидан баҳо бериши;
- ҳужалик юритишнинг барча босқичларида ишлаб чиқаришни режалаштириш усулларига мос келиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ортишига таъсир курсата олиши;

- бошқарувнинг юқоридан қуйгача булган барча босқичларида режалаштиришнинг ягоналигини ва мукамаллигини таъминлаши шарт.

Корхоналарда белгилаб қўйилган кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминловчи шахс тайинланган бўлиши керак.

Кўрсаткичларнинг қўлланилиши ва функциялари тушунчалари борасида англашилмовчиликлар, айрим кўрсаткичларга етарли баҳо бермаслик хўжалик бошқаруви даражасини пасайтиради ва ишлаб чиқариш иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

Корхонанинг бошқарув тизими мураккаб иқтисодий, натурал ва бошқа кўрсаткичлар мажмуасининг қўлланилишини талаб қилади. Бу кўрсаткичлар асосида корхона фаолиятининг барча босқичлари ва йўналишлари натижалари баҳоланади, алоҳида цехлар бўйича бажарилган ишларнинг самарадорлик даражаси аниқланади.

Қўйи ишлаб чиқариш зоналаридан келиб чиқаётган кўрсаткичлар бошқарув поғоналаридан кўтарилиб борган сари янада йириклашади. Керакли тузатишлар киритилгандан кейин уша тартибда қуйига ҳаракатланади ва борган сайин парчалашиб, ишлаб чиқариш бошқарувининг поғонасимон тизимининг барча звеноларини тўлдиради.

Корхона фаолиятининг пировард натижаларини баҳолаш учун кўплаб кўрсаткичлар қўлланилар экан, уларни бирлаштирувчи қандайдир бир кўрсаткич киритилмаса, алоҳида олинган бир кўрсаткичлар уртасида қарама-қаршиликлар келиб чиқиши мумкин. Бу ҳолда алоҳида кўрсаткич миқдор қийматининг бажарилиши, сўзсиз, бошқа белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилмай қолишига олиб келади.

Масалан, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи асосий кўрсаткичлар - унинг паст баҳоси ва юқори сифатидир. Лекин бу кўрсаткичлар ўзаро бир-бирига зиддир. Шунинг учун асосий кўрсаткич сифатида жами даромад танлаб олиниб, учинчи параметр сотиш ҳажми киритилади.

11.4. МОДЕЛЛАШТИРИШ

Иқтисодий жараёнларнинг моделлаштирилиши ишлаб чиқариш қонунларига асосланган мавжуд барқарор алоқалар асосида амалга оширилади.

Моддий ишлаб чиқаришнинг, унга хизмат кўрсатувчи, иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш секторига, хусусан тижорат, молияга боғлиқлигининг мавжудлиги - уларнинг ишлаб чиқаришга боғлиқ эмаслигидан гувоҳлик бермайди. Ҳақиқатда олиб кўриладиган бўлса, ишлаб чиқариш сектори ноишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига, ўз-ўзини бошқаришига кўмаклашади.

Хусусан, молиявий соҳа орқали ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг макро ва микродаражадаги нисбати (пропорцияси)нинг равланшуви юзага келса, тижорат, ишлаб чиқариш ичида ва ишлаб чиқариш билан якуний маҳсулот ўртасида алоқа функциясини бажаради.

Инновацияларни эса ишлаб чиқаришдан ажратиш қийин, бу ҳатто мумкин бўлмаган ҳолдир. Масалан, заводнинг ўрта ёки йирик лабораториялари ва илмий-техник бўлимлари, кўлами бўйича айрим илмий-текшириш институтлари ва конструкторлик бюроларини ортда қолдирса-да, ишлаб чиқариш секторига киритилади. Нисбатан кам қувватли, лекин мустақил бўлган ташкилотлар илмий ва хизмат кўрсатиш секторига киритилади.

Статистика бўйича улар ишлаб чиқаришдан ажратилса-да, аксарият ҳолларда, завод лабораториялари амалга ошираётган ишлаб чиқариш топшириқларини бажарадилар.

Илмий-техник фаолият моҳиятига кўра ишлаб чиқаришнинг бошланғич босқичидир. Баъзи ҳолларда бундай фаолият ишлаб чиқариш структурасининг топшириғига биноан бошланса, бошқа ҳолларда эса илмий-техник ходимларнинг ўзлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва моддий базасини ўзгартиришда ташаббускор бўладилар.

Ишлаб чиқариш тулиқ инсон манфаатлари ва мақсадлари йўлида жамиятнинг ривожланиш қонунларига боғланган ҳолда хизмат қилса-да, у табиат қонунларини билиш асосида ташкил этилади ва бу қонунларга бўйсунди. Шу боисдан табиатдаги сингари иқтисодиётда ҳам барқарор қонуний боғланишлар мав-

жуддир. Шунинг учун уларнинг математик тузилишини шакллантириш, иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш мумкин.

Модел-намуна, реал ухшашлик, предметнинг, жараённинг ва воқеликнинг акс эттирилишидир.

Модел характери туғрисидаги кўрсаткичлар мажмуаси моделлаштирилаётган объектларнинг асосий хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритиш учун етарли миқдорда ахборотларни бериши ва унга мос қарорлар чиқариш имконини бериши лозим.

Иқтисодий математик модел (ИММ) бир ёки бир неча математик ифодалар (тенглама, функция, тенгсизлик) ёрдамида иқтисодий жараёнларни ёки воқеликларни акс эттирувчи талқин бўлиб, моделлаштирилаётган объектнинг белгилаб қўйилган ёки эҳтимоли кутилаётган шарт-шароитларда узини тутишини кўрсатади.

Моделнинг моделлаштирилаётган объектга мос келиши учун унинг қурилишида қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши шарт:

- объектни тула акс эттириши;
- объект характеристикасига мос келиши;
- объект характеристикаларининг узгаришига қараб, моделга узгартиш киритиш эҳтимолининг мавжудлиги;
- машинада программалаштириш қоидаларига модел алгоритмларининг мос келиши;
- математик моделни математик кўриниш усуллари ва шаклларига айлантириш эҳтимолининг борлиги.

Моделлаштириш корхона бошқарув механизмининг мажмуасини эмас, балки унинг айрим функцияларини талқин этишга мўлжалланган бўлиб, ушбу функцияларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- буюртмаларни бажариш ва харажатларни босқичма-босқич талқин этиш билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни моделлаштириш;
- истеъмолчига етказиб бериш ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ ҳолда маҳсулот реализациясини моделлаштириш;
- ишлаб чиқаришга алоқадор хом ашё, материал, жамловчи қисмлар сотиб олинишини моделлаштириш;

- калькуляция сметалари ва харажатлар элементлари бўйича, ишлаб чиқариш харажатлари сметалари бўйича таннарх-ни моделлаштириш.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, математик асосда қурилган ва қайд этилган график моделлар кам самаралидир, чунки улар статистик бўлиб, улар асосида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш ва оптимал қарорлар қабул қилиш анча мураккаб.

Иқтисодий-математик моделлар қуришнинг вазифаси маълум қоидаларга бўйсунувчи математик функциялар ёрдамида иқтисодий воқеликларни кўриб чиқишдир. Маълумки, модел асл нусхага тулиқ мос келмайди, иқтисодий воқеликлар ва жараёнларни уларнинг барча мураккабликлари билан бирга акс эттира олмайди, балки объектнинг фақат асосий характеристикаларига нисбатан содда схемалар сифатида кўриб чиқади ва шакллантиради.

Моделга киритилган омиллар ва кўрсаткичлар сони, агар катталиклар объектнинг асосий бош хусусиятларини акс эттирсанина, унинг реал объектга яқинлашуви даражасини кўрсатади.

Шу боисдан, моделларни ишлаб чиқиш жараёни объектнинг ҳақиқий мавжуд белгиларини танлаб олишдан ва уларни кейинчалик математик формулалар, тенгламалар кўринишига келтиришдан бошланади.

Хужалик фаолиятини моделлаштиришдан кузланган асосий мақсад сарф - харажатларни ва натижаларни оптималлаштириш бўлиб, унинг ечими икки вариантни кўзда тутаяди:

- 1) чекланган ресурслардан фойдаланган ҳолда, максимум натижаларга эришиш;
- 2) аниқ белгиланган натижаларга эришиш учун харажатлар қилиш.

Иқтисодий адабиётларда «минимум харажатлар билан максимум натижалар» ибораси кўп учрайди. Лекин масаланинг бу тариқа қўйилиши ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди, зеро айнан бир иқтисодий масаланинг ҳал этилишидаги минимум, ҳар доим максимумни инкор этади ва аксинча. Бирор бир нарса билан чекланмаган «минимум» ва «максимум» харажатлар чексизликдир.

Хужалик юритиш амалиётида иқтисодий-математик моделларнинг қўлланилиши ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг

иқтисодий шаклланишига олиб келиш билан бирга иқтисодий муносабатлар характерини (аввало, бирор қарорга келиш ва қабул қилиш масалаларида) ўзгартиради.

Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнларининг оптималлаштирилиши мутахассисларни «бошқарувчи» даражасига олиб чиқади ва улар корхона бошқарувчиси даражасидан бир неча поғона паст турсаларда, бошқарувчи уларнинг тавсияларини ҳисобга олмаслик ҳуқуқига эга эмас.

Корхона фаолияти натижаларини ва харажатларини оптималлаштириш учун унинг фаолиятини баҳоловчи белгиларни аниқлаш лозим, яъни қўйилган масалага мос келувчи оптималлик мезонини топиш керак бўлади. Қабул қилинган ҳар қандай қарор корхонани унинг олдига қўйилган мақсадга максимал даражада яқинлаштириши шарт.

Иқтисодий математик моделлаштириш муҳим ҳисоблансада, ҳозирча ишлаб чиқариш ва бошқарув тизимининг ёрдамчи қуроли сифатида қолади. Моделлар ёрдамида қилинган ҳисобкитоб натижалари ҳозирги пайтда асосан консультация берувчи восита сифатида қўлланилади. Энг сўнги ҳал қилувчи қарорга келиш раҳбарга боғлиқ бўлиб қолади. Бундай ҳол иқтисодиёт комплексининг кам ўрганилганлиги ва мураккаблиги билан ҳамда моделлаштиришдаги асосийлари қуйидагилардан иборат бўлган камчиликлар билан изоҳланади:

- моделга масалани ҳал этиш учун керак бўлмаган кўрсаткичлар ва нормативларнинг киритилиши;
- мазкур объект учун зарур бўлган характеристикаларнинг ва ўзгарувчан катталикларнинг моделга киритилмаслиги;
- моделлаштирилаётган объект параметрларига етарли баҳо бермаслик;
- модел таркибидаги камчиликлар, яъни қабул қилинган омиллар функционал боғланишларининг нотўғри ёки ноаниқ белгиланиши;
- асосий параметрларни ва объект динамикасида ўзгарувчи параметрларни тулиқ қамраб ололмайдиган даражада моделларни ҳаддан ташқари соддалаштириш;
- ўзгарувчи параметрлар таҳлилининг мураккаблаштирилиши ҳамда моделлаштириш учун вақт ва ресурслар сарфининг

ортишига олиб келувчи моделларнинг мураккаблаштириб юборилиши;

Иқтисодийнинг турли даражалари ва томонлари учун қуйидаги ИММлар ишлаб чиқилади:

- тақсимот модели;
- адаптив модел;
- имитация модели;
- макроиқтисодий модел;
- хўжалик ҳисоби модели (микроиқтисодий);
- иқтисодий-статистик модел ва б.

Ўрта ва йирик корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш учун:

- тармоқлараро баланснинг каркас модели;
- хўжалик ҳисоби модели;
- иқтисодий-статистик модел ва бошқалардан фойдаланилади.

Тармоқлараро баланслар жумласидан, корхона шароитларига тўғри келувчи энг содда тенгламанинг қўлланилишини материалларга бўлган талабни ҳисоблаш мисолида кўриш мумкин.

Агар буюмлар миқдорини n орқали, материалларни m орқали, i -нчи буюм учун j -материал сарфи меъёрини a_{ij} орқали ва ҳар бир турдаги буюм сонини x орқали ифодаласак, қуйидаги формулани ҳосил қиламиз:

$$Z = \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m a_{ij} x_i$$

бу ерда:

$$i = 1, 2, \dots, n;$$

$$j = 1, 2, \dots, m.$$

Агар нормативга материаллар истеъмоли сарфларни ҳисобга олмаган ҳолда киритилган ва заҳиралар ташкил этилиши кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда қўшимча ҳисоблаш ишлари амалга оширилади. Бироқ умуман олганда материаллар сарфи иккита катталиққа: материаллар сарфи меъёри (ҳақиқий катталиқлар ёки модел параметрлари)га ва маҳсулот чиқариш ҳажми (моделнинг ўзгарувчи катталиқлари) га боғлиқдир.

Бундай модел баён этувчи ёки дескриптив деб аталиб, материаллар сарфининг икки бошланғич катталикларга: буюмлар сони ва материаллар сарфи меъёрига боғлиқлигини англатади.

Иқтисодиётда оптималлаштирилган моделлар муҳим урин тутати. Улар функционал ёки оптималлик мезони деб аталувчи тенгламалар, тенгликлар ва тенгсизликлар тизимидан иборатдир.

Бундай мезонлар ёрдамида корхона учун муҳим бўлган қандайдир кўрсаткич бўйича энг мақбул қарорга келинади. Масалан, белгиланган ҳажмда маҳсулот чиқариш учун материаллар сарфининг минимум бўлиши ёки аксинча, белгилаб қўйилган моддий ресурслар бўйича максимум ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқариш (даромадга эга бўлиш) каби.

Агар корхона материалларни сотиб олар экан, уз олдиға улардан қиймат кўринишида максимум миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйса, модел қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$S p_i x_i \rightarrow \max,$$

бунда қуйидаги шарт назарда тутилади:

$$\sum_{i=1}^m \sum_{j=1}^n a_{ij} x_j \leq B,$$

бу ерда p_i - маҳсулот бирлигининг баҳоси;

B - моддий ресурсларнинг чекланган ҳажми.

Кўриниб турибдики, ҳар бир буюм ишлаб чиқариш ҳажмлари изланаётган қийматларининг ишораси манфий бўлиши мумкин эмас.

Қилинган ҳисоб - китоблар асосида корхонанинг изоҳланаётган оптимал режаси топилади.

ИММнинг афзаллиги унинг универсаллигида намоён бўлади.

Белгиланган сана ҳолатига иқтисодиётнинг статистик ҳолатини баён этувчи моделлар статистик (статика сўзидан) моделлар дейилади, моделлаштирилаётган объектнинг ривожлантирилишини белгиловчи моделлар - динамик моделлар деб номланади.

МАТРИЦАЛИ МОДЕЛЛАР

Иқтисодиётда икки кўринишдаги матрицали моделлардан фойдаланилади:

1. *Сонли жадваллар*, бунда ахборотлар қатор ва устунлар бўйлаб жойлашади, жадвалларга, одатда матнли изоҳ илова қилинади.

2. *Математик вектор-устунлар*.

Стандарт шаклдаги жадваллар, одатда рақамланади ва уларнинг ҳар бири у ёки бу ҳужалик юритиш фаолиятига хизмат қилади.

Урта ва йирик корхоналарда бундай шаклларнинг юзлаб кўриниши қўлланилиб, бошқарувнинг барча босқичларида фаолиятнинг ҳамма томонлари қамраб олинади. Қуйида режалаштирилган вақт оралигида корхона материалларга бўлган талабининг якуний (жамланган) жадвали намунаси келтирилган.

Уртача йиллик суръат		Ўсиш суръати			
Ўсиш	Ўсиш суръати	2 йил давомида	3 йил давомида	4 йил давомида	5 йил давомида
101,00	1,00	102,10	103,30	104,60	105,10
102,00	2,00	104,40	106,12	108,24	110,41
103,00	3,00	106,40	109,27	112,55	115,93
104,00	4,00	108,16	112,49	116,99	121,67
-	-	-	-	-	-
110,00	10,00	121,0	133,10	146,41	161,05

11.2-расм. Уртача йиллик ўсиш суръати (%)

№	Материаллар номи	Улчов бирлиги	Бирлигининг нархи, сум	Материаллар талаби			Нархи, сум	
				Бирлик нормаси	Маҳсулот чиқариш ҳажми	Умумий талаб	Маҳсулот бирлигининг	жами
1	a_{11}							
2	a_{12}							
3	a_{13}							
-								
m	a_{1m}							

11.3-расм. Корхонанинг материалларга бўлган талабини ҳисоблашнинг матрица шакли.

Алоҳида жадваллар сони корхона тайёрлаётган буюмлар сонига мос келади. Бундан ташқари, четдан материал олишни кўзлаган корхона, барча турдаги маҳсулотлар бўйича талабларни қондириш учун зарур бўлган ҳар бир материалнинг миқдорини билиши зарур. Бунинг учун ҳар бир материал, асбоб, жамловчи қисмга алоҳида жадваллар тузилиб, сўнгра материалларга талабларнинг якуний (жамланган) жадвали тузилади.

Корхонанинг фақат материалга бўлган талабини аниқлаш учун куплаб жадваллар тузилади. Бу жуда ҳам мураккаб, меҳнат сиғими катта иш бўлиб, якуний жадвални бир неча вариант кўринишида тузишга тўғри келади. Иш ҳажмини камайтириш мақсадида иқтисодий математик моделлаштиришдан, имитацион матрицали моделлардан фойдаланилиб, улар электрон ҳисоблаш машиналарида ишланади.

$$A = \|a_{ij}\| = \begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{m1} & a_{m2} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix}.$$

Ресурслар норматив харажатларининг имитацион матрицали модели юқоридаги математик вектор-устун кўринишида ёзилади.

Бу ерда a_{ij} - чиқарилаётган j - турдаги маҳсулот бирлиги учун i - турдаги хом ашё ва материаллар сарфининг нормаси.

Маҳсулот бирлиги учун хом ашё ва материалларга бўлган талаб ҳисоблангандан сўнг, режалаштирилган даврдаги маҳсулотнинг бутун ҳажми учун талаб аниқланади.

Режада белгиланган ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун i -турдаги материалга бўлган талаб қуйидагича аниқланади:

$$\begin{pmatrix} a_{11} & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{m1} & a_{m2} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix} x = \begin{pmatrix} D_1 \\ D_2 \\ \dots \\ D_m \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} A_1 \\ A_2 \\ \dots \\ A_m \end{pmatrix}$$

бу ерда n - маҳсулот турларининг сони;

m - материал турларининг сони;

a_{ij} - j -турдаги маҳсулот бирлигини чиқариш учун i -нчи турдаги материал сарфи меъёри;

D_j - j -нчи турдаги буюмнинг режа бўйича сони;

A_i - i -нчи турдаги материалга бўлган умумий талаб.

Ҳар бир турдаги материалга бўлган умумий талабни (A) маҳсулот бирлиги ўлчамининг нархига (T, m ва ҳ.к.) кўпайтириб, киймат кўринишидаги талабга эга бўламиз. Устун қаторларини кушиб чиқиб, режалаштирилган давр учун пул кўринишида материалларга бўлган умумий талаб суммасини аниқлаймиз.

11.5 БОШҚАРУВДА АХБОРОТ

Фан-техника ва ишлаб чиқаришда ўзгаришларнинг мунтазам бўлиб туриши айниқса сўнгги ўн йилликлар ичида ахборотнинг хўжалик механизмидаги ролини ошириб юборди. Ҳар бир

уқувчи, раҳбар, мутахассис ва тадбиркорнинг диққат-эътиборини қарорларни тайёрлаш ва қабул қилишга, тадбиркор бу ютуққа эришиш учун нима қилиши кераклигини, ишни қандай усуллар билан амалга ошириши лозимлигини билишга қаратиш одатий тус олди. Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Тайван сингари бутун бошли мамлакатларда муваффақиятли иш олиб бораётган тадбиркорлар фаолиятининг омадли бўлиши кўп жиҳатдан уларнинг илғор илмий-техник ва тижорат ахборотларидан билимдонлик билан фойдалана олишлари орқали изоҳланади.

Ахборотлардан фойдаланиш бошқарув стратегиясини танлаб олиш имконини яратади.

Корхона ва ташкилотларнинг энг муҳим вазифаси бозор шароитида маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдир. Бозор конъюнктурасидан ташқари рақобатбардошликни таъминлашнинг муҳим омили маҳсулот ва хизматнинг сифати ҳисобланиб, улар ишлаб чиқариш ва лойиҳалашнинг барча технологик цикллари билан аниқланади. Бу борада илмий-техник фаолиятнинг қуйидаги кўринишлари муҳим урин тутади:

- ахборот моделларини, яъни конструктив параметр, услубият моделларини ишлаб чиқиш, муаммоларни ахборот кўрсаткичлари асосида ҳал этиш имконияти;
- илмий-техник вазиятларни прогнозлаш ва бошқалар;
- ахборот экспертлари, шу жумладан ишлаб чиқариш катталикларини ахборот кўрсаткичлари билан таққослаш;
- ишлаб чиқариш ва маиший фаолиятнинг ахборот билан таъминланиши ва ҳ.к.

Ахборот тўплаш ва уни ишлаб чиқишга асосланган конъюнктурали ва маркетинг тадқиқотлари корхонанинг бозордаги ўз ўрнини топишига имкон яратади. Конъюнктурали ахборот асосида корхонанинг сиёсати йўлга қўйилади. Техник ахборот илмий потенциални мўлжалга олишга, истиқболли маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун молиявий ва меҳнат ресурсларининг истиқболлини белгилашга имкон яратади.

Ахборот таъминотида 2 тушунчадан фойдаланилади:

- *кўрсаткичлар* (катталиклар) - объектнинг аҳволи ҳақида маълумот бўлиб, катта тизимлар ва уларнинг элементлари белгилаб қўйилади.

Ахборот кўрсаткичлари ишлаб чиқариш жараёнида олинган билимдир.

Шартли-доимий катталиклар: ёки константлар, ўрганиш жараёнида бир хил миқдорини сақлаб қолувчи (меъёрлар, нормативлар, материаллар, қурилмалар характеристикаси, нарх, расценкалар, корхона қуввати ва ҳ.к.) доимий сондир.

Шартли-доимий катталиклар кўп маротаба ишлатилади ва даврий ўзгартириб турилади. Улар ҳисоб-китоблар ва ўзгарувчан катталикларни назорат қилишда база хизматини ўтайди.

Ўзгарувчан катталиклар уларни ўрганиш жараёнида турли қийматларга эга бўлади. Уларнинг ҳар бир жараён ёки воқеанинг бирор бир томонига, жумладан: цехлар ва корхона бўйича маҳсулот чиқиши, хом ашё олиниши, тайёр маҳсулотнинг жўнатилиши, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларга аниқлик киритади.

Ўзгарувчан катталиклар тезкор режалаштириш ва бошқарувда қўлланилади. Ишлатилиб бўлингандан кейин улар ҳужжатлар таркибидан ва ЭҲМ хотирасидан чиқариб юборилди, чунки уларнинг ҳисоб-китобларда қайта ишлатилиши эҳтимоли жуда оз.

ХII БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ - БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИ

12.1 ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ишлаб чиқариш жараёни бошланғич хом ашё ва материалларнинг босқичма-босқич истеъмол қилинишига ёки кейинчалик қайта ишлаш ҳолатига, белгилаб қўйилган хусусиятларга эга бўлган маҳсулот кўринишига келишидир. Ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш билан истеъмол чегарасида тугайди ва шундан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сарфланиши бошланади.

Истеъмол инсон ҳаётининг зарурий шартидир, истеъмол кўлами техник ва ижтимоий ривожланиш суръатининг ўсиши билан ортиб боради. Шу билан бир қаторда истеъмол маҳсулотларининг ассортименти ва миқдор ўлчамлари чеклангандир. Истеъмол учун яроқсиз бўлган минерал ва органик моддалардан истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурияти туғилади. Шу тариқа моддий ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Истеъмол товарларининг умумий «истеъмол савати»даги ҳажми ва ҳиссасининг ортиб бориши одамларнинг табиий-иқлим шароитларига боғлиқлигини кескин камайтириб, айна пайтда уларнинг индустриал саноат потенциалига боғлиқлигини оширади.

Жаҳон мамлакатларининг ривожланган, ривожланаётган ва кам ривожланган сингари тоифаларга ажратилиши, бевосита уларнинг индустриал-саноат белгиларидан келиб чиқади.

Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ўзининг ривожланиши жараёнида атроф муҳитнинг ўзгаришига мослашиб борса, инсонлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали атроф муҳитни ўзларининг эҳтиёжларига мослайдилар.

Одамлар ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳисобига ривожланар эканлар, ҳатто улар ишлаб чиқариш

муҳитидан ташқарида бўлсалар-да, у ёки бу ҳолда ишлаб чиқаришга боғлиқдирлар. Ноишлаб чиқариш соҳасида ишлаб чиқариш ходимлари ўқитилади ва тайёрланади, янги технологиялар ишлаб чиқилади ва ҳ.к.

Жамият ишлаб чиқариш жараёнини ва унинг ташкил этилишини ўзгартирмай туриб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволини ўзгартириб бўлмайди. Ишлаб чиқариш корхонаси жамият ривожланишининг ва иқтисодийётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Корхонанинг ички ишлаб чиқариш режаларини ва фаолиятини зўрлик билан ўзгартиришга мажбур этиш ишлаб чиқариш жараёнининг сусайишига, ҳатто тўхтаб қолишига олиб келади. Уни ўзгартиришга фақат машина ва қурилмаларни, жиҳозларни, асбоб-ускуналарни, технологияларни алмаштириш орқали эришиш мумкин. Маълумки, бундай ўзгартиришлар катта сарф-харажатлар қилинишини ва муайян вақтни талаб қилади.

Ишлаб чиқариш звеносини чуқур таҳлил қилмай туриб, унинг ташқи шакли ва иш услубларини ўзгартириб бўлмайди. Ишлаб чиқариш жамиятнинг ривожланиш қонунлари билан фақат тақсимлаш тармоқлари орқали боғлиқдир. Ишлаб чиқариш корхонасининг ичида асосан табиат қонунлари устувор бўлиб, улар белгиланган технологиялар базасида янги тизимни ташкил этади.

Ўз навбатида технологиялар табиий хом ашё, материаллар ва энергиянинг кимёвий, физик ва бошқа хусусиятларидан фойдалана олишга асосланади. Қўлланилаётган технологиялар ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, даставвал ҳар бир конкрет ҳол учун ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этаётган табиат қонунлари ва кучларига боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш машина ва механизмлар ишини инсонийлаштириш эмас, балки уларнинг функциясини инсонлар эҳтиёжлари учун мослаштиришдан иборат.

Турли маҳсулотларни тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш жараёни бунинг учун зарур бўлган материаллар пайдо бўлишидан анча илгари бошланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган хом ашё ва материаллар дастлабки кўп поғонали ишлов бериш босқичларидан ўтади. Бу жараён бошланғич хом ашёдан бошланиб, якуний маҳсулот чиқаришда тугар экан, мута-

хассислар томонидан асосан тармоқлараро баланснинг ишлаб чиқиши борасида схематик ҳолдагина кўриб чиқилади. Конкрет ҳолда бу жараён корхоналарда босқичлар бўйича ишлаб чиқилади ва амалга оширилади, масалан; тоғ-кон корхоналарида темир рудасини қазиб чиқариш, рудадан металл эритиб олиб, ундан тайёр маҳсулот яшаш ва ҳ.к.

Моддий ишлаб чиқариш ўз таркибига қуйидаги асосий жиҳатларни киритади: малакали тайёрланган ходимлар; меҳнат воситалари (машиналар, механизмлар, асбоб-ускуналар, иншоотлар); меҳнат предметлари (хом-ашё, материаллар, табиий ресурслар); энергия (электр, иссиқлик, механик, ёруғлик, жисмоний); ахборот (илмий-техник, тижорат, тезкор-ишлаб чиқариш, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий); ишлаб чиқариш жойи (бинолар, шахталар, ер участкалари).

Бу жиҳатларни малакали бошқарувнинг синтези конкрет ишлаб чиқариш жараёнини шакллантиради.

12.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ (ТАВСИФИ)

Ишлаб чиқариш жараёнининг техник ва ташкилий-иқтисодий характеристикалари маҳсулот тури, ишлаб чиқариш ҳажми, қўлланилаётган техникалар ва технологияларнинг турлари, ихтисослашиш даражаси билан белгиланади.

Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнлари иккига бўлинади: асосий ва ёрдамчи жараёнлар.

Асосий жараёнларда меҳнат предметлари тайёр маҳсулотга айланади.

Ёрдамчи жараёнлар асосий жараёнларнинг амалга ошишига кўмаклашади. Лекин бу жараёнлар бевосита асосий ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этмайди.

Операциялар ҳам ўз навбатида асосий ва ёрдамчи операцияларга бўлинади. Асосий операцияда меҳнат предмети ўзининг шаклини, ўлчамларини ва сифат кўрсаткичларини ўзгартиради. Ёрдамчи операциялар эса фақат асосий операцияларнинг нормал бажарилишини таъминлайди. Корхона фаолиятининг натижалари асосий ва ёрдамчи операцияларнинг тўғри тақсимланишига боғлиқдир.

Маҳсулотнинг қўлланилиши, техник жиҳозланиш даражаси ва ишлаб чиқаришнинг асосий профили бўйича операциялар қуйидагича тоифаларга ажратилади:

- қўлда бажарилувчи операциялар;
- машинада ва қўлда бажарилувчи операциялар;
- машинада ва аппаратларда бажариладиган операция-

лар.

Қўлда бажариладиган операциялар оддий асбоблар (айрим ҳолларда механизациялашган) ёрдамида бажарилади.

Машинада ва қўлда бажариладиган ишларда ҳам қўл меҳнати иштирок этади. Масалан, юкларни автомашиналарда ташиш, қўлда бошқариладиган дастгоҳларда деталларга ишлов бериш шулар жумласидандир.

Машинада бажариладиган операцияларда ишлар тўлиқ машиналарда бажарилиб, қўл меҳнати жуда оз иштирок этади. Масалан, детални дастгоҳга ўрнатиш ва ишлов бериб бўлинган қисмни дастгоҳдан ечиб олиш қўлда бажарилиб, қолган асосий ишлов бериш машинада бажарилади, ишчи машина ишини назорат қилади холос, яъни у технологик жараёнларда иштирок этмайди.

Аппаратли операциялар махсус агрегатларда амалга ошади. Ишчилар фақат агрегатларнинг техник ҳолатини кузатадилар, приборлар кўрсаткичларини кўздан кечириб, тузатишлар киритадилар.

Иш операцияларининг бажарилиш шакллари ва тартиблари махсус техник ҳужжатларда ишлаб чиқариш операциялари карталарида, йўриқномаларда, операция графикларида акс эттириб борилади. Аксарият ҳолларда ишлаб чиқариш операциялари буюмга ишлов бериш билан эмас, балки иш жойини ташкил этиш билан боғланади ва алоҳида тоифадаги ишчилар қурилмаларнинг турлари бўйича тақсимланади. Бу кўпроқ яқка тартибли ва кам серияли ишлаб чиқаришга, шунингдек қурилиш объектлари ва транспорт ишларига хосдир. Бу ҳолатда ишчига буюмнинг чизмаси ёки айтайлик, юк ташиш учун йўл варағи берилади. Ишни ташкил этиш ва ишчиларнинг малакавий даражалари йўриқномаларига асосан, топшириқни олган ишчи операцияни бажариш тартиби билан таниш бўлиши шарт.

Технологик операцияларни бажариш топшириғи берилар экан, кўп ҳолларда, ишчига технологик ҳужжатлар ҳам бериллади. Бу ҳужжатларда мазкур операцияни бажариш бўйича асосий параметрлар баён этилади, жумладан:

- буюмнинг ишлов берилгунга қадар ва ишловдан кейинги бошланғич ва якуний характеристикалари:
- операцияларни бажариш кетма-кетлиги;
- зарур қурилмалар, асбоб - ускуналар, мосламалар;
- буюмга ишлов бериш режими;
- жамловчи қисмлар меъёри;
- назорат-ўлчов асбоблари ва уларнинг норматив кўрсаткичлари.

Мутахассислар томонидан ишчиларга қўшимча равишда қуйидагиларни маълум қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади:

- буюмнинг қандай мақсадда қўлланилиши;
- маҳсулотни етказиб бериш муддатлари, унинг таннархи ва баҳоси. Операцияни бажариш учун қилинадиган тўлиқ сарф-харажатлар (элементлари бўйича).

12.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ

Ишлаб чиқариш жараёнларининг лойиҳаси, одатда буюмни лойиҳалашни якунлашдан ёки буюртмачидан тўйёр лойиҳани олишдан бошланади.

Жараённинг лойиҳачилари қуйидагиларни ҳисобга оладилар:

- буюм ва унинг қисмлари техник характеристикаларини;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини;
- ишлаб чиқариш кўламини (якка тартибда, серияли, оммавий);
- буюм жамловчи қисмларининг стандартлаштирилиши ва кооперацияси даражасини;

Буюмни ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалашда қуйидагилар амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш қуввати ва технологияларни танлаш ва тасдиқлаш;

- ишлаб чиқариш қуввати ва тасдиқланган технологияларга асосан қурилмалар, машиналар, асбоб-ускуналар, приборларни танлаш;

- ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда иш жойларида зарур бўладиган техник ҳужжатларни босқичлар ва қисмлар бўйича ишлаб чиқиш.

Ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалашнинг вазифаси қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

- корхонада ишлаб чиқариладиган буюм характеристикаларининг ва профилининг белгиланишини;

- маҳсулотнинг ҳажми ва календарь режасининг белгиланишини;

- маҳсулот сифатига зарар етказмаган ҳолда, асосланган ишлаб чиқариш харажатларини;

- янги маҳсулот тайёрлаш ва унинг ҳажмини кўпайтириш учун ишлаб чиқаришни қайта қуришнинг потенциал имкониятларини;

- тармоқдаги ҳамда тармоқлараро стандартлар ва нормативларга, шу жумладан эргономика ва экология нормативларига риоя қилинишини.

Ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаш учун турли мутахассислар, аввало муҳандислар ва иқтисодчилар жалб этилади ва улар қуйидагилар билан таъминланадилар:

- буюмнинг деталлар бўйича ишчи чизмалари ва бошқа техник катталиклари;

- буюм тайёрланадиган материаллар характеристикаси ва уларнинг нархи;

- корхонада ишлатилаётган мавжуд қурилмалар ва уларнинг техник кўрсаткичлари;

- корхона цехлари, бўлинмалари бўйича мавжуд машина ва қурилмаларнинг иш билан юкланганлиги даражаси;

- қўшимча талаб этиладиган қурилмалар рўйхати ва уларнинг нархи;

- мавжуд ва қўшимча талаб этиладиган асбоблар ва технологик жиҳозлар рўйхаги;

- транспорт воситаларининг номи ва характеристикалари;

- электр энергияси, буғ, иссиқ ва совуқ сув, қисилган ҳаво, газ ва бошқа энергия ва ёқилғи манбалари;
- корхона ва унинг цехлари планировкаси;
- ҳар бир буюм бўйича материаллар, ёнилғи, энергия, асбоб-ускуналар, иш вақти сарфининг нормативлари;
- экологик ва эргономик нормативлар;
- бошқа илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ахборотлар.

Ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаш икки босқичда бажарилади. Биринчи босқичда буюмга таъсир кўрсатувчи операцияларнинг рўйхати киритилган маршрут технологияси тузилади. Бунда лойиҳани ишлаб чиқиш тайёр маҳсулотдан бошланиб, биринчи ишлаб чиқариш операцияси билан тугалланади. Иккинчи босқич тескари йўналишда биринчи операциядан охириги операциягача деталлар ва операциялар бўйича кенг қўламли лойиҳалашни ўз ичига олади. Бу ишлаб чиқариш жараёни асосланадиган ишчи ҳужжатлар бўлиб, уларда буюмнинг ҳар бир элементи тайёрланадиган материаллар, уларнинг вазни, ўлчамлари баён этилади, ҳар бир ишлаб чиқариш операциясида деталга ишлов бериш усули ва режими, қурилмаларнинг номи ва характеристикалари, асбоб-ускуналар ва приборлар, деталнинг цехлар бўйлаб ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалашда ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи муҳим ўрин тутади.

Ишлаб чиқариш ҳажми кичик бўлган тақдирда нисбатан арзон бўлган универсал қурилмалар, стандарт асбоб-ускуналар ва приборлар ишлатилади.

Ишлаб чиқариш қўлами катта бўлган корхоналарда, ихтисослашган юқори унумли техника ва технологиялардан фойдаланиш имконияти туғилиб, уларнинг қиймати иш унумдорлигининг юқори даражада бўлиши эвазига тез қопланади.

Шу билан бир қаторда йирик корхоналардаги ёрдамчи ишларнинг кўплиги корхонанинг ўзида хусусий хизмат кўрсатувчи цехлар ва участкаларнинг ташкил этилишига олиб келади. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг ҳаракатчанлиги ортади, солиштирама харажатлар камаяди, маҳсулот сифати барқарорлашади.

Лойиҳада кўзда тутилган қурилмалар, асбоб-ускуналар, транспорт ва буюмларни сақлаш усуллари қуйидаги талабларга риоя этилишини таъминлаши лозим:

- маҳсулот сифати барқарорлигини;
- ишлаб чиқариш объектларида белгиланган иш унумдорлигини ва маҳсулот чиқариш муддатларига амал қилинишини;
- хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи операцияларнинг ўзаро мувофиқлигини;
- бир маҳсулот ишлаб чиқаришдан бошқа бир маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашувчанлигини;
- ҳар бир технологик операцияни бажариш учун сарф-харажатларнинг минимал даражада бўлишини.

Сарф-харажатлар нуқтаи назаридан цехлар ва участкалар, шунингдек асосий ва ёрдамчи цехлар ўртасида қурилмалар парки қувватининг (иш унумдорлигининг) белгиланган мутаносиблигига риоя қилиниши муҳимдир.

12.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЦИКЛИ

Бирор бир буюмни тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш операцияларининг тугалланган доираси ишлаб чиқариш цикли деб аталади.

Ишлаб чиқариш жараёни макон ва вақт ичида кечаётгани боисидан ишлаб чиқариш циклини буюмнинг босиб ўтган йўли узунлиги, шунингдек бу йўлни босиб ўтиш вақти билан ўлчаш мумкин.

Ишлаб чиқариш циклини йўл узунлиги билан ўлчаш буюмга ишлов беришга киришилган биринчи иш жойидан бошланиб, охириги иш жойида тугайди. Ишлаб чиқариш циклининг узунлиги тўғри чизик бўлмасдан, балки машина ва қурилмалар жойлашган майдон эканлиги боисидан, амалиётда, одатда йўл узунлиги эмас, балки ишлаб чиқариш жойлашган майдон ва ишлаб чиқариш биноларининг ҳажми ўлчанади. Шундай бўлса-да, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги муҳим технологик кўрсаткич ҳисобланади. Бу йўл қанчалик қисқа бўлса, операциялараро транспорт харажатлари, шунчалик кам бўлади, ишлаб чиқариш майдонлари кам талаб этилади ва ишлов беришга сарфланадиган вақт қисқаради.

Биринчи ишлаб чиқариш операциясидан охири операциянинг якунига қадар бўлган календарь куни ишлаб чиқаришнинг вақт бўйича давомийлиги дейилиб, кун, соат, минут ва секундларда ўлчанади. Вақт бўйича ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги ($T_{\text{ц}}$) ўз ичига уч босқични олади:

$$T_{\text{ц}} = T_{\text{р}} + T_{\text{о}} + T_{\text{н}}$$

бу ерда, $T_{\text{р}}$ - технологик ишлов бериш вақти (ишчи давр);

$T_{\text{о}}$ - ишлаб чиқаришга технологик хизмат кўрсатиш вақти;

$T_{\text{н}}$ - танаффуслар вақти.

Технологик ишлов бериш вақти (ишчи давр) - меҳнат предметларига бевосита ишчи томонидан ёки у бошқарадиган машина-механизмлар томонидан таъсир кўрсатиш вақти, шунингдек одамлар ва техникалар иштирокисиз амалга ошадиган табиий технологик жараёнлар вақтидир.

Табиий технологик жараёнлар вақти деб, меҳнат предметларининг, бевосита одамлар ва техникалар иштирокисиз, ўз характеристикаларини ўзгартириши учун кетган вақтга (буюмнинг ҳавода қуриши, усимликларнинг ўсиши ва етилиши, баъзи маҳсулотларнинг ачиш жараёни ва б.га) айтилади.

Технологик хизмат кўрсатиш вақтига қуйидагилар киради:

буюмга ишлов бериш сифатини назорат қилиш;

машина ва қурилмаларнинг иш режаларини назорат қилиш, созлаш, майда таъмир ишларини бажариш;

иш жойини йиғиштириш;

ярим тайёр маҳсулотларни, материалларни келтириш, ишлаб бўлинган маҳсулотларни қабул қилиб олиш.

Ишдаги танаффуслар вақтида меҳнат предметларига ҳеч қандай таъсир кўрсатилмайди, уларнинг сифат характеристикалари ўзгармайди, лекин маҳсулот ҳам тайёр бўлмаган ва ишлаб чиқариш жараёни тугалланмаган бўлади.

Танаффуслар аввалдан регламентлаштирилиб қўйилади. Шунингдек кўзда тутилмаган танаффуслар ҳам бўлади.

Дам олиш ва зарурий эҳтиёжлар учун вақт иш қобилияти нормал бўлишини таъминлаш ва шахсий гигиена мақсадида аж-

ратилади. Бундай танаффусларнинг давомийлиги меҳнат шароитларига боғлиқдир. Дам олиш вақтига, шунингдек ишлаб чиқариш гигиенасини бажариш вақти ҳам киритилади. Ташкилий-техник сабаблар бўйича регламентлаштирилган (меъёрлаштирилган) танаффуслар ишчилар ва қурилмаларнинг ўзаро таъсири характери билан объектив асосланади. Бундай танаффусларнинг берилмаслиги мумкин эмас ёки уларни бермаслик иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, бир ишчи томонидан бир нечта дастгоҳга хизмат кўрсатиладиган бўлса, унинг иш жараёнлари машина вақти билан кўп ҳолларда мос келмаслиги мумкин. Натижада вақт нормаси таркибига киритилувчи танаффусларга эҳтиёж туғилади.

Регламентлаштирилмаган танаффуслар вақтига белгиланган технологиялар ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш талабларининг бузилиши оқибатида ишсиз туриб қолишлар вақти киритилади. Бундай танаффуслар иш вақти нормасига киритилмайди.

12.5. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Ишлаб чиқариш давомийлиги яхлит буюм бўйича, шунингдек, уни ташкил этувчи қисмлари бўйича белгиланади ва регламентлаштирилади.

Бироқ алоҳида олинган қисмлар ва деталларни тайёрлаш учун кетган вақтлар суммаси шу буюмни ишлаб чиқариш цикли давомийлигидан ортиб кетади. Бундай ҳол буюмни ташкил этувчи қисмларнинг параллел тайёрланиши эвазига юз беради. Масалан, тикувчилик фабрикасида битта кўйлакни тикиш ишлари бирданига бир неча участкада кўплаб ишчилар томонидан амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири фақат бир операцияни, жумладан: кўйлак енгини, чўнтагини тикиш, тугмасини қадаш ва ҳоказо ишларни бажарадилар. Бир кўйлакни тикиш бўйича ишлаб чиқариш цикли (унинг қисмлари талаб этилишини кутиш вақтлари билан бирга), айтилик, 8 соатни ташкил қилса, битта кўйлакни ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги 2 соатдан ортмайди.

Буюм қисмлари бўйича цикл давомийлигини ҳисобга олиш ва регламентлаштириш зарурияти, аввало ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисодий шарт-шароитлар билан асосланади.

Биринчидан, яхлиг буюмни тайёрлаш циклини ҳисоблаш учун унинг қисмларини тайёрлаш циклларининг давомийлигини билиш зарур. Иккинчидан, бундай регламент тезкор календарь режалаштиришини амалга ошириш учун қўлланиладиган кўрсаткич сифатида ишлатилади. Учинчидан, ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги корхона иқтисодиётига, даставвал айланма воситаларнинг обороти гезлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган маблағи маҳсулот сотилгандан сунг фойдаси билан корхонага қайтиши шарт. Бу борада фойданинг (Π_p) харажатларга (Σ) нисбати 0 дан катта бўлиши лозим:

$$\frac{\Pi_p}{\Sigma} > 0$$

Бу коэффициент хўжалик амалиётида рентабеллик ёки самарадорлик коэффициентини (Σ) деб аталади.

$$\Sigma = \frac{\Pi_p}{\Sigma}$$

Фойда эса маҳсулот нархи (Π) билан унинг таннархи (C) ўртасидаги фарқни билдиради:

$$\Pi_p = \Pi - C$$

Фойда олиш учун маҳсулот тайёрлаб, уни истеъмолчига сотиш керак. Бунинг учун асосий фондлар (бинолар, қурилмалар, машиналар, иншоотлар)дан ташқари корхона айланма воситаларига эга бўлиши шарт бўлиб, уларга хом ашё, материаллар, жамловчи қисмлар, ёнилғи захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, оморлардаги тайёр маҳсулотлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағи киради.

Айнан айланма маблағлар реализация босқичидан ўтар экан, корхонага фойда киритади. Буни уч корхона мисолида қуриб чиқамиз. Фараз қилайлик, ҳар учала корхонанинг айланма

маблағи 100 млн сўми, рентабеллик коэффициентлари 0,2 ни ташкил қилсин.

Биринчи корхона (савдо маркази)да айланма маблағнинг айланувчанлиги 2 ойни, иккинчи корхона (завод)да 6 ойни, учинчи корхона (қишлоқ ширкат хўжалиги)да 12 ойни ташкил этади.

Ҳар бир корхона йил давомида қанча фойда олишини ҳисоблаймиз:

Савдо маркази-100 млн. сўм $\times 0,2 \times 12/2 = 120$ млн. сўм:

Завод -100 млн.сўм $\times 0,2 \times 12/6 = 40$ млн. сўм.

Ш/х - 100 млн. сўм. $\times 0,2 \times 12/12 = 20$ млн. сўм.

Кўрсатилган корхоналарнинг тенг даромадли бўлишига эришиш учун уларнинг маҳсулотлари айланма маблағ оборотининг тезлигига тескари пропорционал бўлиши шарт. Савдо маркази товарлари ассортиментини тўғри танлаб, ўз маблағини бир йилда 6 маротаба айлантира олса, деҳқон эса, бор-йўғи бир маротаба, жуда нари борса икки маротаба айлантира олади.

Нормал шароитларда бозор, самарадорлик даражасини, ягона товарнинг даромадлилигини ростлай олиши ва мувозанатга келтиришнинг шартлиги назарда тутилади, бу шундай тарзда амалга ошиши лозимки, қайси соҳага капитал қўйилишидан қатъи назар, корхонанинг сарфлаган 1 сўм маблағи эвазига қўрадиган йиллик даромади бир хил бўлиши лозим, айталик 40 тийин бўлсин, у ҳолда капиталнинг айланувчанлик тезлигини бир йилда 6 марта деб фараз қилсак, ҳар бир сўмнинг бир марта айланиш самарадорлиги 0,07 дан ортмаслиги, айланувчанлик бир йилда бир мартага тенг бўлса, 0,4 дан ошмаслиги лозим. Албатта бу ерда, қўйилган барча капитал, нафақат айланма маблағлар, балки асосий фондлар ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Шундай бўлса-да, капитални бир тармоқдан бошқа тармоққа оқиб ўтиш циклининг узоқ давом этиши туфайли даромадлиликни тармоқлар бўйича тенглаштиришнинг ҳар доим ҳам иложи бўлавермайди. Айтиш пайтда транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларига тааллуқли корхоналарни инқироз ҳолатига тушириб қўйиш мумкин эмас. Шу боисдан замонавий ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг айрим соҳаларини, аввало, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қувватлаш амалиёти татбиқ этилмоқда.

Хусусан, АҚШда қишлоқ хўжалиги учун субсидиялар миқдори йилма-йил ва маҳсулотлар турлари бўйича, хужаликларнинг даромадлари суммасига нисбатан 7 дан 20% гача берилади. АҚШга нисбатан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун иқлим шароити ноқулай булган Японияда бундай субсидиялар 40% ни ташкил этади.

12.6. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТУРЛАРИ

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш турлари қуйидагиларга ажратилади: оммавий, серияли, якка ҳолдаги ва аралаш ишлаб чиқариш.

Ўз навбатида серияли ишлаб чиқариш майда, ўрта ва йирик серияли ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш тури, одатда, иш жойларини ихтисослаштириш коэффициенти ёки сериялилик коэффициенти (K_c) орқали характерланиб, у бир иш жойида бажариладиган операциялар сони билан аниқланади:

$$K_c = \frac{C}{P}$$

бу ерда, P - иш жойлари сони;

C - ҳар бир детални тайёрлашда бажариладиган операцияларнинг ўртача сони;

P - мазкур гуруҳдаги иш жойларида ишлов бериладиган деталлар турларининг миқдори.

Бу коэффициент, саноатдаги куплаб корхоналар курсаткичлари бўйича, оммавий ишлаб чиқариш учун тахминан 1 дан 3 гача, йирик серияли ишлаб чиқаришда, 4 дан 10 гача, ўрта серияли ишлаб чиқаришда 11 дан 20 гача, майда серияли ишлаб чиқаришда 20 дан ортиқни ташкил қилади.

Якка ҳолда ишлаб чиқаришда маҳсулот номенклатурасининг тез ўзгариб туриши, ҳажмининг катта булмаслиги стандартдаги конструктив-технологик қарорларга келишни чеклайди. Бундай ишлаб чиқаришнинг узига хос хусусиятлари цехлар ва иш жойларининг технологик ихтисослашуви даражасининг юқори эканлигида, уларда доимий бир хилдаги маҳсулот

чиқарилмаслигида, қўлда бажариладиган операциялар ҳиссасининг катталигида, ишлаб чиқариш циклининг давомийлигида, юқори малакали ишчиларнинг ишлашида намоён бўлади. Бу турдаги ишлаб чиқариш маҳсулотларига ўта мураккаб дастгоҳлар, реакторлар, юқори қувватли электр машиналари ва ҳ.к.лар киради.

Серияли ишлаб чиқариш иш жойида якка ҳолдаги ишлаб чиқаришдаги сингари бир-иккита эмас, балки даврий ҳолда конструктив бир хилда бўлган маҳсулотлар ясалиши билан характерланади.

Агар майда серияли ишлаб чиқариш якка ҳолдаги ишлаб чиқаришга бирмунча ўхшаса, йирик серияли ишлаб чиқариш оммавий ишлаб чиқаришга ўхшаб кетади.

Оммавий ишлаб чиқариш иш жойларининг тор ихтисослашганлиги билан характерланади. Бунда бир-иккита деталь-операциялар мунтазам такрорланади. Бундай ишлаб чиқаришнинг асосий хусусияти узоқ давр мобайнида бир жинсли маҳсулотнинг кўп ҳажмда ишлаб чиқарилишидир.

Оммавий ишлаб чиқариш ихтисослашув учун қулай шароит яратади, иш унумдорлигини кескин оширади, қурилмаларга юқори даражада иш юкланишига имкон яратади, ишнинг мунтазам олиб борилишини таъминлайди. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига, маҳсулот таннархининг камайишига ва сифатининг яхшиланишига олиб келади. Масалан, тажриба тариқасида якка ҳолда, бир-иккита ишлаб чиқарилган автомобилнинг таннархи, худди шу автомобилни оммавий ишлаб чиқарилганига қараганда 20-30 маротаба ортиқ бўлади. Бундан ташқари унинг ишончлилиги ҳам бир неча маротаба кам бўлади. Техник-иқтисодий курсаткичлардаги бундай катта фарқлар асосан ўта мураккаб ва меҳнат сиғими юқори бўлган маҳсулотлар учун характерлидир. Лекин кийим тикиш, овқатланиш тармоқларида ҳам бу курсаткичлар фарқи 40-50% га бориши мумкин.

Шу билан бирга оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш бир қатор камчиликлардан холи эмас, уларнинг энг асосийси - бундай ишлаб чиқариш якка шахсий талабларни қўйувчи конкрет истеъмолчи учун иш қилмайди, балки ўртача стандартлар бўйича қаттиқ технологиялар асосида фаолият юритади. Махсус

қурилма ва жиҳозларнинг кўлиги боисидан, мазкур ишлаб чиқаришни бошқа маҳсулот чиқаришга қайта қуриш мушкул.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун материалларни, деталларни ва агрегатларни стандартлаштириш ва унификация қилиш усуллари кенг қўлланилади.

12.7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Маҳсулотни тайёрлаш учун зарур бўлган барча компонентлар етарли миқдорда мавжуд бўлган ва техник соз бўлган тақдирдагина корхонанинг асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларининг фаолияти нормал юритилиши мумкин.

Иш жойларига материаллар, ёнилғи, энергия, асбоб-ускуналар мунтазам етказиб берилиши, қурилмаларнинг ўз вақтида таъмирланиши, биноларнинг йиғиштирилиши ишлаб чиқаришнинг ёрдамчи сектори томонидан амалга оширилади. Бу сектор ёрдамчи деб номланса-да, олиб борадиган фаолиятининг муҳимлиги бўйича аслида иккинчи даражали ҳисобланмайди.

Аксарият ҳолларда ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш секторида ишлаётган ходимлар сони асосий ишлаб чиқариш билан банд ходимлар сонидан ортиқ бўлади.

Ёрдамчи ходимларнинг маҳсулоти, бу маҳсулотлар корхонанинг ичида истеъмол қилиниши ва бунинг оқибатида мустақил товар ҳисобланмаслиги боисидан, асосий маҳсулот жумласига киритилмайди. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар асосий маҳсулот (хизмат) таннархига қўшилади.

Ходимлар функцияларининг асосий ва ёрдамчи функцияларга бўлиниши, аввало корхонанинг кўламига боғлиқдир.

Катта бўлмаган корхоналарнинг хўжалик аппарати кичик ҳажмли хизмат кўрсатиш ишларини (майда таъмир, биноларни йиғиштириш, моддий қийматликларни сақлаш ва бошқалар) бажарадилар. Бошқа ишларга эса, четдан ихтисослашган корхоналарни жалб этадилар.

Йирик корхоналарда эса, одатда ўз бўлинмалари ташкил қилиниб, улар қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

- транспорт таъминоти;
- ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш;

- энергия ресурслари таъминоти;
- асбоб-ускуналар ва приборлар таъминоти;
- мавжуд мулкни қўриқлаш ва унинг сақланишини таъминлаш;
- санитар-маиший хизмат кўрсатиш.

Кўп ҳолларда хизмат кўрсатувчи цех ва участкаларнинг буш турган қувватларидан фойдаланиб, чет корхона ва ташкилотларга шартнома асосида иш бажариб берилади. Бу ҳолда, кўрсатилган хизмат товар маҳсулоти реализацияси тартибида расмийлаштирилади ва корхонанинг асосий фаолияти таркибига киритилади. Масалан, транспорт цехининг бошқа корхоналар юкини ташиб бериши бу цехнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Агар транспорт цехи уз корхонасининг тасарруфида юк ташиш ишларини бажарса, унинг фаолияти ёрдамчи фаолият деб олинади.

XIII БОБ

КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

13.1. РЕЖАЛАШТИРИШ ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Корхона фаолиятини режалаштириш дейилганда унинг яқин ва узоқ келажакдаги фаолиятини белгилаш, бажарилиши кўзда тутилган ишларни асослаш, конкретлаштириш, талаб ва таклифни олдиндан кўра билган ҳолда ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш тушунилади.

Корхона режасида қуйидагилар белгиланади:

- режа тузилган даврда корхонанинг фаолиятидан кўзда тутилган мақсад, бунда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари ва иш характери белгилаб қўйилган курсаткичлар тизимида акс эттирилади;

- режадаги мақсадга эришиш воситалари ва маблағлар;
- ишни бажариш муддатлари ва босқичлари;
- иш турлари ва муддатлари бўйича бажарувчилар;
- режанинг бажарилишини назорат қилиш воситалари ва назорат босқичлари.

Ҳар бир ишлаб чиқариш ташкилоти рақобатчиларидан ортда қолишнинг олдини олиш мақсадида хусусий ишлаб чиқаришини ва бозор талабини ривожлантиришни камида 2-3 йил олдин режалаштириб бориши шарт. Ҳисоб-китобларда йўл қўйилган хатолик ва ноаниқликлар корхонани зарар кўришга ва ҳатто инқирозга олиб келиши мумкин. Корхона ўз истиқболини режалаштириш учун барча иқир-чиқирларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич буюмни лойиҳалашдан тортиб, технологияни ишлаб чиқиш, тажриба-синов ишларини бажариш ва ишга туширишгача, эски буюмлар ишлаб чиқаришни тўхтатиб, бозорга янги маҳсулот чиқаришгача бўлган босқичларни кўриб чиқиши шарт. Барча ишлар корхонанинг ички иқтисодиёти, солиқ тизими, кредит олиш ҳолати, бозордаги аҳвол, рақобатчиларнинг

рақобатчиларнинг хатти-ҳаракатлари, корхонадан ташқаридаги вазият билан боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини бошқариш ва режалаштириш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, чет эл амалиётида бу биргина суз «менежмент» орқали ифодаланади.

Бошқарув ва режалаштириш муносабатлари Японияда қуйидаги схема бўйича талқин этилади:



13.1-расм. Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш ва режалаштириш муносабатлари.

Деярли барча мамлакатларда режалаштириш ва бошқарувга муносабат айнан шундай. Канадалик бизнесмен Д.Дойлнинг таъкидлашича, «тадбиркорлик бизнес режаси тадбиркор ва молиявий таъминловчи (омонатчи) уртасида тузилган контрактнинг асосини ташкил қилади. Бизнесда режалаштириш менежментнинг қабул қилинган қондаси бўлиб, корпорациялар ва муассасалар томонидан бизнесдан кузланган мақсадга эришиш учун фойдаланилади. У одатда, бир неча йилга, кўпинча 5 йил муддатга тузилади. Директорлар кенгаши узоқ муддатли режаларга «йўл харитаси» сингари ёндошадилар».¹

13.2. РЕЖАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режалаштириш технологиясига қуйидагилар киради:

- корхонанинг асосий вазифаларини аниқлаш ва асослаш;

¹ Дойл Д. Как создать предприятие. Таллин. 1991 г.

- конкрет иш жойлари ва иш ҳажмлари бўйича топшириқларни белгилаш;
- қилинадиган харажатлар ва натижаларни режалаштириш даври бўйича ҳисоб-китоб қилиш.

Режанинг таркибий қисмлари қанчалик изчиллик билан ишлаб чиқилса, уни амалга ошириш шунчалик енгил бўлади, ресурслар тежалади ва иш сифати юқори бўлади.

Корхона фаолиятини режалаштириш учун қуйидаги ахборотлар талаб этилади:

- ишлаб чиқариш қувватларининг мавжудлиги ва таркиби;
- ходимлар сони, уларнинг малакавий таркиби;
- молия;
- мавжуд айланма маблағ ва унга бўлган талаб;
- янги илмий-техник ишланмаларнинг мавжудлиги ва таркиби.

Бу ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш режалаштиришдан олдинги босқичдаги ишларни ташкил қилади.


Корхона фаолиятини режалаштириш унинг алоҳида қисмларининг режа лойиҳаларини тайёрлашдан бошланади, хусусан:

- маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасини;
- моддий-техника таъминоти режасини;
- ходимлар ва иш ҳақи режасини;
- янги техникалар ва капитал қўйилмалар бўйича перспектив режани;
- молиявий режани.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш режаси асосий бўлиб, унга мос ҳолда қолган режалар тузилади.

Корхона режаси қисмларининг сони унинг куламига, қайси тармоққа тааллуқли эканлигига қараб турлича бўлиши мумкин бўлган ҳолда, режалаштириш ишининг мазмуни ўзгармайди. Режада, албатта, корхона ишининг саналар бўйича натижалари кулами ва аниқ характеристикалари кўрсатиб қўйилиши шарт.

Режани бажаришга киришилиши биланоқ ресурслар сарфи ҳисоблана бошланади, шу боисдан режалаштиришдаги ҳар бир ноаниқлик ва хато уларни бартараф этиш борасида маблағ ва вақт йўқотилишига, пировардида корхонанинг инқирозга юз гутишига олиб келади.



13.2-расм. Корхона фаолияти режасининг йириклаштирилган тузилмаси.

13.3. КОРХОНА РЕЖАСИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Режанинги таркибий тузилиши корхона функцияси ва унинг маъмурий-хужалик тузилмаси орқали аниқланади.

Бошқарувни тартибга солиш мақсадида ҳар қайси цех, бўлим, лаборатория ўз режасини тузади ва бу режалар корхонанинги умумий режаси билан мувофиқлаштирилади.

Ички ишлаб чиқариш режаларининги мувофиқлаштирилиши режалаштиришнинг энг мураккаб вазифаларидан ҳисобланади.

Урта ва йирик корхоналарда фаолият курсатувчи турли-туман таркибий тузилмалар, цехлар, бўлинмалар, участкалар, лабораториялар, кўпдан-кўп касблар дастлаб ўзаро бир-бирига боғлиқ эмасдай кўринади, лекин улар томонидан амалга оширилаётган ишлар корхона олдига қўйилган умумий мақсад нуқтаи назаридан қараганда бирлашиб кетади. Режалаштиришда бўлинмалар ўртасида зарур вертикал ва горизонтал алоқалар ўрнатилади.

Параллел иш олиб боровчи бўлинмалар, одатда, ўзаро боғлиқ эмас ва бир-бирларининги бажараётган ишлари билан

яқиндан таниш эмас. Улар режада белгиланган ишларни мустақил бажарар экан, режа орқали бир-бирига боғланади.

Қуйидаги қоидаларга амал қилинган тақдирда, корхона, режалаштириш тизими орқали катта фойда кўради:

- режанинг ҳар бир элементини тулиқ асослаш;
- режадаги ҳар бир курсаткичнинг аниқ бажарилишига эришиш;
- режанинг бажарилишини мунтазам ҳисобга олиб бориш, назорат қилиш ва тузатишлар киритиш.

Бўлинмаларнинг иши турлича характерга эга эканлиги ва бажариш муддатлари ҳар хил булганлиги сабабли уларнинг фаолияти турли шаклдаги курсаткичлар, усуллар ёрдамида назорат қилинади. Бу борада режалар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

бажариш муддатлари бўйича:

- оператив-календар;
- жорий;
- ўрта муддатли;
- узоқ муддатли;
- стратегик;

қўлланилиши бўйича:

- ишлаб чиқариш (маҳсулот тайёрлаш);
- тижорат (маҳсулот сотиш, моддий-техника таъминоти);
- инвестиция ва корхонанинг техник ривожланишига таъсир кўрсатувчи;
- меҳнат, иш ҳақи тулаш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш режалари;

- молиявий режалар;

корхонани бошқариш даражаси бўйича:

- умумий фирма режалари;
- цех режаси;
- функционал бўлимлар ва лабораториялар режаси;
- участкалар ва бригадалар режаси;

маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича:

- ишлаб чиқаришга жорий этилган;
- жорий этиш жараёнида турган;

- келажакда жорий этилиши кўзда тутилган, лойиҳалаштирилаётган иш режалари.

Юқоридаги режалар ўрта ва йирик корхоналар учун тааллуқли бўлиб, кичик корхоналар, одатда, оператив-календар, жорий ва ўрта муддатли режалар билан чекланади.

13.4. КОРХОНА ХОДИМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА РЕЖАЛАШТИРИШ

Инсон ўз манфаатларини назарда тутган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаради. Одамларнинг ижобий натижалардан манфаатдорлиги қанчалик юқори бўлса, корхона қайси тармоққа тааллуқли эканлиги, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шунчалик тез ривожланади.

Менежмент соҳасидаги мутахассисларнинг эътироф этишларича, ходимларнинг иш сифатини яхшилашдан манфаатдорлиги фирманинг рағбатлантириш борасида бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий тадбирларни тавсия этадилар.

Фирма ишчилари фақат ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб эмас, балки фирма ишининг ривожланишини кўзда тутувчи ташкилий тадбирларда фаол иштирок этган ҳолда меҳнат қилишлари лозим.

Япониянинг «Сони Интернэшнл» фирмаси президенти Акио Морита ўзи раҳбарлик қилаётган 48000 ишчи ишлайдиган корxonанинг ривожланиши кўп жиҳатдан унинг ходимларидан ҳар бири фирма олдига қўйилган вазифалардан тўлиқ хабардор эканлигига ва бу вазифаларни бажариш борасида ташкилий-бошқарув ишларида иштирок этишига боғлиқ, деб таъкидлайди.

«Сони» фирмасининг ҳар бир ходими корхона мавқеини ҳамма нарсадан устун қўяди. Шунинг учун ходим ўзидан юқори лавозимда турувчи шахс корхона мавқеига зид келувчи фикрни илгари сурса, унга қарши чиқиш ҳуқуқига эга. «Қўл остингда ишловчиларни ҳақорат қилиб, айбдорни излаш тўғри эмас, деб менга ўргатишган» - деб ёзади А.Морита. Ишни ҳар иккала томон учун манфаатли тарзда олиб бориш керак. Ўзини инсонларга нисбатан манмансираган, эгоистик тарзда тутган раҳбар кор-

хонасининг ривожланишига кўр-кўрона тўсқинлик қилаётганини тушуниб етмайди.

Тадбиркор ишчиларни ёллар экан, уларни ўзининг ҳамкасблари ва ёрдамчиси деб билиши шарт. Корхонада шундагина узаро ҳурмат муҳити яратилади. Ишчи ўзини ёлланма ишчи деб эмас, балки маълум маънода корхона эгаси деб билади ва корхона равнақи йўлида жон-жаҳди билан тиришиб ишлайди. Ҳар бир ходим қобилиятига яраша тақдирланиши шарт. Ҳарб мамлакатларидаги ривожланган фирмаларда иш худди шундай ташкил этилган.

Жанубий Кореядаги йирик фирма раҳбарларидан бирининг фикрича, бизнесда энг муҳими - инсон. Бу - буюк куч: шунинг учун компанияда энг катта эътибор ходимлар масаласига қаратилган. Зеро, фирманинг равнақ топиши ва инқирозга юз тутиши унда меҳнат қилаётган инсонларга боғлиқ.

Япониядаги «Мацусита» фирмасининг шиори қуйидагича: «Буюмни тайёрлашдан олдин, «Мацусита» ходимларни тайёрлайди».

Шунинг учун ҳам жорий ва узоқ муддатли режалар тузилганда, кутилаётган фойданинг маълум қисмини ходимлар иш ҳақини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга, дам олиш ва даволанишини ташкил этишга сарфлаш назарда тутилиши керак.

13.5. УЗОҚ МУДДАТЛИ ВА ЖОРИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Режалаштиришнинг узоқ муддатли, жорий ва оператив-календар каби тоифаларга бўлиниши шартли характерга эгадир. Уларнинг фарқи якуний натижаларга эришиш муддатларининг турлича эканлигида бўлиб, режалаштириш объекти, одатда, ўзгармайди. Айнан бир буюм турли элементлари бўйича режалаштиришнинг барча турларига киритилиши мумкин. (13.3-расм). Масалан, янги буюмни ишлаб чиқаришга ва сотишга тайёргарлик кўриш узоқ муддатли режалаштиришга киритилади; буюмнинг лойиҳасини тайёрлаш, қурилмаларни ва материалларни харид қилиш жорий режалаштиришга, объектлар бўйича ходимларни тақсимлаш, жорий харажатлар оператив режалаштиришга киради.

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ (ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ) УЗОҚ
МУДДАТЛИ ВА ЖОРИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ишлаб чиқаришнинг оператив-календарь режалаштирилиши
ва бошқаруви



13.3-расм. Режаларнинг ва маҳсулот ишлаб чиқаришни бошқариш ташкилий-иқтисодий механизмининг ўзаро боғлиқлиги.

Шу билан бирга режалаштиришнинг ҳар бир тури ўзига хос характердаги фарқларга эга бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- режалаштириш интервали белгиланишининг аниқлигида;
- интеграллаш ва дифференциялаш даражаси ҳамда, шунингдек, режалаштириш курсаткичларининг сониди;
- ишлаб чиқариш харажатларини ва натижаларни ҳисоб-китоб қилишдаги аниқликда;
- режани амалга оширувчилар ўртасида мажбуриятларнинг тақсимланиш тартибида.

Режалаштириш интервали қанчалик кенг бўлса, режалаштириш параметрларининг ноаниқлиги даражаси шунчалик юқори бўлади.

13.6. ИЧКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАРИ

Корхонанинг цехлари, участкалари, бригадалари, бўлимлари ва лабораториялари фаолиятини режалаштириш ички ишлаб чиқариш режалари деб аталади ва у умумий корхона ишини режалаштиришдан бир мунча фарқланади. Бунинг сабаби корхона бўлинмаларининг хўжалик юритувчи юридик шахс эмаслиги, яъни ўзларининг банклардаги ҳисоб рақамига эга эмаслигида, ташқи корхоналарга фақат корхона раҳбарияти орқали чиқишида, қилинган харажатлар ва ишлаб чиқариш натижалари бўйича ҳамда ҳар бир бўлинма маҳсулотининг улгуржи нархларини белгилаш борасида ҳисоб-китобнинг йўқлиги сабабли тулиқ хўжалик ҳисобини амалга ошира олмаслигида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш тармоғига тааллуқлилигига ва бажарадиган иш характериға боғлиқ ҳолда, цехлар, участкалар ва бригадалар учун қуйидаги режа курсаткичлари ва нормативлар белгиланади:

Саноатда:

- баҳо берувчи курсаткичлар бўйича (тоифа, сорт, четла-ниш) гайёрланувчи маҳсулот сифати;
- ходимлар сони, ҳар бир ишчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш;
- иш ҳақи фонди;

- материаллар, асбоб-ускуналар, ёнилғи, энергия сарфи меъёрлари;
- сифатсиз маҳсулот, бузилишлар, табиий йўқотиш, қурилмаларнинг кўзда тутилмаган туриб қолишлари, режадан ташқари таъмирлаш ишлари туфайли қуриладиган зарар меъёрлари.

Қурилишда қурилаётган объект кўламига боғлиқ ҳолда бригада, участкаларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, турли вариантлар қўлланилади.

Комплекс бригадалар ва участкалар учун қуйидаги курсаткичлар ва нормативлар белгиланади:

- қурилиш объектини шартномада белгиланган муддатларда қуриб битказиш;
- қурилиш - монтаж ишларининг харажатлари сметаси, ходимлар сони;
- меъёрлар бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди.

Ихтисослашган бригадалар учун саноатдагига ўхшаш режа курсаткичлари қўлланилади.

Транспортда, шу жумладан бошқа ташкилотларнинг транспорт цехларида ишларни режалаштиришда тубандаги курсаткичлардан фойдаланилади:

- бир ой (кун) мобайнида ташилган юк ҳажми ёки транспорт воситаси бирлигига тўғри келувчи йўловчилар сони;
- ташилган юк (пассажир) бирлигига тўғри келувчи ёнилғи(энергия) сарфи;
- ходимларнинг иш ҳақи фонди;
- транспорт воситаларини таъмирлаш учун сарфланадиган ёрдамчи материаллар ва сарф - харажатлар меъёри;
- транспорт воситаларининг ишга чиқиши коэффициенти (яъни уларнинг иш қобилияти).

13.7. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА МАҲСУЛОТ СОТИШНИНГ БУЮРТМАЛАР ПОРТФЕЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ҳар қандай корхонанинг муваффақиятли иш юритиши - ишлаб чиқаришнинг доимий буюртмалар билан таъминланишига

боғлиқ бўлиб, унинг асосида корхонанинг жорий, оператив-календар режалари шаклланади. Олинган буюртмаларга асосан ишлаб чиқариш режаси маҳсулот сотиш бўлими томонидан шакллантирилади. Унинг буюртмалар портфели қуйидаги учта асосий қисмдан иборат:

- жорий буюртмалар, булар асосида корхонанинг кундалик иши таъминланади;
- ўртача муддатли буюртмалар, уларнинг бажарилиш муддати 1-2 йилгача ва ундан ортиқ даврни ўз ичига олади;
- истиқболли буюртмаларнинг бажарилиш муддати 2 йилдан 5 йилгача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин.

Жорий буюртмалар шартномалар билан мустаҳкамланади. Шартнома тузилмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхона раҳбариятида унинг сотилишига ишонч бўлиши керак.

Ўрта муддатли ва истиқболли буюртмалар ҳам шартнома орқали қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ бир неча ой ёки бир неча йилдан кейин ишлаб чиқариладиган маҳсулотга, айниқса у ҳақда етарли даражада ахборот берилмаган бўлса, харидор топиш мушкул.

Шу билан бир қаторда корхона янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмаса, келажакда умуман харидорларни йўқотиб қўйиши мумкин, шу боисдан корхона доимий таваккалчилик билан иш олиб боришга мажбур бўлади.

Аксарият корхоналар эркин бозор шароитида таваккалчилик даражасини камайтириш, инқирознинг олдини олиш, ўтмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги қоидаларга риоя қилишга интиладилар:

- аввалдан буюртма бўйича шартнома тузилмаган ва бозорга чиқарилиши кўзда тутилган маҳсулотларни яратиш жараёнларини чеклаш. Бунда одатда мазкур маҳсулотни тайёрлаш учун зарур бўлган техник хужжатларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳсулот таннарни, баҳоси, маҳсулот бирлигининг меҳнат сифимини иқтисодий ҳисоб-китоб қилиш билан кифояланилади. Маҳсулот тайёрлаш учун зарур бўлган хом-ашё, материаллар, жамловчи қисмларни етказиб берувчилар аниқланади. Тайёргарлик ишлари шу босқичда тўхтатилади ва аниқ буюртмачиларни кутиб турилади;

• жамловчи қисмларни ва технологияларни имкон қадар унификациялаш, бунда ишлаб чиқаришни минимал сарф-харажатлар қилган ҳолда, янги маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта мослаштириш имкониятларини кўзда тутиш;

• корхона учун энг мақбул маҳсулот сотиш бозорини топиш;

• ўз маҳсулотларининг рақобатчилар маҳсулотига қараганда минимал даражада бўлса-да, афзал бўлишини таъминлаш. Рақобатчи маҳсулотидан барча курсаткичлар буйича олдинда бўлиш корхона учун қимматга тушади. Бунда корхона олинадиган даромаддан ютқзади. Бироқ янги бозорга, айниқса рақобатчилар томонидан эгаллаб бўлинган чет эл бозорларига чиқишни мулжаллаган корхона маҳсулоти яққол кузга ташланувчи афзалликларга эга бўлиши шарт;

• рекламани шундай олиб бориш керакки, у мазкур маҳсулотнинг мавжудлиги туғрисида ахборот берибгина қолмасдан, балки айнан шу маҳсулотни сотиб олиш лозимлигига харидорни ишонтира олиши лозим:

• барча харидорлар учун ишончли шерик була олишга интилиш. Корхонанинг барча ходимлари, айниқса раҳбарлари эсдан чиқармасликлари лозимки корхона истиқболининг яратилиши бугунги кунга боғлиқдир. Бугунги имкониятлар қўлдан чиқарилса, корхонанинг истиқболдаги фаолиятига путур етиши мумкин.

Корхонанинг келажақда барқарор фаолият юритиш қобилиятини сақлаб қолиши куп жиҳатдан унинг бозордаги мавқеи мустаҳкамлигига, фан-техника ютуқлари асосида маҳсулот ишлаб чиқара олишига боғлиқ. Шу боисдан, корхона фаолиятининг барча турлари юзасидан комплекс илмий-техник ахборотлар келиб туриши шарт. Фан ва техника, меҳнатни ташкил этиш, шунингдек техник ишлаб чиқаришлар буйича ахборотлар қуйидаги гуруҳларга тақсимланади:

- дарҳол реализация қилиниши лозим булган ахборотлар;
- сузсиз фойдали булган, лекин реализация қилинишини вақтинча орқага суриш мумкин булган ахборотлар;
- урганиб чиқилиши ва қушимча ишлов берилиши шарт булган ахборотлар;
- истиқболи йўқ ахборотлар.

Жорий этишга қабул қилинган, шунингдек корхона учун истиқболли бўлган илмий-техник лойиҳалар изчиллик билан тижорат таҳлилидан ўтказилиши ва бунда қуйидагилар ҳисобга олиниши шарт:

- маҳсулот сотиш учун мавжуд бўлган ёки қутилаётган бозорлар;
- корхонанинг реал ишлаб чиқариш-техник потенциали, унинг қуввати таркиби;
- корхонага ишлаб чиқариш компонентларини: хом ашё, материаллар, жамловчи қисмлар, асбоб-ускуналар ва келажақда маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бошқа жиҳозларни етказиб берувчи реал ва потенциал корхоналар;
- корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти;
- давлат қонунлари, солиқ тизими, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати.

Ишлаб чиқаришни ташкилий - техник тайёрлашда маркетинг тадқиқотлари муҳим ўрин тутиб, улар асосан ташқи муҳит ҳақида, биринчи навбатда товар бозори ҳақида ахборот беради. Ишлаб чиқариш режаси устида иш олиб боришнинг бу муҳим босқичи корхона зарар кўришининг олдини олади, корхона ички имкониятларининг бозор шароитларига мос келишини таҳлил этади. Шу боисдан маҳсулотларни танлаб олишда чуқур техник-иқтисодий таҳлиллар амалга оширилиши шарт. Ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг жорий ёки оператив-календар режасига киритиш учун уни қуйида келтирилган техник ва ташкилий-ҳужалик шароитларига мос ҳолда янгидан кўриб чиқиш керак:

- ишлаб чиқариш қувватларининг таркиби, ҳолати ва потенциали;
- ходимлар мавжудлиги;
- маҳсулотни сотиб олиш борасида шартнома тузган истеъмолчиларнинг тулов қобилияти;
- корхонанинг зарур ишлаб чиқариш компонентлари билан таъминланиши;
- транспорт, алоқа, ёнилғи-энергетика ресурслари, маиший ва бошқа хизматлар таъминоти;

- корхона маҳсулотига у сотилгандан кейин хизмат курсатиш ҳолати истиқболи;

- ишлаб чиқаришнинг экологик аҳволи;

- ҳар бир маҳсулот турини чиқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта қуриш ва сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлар.

Ташкилий - техник нуқтаи назардан олиб қараганда, маркетинг тадқиқотлари орқали танлаб олинган ҳамма маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаришга қабул қилинавермайди.

Пировардида корхона томонидан ишлаб чиқариш учун танлаб олинган маҳсулот тури аниқлангандан сунг, қуйидагилар буйича конкрет шартномалар тузилади:

- истеъмолчиларга маҳсулот етказиб бериш;

- корхонага таъминотчилардан ишлаб чиқариш компонентларини етказиб келтириш;

- ташқи корхоналар томонидан (транспорт, алоқа, энергия ва б.) хизмат курсатилиши.

Ходимлар қайтадан тақсимланади, ишчилар ёлланади, молиявий режага тузатишлар киритилади.

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШ

14.1. ИНВЕСТИЦИЯ

Инвестиция (сармоя) - бу фойда олиш мақсадида муайян ишга йўналтирилган узоқ муддатли капитал қўйилмадир. Инвестициялар молиявий ва реал бўлиши мумкин.

Молиявий инвестицияга қимматли қоғозлар, акциялар, акцияларни сотиб олиш, фоиз эвазига банкларда депозит ҳисоб рақамларга пул қўйиш киради.

Реал инвестиция эса капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга капитал қўйилишини англатади.

Нормал фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг асосий ҳужалик вазифаларидан бири максимал даромад олиш мақсадида ўз пулидан унумли фойдалана олиш ҳисобланади. Эркин бозор шароитига ўтиш даврини бошдан кечираётган ҳар қандай мамлакатда муайян молиявий қийинчиликларнинг келиб чиқиши табиий ҳолдир. Бундан Ўзбекистон Республикаси ҳам истисно эмас.

Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, унинг ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишида ишлаб чиқаришнинг жаҳон андозалари асосида юритилиши муҳимдир. Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни жалб этишда хорижий сармояларга кенг урин берилмоқда. Бу борада шахсан республика Президентининг ўзи жонбозлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган, хорижий инвестициялар киритиш учун янада кенг имкониятлар яратилди. Шу билан бир қаторда республика иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатувчи қатор муаммолар борки, уларнинг айримлари устида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий қонунлардан маълумки, моддий-техника, хом ашё ресурсларининг заҳиралари чекланган бир пайтда одамларнинг эҳтиёжлари ўсиб бормоқда. Бу эса янги, юқори унумли, тежамкорлик билан ишловчи техника ва технологиядан фойдаланган ҳолда кўплаб корхоналар барпо қилинишини ва иш жойлари яратилишини тақозо этади.

Республика аҳолисининг 70 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаши сабабли асосий эътибор шу жойларда маҳсулотларни қайта ишловчи, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишга қаратилмоқда.

Қишлоққа саноатнинг киритилиши узоқ вақт ва кўплаб маблағ талаб этувчи жараёндир.

Ривожланган давлатларда ишга яроқли аҳолининг 20% га яқини йирик корхоналарда, 80% дан зиёд қисми кичик корхоналарда ва тижорат соҳасида ишласа, Ўзбекистонда технологияларнинг етишмаслиги, бу борада ахборотнинг камлиги, нормативлар зарур даражада ишлаб чиқилмаганлиги, умуман бизнес ишида тажрибанинг етишмаслиги туфайли бу нисбатнинг бутунлай аксинча эканлиги кузатилмоқда.

Хўжалик субъектларида молиявий ресурсларнинг етишмаслиги аҳволни янада мураккаблаштиради.

Сармоялар соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири давлат томонидан сармоя қўйишнинг қисқартирилиши ҳисобланади.

Инвестицион соҳа ислохотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига ҳам муҳим урин ажратилади. Корхоналар, мулкани ва акцияларини сотиш ҳисобига капитал қўйилмаларини молиявий таъминлаш учун қўшимча имкониятларга эга бўлади, деб ҳисобланади. Аммо акцияларга талабнинг сустлиги ва катта қисми меҳнат жамоаси ҳамда маъмуриятга биркитилганлиги туфайли бир қатор ҳолатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилган натижадан паст бўляпти.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ички ва ташқи сармоядорларни жалб этиш учун эркин бозорда ўз акцияларини жойлаштиришда уларнинг манфаатдорликлари ҳисобга олинмаган, корхонада қизиқтириш механизми яратилмаган. 1998 йил бошидаги

маълумотларга кўра, акциядорлик жамиятлари аввал эълон қилинган эмиссия акцияларининг деярли 39 млрд. сўмлиги сотилмаган ва қайта жойлаштирилмаган. Акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни акцияларни сотиш ва иккиламчи бозорда уларнинг баҳосини кутариш ҳисобига қўшимча инвестициялар тушириш манбаига айлантирилмади, (А.Усмонов. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999 й. январ-феврал).

Инфляциянинг пасайиши, банк фоизи ставкаларининг камайиши ва давлат қисқа муддатли облигацияларининг даромадлиги иқтисодиётнинг реал тармоғига катта миқдорда кредит ресурсларини жалб этишга кўмак бериши керак. Лекин ҳозирча бу заҳиралар етарли эмас. Шу сабабли ишлаб чиқаришни кенгайтиришга интилаётган корхоналар олдида инвестиция манбаларини излаш муаммоси юзага келди. Мамлакат ичкарисида молиявий заҳиралар тақчиллиги сезилаётгани туфайли кўплаб корхоналар сармоя ажрата оладиган, замонавий ишлаб чиқариш ва бошқарув технологиясига эга бўлган ҳамда чет эл бозорига чиқишга ёрдам берувчи хорижий ҳамкорлар топишга интилоқда. Бугунги кунда хорижий сармояларни кенг кўламда жалб этиш халқ хужалигини структуравий қайта қуришга эришишнинг муҳим шarti, деб қаралмоқда.

Лекин бу ўринда энг асосий муаммо шундаки, бизнинг тадбиркорларнинг ўзига хос манфаатлари ҳар доим ҳам бири-бирига мос тушавермайди. Кўплаб сабаблар туфайли хорижий инвесторларнинг асосий қисми иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлаҳатларга сармоялар қўйишга фақатгина дивиденд ва фоизлар кўринишида пул ишлаш йўли деб қарамайдилар. Улар бундай сармоя киритишни ўз умумий стратегиясининг бир қисми деб ҳисоблайдилар. Хорижий тадбиркорларнинг асосий мақсади эртаси бор бўлган бозорда мустаҳкам ўрнашиб олиш, молиявий оқимлар устидан назорат ўрнатиш, импорт ва валюта чеклашларини четлаб ўтиш ва баъзан рақобатчи корхонани бозордан сиқиб чиқаришдан иборат. Шу сабабли ҳам хорижий инвестицияларга иқтисодиётни кутаришда асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида қараш мумкин эмас. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, чет эл тадбиркорларига имтиёзлар яратишда, аввало, мамлакат манфаатидан келиб чиқиш лозим.

Шуни назарда тутиш керакки, агар корхона устидан назорат юритиш хорижий тадбиркорлар қўлида бўлса, у ҳолда қарор қабул қилиш ҳуқуқи ва даромад мамлакатдан ташқарига кўчади. Корхона эгалари назарида фойдали бўлган қарор мамлакат иқтисодиёти учун бутунлай зарарли бўлиб қолиши мумкин. Мисол учун агар корхона тугатиладиган бўлса, унинг ходимлари даромади ҳам йўқолади, давлат даромади қисқаради, бунинг устига, давлат ишсиз ходимларни ишга жойлаштириш харажатларини ўз зиммасига олиши керак бўлади. Айнан шу сабабли ҳам хорижий ҳамкорларни жалб этишда, бу лойиҳада иштирок этаётган барча томонлар манфаатларининг мутаносиблигига асосланиш лозим.

Аммо манфаатлар келишиб олинган тақдирда ҳам бу иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечириётган мамлакатлар корхоналарининг хорижий шериклар билан ҳамкорлиги муваффақиятли бўлади, деган маънони аниқлашмайди. Одатда хорижий инвесторларни корхона фаолиятининг 5 муҳим жиҳати қизиқтиради:

- ишлаб чиқариш имкониятлари;
- корхонанинг бозор нуқтаи назаридан тутган мавқеи ва бунинг корхона раҳбарияти томонидан тушунилиши;
- бошқарув тизимининг аҳволи;
- корхонанинг ижтимоий муҳит билан муносабати;
- корхона раҳбарияти томонидан инвестицион жараён вазифалари ва мураккаблиklarининг аниқлиниши.

Ўзбекистондаги ва шунингдек, иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган бошқа мамлакатлардаги корхоналарнинг кўплаб раҳбарлари хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдиришмоқда. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг ҳаракатлари бирмунча бир-бирига зиддир. Бир томондан, маъмуриятлар ўз корхоналари устидан назоратни сақлаб қолишни истасалар, бошқа томондан, хорижий инвесторлар ўтиш даври учун хос бўлган кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ташкил қилиниши ва молиявий муаммоларни ҳал этишни ўз зиммасига олади, деб ҳисоблайдилар.

Корхона раҳбарлари ва ташқи инвесторлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қийинлаштирувчи сабаблардан бири сифатида уларнинг инвестицион жараёнини тасаввур этишлари

қийин кечишини курсатиш мумкин. Корхона раҳбарларининг фикрича, инвестицион ҳараённинг бир мунча мураккаб босқичи - бу сармоя жалб этиш ва уни сармоядорга қайтариш, яъни ҳамкорликнинг ўзаро олди - берди босқичидан иборат. Олинган маблағнинг самараси, ўзлаштириш ва фойда олиш улар учун муаммо ҳисобланмайди.

Бундай муносабатни қисқача қуйидагича ифодалаш мумкин: «Менга пулни беринг, уни қандай сарфлашни ўзим биламан». Лекин инвесторлар хайрия ишлари билан шуғулланишмайди, юқорида таъкидланганидек, улар маблағни ўз шахсий манфаатлари йўлида сарфлашади. Уларнинг ўз сармоялари қўйилган корхонани бевосита бошқаришда қатнашишга ёки бундай корхонани назорат қилишга интилишлари шу билан изоҳланади. (А.Усмонов, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999 й., 1-2 сонлар).

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ҳам бозор муносабатларига ўтиш жараёнида турган давлат ҳисобланади ва инвестицион муҳитнинг ҳамма хусусиятлари Ўзбекистон учун ўринлидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодиётига турли мамлакатлар томонидан киритилаётган сармояларни, республикадаги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини З. Исроилов «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси»нинг 1998 йил сентябрь-октябрь сонидagi «Ислоҳот, иқтисод ва сармоя» мақоласида батафсил таҳлил қилиб берган. Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистонга жалб қилинаётган сармояларнинг манбаларини бир неча хил турларга ажратиш мумкин:

1. Халқаро молия ташкилотларининг инвестициялари;
2. Халқаро банкларнинг инвестициялари;
3. Чет мамлакатлар ҳукуматлари ажратган инвестиция маблағлари;
4. Миллатлараро компаниялар инвестициялари.

Ўзбекистонга сармоялар дунёдаги турли қитъа мамлакатлари ва халқаро банклар томонидан қўйилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари глобал давлат сифатида Ўзбекистонда ҳам ўз манфаатларига эга. Лекин АҚШ ҳукумати ўзининг ташқи сиёсатида биринчи навбатда келажакка дахлдор бўлган омилларга эътибор қаратмоқда. Шу нуқтаи назардан

олиб қараганда, Ўзбекистон бугун АҚШнинг стратегик манфаатлари доирасига тушиб қолди ва икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик узоқ келажакни кўзлаб амалга оширилади. Умуман олганда, америкаликларнинг сармояларини жалб қилиш қийин иш. Чунки улар европаликларга нисбатан анча бой ва уларни қизиқтириш учун катта фойда келтирувчи йирик-йирик лойиҳалар таклиф этилмоғи лозим. Бугунги кунда АҚШ асосан МДХ давлатларининг мудофаа саноати комплексини конверсия қилишга маблағ сарфляпти ва бу сиёсат АҚШ ҳарбий-сиёсий манфаатларига мос келади.

Германия асосан ишлаб чиқариш воситалари, электротехника, химия, алоқа ва озиқ-овқат соҳаларида етакчи ўрин эгаллагани учун Ўзбекистонда ҳам айнан шу соҳаларга ўз инвестицияларини сарф қиляпти. Германия инвестицияларининг афзаллиги шундаки, улар Ўзбекистонда хом-ашёни қайта ишлаш саноати ривожланишига ёрдам берапти. Бу эса республикада саноатнинг сезиларли даражада тараққий этишига олиб келади ва мустақил иқтисодиётнинг пойдеворини яратиб, унинг бошқа давлатлар иқтисодиётига боғлиқлигини камайтиради.

Немислар бизга асосан узоқ муддатли, ўзаро фойдали ҳамкорликни таклиф этмоқдалар. Чунки немислар учун асосий нарса, бу - Германиянинг экспорт потенциалини ошириш йўли билан Германияни бойитишдир. Энг муҳими шуки, немислар дунё мамлакатларига ёрдам кўрсатишнинг субъектив сабабларига эътибор бермайдилар ва оддий халқ катта сиёсатнинг қурбони бўлмаслиги лозим, деб ҳисоблайдилар (З.Исроилов, «Ўзбекистон иқтисодий» ахборотномаси, 1998 йил, №1).

Инглизларнинг Ўзбекистон бозорига кириб келиши босқичма-босқич ва аста - секинлик билан узлуксиз равишда давом этапти. Инглиз сармоялари мамлакатимиз бозорига бошқа давлатлардан фарқли равишда эрта кириб келди. «Ўзанглоинвест» компанияси инглиз инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишга ёрдам бериш, уни тартибга солиб туриш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади.

1993 йилда Франция Ўзбекистонга 150 млн. АҚШ долларига тенг бўлган кредит линиясини очди. Француз капитали иштирокида Ўзбекистонда 3 та йирик лойиҳа амалга ошириляпти.

Биринчиси: «Техник» фирмаси иштирокида Бухоро вилоя-тида нефтни қайта ишлаш заводи қуриб битказилди.

Иккинчиси: Тошкент шаҳрида целлюлоза заводи қурилмоқда.

Учинчи лойиҳа эса - Тошкент шаҳри аэропортини замонавий техника воситалари билан қайта жиҳозлашдир.

Умуман олганда, инвестиция ишлаб чиқаришнинг ривожла-нишини жадаллаштиради, аҳоли учун қўшимча иш жойлари яра-тилишига имкон беради. Ўзбекистон Президенти И. Каримов инвестицияларнинг ролига юксак баҳо бериб, «Инвестиция база-сини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз страте-гиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини утказиш билангина руёбга чиқади», (И. Каримов «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, Т., 1993, 16 - 17 бет), деб алоҳида уқтиради.

14.1-жадвал. Хорижий инвестицияли корхоналар асосий кўрсаткичларининг динамикаси

(Экономическое обозрение, 1996, август).

КУРСАГКИЧЛАР	1994 й	1995 й	1996 й	1997 й
ХИК устав фонди ¹	1,0	3,1	15,6	30,9
Умумий ишлаб чиқариш ҳажми ²	1,0	3,6	24,4	72,3
ХИКда ишловчилар сони	1,0	1,3	2,1	3,2
ХИКларнинг ташқи савдо обороти ³	1,0	3,0	11,9	13,3
Шу жумладан				
Экспорт	1,0	4,2	12,1	22,7
Импорт	1,0	2,9	11,9	12,2

¹ ХИКларнинг устав фондлари асосида аниқланади, мос йил охириги АҚШ долларида.

² Жорий нархларда сўмда ифодаланган, ишлаб чиқариш ҳажми асосида аниқланган.

³ ХИКларнинг экспорти ва импорти асосида аниқланган, АҚШ доллари ҳисобида.

Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида курилайётган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётни барқарорлаштиришда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, хорижий инвестициялари бўлган корхоналарни рўйхатга олиш сони 1991 - 97 йиллар мобайнида 2,6 маротаба, фаолият курсатаётган хорижий инвестицияли корхоналар (ХИК) нинг сони 3,1 маротаба ошди (14.1-жадвал).

Ташқи савдо оборотида ХИКлар ҳиссаси ортиб бораётган бўлса-да (1994-1997 йилларда 3,1 дан 24,4%га ўсди), мамлакатнинг экспортида бор-йўғи 9,1%ни ташкил этади. Ваҳоланки, умумий импорт ҳажмида бу курсаткич 39,3%ни ташкил этади (14.2-жадвал).

14.2-жадвал. *Хорижий инвестицияли корхоналарнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги роли (%)*

КУРСАТКИЧЛАР	1994 йил	1995 йил	1996 йил	1997 йил
ЯИМ ҳажмида ХИКлар ҳиссаси	2,3	2,1	7,5	12,5
Иқтисодиётда банд бўлган ходимлар жумласидан ХИКларда ишловчилар ҳиссаси	0,3	0,4	0,6	0,9
Ташқи савдо оборотида ХИК ҳиссаси	3,1	7,5	20,9	24,4
Умумий экспорт ҳажмида ХИК ҳиссаси	0,6	2,0	4,7	9,1
Умумий импорт ҳажмида ХИК ҳиссаси	5,6	14,5	36,7	39,3
ХИКларнинг ташқи савдо оборотида:				
ЭКСПОРТ	0,11	0,15	0,11	0,18
ИМПОРТ	0,89	0,85	0,89	0,82

(Н.Сирожиддинов, Экономическое обозрение, 1998, август.)

Ўзбекистон ҳудудида хорижий инвестицияли корхоналарнинг жойлашуви турличадир. 1998 йил 1 январ ҳолатига мамлакатда фаолият курсатаётган ХИКларнинг 75,2%и Тошкент

шаҳрига тўғри келса (14.3 жадвал), Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий ва Сирдарё вилоятларини биргаликда олганда бу кўрсаткич бор-йўғи 4%ни ташкил этади.

14.3-жадвал

	Вилоятнинг ҳиссаси:											
	Фаолият қурсагаеган ХИК сони			ХИКлар ишлаб чиқариш ҳажми			ХИК экспорти			ХИК импорти		
	1995	1996	1997	1995	1996	1997	1995	1996	1997	1995	1996	1997
Республика буйича	100,0	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан												
Қорақалпоғистон	0,4	0,3	0,3	0,1	0,1	0,0	0,0	0,1	0,0	0,0	0,1	0,0
Андижон	2,4	2,5	2,8	1,9	25,8	29,8	1,5	4,0	33,4	0,6	11,8	38,6
Бухоро	0,9	1,9	2,1	0,7	0,4	0,4	0,0	2,0	0,3	0,7	0,6	0,3
Жиззах	0,5	0,6	1,1	0,4	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0	0,1	0,0	0,0
Қашқадарё	0,8	1,1	1,2	0,2	0,1	0,4	0,2	0,2	0,0	0,1	0,1	0,4
Навоий	0,6	1,5	0,9	1,6	12,8	10,6	12,4	57,5	38,5	0,7	3,8	2,1
Наманган	2,2	2,0	2,2	0,9	1,5	1,3	0,7	0,7	0,1	0,4	0,8	1,5
Самарқанд	4,9	4,1	4,2	2,5	1,6	2,3	4,8	1,9	0,8	4,9	2,1	2,1
Сурхондарё	2,3	1,9	1,9	0,1	0,2	0,3	0,1	0,2	0,0	0,0	0,1	0,1
Сирдарё	0,4	0,3	0,6	0,3	0,3	0,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,1	0,1
Тошкент	5,2	3,9	4,0	4,1	2,1	5,0	11,6	0,5	9,2	2,9	3,5	2,5
Фарғона	3,4	2,2	2,1	0,9	1,5	2,1	0,3	1,0	2,6	0,4	0,7	3,2
Хоразм	1,3	1,3	1,4	1,1	1,9	1,8	1,6	0,5	0,4	0,2	0,7	3,4
Тошкент ш.	74,8	76,2	75,2	85,2	52,7	45,8	66,8	31,4	14,7	88,9	75,6	45,6

14.2 ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Яқин йилларгача лойиҳа деганда, қурилиш, қурилиши кўзда тутилган бино ва иншоотларнинг ҳужжатлаштирилган режалари тушунилар эди. Ҳозирги кунга келиб бу тор тушунчага айланиб, «Лойиҳа»нинг бутун мазмунини ифодалай олмай қолди.

Лойиҳа тўғрисидаги ҳозирги давр тушунчаси, бу комплекс тушунча бўлиб, жамият ҳаёти ва фаолиятининг турли томонларини ўзида мужассамлаштиради. Масалан, турар жой биноси ёки саноат объекти қурилиши, илмий текшириш ишлари дастури, корхона реконструкцияси, янги ташкилот барпо этиш, янги техника ва технологияни яратиш, кинофильм яратиш, минтақани ривожлантириш ва ҳ.к. Буларнинг барчаси лойиҳадир. Демак,

лойиҳа деганда унинг доирасида шаклланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш бўйича бошқарув қарорлари ҳамда тадбирлар тизими тушунилади. Бунда унинг элементлари қуйидагилардан иборат: гоё (муаммо, масала), амалга ошириш воситалари (ечим) ва амалга ошириш мақсадлари (ечим натижалари).

Лойиҳаларнинг ҳаётийлигини таъминлаш учун уларни бошқариш услубларидан фойдаланиш зарур булади. Лойиҳаларни бошқариш зарурияти ривожланган Ғарб мамлакатларида XX асрнинг 50-йилларида юзага келди. Шундан бошлаб лойиҳаларни бошқариш усули ва услублари яратила бошланди. (Р.Убаидуллоев, А.Бектемиров, Б.Абдусаматов, Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 1999, январ - феврал).

Корхонанинг қайси тармоққа тааллуқли эканлигига, унинг кулами, таркибий тузилмаси, ишлаб чиқариш профилига қараб, техник тайёргарлик куриш ишларининг ҳажми сезиларли ўзгариши мумкин ва бунга боғлиқ ҳолда техник тайёргарлик куриш давомийлиги ва бу мақсадда қўлланиладиган ресурсларнинг ҳажмлари ҳам ўзгаради. Ишлаб чиқаришни тайёрлашнинг қуйидаги шакллари маълум:

- *тулиқ шакл*, бу шаклдан техник жиҳатдан мураккаб профилли оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотини такомиллаштириш (модернизациялаш) ёки янги маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишларини ташкил этишда фойдаланилади ва у узида «фан-техника ишлаб чиқариш» тизими бўйича турли ишлар циклини мужассамлаштиради;
- *кичик шакл*, бу шакл конструктив ва технологик жиҳатдан мураккаб булмаган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тайёргарлик куришда қўлланилади;
- *технологик шакл*, у мураккаб қурилмаларни, технологик линияларни, бошқарув тизимларини жорий этишда қўлланилади.

Курсатилган шакллар уртасида аниқ кузга ташланувчи чега ра иуқ. Тармоқ хусусиятлариге кура корхона бу шакллардан бирини купроқ қўллаши ёки аралаш шакллардан фойдаланиши мумкин. Машинасозлик саноати, масалан, оммавий ва йирик серияли ишлаб чиқариш маҳсулотларини чиқарар экан, одатда, техник тайёргарликнинг тулиқ шаклидан фойдаланади.

Ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш бўйича барча ишлар қуйидаги босқичлардан иборат:

- техник маркетинг;
- илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва тажриба-синов ишлари;
- технологик тайёргарлик, яъни технологияни ишлаб чиқиш, қурилмаларни жойлаштириш лойиҳаси, ишлаб чиқариш потоклари, махсус қурилмалар, асбоб-ускуналарни лойиҳалаш ва тайёрлаш, қурилмаларни созлаш ва бошқалар;
- ташкилий ва ишлаб чиқариш-ҳўжалик ишлари: кадрлар тайёргарлиги, моддий-техника таъминоти, молиялаштириш ва ҳ.к.лар комплекси.

Техник тайёргарлик ишларининг барча босқичлари ўзаро боғлиқдир. Масалан, тадқиқот ишлари маркетингдан бошланиб, янги маҳсулот намуналарини ишлаб чиқаришга бевосита тайёргарлик кўриш босқичида тугайди ва ўз ичига қуйидагиларни олади:

- маҳсулот нархининг жорий ва потенциал даражасини урганиш;
- янги маҳсулот ва хизматларни реклама қилиш шакллари ва куламини аниқлаш, усулларини ишлаб чиқиш;
- корхона бошқаруви ва ташкилланишини қайта қуриш.

Саноат комплекси бўйича тузиладиган лойиҳалар асосан саноат тармоқлари корхоналарининг қайта реструктуризация қилинишини ҳамда қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, автомобилсозлик, тиббиёт ускуналари ва дори-дармон ишлаб чиқариш, қоғоз ишлаб чиқариш, табиий терига ишлов бериш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, корхоналарни янада ривожлантириш масалаларининг ҳал этилишини таъминлаши лозим.

Корхонанинг бозордаги мавқеи у ишлаб чиқараётган маҳсулотга боғлиқ бўлгани сабабли, янги маҳсулотни лойиҳалашда энг яхши маҳсулотлар, чет корхоналар жалб этилади ва уларнинг ишлари мувофиқлаштирилади.

Ишни бажарувчиларнинг ихтисосига қараб, иш улар ўртасида белгиланган стандарт босқичлар бўйича тақсимланади.

Буюмни лойиҳалашнинг стандарт босқичлари қуйидаги тартибдаги ишларни амалга оширишни назарда тутати:

- эскиз лойиҳани ишлаб чиқиш;

- тажриба-синов намунасини тайёрлаш;
- синовдан ўтказиш;
- техник лойиҳани ишлаб чиқиш;
- ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш;
- тажриба партиясини ёки буюмнинг тажриба нусхасини ишлаб чиқиш;
- синов натижалари бўйича буюмни конструктив даражага етказиш;
- ишчи лойиҳага аниқлик киритиш ва уни расмийлаштириш;
- ишчи лойиҳани ишлаб чиқаришнинг технологик тайёрлов органларига ошириш.

Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда технологияларни лойиҳалаш буюмни лойиҳалаш босқичининг давоми ҳисобланади. Лойиҳалаш босқичида янги маҳсулотнинг қандай бўлиши аниқланса, технологик тайёргарлик кўриш босқичида бу буюмнинг қандай усулда, қандай техник қурилмалар ёрдамида тайёрланиши аниқланади ҳамда буюмнинг якуний таннархи ва самарадорлиги аниқланади.

Технологик лойиҳалаш ишларининг ҳажми, таркиби ва ташкил этилиши корхона тааллуқли бўлган тармоққа боғлиқдир. Иш характери ва ташкил этилиши белгисига қараб корхоналарнинг технологик тайёргарлиги 3 гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга мустақил ҳолда технологик лойиҳа ишларининг барча ҳажмини ўзи бажарувчи оммавий ишлаб чиқариш корхоналари киради. Улар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган технологик ҳужжатларни ўзлари тайёрлайди;

2-гуруҳга технологик хизмати етарли ривожланмаган, барча ишлар комплексини ўзи бажаришга тайёр бўлмаган ўрта кўламли корхоналар киради. Улар ихтисослашган илмий текшириш, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган типовой лойиҳалар асосида техник ҳужжатларни тайёрлашади;

3-гуруҳга ўрта ва кичик корхоналар, шунингдек қазиб олувчи, материал, ёқилғи, энергия ишлаб чиқарувчи корхоналар, озиқ-овқат саноати, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари киради. Улар учун барча технологик ҳужжатлар шартномалар асо-

сида ихтисослашган илмий ва лойиҳалаш-конструкторлик муассасалари томонидан тайёрлаб берилади.

14.3. ИННОВАЦИЯ ЛИЗИНГИ

Лойиҳани амалга оширишда корхонанинг хусусий маблағи етарли бўлмаган тақдирда инновацион лизингдан фойдаланиш мумкин.

Лизинг капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг анъанавий банк кредити ва хусусий молиявий ресурслардан фойдаланиш усулларига муқобил бўлган ўзига хос шаклидир.

Лизинг компанияси, лизинг олувчи билан тузилган шартнома асосида, буюртма берилган қурилмалар, машиналар, асбоб - ускуналар (шу жумладан импорт бўйича олинган)ни таъминотчи корхоналардан сотиб олади ва ижарага беради. Лизинг корхоналарга зарур жиҳозларни ёки транспорт воситаларини бир вақтда катта миқдордаги харажатларсиз олиш ҳамда ишлаб чиқариш воситаларининг маънавий эскириши билан боғлиқ йўқотишлардан халос бўлиш имкониятини беради.

Лизинг бўйича ижара туловига шартномада белгиланган нормативлар бўйича амортизация ажратмалари, шунингдек, лизинг компаниясининг даромади киради. Агар шартномада, ижарага берилган мулкларга лизинг компанияси томонидан хизмат кўрсатилиши белгилаб қўйилган бўлса, лизинг бўйича тулов миқдори хизмат кўрсатиш билан боғлиқ сарф-харажатлар плюс шу суммага олинган фойда миқдорига эртади.

Лизинг бўйича мулкни ижарага олишнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\frac{D - П}{Ф} \geq П_{н} \quad Н_{н} > 0$$

бу ерда, D -лизинг ҳисобига олинадиган ўртача йиллик даромад суммаси, сум;

$П$ - лизинг компаниясининг йиллик туловлари суммаси, сум;

$Ф$ - лизинг бўйича сотиб олинган мулкнинг баланс қиймати, сум;

H_n - ижара берувчи учун етарли булган даромад меъёри, коэффициент.

Ҳисоб - китоблар буйича лизингнинг мақсадга мувофиқлиги аён бўлса, лизинг келишуви тузилиб, унда қуйидагилар кўрсатиб утилади:

келишув объектини топшириш, ташиш, қабул қилиб олиш, ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ва сақлаш буйича томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

лизинг тўловларининг миқдори, уларни тўлаш муддатлари ва тартиби;

лизинг буйича шартнома муддати;

мулкни суғурта қилиш шартлари;

шартнома муддати тугаганидан сўнг томонларнинг ҳуқуқлари;

шартномани муддатидан олдин бекор қилиш шартлари.

Лизинг буйича мулкни ижарага олиш уни сотиб олишдан кўра корхонага қимматга тушади: лизинг қийматига мулк баҳосидан ташқари, лизинг компаниясининг даромади ва суғурта тўловлари қўшилади. Шундай бўлса-да, лизинг бир қатор афзалликларга эга, жумладан:

машина ва қурилмаларни вақтинчалик фойдаланишга олиш имконияти туғилади;

мулкни тўлиқ сотиб олишдан кўра фарқли равишда мулк қийматини бирданига эмас, балки қисмларга бўлиб тўлаш;

лизинг компаниялари томонидан молиявий ва айрим ҳолларда муҳандислик-технологик ёрдам олиш.

ИЧКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

15.1. ИЧКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ ТИЗИМИ

Эркин бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида корхона иқтисодиётини бошқариш механизмини тубдан ўзгартириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Утган даврда одат тусига кириб қолган ички ишлаб чиқариш - хўжалик ҳисоби ўрнига янги ишлаб чиқариш - иқтисодий муносабатлари тизими кириб келмоқда.

Назарий жиҳатдан қараганда ҳар қақдай тизимнинг фаолият кўрсатиши муайян бошқарув субъектлари томонидан амалга оширилувчи ўзаро боғлиқ элементлар мажмуасидан иборат. Ички ишлаб чиқариш тизими элементларига режалаштириш, назорат, иқтисодий рағбатлантириш, иқтисодий масъулият кириб, улар мулкый ижара, ишлаб чиқариш, молиявий муносабатларни белгилайди. Тизим фаолиятининг пировард мақсади - рақобатбардош ва юқори рентабелли маҳсулот чиқариш ҳамда уни сотиш орқали фойда кўришдир.

Корхонанинг ички иқтисодий муносабатлари тизими (системаси)ни ҳаракатлантирувчи куч - бу қисман ўз-ўзини бошқаришнинг мотивация механизми бўлиб, системанинг иш фаолияти асосида маъмурий усуллар билан бир қаторда туради.

Қисман ўз-ўзини бошқариш мотивация механизмининг моҳияти шундаки, корхона бўлинмаларининг тула ёки қисман ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳамда ўзини маблағ билан таъминлаши принципларига ва меҳнат жамоаси, бўлинма ва пировардида бутун корхона якуний натижаларининг максимал даражада бўлишидан иқтисодий манфаатдорликка асосланган моддий ва иқтисодий рағбатлантиришнинг корхона ички тартибига киритилишидир.

Иқтисодий рағбатлантиришнинг таъминланиши корхонанинг таркибий бўлинмаларига нисбий мустақиллик (мулкий, иқтисодий, ташкилий ва молиявий) бериш, фойда қуринишидаги уз меҳнати натижаларига қисман эгалик қилиш йўли билан амалга оширилади.

Корхонанинг шу тариқа ўрнатилган ички иқтисодий муносабатлари системаси ички резервларнинг ва ресурсларнинг ишга солинишига, корхонанинг максимал якуний натижаларга эришишига имкон яратиб, бу мамлакат иқтисодиётида эркин бозор муносабатларини ривожлантириш даврида муҳим ўринда туради.

15.2. ИЧКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Қайд этиб ўтилганидек, корхона бўлинмаларига нисбий мулкий, ташкилий, иқтисодий ва молиявий мустақиллик берилиши лозим.

Бу ерда гап айнан нисбий мустақиллик ҳақида боради, чунки корхона бўлинмалари мустақил юридик шахс эмас, демак, давлат ва тижорат банкларида мустақил ҳисоб рақамига эга эмас ҳамда чет эл корхоналари ва ташкилотлари билан мустақил шартнома тузиш ҳуқуқига эга эмас.

Корхонанинг ички бўлинмалари ҳар доим ҳам номенклатура режаларидан, шунингдек тасдиқланган меъёр, нормативлардан, лимит ва ставкалардан четлана олмайдилар. Улар фақат цехнинг ички тезкор режалаштириш, ишлаб чиқариш бошқаруви масалаларини мустақил ҳал эга оладилар.

Бироқ бутун корхона кўлами бўйича олганда, айрим ёрдамчи ва хизмат курсатиш бўлинмалари (масалан, таъмирлаш-механика ёки асбоб-ускуна цехлари) базасида мустақил юридик шахсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай бўлинмаларнинг акционерлик жамиятларига боғлиқлиги шартнома асосида иш бажариб бериш ёки хизмат курсатишда намоён бўлиб, бундай ишларнинг бажарилиши таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Асосий ишлаб чиқариш цехлари кўламида (таркибида) юридик шахсларнинг ташкил этилиши эса мақсадга мувофиқ эмас, зеро бу технологик занжирнинг узилишига ва

пировардида корхона иқтисодиётига катта зарар етказилишига олиб келиши мумкин.

15.3. КОРХОНАДА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

Кўрсатиб ўтилган принциплар асосида ички иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишига эришиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Нисбий мулкий мустақиллик корхона бўлинмасига муайян ишлаб чиқариш фондларининг бириктириб қўйилиши орқали таъминланади (кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондлари), бу борада мулк бўлинмага ижарага берилиши ҳам мумкин. Бундай мулкий мустақиллик ишлаб чиқариш соҳасида ташқи мустақилликни таъминлайди ва бўлинмаларга иқтисодий мустақиллик берилишига шароит яратади.

Корхона бўлинмаларининг нисбий иқтисодий мустақиллигига марказлашган ҳолда режалаштирилувчи кўрсаткичлар сонини қисқартириш ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида бозор иқтисодиёти айрим элементларини қўллаш орқали, шунингдек, молиявий ҳисоб-китоблар тизимини корхонанинг ички миқёсида ташкил этиш орқали эришилади. Бунинг учун ички иқтисодий муносабатлар доирасида корхонанинг ички хўжалик ҳисобидаги банк ташкил этилади. Корхона ва унинг бўлинмалари ўртасида ресурслар, маҳсулотлар, бажарилган иш ва хизматлар учун мазкур банк чеклари орқали ҳисоб-китоб қилинади. Молиявий ҳисоб-китоб асосида корхонанинг ички режали ҳисоб-китоб нархлари ётади. Ички кредит, умум корхона бўйича қисман молиявий таъминот, санкциялар бўйича тушумлар бўлинмалар учун молиявий манбалар ҳисобланади.

Корхонада ички иқтисодий муносабатлар ўрнатилишининг яна бир асосий шarti - корхонанинг ички бозор инфраструктурасини ташкил этишдир. Яъни бундай корхона ичида иқтисодий муносабатларнинг турли субъектлари шаклланади. Бундай субъектларга мисол учун, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш соҳалари асосида ташкил этилувчи йириклаштирилган бўлинмалар киради.

Бош механик раҳбарлигидаги бўлим томонидан корхона мулкани бошқаришга таъмирлаш - механика цехлари, цехнинг таъмирлаш участкаси, эҳтиёт қисмлар омбори ва бошқалар киради. Ушбу бошқарув функциясига бош механик бўлими томонидан бажарилиши одат бўлган ишлар билан бир қаторда, асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳаракатини ҳисобга олиш ва режалаштириш, уларга нарх белгилаш ва қайта баҳолаш, техник ривожланиш муаммоларини ҳал этиш, ҳисоб-китоб ва инвентаризация ўтказиш бўйича айрим бухгалтерия функцияларини бажариш ҳам киради, жумладан:

- техник директор раҳбарлигида техник ривожланишни бошқариш;
- тижорат ишлари бўйича директор раҳбарлигида моддий-техника таъминотини ва маҳсулот сотишни бошқариш;
- ишлаб чиқариш бўйича директор раҳбарлигида ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ижтимоий соҳани ва ходимларни бошқариш.

Бундай ташкилий шакллар корхонанинг ички иқтисодий муносабатлари объектларини йириклаштириш билан бир қаторда ягона сиёсатни юритишга имкон яратади.

15.4. КОРХОНАДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Корхонада ички иқтисодий муносабатларни шакллантиришда корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ва бўлинмалар ўртасида ички шартномавий муносабатларнинг ўрнатилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундай муносабатлар тизими ижара, хом ашё, материаллар ва маҳсулот етказиб бериш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш борасидаги шартномаларда намоён бўлади. Шунингдек, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини бажаришда, лойиҳалаш ва қурилмаларни созишда ва бошқа ишларда ҳам шартнома тизимидан фойдаланилади. Ички шартномавий муносабатлар корхона бўлинмаларига ички ва ташқи таъминот масалалари бўйича шерикларини танлаш ҳуқуқини бериб, бу ишлаб чиқариш таъминоти ва хизмат кўрсатиш борасида муқобил (алтернатив) рақобатчилик муҳитини юзага келтиради.

Ички шартномавий муносабатларнинг ўрнатилиши фақат турли шартномалар тузилишини эмас, балки шартнома мажбуриятларини ва ўзаро молиявий ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини, бажарилмаган шартнома мажбуриятлари бўйича иқтисодий эътирозларни кўриб чиқишни, кўрилган иқтисодий зарар ўрнини қоплаш каби масалаларни назарда тутди.

15.5. КОРХОНА ДАРОМАДИНИНГ МУАЙЯН ҚИСМИНИ БЎЛИНМАЛАР ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШ МЕХАНИЗМИ

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, корхона ички иқтисодий муносабатлари тизимининг шаклланиши таркибий бўлинмалар томонидан бозор иқтисодиётининг айрим элементларидан фойдаланилишини назарда тутди. Бундай элементларнинг асосийларидан бири корхона даромади бир қисмининг таркибий бўлинмалар ўртасида тақсимланиши бўлиб, бунинг натижасида бўлинмаларнинг ялпи даромади шаклланади. Корхона даромадининг тақсимланиши, одатда, ўз харажатини ўзи қоплаш ва қисман ўзини ўзи молиявий таъминлаш принциплари асосида ишлаб чиқариш фаолиятини юритувчи бўлинмалар ўртасида амалга оширилади.

Корхона даромадининг тақсимланиши даромадни давлат бюджети, корхона ва унинг меҳнат жамоаси ўртасида тақсимлашнинг иқтисодий чегаралари билан белгиланган нормативлар ёрдамида амалга оширилади. Бу чегаралар ажратма ва тўлов ставкалари билан белгиланади. Даромаднинг корхона ихтиёрида қоладиган қисмини корхона ва унинг мустақил ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида тақсимлаш ҳам, шунингдек турли нормативлар, хусусан корхона миқёсида жамғарма, истеъмол, резерв фондларини ташкил қилиш меъёрлари асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, маҳсулот реализациясидан тушган даромаднинг корхонанинг давлат бюджетидан, давлат ва тижорат банкларидан, бошқа кредиторлардан қарзлари тўланганидан, дивидендларга тўланганидан ва корхона даражасидаги фондлар ташкил этишга ажратилганидан қолган қисми таркибий бўлинмалар ўртасида тақсимланади.

Корхона даромадини тақсимлашнинг қолдиқ принципи корхонанинг истиқболдаги ривожланишига оид муҳим масалаларни ҳал этиш мақсадида корхона даражасида муайян маблағни йиғишга имкон беради.

Даромаднинг бир қисмини корхона ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида тақсимлаш мезони бўлинмаларнинг қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, уларнинг таркибига мазкур бўлинмаларнинг хусусий ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда улар билан ҳамкорликда иш юритган ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи бўлинмалар харажатлари (қўшимча харажатлар) киради.

Демак, маҳсулот сотишдан олинган корхона даромади унинг ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида қўшимча ишлаб чиқариш харажатларига пропорционал равишда тақсимланиб, бунда қуйидаги коэффициент қўлланилади:

$$q_{pn} = \frac{\Delta Pp}{\sum \Pi q}$$

бу ерда, ΔPp - корхонанинг таркибий бўлинмалари ўртасида тақсимланувчи даромаднинг муайян қисми;

$\sum \Pi q$ - корхона томонидан сотилган маҳсулот таннархидаги қўшимча ишлаб чиқариш харажатларининг суммаси.

15.6. КОРХОНА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари - корхонанинг бошқа бўлинмаларидан ички корхона кооперацияси таъминоти бўйича олинган ярим фабрикатлар, ресурслар, сотиб олинган материаллар қийматидан ташқари ҳисоб-китоб нархлари белгиланган бўлинманинг барча жорий ишлаб чиқариш харажатларидир:

$$Ид_{ji} = \frac{C_{zji} - M_{ji} - \sum P_j K_i \times C_{npi} K_i}{P_{ji}}$$

Бу ерда, Сзјі - і-нчи бўлинмадаги ј-нчи буюмни ишлаб чиқариш харажатлари сметаси (ј-нчи турдаги ишни бажариш, хизмат кўрсатиш харажатлари сметаси);

Мјі - і-нчи бўлинмадаги ј-нчи маҳсулот таннархидаги материаллар ва ресурсларнинг харид нархи;

$\sum ПјКі$ - асосий ишлаб чиқариш технологик занжири бўйича К-нчи бўлинма томонидан і-нчи бўлинмага ј-нчи буюм учун қўйилган жамловчи қисмларнинг ҳажми;

$ЦпiKi$ - К-нчи бўлинмадан олинган ј-нчи буюм учун комплектининг режавий ҳисоб-китоб нархи.

Ярим фабрикатлар ва қисмлар комплектининг кооперация ҳолида қўйилган ҳажмлари - режавий ҳисоб-китоб нархлари бўйича асосий ишлаб чиқаришнинг технологик занжирини ҳосил қилувчи фақат асосий ишлаб чиқариш цехлари учун (заготовка гайёрлаш, механика ва йиғиш цехлари) аниқланади. Бундан кўзланган мақсад қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари таркибида юқоридаги счетлар такроран ҳисобланишининг олдини олишдир.

Бундай ёндашиш корхона даражасида молиявий ресурсларни мувофиқлаштиришни (балансга келтиришни) таъминлашга имкон яратади.

Ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи, таъминловчи бўлинмаларнинг қўшилган ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашда, уларнинг харажатлари сметасидан фақат сотиб олинган материаллар ва ресурсларнинг нархлари чиқариб ташланади. Асосий ишлаб чиқариш цехларининг таннархига ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва таъминловчи цехлар хизмати фақат режалаштирилган ишлаб чиқариш харажатлари улчамида, яъни харажатлар сметасининг марказлашган ҳолда режалаштирилган ва тасдиқланган чегарасида киритилади. Ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи ва таъминот бўлинмалари хизматининг режавий ҳисоб-китоб нархлари таркибига шунингдек, режавий қўшилган ишлаб чиқариш харажатлари ҳам қўшилади.

Бундай режавий ҳисоб-китоб нархлари шартнома муносабатларида уз ўрнини топиб, асосий цехлар билан ўзаро ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланилади.

15.7. КОРХОНАНИНГ ИЧКИ РЕЖАВИЙ ҲИСОБ-КИТОБ НАРХЛАРИ

Корхонанинг ички режавий ҳисоб-китоб нархлари ички иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг муҳим омилidir. Ички нархлар корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ўртасидаги моддий-техник таъминот, маҳсулот қўйиш, шунингдек бўлинмалар ўртасида маҳсулот сотиш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича тузиладиган шартномаларнинг асосини ташкил этади.

Корхонанинг ички режавий ҳисоб-китоб нархларини шакллантиришнинг асосини қуйидаги ишлаб чиқариш харажатлари ташкил этади:

$$Ц_{прj} = И_{dj} (t+g_{рп})$$

Бу ерда, $Ц_{прj}$ - i -нчи буюмни тайёрлаш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун $И_{прj}K$ қўшилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$И_{dj}$ - i -нчи бўлинмада j -нчи буюмни тайёрлаш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун қўшилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$g_{рп}$ - ҳар бир бўлинмага рентабелликнинг ягона меъёри кўринишида етказилган даромадни тақсимлаш коэффициенти.

Бундай ёндошиш корхонанинг иқтисодий бошқарувига объектив режалаштирилган ҳисоб-китоб нархларини белгилаш, ишлаб чиқариш бўлинмаларига эса фойдани шакллантириш имконини беради:

$$\sum_j Пр_{ji} = \sum_j (Ц_{прji} - И_{dj})$$

бу ерда, $Пр_{ji}$ - i -нчи бўлинманинг j -нчи кўринишидаги маҳсулотни сотишдан (иш бажаришдан, хизмат кўрсатишдан) курган фойдаси;

$Ц_{прji}$ - i -нчи бўлинма томонидан j -нчи тур маҳсулотни (бажарилган ишни, кўрсатилган хизматни) ишлаб чиқариш учун қўшилган ишлаб чиқариш харажатлари.

Акционерлик жамиятлари таркибига кирувчи кооперативлар ва уюшмалар маҳсулотларининг улгуржи нархларини шакллантириш услубияти бир хил бўлиши мумкин эмас, чунки улар мустақил корхона ҳисобланади. Шундай бўлса-да, акционерлик жамиятининг иқтисодий манфаатлари ҳисобга олиниши лозим. Акционерлик жамияти таркибига кирувчи уюшмалар ва кооперативлар маҳсулотларининг (ишларининг, хизматларининг) шартномавий нархлари уларнинг ўртача рентабеллик даражаси таъсисчи-корхонанинг ўртача рентабеллигидан ортиб кетмаган тақдирдагина қабул қилинади. Бундан ташқари бу нархларнинг юқори чегараси ихтисослашган корхоналарнинг улгуржи (прейскурант) нархларидан ошиб кетмаслиги лозим, яъни капитал таъмирлашнинг улгуржи нархлари таъмирлаш корхоналарининг прейскурант нархларидан, эҳтиёт қисмлар нархи тайёрловчи - завод нархларидан ортмаслиги шарт.

Улгуржи (прейскурант) нархлари бўлмаган тақдирда кооперативлар ва уюшмалар ўз маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) келишув нархларида сотадилар, бунда маҳсулот рентабеллиги акционерлик жамияти маҳсулотининг рентабеллигидан ортмайди:

$$Ц_m = C_m (1 + P_m); P_m \leq P_z$$

Бу ерда, C_m - акционерлик жамияти таркибига кирувчи кооператив ва уюшмалар маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) шартномавий нархи;

C_m - кооператив ва уюшма маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) таннархи;

P_m - кооператив ва уюшма маҳсулотининг рентабеллиги;


P_z - корхона бўйича маҳсулотнинг ўртача рентабеллиги.

15.8. КОРХОНА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ДАРОМАДИ

Таркибий бўлинмаларнинг ялпи даромади ижара ҳақи, мазкур бўлинма томонидан бошқа бўлинмаларга ёки корхонага етказилган зарарни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Корхона даражасида барча молиявий мажбуриятларни бажарган бўлинма ихтиёрида соф фойда қолади (15.1. расм).

Булинма узининг соф фойдасидан хусусий жамгарма ва истеъмол, шунингдек резерв фондларини ҳосил қилади. Жамгарма фонди ҳисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, истеъмол фонди ҳисобидан, одатда, ижтимоий ривожланиш ва меҳнат жамоасини моддий рағбатлантиришга, резерв фондидан, масалан айланма ишлаб чиқариш фондиди (марказлашган ҳолда белгиланганидан ортиқ) ташкил этишга маблағ ажратилади.



15.1-расм. Корхона таркибий бўлинмаси даромадининг шаклланиши ва тақсимланиши.

Таркибий бўлинмалар даромадини шакллантиришга бундай ёндошиш қуйидагиларга имконият яратади:

- режалаштириш даражасида корхона даромадининг бир қисмини ишлаб чиқариш харажатларига пропорционал тарзда тақсимлашга (бунда ялпи ва соф даромаднинг бўлинма иш якуналари билан узвий боғлиқлиги урнатилади);

- корхона ички даражасида товар-пул муносабатлари элементларининг, бўлинма маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) режалаштирилган ҳисоб-китоб нархи шаклланишига;
- корхона ички даражасида товар-пул муносабатлари элементларининг ташкил этилишига имкон яратувчи, бўлинма маҳсулотининг (ишининг, хизматининг) режалаштирилган ҳисоб-китоб нархи шаклланишига;
- корхона ички оборотини чеклайди ва шу орқали корхона даромадини такрорий ҳисоблашларга йўл қўйилишининг олдини олишга имкон беради.

15.9. КОРХОНА ИЧКИ ЭЪТИРОЗЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Таркибий бўлинмалар ва уларнинг меҳнат жамоалари режалаштирилган топшириқлар ва шартномавий мажбуриятларни сўзсиз бажарилиши бўйича жавобгардирлар. Таркибий бўлинма шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун қўрилган зарарни қоплаш масъулиятини ўз зиммасига олади.

Иқтисодий зарарни аниқлаш ва моддий йўқотишлар ўрнини қоплаш корхонанинг ички иқтисодий муносабатлари доирасида амалга оширилиб, унинг асосида қуйидаги принциплар ётади:

- барча бўлинмалар (асосий, ёрдамчи, хизмат кўрсатувчи, бошқарув) томонидан иқтисодий зарар ва моддий йўқотишлар ўрнини қоплаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча уч элементи (меҳнат предметлари, меҳнат воситалари, ишчи кучи) бўйича эътирозлар ва санкциялар системасига кириш;
- иқтисодий (моддий) жавобгарликни сўзсиз ва ўз муддатида амалга ошириш;
- қўрилган зарарга боғлиқ ҳолда эътирозларнинг объектив бўлиши ва санкцияларнинг реаллиги;
- иқтисодий зарарнинг тўла ҳажмда қопланиши;
- зарарни қоплаш манбасини тўғри танлаш, чунки бунга муайян даражада ишнинг самарадорлиги боғлиқ бўлади.

Бу принципларнинг барчаси у ёки бу даражада профилактика ишларини олиб боришга имкон яратади, яъни аксарият ҳолларда корхоналарда кузатиловчи шартномавий мажбуриятлар бузилишининг олдини олади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, фақат корхона бўлинмаларига нисбатан эътироз билдириб қолмасдан, бўлинмалар ҳам, бошқарув томонидан сифатсиз иш олиб борилиши натижасида етказилган иқтисодий зарарнинг қопланиши юзасидан талаб билан чиқиши мумкин.

Шунингдек, акционерлик жамияти номига ташқи корхоналардан тушган эътирозлар жавобгар бўлинмаларга етказилади.

ХVI БОБ

САНАЦИЯ ВА КОРХОНАНИНГ БАНКРОТ БЎЛИШИ

16.1. ИНҚИРОЗЛИ ВАЗИЯТ

Корхонанинг келажаги бозор талабига, унинг истиқболини белгилаш имкониятлари ва қобилиятига, бозор таъсирига берилувчанлик даражасига боғлиқ бўлади. Иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ва маҳсулот сотишнинг барқарор эмаслиги инқирозли вазият кўринишида характерланади ва унга кўнгилсиз ҳолат сифатида ёндошмасдан, балки буни бозор иқтисодиётига хос бўлган, умумий қонуният деб тушуниш лозим.

Профилактик тадбирлар кўрилмаганлиги оқибатида юзага келган инқирозли вазият корхона иқтисодиётининг ҳаддан ташқари издан чиқишига, ишлаб чиқариш жараёнини молиявий таъминлай олмаслик ҳолатига олиб келадики, бу ҳолат корхонанинг банкротлиги сифатида талқин этилади. Инқирозли вазиятни бартараф этиш учун махсус чоралар кўрилиши талаб этилади, ёки корхона фаолияти тўхтатилади (туғатилади) ва бундай вазият, жаҳон тажрибасидан маълум бўлишича, тасодифий эмас. Кўплаб, айниқса янги ташкил этилган фирмаларнинг банкрот бўлиши барча мамлакатларда кузатилади. Инглиз тадқиқотчилари таъкидлайдиларки, янги фирмаларнинг 70-80%и ўз фаолиятларини иккинчи йилнинг якунига бориб тўхтатадилар. Ҳар бир корхона учун ўз фаолиятининг ривожланиш чегараси мавжуд. Бунда айнан бир жараён, ҳам ривожланиш омили бўлиши ва айни пайтда ривожланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Америкалик тадқиқотчилар инқирозга юз тутиш ва ривожланиш, инқирозли вазиятлар ва банкротликнинг келиб чиқишида муайян қонуният борлигини таъкидлайдилар: биринчидан, корхона яшовчанлик циклининг барча босқичларида даврий равишда инқирозли вазиятларнинг пайдо бўлиб туриши, иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес учун хос бўлган ривожланишнинг жадалла-

шуви ва сусайиши даврларини математик йўл билан аниқланганлиги. Хусусан, тадқиқот ўтказилган Америка фирмаларининг ривожланиш фазаси ўртача 3 йил (1,1 дан 7,7 йилгача) давом этади, сусайиш фазаси эса ўртача 2,8 йилни (1 дан 4 йилгача) ташкил этади.

Юз йиллар давомида Фарб мамлакатлари ривожланишининг асоси бўлиб келган бозор иқтисодиёти корхоналарни тўла инқирозга юз тутишдан ҳимоялаш, диагностика ва назорат тизимини ёки банкротлик ҳамда корхоналарни қўллаб-қувватлаш тизимини вужудга келтирди.

16.2. БАНКРОТЛИК

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни кредиторларнинг даъволарини қондириш мақсадида ҳўжалик юритиш субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот бўлган, деб эътироф этиш шартлари таркибини белгилаб берди.

Қонун, мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳўжалик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан бошқа давлатлар ҳўжалик юритиш субъектларининг мулкий муносабатларига нисбатан татбиқ этилади.

Башарти, қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ўтказиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса ёки улар ижобий натижа бермаса, қонун ночор ҳўжалик юритиш субъектини мажбурий ёки ихтиёрий равишда тугатиш учун ҳуқуқий асос ярадади.

Ушбу қонун ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхоналар (ташкilotлар)га нисбатан татбиқ этилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳўжалик юритиш субъектлари банкрот бўлганда юзага келадиган муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади (Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни).

Ҳўжалик субъектининг банкрот бўлиши дейилганда қарзларнинг мажбуриятлари мол-мулкдан ошиб кетганлиги са-

бабли товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир эмаслиги тушунилади.

Кредиторларнинг талабларини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан ҳужалик юритиш субъекти уч ой мобайнида уларни бажара олмаётганлиги ёки бажаришга қодир эмаслигининг муқаррарлиги сабабли унинг жорий тўловларини тўхтатиб қўйилиши ҳужалик юритиш субъекти банкрот бўлишининг ташқи аломати ҳисобланади.

Банкротлик факти ҳужалик суди томонидан эътироф этилганидан ёки ҳужалик юритиш субъекти ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи банкрот бўлганлигини расман эълон қилганидан кейин ҳужалик юритиш субъекти банкрот бўлган ҳисобланади.

Ҳужалик юритиш субъекти мансабдор шахсларининг ёки мулкдорларнинг, кредиторларнинг, ёхуд ўзга шахсларнинг қасддан, уқувсизлик ёки бепарволиги оқибатида содир этилган, ҳужалик юритиш субъектига ёки кредиторга зиён етказган хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ қоида бузишлар банкрот бўлишга олиб келган ғайриҳуқуқий ҳаракатларга киради.

Банкрот бўлишга олиб келган ғайриқонуний ҳаракатларни содир этган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Бундай шароитда банкротлик тизимини ишга тушириш зарурий ҳол бўлиб, корхонанинг банкротлиги муайян даражада, корхонанинг барча қатнашчилари учун бўлмаса-да, кўпчилиги учун соғломлаштириш муолажаси бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат, тадбиркор (шу жумладан корхона эгаси давлат ҳам бўлиши мумкин), ўз вазифаларини эплай олмаган мансабдор шахсларни алмаштириш орқали ўз ишини ривожлантириш имконига эга бўлиб, ўз навбатида соғлом техник, маркетинг ва кадрлар сиёсатини юргизади, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун зарур инвестицияларни жалб этади. Кредиторлар ўз пулларини қутқариб қолиш имкониятига эга бўладилар, жамият бозорга мослашган иқтисодий тузилмасига эга бўлади, аҳоли зарур товарларга етишади, фирма ходимлари керакли иш билан шуғуллана бошлайди. Ижтимоий ҳимоя буш қолган ишчиларни

иш билан таъминлашни, ишсизлик нафақасини тулашни, ходимларни бошқа мутахассисликларга қайта тайёрлашни кўзда тутди.

Банкротлик тизимининг муҳим ташкил этувчиларидан бири корхонанинг молиявий аҳволини диагностика қилиш, яқинлашиб келаётган инқирозли ҳолатни назорат қилиш ва ўз вақтида унинг олдини олиш бўлиб, корхона бошқарувининг асосий вазифаси ҳисобланади. Инқирозли ҳолатларни диагностика қилиш бир неча босқичдан иборат, жумладан: молиявий аҳволни таҳлил қилиш; бозордаги вазиятни прогностлаш; инқирозли ҳолатни келтириб чиқарувчи сабаблар ва асосий масалаларни ўз вақтида англай олиш; мутахассис бўлмаган одам учун сезиларли бўлмаган, корхонани инқирозга олиб келувчи белгиларни олдиндан сезиш.

Корхонанинг равнақ топиши ва инқирозга юз тутиши бир қатор омилларнинг ўзаро таъсиридан келиб чиқиб, улар ташқи ва ички омилларга бўлинади. Ташқи омилларга фирма ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди. Ички омиллар эса фирмада ишнинг қандай ташкил этилганлигига боғлиқ бўлади. Фирманинг ташқи (социал) ва ички (техник) омилларнинг ўзгаришига қай даражада мослаша олганлиги, бу борада унинг қобилиятини ривожланганлиги нафақат фирманинг яшовчанлигини сақлаб қолади, балки унинг гуркираб ривожланишини таъминлайди.

Фирма фаолиятига катта таъсир кўрсатувчи ташқи омилларга қуйидагилар киради:

- аҳоли эҳтиёжининг ҳажми ва таркиби;
- аҳоли пул жамғармасининг ва даромадининг қай даражада эканлиги, харид қобилияти;
- мамлакат ички сиёсатининг йўналиши ва барқарорлиги;
- фан ва техниканинг ривожланганлиги;
- маданийлик даражаси, яъни истеъмол нормаси ва одатлар, айрим товарларни афзал кўриб, бошқа товарлардан воз кечиш;
- халқаро рақобат, бунда хорижий фирмаларнинг арзон меҳнат ёки мукамал технологиялар эвазига муваффақият қозониши.

Ички омилларни умумий тарзда қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- фирманинг фалсафаси;
- фаолият принциплари;
- ресурслар ва ундан фойдаланиш;
- маркетингдан фойдаланиш даражаси ва сифати.

Ўз навбатида юқорида келтирилган гуруҳларнинг ҳар бири ўз ичига кўплаб конкрет омилларни олади.

Америкада омадсизликка дучор бўлган 90 % фирмалар ишининг юришмаганлиги менежерларнинг тажрибасизлиги, раҳбарларнинг иш олиб бора олмаслиги, уларнинг ўзгариб турувчи объектив шарт-шароитларга мослаша олмаслиги оқибатида келиб чиқади.

Инқирозли вазиятларни кучайтирувчи ички омилларга яна қуйидагилар киради:

- бозор билан ишлашни қониқарсиз ташкил этиш билан боғлиқ ҳолда корхонанинг зиён кўриши, товарларнинг рақобатга чидамсизлиги;

- товар маҳсулотлари ассортиментининг ўз вақтида янги-ланмаслиги;

- бошқарув тизимининг нораціонал тузилганлиги, бошқарув ходимларининг ҳаддан зиёд кўплиги, ўта қиммат технологиялар, меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш харажатларининг ортиб кетиши;

- ишлаб чиқариш маданиятининг пастлиги, ходимлар ма-лакасининг етишмаслиги, ишлаб чиқариш техник даражасининг пастлиги, жамоа ўртасида соғлом муҳит вужудга келтирилмаган-лиги, муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, самарали иш юритишга ишончсизлик;

- корхона ходимларини рағбатлантириш ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги.

Ғарб мутахассисларининг таъкидлашича, банкротликнинг учдан бир қисми ташқи, учдан икки қисми ички омиллар оқибатида юз бермоқда.

Инқирозли вазиятларнинг белгиларини олдиндан аниқлаш ва назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнес борасида шерикларнинг, таъминотчиларнинг, креди-торлар ва банкларнинг, маҳсулот истеъмолчиларининг у ёки бу тадбирларнинг ўтказилишига салбий муносабатда бўлишлари, таъминотчиларнинг тез-тез ва асоссиз алмаштирилиши, бозор-

ларнинг тез-тез алмаштирилиши, хом ашё ва материалларни сотиб олишда таваккалчиликка ҳаддан зиёд кўп йўл қўйилиши ва корхона стратегиясидаги бошқа ўзгаришлар корхонани инқирозга қараб кетаётганлиги ҳақидаги огоҳлантирувчи омилларга киради. Аксарият ҳолларда корхона ишидаги омадсизлик унинг юқори раҳбарият билан келишмовчилиги оқибатида келиб чиқади.

Шунингдек, банкротлик белгилари молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш характерлари билан, молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида сифатли тайёрланиши, аудиторлик текширувлари билан боғланади:

- бухгалтерия ҳисоботларининг ўз вақтида тайёрланмаслиги ва унинг сифати пастлиги ходимлар малакасининг етишмаслигидан ёки бу ҳаракатнинг қасддан амалга оширилишидан дарак беради ва буларнинг ҳар иккаласи молиявий бошқарув ишининг издан чиққанлигини билдиради;

- пассивлар ва активлар балансининг бузилиши;

- моддий заҳираларнинг ортиб ёки камайиб кетиши корхонанинг таъминот масалалари бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганлигидан дарак беради;

- корхонанинг таъминотчилардан ва кредиторлардан бўлган қарзларининг ортиб кетиши;

- корхона даромадининг камайиб кетиши, рентабелликнинг пасайиши, корхона акцияларининг қадрсизланиши, маҳсулотлар нархининг асоссиз кўтарилиши ва ҳ.к.

Шунингдек, корхонада кўзда тутилмаган текширувларнинг ўтказилиши, давлат органлари томонидан тижорат фаолиятининг чекланиши, лицензиядан маҳрум қилиниши ҳам инқироз белгиларини англатади.

Бундай ҳолларда корхона томонидан ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш, асосий фондлар ва ходимлар билан боғлиқ барча харажатларни қисқартириш чоралари кўрилади ва бу бутун корхона бўйича ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади. Бироқ, бундай тактика айрим корхоналар учун самарали бўлса-да, кўплаб корхоналар учун кўзда тутилган натижаларни бермайди. Балки кўплаб корхоналар томонидан бундай тактикаларнинг оммавий қўлланилиши миллий иқтисодиёт инқирозининг янада чуқурлашувига олиб келади ва шу сабабли корхонанинг

молиявий аҳволи яхшиланишига хизмат қилмайди, зеро корхона инқирозининг асосий сабаблари унинг ташқарисида ётади. Бу борада корхонанинг тактикаси, одатда, тезкор чоралар кўрилиши билан чекланади, яъни кўрилган зарарларнинг ўрнини қоплаш, харажатларни қисқартириш, ички резервларни аниқлаш, ходимларни қайта тақсимлаш, интизомни яхшилаш, кредиторлар билан муносабатларни яхшилаш ва ҳ.к.

Тезкор чораларга қараганда, ҳужумкорлик характериға эга бўлган стратегик чораларнинг кўрилиши кўпроқ самарали бўлиши мумкин.

Бу борада фаол маркетинг хизмати йўлга қўйилади, янги маҳсулот сотиш бозорлари ўрганилади ва уларга кириб борилади, маҳсулот нархи бир мунча оширилади, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга маблағ кўпроқ ажратилади. Асосий фондлар янгиланади, истиқболли технологиялар жорий этилади.

Айни пайтда корхона раҳбарияти алмаштирилади, вазият комплекс таҳлил қилинади ва баҳо берилади, корхонанинг асосий принципларига тузатиш киритилади, яъни стратегия ўзгартирилади, корхонанинг бозордаги мавқеи мустаҳкамланади, бозорнинг янги сегментлари ўзлаштирилади, чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси янгиланади.

Банкротликнинг дастлабки белгиларига қуйидагилар киради:

а) ҳисоботлар берилишининг кечиктирилиши. Бу корхонанинг молиявий хизмати ёмон йўлга қўйилганлигидан дарак беради;

б) баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар тизимидаги кескин ўзгаришлар, айниқса:

- ҳисоб рақамида маблағнинг камайиши;
- дебиторлик қарзларнинг ортиши (қарзларнинг кескин камайиб кетиши ҳам маҳсулот сотишда муаммолар пайдо бўлганлигидан дарак беради);
- дебиторлик счетларининг эскириши;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансининг бузилиши;
- кредиторлик қарзларининг кўпайиши (ҳисоб рақамида пул бор бўлса-да, кредиторлик қарзларининг кескин камайиб кетиши ҳам, шунингдек фаолият ҳажми камайганлигини билдиради);

маҳсулот сотиш ҳажмининг камайиши (маҳсулот сотиш ҳажмининг кескин ортиб кетиши ҳам кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки бу ҳолда қарзлар балансининг бузилиши, агар харидлар, капитал сарфлар ўйламасдан қилиниши банкротликка олиб келса-да, бундан ташқари маҳсулот сотиш ҳажмининг ортиши корхонанинг тугатилиши олдидан бозорга маҳсулотнинг кўплаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин);
в) корхонадаги низолар, бирон-бир раҳбарнинг ишдан бўшатилиши, чиқарилаётган қарорларнинг кўпайиб кетиши ва ҳ.к.

Банкротликнинг қуйидаги босқичлари бор:

Биринчи босқич - яширин босқич дейилиб, бунда «корхона нархи» яширин ҳолда пасаяди (айниқса махсус бошқарув ҳисоби йўлга қўйилмаган бўлса) ва у даромадни капиталлаштириш билан аниқланади:

$$W = \frac{P}{K}$$

Бу ерда,

P - солиқлар, шунингдек қарзлар ва дивидендлар бўйича фоизлар тўлангунига қадар кутилаётган даромад;

K - фирма пассивларининг (мажбуриятларининг) ўртача солиштирма қиймати;

W - кутилаётган «корхона нархи».

«Корхона нархи»нинг пасайиши унинг даромадлиги пасайишини билдиради.

Иккинчи босқич - молиявий беқарорлик босқичи бўлиб, нақд пулнинг камлиги, банкротликнинг айрим дастлабки белгилари мавжудлигидан келиб чиқади.

Бу босқичда раҳбарият кўп ҳолларда «пардозлаш» чораларига берилади, яъни омонатчилар ва банклар шубҳасини барта раф этиш учун, қисман активларни сотиш орқали заём капиталини орттириш йўли билан акционерларга юқори дивидендлар беришни давом эттиради.

Тажрибалардан маълумки, вазият ўта кескинлашиб кетган ҳолларда, аксарият раҳбарлар пул топиш учун, ҳатто қаллобликлар қиладилар.

Учинчи босқич - юридик нуқтаи назаридан яққол намоён бўлган банкротлик, яъни бунда корхона қарзларини муддатида тўлай олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига асосан банкротлик судсиз ва судда бажариладиган амаллар орқали кўриб чиқилади.

Судсиз бажариладиган амаллар - қарздорга кредиторлар билан музокара олиб бориш йўли орқали ёки қарздор ҳужалик юритиш субъекти фаолиятини давом эттиришга келишиш ёки ҳужалик юритиш субъектининг ихтиёрий равишда тугатилиши тўғрисидаги қарорига уларнинг розилигини олиш имконини берувчи усуллар ҳисобланади.

Ҳужалик судида банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш учун қарздор ёки кредиторнинг, шунингдек прокурорнинг ари-заси асос бўлади.

Қуйидаги ҳолларда банкрот бўлганликка доир иш қўзғатиш мумкин:

- ҳужалик юритиш объекти ўзи эътироф этган даъво талабларини уч ой мобайнида қаноатлантиришга ёхуд ҳужжатлар бўйича қарзни тўлашга қодир бўлмаса;

- агар ҳужалик юритиш субъекти шартномадаги суммани тўлаш ҳақида ёзма равишда талабнома олганидан кейин уч ой мобайнида тўлай олмаган бўлса;

- қарз мажбуриятларининг қиймати ҳужалик юритиш субъекти мол-мулкининг қийматидан ортиб кетса;

- ҳужалик юритиш субъекти иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолганлигини ўзи эътироф этса.

Банкрот бўлганликка доир ишларни юритиш Ўзбекистон Республикасининг Ҳужалик-процессуал кодекси билан тартибга солинади, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан истиснодир.

16.3. ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАРНИ САНАЦИЯЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисида»ги қонунчиликни амалга оширишга доир чора-тадбирлар

туғрисида»ги ПФ - 1658 - сон Фармонига асосан ишлаб чиқилган «Иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш туғрисида»ги Низом хўжалик юритувчи субъектлар - қарздорларнинг тулов қобилиятини соғломлаштириш ҳамда тиклаш мақсадида ўтказиладиган ночор корхоналарни санациялаш масалаларини тартибга солади.

Мазкур низомда «санациялаш» тушунчасига изоҳ берилади ва унинг мақсадига аниқлик киритилади. Жумладан, таъкидланадики, зарар кўриб ишлайдиган, тулов қобилияти бўлмаган иқтисодий ночор корхонани санациялаш дейилганда мулкдор, кредитор (кредиторлар) ёки бошқа шахслар, шу жумладан давлат томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан хўжалик субъекти фаолиятини молиявий соғломлаштириш тушунилади.

Хўжалик субъектининг тулов қобилиятини тиклаш, товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳақ тўлаш бўйича кредиторлар талабларини қондира олиш, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга туловларни тўлай олиш қобилиятини тиклаш, шунингдек корхоналарнинг самарали фаолиятини давом эттириши учун молиявий шароитлар яратиш - санациялашнинг мақсадидир.

Зарар кўриб ишлайдиган, тулов қобилияти бўлмаган ёки иқтисодий ночор корхонани санациялашнинг вазифаси унинг барқарор молиявий таъминотини, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш, сотишни бошқариш, ташкил этиш, унинг техника ва технологиясида зарур қайта ўзгаришларни оқилона ва самарали амалга оширишни таъминлашдир.

Санациялаш қарздор корхонага хўжалик судида унинг иқтисодий ночорлиги туғрисида иш қўзғатгунга қадар, шунингдек банкротлик туғрисида иш қўзғатиш чоғидаги дастлабки тадбирлар жараёнида молиявий ёрдам кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Корхонани санациялашнинг давомийлиги 18 ойдан ошмаслиги лозим.

Низомда таъкидланишича, хўжалик судининг қарорига мувофиқ нодавлат корхоналари учун санациялаш даври 6 ойгача узайтирилиши мумкин.

Санациялаш бошланишидан 12 ой утгач, кредиторларнинг талаблари умумий суммасидан камида 40 фоизи қондирилиши лозим.

Зарар кўриб ишлайдиган, гулов қобилияти бўлмаган ёки иқтисодий ночор корхонанинг мулкдорлари, кредиторлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар санациялаш субъектлари ҳисобланадилар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси давлат номидан санациялаш субъекти сифатида катнашади.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш асосида амалга ошириладиган санациялаш объектлари ҳисобланиши мумкин.

Давлат иштирокида биринчи навбатда санацияланадиган корхоналарга қуйидагилар киради:

- озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар;
- давлат мудофаа қудратини ва хавфсизлигини қўллаб-қувватлашни таъминловчи корхоналар;
- тоғ-кон қазийш, энергетика, металлургия, кимё, машина-созлик саноати ва деҳқончилик саноати мажмуи корхоналари;
- фаолияти давлат томонидан бошқариладиган корхоналар.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг қуйидаги гуруҳларига ҳам давлат ёрдами кўрсатилиши мумкин:

- иқтисодиётнинг турли тармоқларида, биринчи навбатда ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ишлаб чиқаришни технологик қайта қуришни жадаллаштириш учун зарур бўлган қисмида хўжалик фаолиятини фаоллаштириш ҳолатида бўлган истиқболли корхоналарга;
- рақобатга бардошли, экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга;
- энергияни тежаш техникасини ишлаб чиқаришни ҳамда меҳнат самарадорлигини оширишни, меҳнатнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш, янги материалларни қўллаш, ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини таъминлашни, ишлаб чиқаришни автоматлаштирилишига мўлжалланган янги илғор технологияларни ўзлаштиришни кўзда тутган корхоналарга;

- тармоқлараро ва минтақалараро кенг кооперация алоқалари бўлган корхоналарга.

Иқтисодий ночор корхоналар мониторинги ва уларнинг молия - ҳужалик фаолияти натижалари белгиланган тартибда амалга оширилади.

Зарар кўриб ишловчи, тулов қобилиятига эга бўлмаган ва иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш давлат маблағлари иштирокисиз ва иштироки билан ҳам пулга, ҳам пулсиз асосда, шу жумладан, танлов асосида амалга оширилади.

Низомда белгиланишича, давлат маблағларисиз санациялаш қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- зарар кўриб ишловчи, тулов қобилиятига эга бўлмаган қарздор корхоналарга ҳужалик юритувчи субъектнинг тулов қобилияти тикланишидан ва унинг фаолияти давом этишидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

- қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга ҳисобланадиган туловлар муддатини узайтириш ва уларни бўлиб - бўлиб бериш туғрисидаги шартлашувга эришиш ёки ҳужалик юритувчи қарздор субъектнинг фаолият кўрсатиши учун қарзларидан чегирма олишга қаратилган қарздор бўлган кредиторлар ўртасида битимлар тузиш;

- иқтисодий ночор корхона - дебиторни ихтиёрий равишда тугатиш ёки уни ўз кредиторларининг тулов қобилиятларини тиклаш мақсадида қонунчилик билан белгиланган тартибда банкрот деб эътироф этиш;

- иқтисодий ночор корхона мулкани ким ошди савдоси ёки танлов асосида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.

Давлат маблағлари иштирокидаги ночор корхоналарни санациялаш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- қарзлардан ўзаро воз кечишни ташкил этиш;
- факторинг шаклида;
- муддати узайтирилган қарзларни тўлиқ ёки қисман тўлаш;
- солиқлар ва мажбурий туловларни тўлашдаги муддатни санациялаш муддатига узайтириш, бироқ унинг муддати 18 ойдан ошиб кетмаслиги керак;

- корхонани санациялашга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун корхонани санациялаш фондидан маблағларни мақсадли ажратиш;

- ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот (ишлар, хизматлар)лар ишлаб чиқариш учун қайта ихтисослаштириш;

- корхонага уз маҳсулотларини шартнома асосида давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериш имкониятларини яратиш;

- ташкилий - ишлаб чиқариш менежментини, шу жумладан, бунинг учун четдан жалб этиладиган юқори малакали мутахассисларни менежмент, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва маркетинг буйича ҳақ тулаш йули билан узгартириш;

ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Корхоналар мулки эгаларининг, кредиторлар, бирлашмалар (хужалик уюшмалари), бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ёрдами; иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарни санациялаш фонди маблағлари корхоналарни санациялашнинг маблағ манбалари ҳисобланади.

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳузуридаги Корхоналарни санациялаш фонди маблағлари қуйидаги манбалардан шаклланади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва гадбиркорликни қўллаб -қувватлаш давлат қўмитаси ва Меҳнат вазириликнинг аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашувчи фондининг тенг улушларда бўлган 100 млн. сум миқдоридagi маблағлари ҳисобига беғараз молиявий ёрдамлари;

- давлат мулки объектларини хусусийлаштиришдан тушадиган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва гадбиркорликни қўллаб -қувватлаш давлат қўмитаси тасарруфида қоладиган улуш ҳисобидаги 5% миқдоридagi маблағлар;

- Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг шартнома асосида ихтиёрий тақдим этиладиган маблағлари;

- давлатга тегишли корхоналарнинг мулкидаги улуш буйича ҳисобланган ва белгиланган мақсадда фойдаланилмаган дивидендлар.

Санациялашнинг ташкил этилиши ва унинг қандай утказилаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирилар

Маҳкамаси томонидан тасдиқланган амалдаги Низомга асосан Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Корхонани сақлаб қолиш имконияти булмаган тақдирда, ушбу ҳол учун самарали ҳисобланган усул қўлланилади, яъни корхона тугатилади ёки банкрот деб эътироф этилади.

Корхона сузсиз инқирозга қараб кетаётган бўлса ва унинг тугатилиши банкротликнинг олдини олса, корхона тугатилади. Корхонанинг тугатилиши ички ва ташқи сабаблардан келиб чиқади, шунингдек қурилиши мумкин бўлган барча тадбирлар самарасиз бўлса, корхона маъмуриятнинг қарори билан тугатилади.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон» Т., 1997 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. «Ўзбекистон» Т., 1995 й.
3. Каримов И.А. Ислохотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик. «Ўзбекистон» Т., 1996 й.
4. Каримов.И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997 й.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент «Ўзбекистон», 1999 й.
6. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш устувор вазифа. Тошкент «Ўзбекистон», 1998 й.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Тошкент «Ўзбекистон», 1998 й.
8. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот - масъулиятли босқич. Тошкент «Ўзбекистон», 1994 й.
9. Каримов И.А. Мы и дальше будем идти по пути строительства и созидания. Ташкент, 1995 г.
10. Каримов И.А. Узбекистан на пути экономического подъема. Ташкент, 1996 г.
11. Каримов И.А. Высококвалифицированные специалисты - стимул прогресса. Ташкент, 1995 г.
12. Каримов И.А. Не построив новый дом, не разрушай старого. Ташкент, 1992 г.
13. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса. Ташкент, 1994 г.
14. Хайдаров Т.М., Гофуров А.Г. Экономика предприятия. Андижан, 1998 г.
15. Додобоев Ю.Т. ва б. Иқтисодий назария курси. Фарғона, 2000 й.
16. Усмонов С.Н. ва б. Менежмент асослари. 1997 й.
17. Додобоев Ю.Т. Менежмент асослари. Фарғона, 1977 й.
18. Усмонов С.Н. Маркетинг асослари. Фарғона, 1997 й. «Фан»
19. Додобоев Ю.Т и др. Макроэкономика. Ташкент, 1999 г. «Фан».
20. Чжен В.А. Бозор қонуниятлари асослари. Тошкент., 1996 й.
21. Усмонов С.Н. Основы предпринимательства. Ташкент, «Фан», 1997

22. Додобоев Ю.Т. ва б. Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш. Тошкент, 1999 й.
23. Додобоев Ю.Т. и др. Экономика предприятия. Ташкент, 1998 г.
24. Додобоев Ю.Т. и др. Инновационный менеджмент. Кувасай, 1999 г.
25. Усмонов С. ва бошқалар. Молиявий менежмент, Т. 1998 й.
26. Додобоев Ю.Т. Финансы, 1996 г.
27. Додобоев Ю.Т. и др. Рынок ценных бумаг. Ф., 2000 г.
28. Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А.. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Андижон, 2001 йил
29. Додобоев Ю.Т. Экономика АПК, часть 1,2, Т. 1999-2000 г.
30. Додобоев Ю.Т. Политика доходов и заработной платы. Ф., 1998 г.
31. Жабборов Т.О. ва б. Амалий иқтисодиёт., 1,2-қисмлар, Т. 1999 г.
32. Гуломов С.С. ва б. Ходимларни бошқариш. 1-қисм. Фарғона, 2000 й.
34. Усмонов С.Н. Бозор иқтисодиёти асослари. Т. 1999 й.
35. Абдуллаев Ф. Макроиқтисодий статистика. Тошкент, «Меҳнат» - 1998 й.
36. Абдуллаев Ф.. Статистика назарияси. Тошкент, «Меҳнат» - 2000 й.
37. Абдуллаев Ф., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. Тошкент, «Меҳнат» - 2000 й.
38. Гуломов С. Шарифхўжаев М. Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти. Тошкент, «Уқитувчи», 2000 й.
39. Абдуллаев Ф., Шоҳаъзамий Ш. Қимматли қогозлар. Тошкент, «Меҳнат», 1997 й.
40. Абдуллаев Ф. Бозор иқтисодиёти асослари. Тошкент, «Меҳнат», 1997 й.
41. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ф. Менежмент. Тошкент, «Меҳнат», 2000 й.
42. Абдуллаев Ф., Яхёев Қ. Солиқ. Тошкент, «Меҳнат», 1997 й.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Фаннинг предмети ва мақсади	6

I БУЛИМ

КОРХОНА ВА ТАДБИРКОРЛИК

I БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

1.1. Ишлаб чиқариш корхонаси	10
1.2. Тадбиркорлик ҳуқуқи ва корхона мажбуриятлари	15
1.3. Корхона туркумлари	17
1.4. Корхона таркиби	21
1.5. Корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси	25
1.6. Иш жойи	27
1.7. Янги корхонанинг ташкил этилиши ва уни ҳуқуқий расмийлаштириш	30
1.8. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш	33

II БОБ

ТАДБИРКОРЛИК ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

2.1. Тадбиркорлик тушунчаси, мақсади ва вазифалари	34
2.2. Тадбиркорликни ривожлантириш босқичлари	38
2.3. Тадбиркорлик соҳаси	39
2.4. Тадбиркорлик шакллари	40
2.5. Жамоа тадбиркорлиги	41
2.6. Ширкатлар	42
2.7. Масъулияти чекланган жамият	43
2.8. Акциядорлар жамияти	43
2.9. Кичик тадбиркорлик	58
2.10. Йирик ҳажмли тадбиркорлик	67
2.11. Тадбиркорлик ассоциациялари ва иттифоқлари	68
2.12. Йирик диверсификацияланган (узгарувчан) бирлашмаларни бошқариш шакллари	72
2.13. Маҳаллий уюшма тадбиркорлиги	75

III БОБ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТОВАР АЙИРБОШЛАШ

3.1. Ишлаб чиқариш ва товар айирбошлашнинг узлуксизлиги	79
3.2. Товар	88
3.3. Бозор - товар айирбошлаш соҳасидир	89
3.4. Бозор таркиби	90
3.5. Бозор - иқтисодиёт функциясидир	94
3.6. Бозорнинг асосий курсаткичлари	94

3.7. Бозор ва монополиялар	97
3.8. Давлат ва бозор	98
3.9. Бозорни тартибга солишнинг Ғарбча методлари	100
3.10. Халқаро бозор	105
3.11. Бозор ислоҳоти	108
3.12. Ўтиш босқичи	116

IV БОБ

КОРХОНАНИНГ БОЗОР ТОВАР АЙИРБОШЛАШИДАГИ УРНИ

4.1. Ташаббус, стратегия	123
4.2. Мақсадлар	123
4.3. Кузланган мақсадга эришиш	126
4.4. Прогнозлаш. Мақсаддан-прогноزلарга	128
4.5. Тадқиқот йули билан ва меъёрий прогнозлашнинг узаро алоқаси	133
4.6. Маркетинг тадқиқотлари: тушунча, шакллар	140
4.7. Бозор сегментини танлаш	146
4.8. Реклама: функцияси ва вазифалари	149

V БОБ

ИЖАРА, ЛИЗИНГ

5.1. Ижара	152
5.2. Лизинг	156
5.3. Молиявий лизинг	158
5.4. Лизинг самарадорлиги	160
5.5. Лизинг турлари	164

II БУЛИМ

КОРХОНА РЕСУРСЛАРИ

VI БОБ

КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ

6.1. Асосий фондлар тузилмаси	174
6.2. Асосий фондларнинг жисмонан ва маънавий эскириши	178
6.3. Асосий фондлар амортизацияси	180
6.4. Асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш ва уларнинг кўрсаткичлари	191

VII БОБ

АЙЛАНМА ВОСИТАЛАР

7.1. Корхона айланма воситаларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш	198
7.2. Айланма воситаларни бошқаришнинг корхона фаолияти якуний натижаларига таъсири	206

VIII БОБ
КОРХОНА МОЛИЯСИ

8.1. Корхона молиясининг маъноси ва функцияси	213
8.2. Корхонанинг молиявий ресурслари	216
8.3. Корхона харажатлари	218
8.4. Маҳсулот сотиш (иш бажариш, хизмат курсатиш)дан тушган тушум	223
8.5. Фойда	228
8.6. Солиқларнинг умумий характеристикаси (тавсифи)	231
8.7. Корхона даромадининг тақсимланиши ва солиққа тортилиши	234
8.8. Молиявий режалаштириш	236

IX БОБ
КАДРЛАР ВА МЕҲНАТ МОТИВАЦИЯСИ

9.1. Корхонанинг кадрлар потенциали	242
9.2. Меҳнат унумдорлиги	245
9.3. Кадрлар (ходимлар) бошқаруви	248
9.4. Меҳнат мотивацияси	254
9.5. Меҳнатга ҳақ тулаш	257

X БОБ
КОРХОНА БОШҚАРУВИ

10.1. Бошқарув механизмининг таркибий тузилмаси ва вазифалари	264
10.2. Хужалик бошқарувининг асосий принциплари	266
10.3. Бошқарув органининг таркибий тузилмаси	268
10.4. Бошқарув органларининг функциялари	272
10.5. Концернлар бошқаруви механизмининг хусусиятлари	277
10.6. Бошқарув ходимлари	279
10.7. Бозор муносабатлари қоидаларини ушлаштириш механизми	280

XI БОБ
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ ДАСТАКЛАРИ

11.1. Норма (меъёр) ва нормативлар	282
11.2. Нормалаштириш услублари	288
11.3. Бошқарув механизми курсаткичлари	289
11.4. Моделлаштириш	293
11.5. Бошқарувда ахборот	301

XII БОБ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИ -
БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИНГ АСОСИ

12.1. Ишлаб чиқариш жараёнларининг шаклланиши	304
12.2. Ишлаб чиқариш жараёнларининг характеристикаси (тавсифи)	306
12.3. Ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаш	308
12.4. Ишлаб чиқариш цикли	311

12.5. Ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий функциялари	313
12.6. Ишлаб чиқариш турлари	316
12.7. Ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат курсатишни ташкил этиш	318

XIII БОБ

КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

13.1. Режалаштириш функциялари ва вазифалари.	320
13.2. Режалаштириш технологияси	321
13.3. Корхона режасининг таркибий тузилиши	323
13.4. Корхона ходимлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш	325
13.5. Узоқ муддатли ва жорий режалаштириш	326
13.6. Ички ишлаб чиқариш режалари	328
13.7. Ишлаб чиқаришни режалаштириш ва маҳсулот сотишнинг буюртмалар портфелини шакллантириш	329

XIV БОБ

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШ

14.1. Инвестиция	334
14.2. Инвестиция лойиҳаларини бошқариш	342
14.3. Инновация лизинги	346

XV БОБ

ИЧКИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ

15.1. Ички ишлаб чиқариш муносабатлари тизими	348
15.2. Ички ишлаб чиқариш иқтисодий муносабатларининг ташкил этилиши	349
15.3. Корхонада иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этиш шартлари	350
15.4. Корхонада шартномавий муносабатларни ташкил этиш	351
15.5. Корхона даромадининг муайян қисмини бўлинмалар уртасида тақсимлаш механизми	352
15.6. Корхона таркибий бўлинмаларининг қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари	353
15.7. Корхонанинг ички режавий ҳисоб-китоб нархлари	355
15.8. Корхона таркибий бўлинмаларининг даромади	356
15.9. Корхона ички эътирозларини кўриб чиқиш	358

XVI БОБ

САНАЦИЯ ВА КОРХОНАНИНГ БАНКРОТ БУЛИШИ

16.1. Инқирозли вазият	360
16.2. Банкротлик	361
16.3. Иқтисодий ночор корхоналарни санациялаш	368
Фойдаланилган адабиётлар	374

Додобоев Ю.Т., Худойбердиев А.

КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ

Уқув қўлланмаси

(Тўлдирилган иккинчи наشري)

Таҳририят мудир	М. ХУДОЁРОВ
Мухаррир	М. АБДУРАҲМОНОВ
Техн. муҳаррир	М. МИРЗАКАРИМОВА
Мусахҳиҳлар	Ф. ТОЖИБОЕВА Н. ТОЖИМАТОВА

Босмахонага 31.05.2002 йилда берилди. Босишга 24.07.2002 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 23,75 босма тобоқ. Газета қоғози. Буюртма № 878. Тиражи 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«ANDIJON NASHRIYOTI» ОАЖ босмахонасида
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳқучаси, 71.

